

ОЛИМЖОН БҮРИЕВ

# МАЪНАВИЯТ ГУЛТОЖИ

**Муҳаммад Пайғамбар,  
Имом ал-Бухорий ҳақида шеърӣй  
қиссалар ва Ҳадислар талқини**

ТОШКЕНТ «УҚИТУВЧИ» 1997

Шоир Олимжон Бўрневнинг Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга бағишланган «Муҳаммад Пайғамбар», буюк муҳаддис «Ал-Бухорий» шеърӣ қиссалари, Ҳадисларнинг шеърӣ талқинидан тузилган «Маънавият гултоғи» мажмуаси тарихий исломий манбалар асосида яратилган.

Пайғамбар — Муҳаддис — Ҳадислар рамзий бир бутунликни ифода этади, бамисоли Қуёш — Ой — юлдузлар янглиғ муштарийлар қалбини мунаввар этиб, чароғонлик дунёсига етаклайди ҳамда ёш китобхонларни пок ниятли, иймон-этиқодли, ватанпарвар, комил инсон бўлиш ва маънавий дурдоналарни қадрлашга даъват этади.

Китобдан «Одобнома» дарсларида фойдаланиш мумкин.

Шоир мазкур китобини Бухорои шарифнинг 2500 йиллиги ва буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишлайди.

Махсус муҳаррир: «Мовароуннаҳр» нашриёти мудир  
Шайх АБДУЛАЗИЗ МАНСУР

Тақризчилар: академик АЗИЗ ҚАЮМОВ,  
филология фаилари доктори  
БОТИРБЕК ҲАСАНОВ

Б 4301000000—190  
353(04)—97 Ахб. хати — 97. © «Ўқитувчи» нашриёти, 1997

ISBN 5-645-03106-7

## ИККИ ОЛАМ САОДАТИ

(Сўз боши ўрнида)

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Ҳар бир иймонли киши ўзлигини англаб, қалбига чуқурроқ назар ташласа, тахайюл ойнасида Ҳақ таоло жамолини кўргандай бўлади ва унга интилади. Агар у кўрмаса, Оллоҳ уни кўради. Иймон барча ижобий мазмунга эга сўзларнинг тўнғичидир. Бугунги кунда шиорга айланган: «Ватанни севмоқ иймондандир» деган ҳадиси шарифни Пайғамбаримиз Расули Акрам бежиз айтмаганлар. Қомил инсон тушунчаси ҳақида тасаввуфшунос уламолар кўп баҳс юритишади. Улар орзу қилган идеал қомил инсон буюклик, саховат, гўзаллик ва қомиллик тимсоли бўлмиш Муҳаммад Пайғамбаримиздир. Барча набий ва пайғамбарларнинг охиригиси, ёруғ оламдаги барча тилда сўзлашувчи элу элатлар шафоатхоҳи, ҳодий ва раҳнамози Муҳаммад алайҳиссаломдир.

Сарвари олам руҳи покларига минглаб савоатлар, Оллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг беҳисоб раҳматлари ёғилсинким, у зоти муборак ҳақида жуда кўп тарихий, тафсилий насрий асарлар ёзилган.

Оллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, мустақиллигимиз шарофати билан миллий қадриятларимиз тикланмоқда. Халқимиз «Қуръони карим», «Ҳадиси шариф» ва ислом динига оид кўплаб китобларни ўқиб-ўрганиш, ундан баҳраманд бўлиш бахтига муяссар бўлмоқда.

Диний уламоларимиз истиқлол мафкурасидан келиб чиқиб, ислом арконлари ҳақидаги билимларни аҳли муслимга етказсалар, бадий ижод аҳли исломий маърифат ғояларига асосланиб, инсонни исломий миллий руҳда тарбиялайдиган асарлар яратишга уринмоқдалар.

Шоир ва таржимон Олимжон Бўриевнинг бу мавзудаги изланишлари диққатга сазовордир.

Унинг «Муҳаммад Пайғамбар», «Ал-Бухорий» шеърий қиссалари ва Ҳадиси шарифлардан илҳомланиб ёзган шеърлари асосида тузилган «Маънавият гултожи» мажмуаси китобхонлар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

Китобнинг биринчи қисми Пайғамбаримиз Расули Акрам ҳаётлари ва фаолиятларига бағишланган бўлиб, ёш китобхонларга тез етиб борадиган содда ва равон шеърий тилда ёзилган. Пайғамбаримиз ҳақида кўплаб насрий асарлар ёзилиши билан бирга, ул ҳазратнинг мўъжизавий ва ибратли ҳаётлариши ўзида акс эттирган катта ҳажмга эга салмоқдор шеърий асарлар ёзилмаганлигини эътироф этадиган бўлсак, муаллифнинг бу соҳадаги уриниши янада аҳамиятлироқ туюлади.

«Муҳаммад Пайғамбар» шеърий қиссасининг ҳар сатри тақводор қалб муножоти; орифона мусаффо исломий туйғулар тараннуми эканлиги сезилиб туради:

*«Жаброил келтирди икки идишда  
Сут билан май менга, олиб ичишда  
Мен сутни танладим, бўлгандай қойил,  
«Яхши қилдинг»,— деди ҳазрат Жаброил.  
Шундан сўнг самога кўтарилдик заб,  
Бизни чорлар эди илоҳий матлаб.  
Шу маҳал «Қимсан?» деб янгради овоз,  
Ўзларин Жаброил танитганда боз,  
«Ёнингда ким бор?»— деб сўради росмана,  
«Муҳаммад бор»,— деди Жаброил яна.  
Унга пайғамбарлик келдимми деган,  
Бир савол янгради яна жавобан.  
Жаброил: «Ҳа»,— деди ва ўшал замон,  
Қопқаларин очди мунаввар осмон».*

Муаллиф бадий сўз воситасида гўзал шеърий тарзда ул зоти муборакнинг беназир тимсолларини яратиш бахтига муяссар бўлган.

Иккинчи шеърӣ қисса жаҳонга донғи кетган ватан-дошимиз, буюк муҳаддис ҳаёти ва фаолиятдан ҳикоя қилади. Шоир бу асарини мавжуд тарихий маълумотлар ва қизилқарли ривоятларга асослашиб ёзган ва унда аҳли муслим арзандаси Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорийнинг беназир тимсолини ярата олган. Бу шеърӣ қиссада айниқса муҳаддиснинг Ватан ва миллатга бўлган беқиёс севгиси, улуғ эҳтироми ҳар бир шеърӣ сатрда сезилиб туради:

*«Ал-Бухорий тенгсиз мўъжизот,  
Ундай зотни даҳру коинот,  
Қўрганидан бўлди фархунда,  
Қайта ундоқ Рубъи маскунда  
Туғилмади улкан муҳаддис,  
Олти юз минг у билган ҳадис».*

Китоб хотимаси Имом Бухорий ҳазратлари жамлаган пайғамбаримиз Расули Акрамнинг ҳадиси шарифларидан илҳомланиб ёзилган «Маънавият гултожи» шеърлар мажмуасидан иборат бўлиб, муаллиф ахлоқ-одоб, ватанпарварлик, саховат ва олижаноблик, таълим-тарбияга оид умуминсоний ғояларни тараннум этади, китобхонлар қалбида эзгуликка мойиллик уйғотади:

*«Ғазаби келганда бўлса хотиржам,  
Билинг, орангизда у кучли одам.  
Кучлимас мушт тугиб чиққан зўравон,  
Ул зўрдир, енгса гар қилмай тўпалон».*

\* \* \*

*«Тилингдан бошингга ёғилар бало,  
Уни эркин қўйиб юборма асло».*

Хулоса қилиб айтганда, муаллиф бу учликдан иборат манзума асарида кўзлаган мақсадига эришган. Беайб—Парвардигор. Қамчиликларсиз оламда бирор иш бўлмаслиги табиий ва оқилларга аён.

Олимжон Бўриевнинг асаридаги айрим жузъий камчиликлар исломий нуқтаи назардан камина томонидан бартараф этилди.

Шоир кўпгина манбалардан унумли фойдаланганлиги сезилиб туради. Унлаб таржима ва шеърий мажмуалари нашр этилган Олимжон Бўриев «Маънавият гултожи» асарини ёзиб хайрли ва савоб иш қилган. Икки олам саодатига эриштирувчи, катта таълим-тарбиявий аҳамиятга молик ушбу китоб ҳақидаги фикримизни муаллифнинг «Муҳаммад Пайғамбар» шеърий қиссаси хотима-сидаги қуйидаги сатрлар билан якунлашни лозим топдик:

*Эътиқоду ихлосу иймон  
Амри билан битилди дoston.  
Бу оламда шоирлар ғўри  
Узинг эдинг, Олимжон Бўри.  
Парвардигор сенга ёр бўлсин,  
Ҳар ишингда мададкор бўлсин!  
Икки олам, қўллаб Пайғамбар,  
Ҳақ лутфига бўлгин муяссар.  
Парвоз этса руҳи равонинг,  
Муножотдек қолсин ёзғонинг.*

Шайх Абдулазиз МАНСУР

# МУҲАММАД ПАЙҒАМБАР

## Муножот

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм,  
Мададкор бўл, эй улуғ Ҳақим!  
Аввалу охири ўзинг дилогоҳ,  
Минг ҳамду санолар сенга, эй Оллоҳ!  
Илҳом бер, айлагил саодатга ёр,  
Эрурман лутфингдан доим умидвор.  
Руҳи равонимдир роҳатбахш сўзинг,  
Мушкулимни осон айлагил ўзинг.  
Илоҳий сўзинг-ла айлаини хитоб,  
Шундоғ бошлангайдир илоҳий китоб:  
«Жаннатдан қувилди лаънати шайтон»,  
Исминг-ла раҳмли, меҳрибон Яздон —  
Бошлайман: Ҳамд-сано оламлар шоҳи,  
Меҳрибон, раҳмли хилқат паноҳи.  
Қиёмат кунда танҳо ҳукмдор,  
Оллоҳга ҳамд ила санолар минг бор.  
Елғиз сенгагина айлаб ибодат,  
Сўраймиз ўзингдан мадад-саодат!  
Бизга ғазаб қилмай, айлаб тараҳҳум  
Ҳақ йўлдан тоймаган зотлардек маҳрум  
Айламай, ҳидоят эт тўғри йўлга,  
Йўлингдан оғдирмай на ўнгу сўлга».  
Улуғ каломингни ўқиган инсон,  
Дилида шубҳасиз жўш ургай иймон.  
Сенга талпингувчи ёш соғлом авлод,  
Келажак Ватанни айлағай обод.  
Оллоҳни танимоқ «Қуръон»дан эрур,  
«Ватанни севмоқлик иймондан эрур».  
Бошладим қиссангни, эй Расулуллоҳ,  
Ўзи мададкордир ҳар ишда Оллоҳ!

**Ҳазрат Одам алайҳиссаломдан Муҳаммад Расулул-  
лоҳгача ўтган пайғамбарлар ҳақида  
мухтасар зикру ақида**

Оллоҳга бўлсинки миғлаб офарин,  
Изми-ла яралди самою замин.  
Сарандеб ороли жазирама, нам,

Унга туширилди ҳазрати Одам,  
 Ҳамда Момо Ҳаво лутфи беқиёс,  
 Яшашди заминда инсонларга хос!  
 Одам пайдо бўлгач поку саришта,  
 Унга сажда қилди ҳар бир фаришта.  
 Одами ҳокийга тиз чўкмай шайтон,  
 Ширк кетиб, кофирлиғ айлади эълон.  
 Одамни эъзозлаб пок Парвардигор,  
 Деди ўнг томонга боққил падарвор<sup>1</sup>.  
 Беҳисоб авлодин шод кўриб Одам,  
 Уларнинг ҳолидан бўлди дилхуррам.  
 Чап тараф наззора эт, деди Оллоҳ,  
 Одам чап ёнига қайрилди ногоҳ.  
 Кўрди ғуллу занжир ҳар бир одамда,  
 Авлодлари эди азобу ғамда.  
 Аларнинг ҳолидан Одам эзилиб,  
 Худодан сўради илтижо қилиб:  
 «Унгимда булар ким айлашиб роҳат,  
 Сўл ёнда чекишиб захри қабоҳат,  
 Менга эзгуликдан хабар бер, Раббим,  
 Азобу роҳатда икки гуруҳ ким?»  
 Оллоҳга бўлсинки шукри бепоён,  
 «Унгнигда турганлар аҳли мусулмон.  
 Сўл ёнда шайтонга эргашган кофир,  
 Жазога мустаҳиқ аввалу охир».  
 Қисмати азални еру самода,  
 Оллоҳим бир бора айлаб ифода,  
 Яратиб беқиёс «Лавҳул-маҳфуз»<sup>2</sup>ни,  
 Мангулик қисмати деган хуш сўзни,  
 Дарҳол бир фаришта оғзига олди,  
 Оллоҳ амри бирла тош бўла қолди.  
 «Ҳажарул асвад»дур ул тошнинг номи,  
 Қаъба деворида мангу мақоми.  
 Ҳожилар у тошни тавоф айлагай,  
 Бу бирла кўп кори савоб айлагай.  
 Оллоҳим Одамга буюрди алҳол,  
 Яратганга атаб заминда уй сол!  
 Кўтариб пойдевор, тикланганда садд,  
 Устига қўйилсин «Ҳажарул асвад»—  
 Яъни ул Қоратош — қисмати азал,

<sup>1</sup> П а д а р в о р — отадек.

<sup>2</sup> «Л а в ҳ у л - м а ҳ ф у з» — охираат ёзуғи.



Қиёмат келгунча тургай мукаммал.  
Оллоҳим амри-ла рўзи Маҳшарда  
Қиёмат қўпганда бу Баҳру Барда<sup>1</sup>,  
Чиқаргай оғзидан лавҳни саришта,  
Қоратош дафъатан бўлиб фаришта!  
Кимнингки ёзуғи Равзайи Ризвон,  
Бўлар Ҳақ васлига восил бегумон.  
Роҳатбахш боғларда яшагай хуррам,  
Инсон умри нима?— Ёниб ўчган шам!  
Кимнингки ёзуғи бўлса гар дўзах,  
Гоҳи мангу олов, гоҳи мангу ях.  
Иймон-ла қилмаса Ҳаққа ибодат,  
У одам топмагай ҳаргиз саодат.  
Сўнг Одам Атога бўлма деб дилгир.  
Барча авлодларин кўрсатди бир-бир.  
Кўринди Оллоҳнинг дўсти Иброҳим,  
Уни эъзозлади қодир Оллоҳим.  
Ёниб турган норни гулзор айлади,  
Набийлардан уни дўст деб сайлади.  
Уликка жон бериб нафаси Исо,  
Уни ёрлақади яратган Худо!  
Аждарга айланиб Мусо ҳассаси,  
Учди сеҳргару Фиръавн нафаси.  
Гўзаллик тимсоли яралиб Юсуф,  
Кўрган киши деди севгисида уф!  
Юзта саҳифаю тўрт улуғ китоб,  
Туширди Оллоҳим айлабон хитоб.  
Муҳаммад Пайғамбар бўлиб намоён,  
Қолмай Одам Ато кўнглида армон,  
Кўрди унда улуғ, комил инсонни,  
Ҳам сўнгги пайғамбар шоҳи жаҳонни.  
Одам авлодларин айлади дуо,  
Оллоҳ дуосини қилди мустажо.  
Кимки эргашмасдан шайтон-лаъинга,  
Доим устун бўлса Исломга, динга,  
Унга икки олам бергай саодат,  
Иймон-ла қилса гар тоат-ибодат.  
Шайтонга эргашиб дили кўру кар,  
Кофирлик қилганлар аён муқаррар,  
Охиратда олар даҳшатли жазо,  
Уларни мағфират этмагай Худо.

---

<sup>1</sup> Баҳру Бар — денгиз ва қуруқлик, дунё.

Одам хокдан эди охир бўлиб хок,  
Бу фоний оламдан кетди дили пок.  
Фирдавси баринда мақоми бўлгай,  
Ҳар дилда дуою пок номи бўлгай.  
Сўнгра жоҳилият чиқиб авжига,  
Гуноҳлар айланди денгиз мавжига.  
Шайтон йўлдан уриб одамизодни,  
Булгади бирма-бир ҳар пок нажодни.  
Оллоҳдан юз буриб, сиғиниб бутга,  
Одамлар айланди тубан манқуртга.  
Санамлар қошида тиз чўкиб э, воҳ,  
Сажда қилишарди уни деб Оллоҳ!  
Парвардигор доим ҳозир у нозир,  
Истаса ҳар лаҳза ҳар ишга қодир.  
Илкис Иброҳимни қилди имтиҳон,  
Оллоҳнинг амрини бекам, бенуқсон,  
Бажарди Иброҳим мамнуи, кўнгул шод,  
Садоқатни кўриб мужи буддаъвот.  
Деди: «Одамларга имом қилурман,  
Ердаги элчи ҳам дўст деб билурман».  
Кўплаб пайғамбарга оталик — роҳим  
Бўлсин деб сўради Ҳақдан Иброҳим.  
Яратган беқиёс доною олим,—  
«Зурриётинг аро ким бўлса золим,  
Менинг илтифотим етмагай унга,  
Пок наслинг шоҳ бўлар Рубъи маскунга<sup>1</sup>».  
Иброҳим, Исмоил, Мусо пайғамбар,  
Берди эзгулигу иймондан хабар.  
Иброҳим пойидан яшнади замин,  
Бутларни айлади доим чилпарчин.  
Одамларни этиб исломга даъват,  
Шайтони лаъинга ўқиди лаънат.  
Жондан азиз кўрган ширин фарзандин,  
Қурбонлик этгали жигарпайвандин,  
Тасанно бўйнига тортмасдан пичоқ,  
Меҳрибон Оллоҳим амри-ла шу чоқ,  
Жаннатдан ўрнига келди бир қўчқор,  
Ҳар ишга қодирдир пок Парвардигор.  
Иброҳим, Исмоил, Исҳоқлар ўтди,  
Яъқуб, Юсуф алар йўлини тутди.

---

<sup>1</sup> Рубъи маскун — ер юзининг аҳоли яшайдиган обод қисми, тўртдан бири.

Абукабша эри чорвадор эди,  
Ва лекин қашшоғу камрӯзгор эди.  
Муҳаммад келдию қадами қутлуғ,  
Бўлди чорвалари семизу сутлуғ.  
Тўлиб қут-барака хонадонига,  
Оллоҳ файз берди дастурхонига.  
Муҳаммад беғубор, ёқимтой эди,  
Ҳам ҳалим, ҳам солим, хушчиroy эди.  
Уйнаган чоғида шўху шан бўлиб,  
Гирдида доим бир анжуман бўлиб.  
Узгалар қилишса тўпалон, жанжал,  
Муҳаммад урушмас эди ҳеч маҳал.  
Бўлса ҳам қўлнда битта ёнғоғи,  
Сўраса берарди дўсту ўртоғи.  
Не бўлса борига этарди шукр,  
Ширинлик, қанд-қурс деб, қилмасди ур-сур.  
«Умрида сўрмади ортиқ бир нима,  
Не берсам ер эди», — дерди Ҳалима —  
Бир кунн кўчада юганда ўйнаб,  
Икки оқ кийимли киши келиб заб,  
Қоринини ёришиб, қамчисн билан,  
Шайтон васвасасин олмиш дилидан.  
Уғлим чопиб келиб айлади хабар:  
«Иккита оқ кийган ботир-диловар,  
Укамнинг қоринини ёришди човлаб,  
Қамчи дастаси-ла титкилаб ковлаб».  
Отаси иккимиз эшитиб дарҳол,  
Олдига борганда деди бемажол:  
«Келди оқ кийимли иккита одам,  
Бирови шуми? — деб сўрагани дам,  
Шу деб бош ирғадн шериги беун,  
Икковларн ерга ётқизиб сўғун,  
Кўкрагимни ёриб тита бошлашди,  
Кейин бир нимани олиб ташлашди.  
Қўрқдиму ва лекин парво қилмайман,  
Нимани олншди, аммо билмайман».  
Уша кундан бошлаб улуғ Пайғамбар,  
Инсонга стказса не зиён, зарар,  
Шайтоний ҳислару ҳар кори ифлос,  
Бўлди ҳою-ҳавас боридан холос.  
Ушбу ҳодисотдан Ҳалима чўчиб,  
Элтди боласини онага қўчиб,  
Бўлган воқеани айлади баён,  
Берди онасига уни безиён.

Ҳалимадан олиб ўғлини она,  
 Кетди эр тоғаси юрти томона.  
 Эри дафн этилган Мадина тараф,  
 Борди она ўғли бағрида садаф.  
 Зиёратдан қайтган чоғида аммо,  
 Макка ва Мадина йўлида Абво  
 Деган бир манзилда оламдан ўтди,  
 Расулни буваси илгидан тутди.  
 Умму Айман асраб парвариш қилди,  
 Бобоси юзига тун-кун тикилди.  
 Ҳаддан яхши кўриб неварасини,  
 Сездирмай етимлик дил ярасини,  
 Қиларди ҳар ишни не бўлса мақбул,  
 Келажакда бўлар улўф одам ул.  
 Меҳрибон бобоси Абдулмутталиб,  
 Ажал хунёгари поғора чалиб,  
 Саккизга кирганда ўтиб оламдан,  
 Муҳаммад ажралди сўнгги ҳамдамдан.  
 Етим бола қолмай ғам-фироғига,  
 Олди амакиси қарамоғига.  
 Абутолиб бўлиб жуда меҳрибон,  
 Эди оққўнғил ва камбағал инсон.  
 Сарвари оламнинг қадами ёқиб,  
 Келди қут-барака дарёдай оқиб.  
 Болалиги уни эрта тарк этди,  
 Дилдан енгил-елпи ҳислари кетди.  
 Бу дунё ишига қилмасдан рағбат,  
 Хаёлга ғарқ бўлиб юрарди фақат.  
 Ўзига аёндир бу сир-синоат,  
 Муҳаммад айларди шукру қаноат.  
 Етганда ўн икки ёшга Пайғамбар,  
 Илк бор Шом мулкига айлади сафар.  
 Қолдириб кетишга қиймасдан кўзи,  
 Абутолиб уни обкетти ўзи.  
 Узоқ туришмади тожирлар Шомда,  
 Улар изларига қайтган ҳангомда<sup>1</sup>.  
 Сурия Арабнинг сарҳади аро,  
 Бор эди бир шаҳар номидир Басро.  
 У жойда нафасин ростлади карвон,  
 Гўё хушбўйликка тўлди ҳар томон.  
 Бўлажак пайғамбар шарофати-ла,  
 Инсоннинг комиллиғ зарофати-ла,

<sup>1</sup> Ҳангом — давр, пайт, замон, вақт бирлиги.

Яҳудий уламо роҳиб Бухайро,  
Келиб сурништирди араблар аро.  
Борми деб, Оллоҳга элчи пайғамбар,  
Муқаддас китобда бу ҳақда хабар  
Берилиб, дилларни нурафшон этган,  
Овозаси Ислом аҳлига етган.  
Қарвон аҳли бир хил айлашиб хитоб,  
Бундай зот йўқ дея беришди жавоб.  
Насрону яҳудий қавми-чи беҳад,  
Ушбу башоратни айлашарди рад.  
Муҳаммад Пайғамбар расули худо,  
Оламга келишин эшитган асно.  
Бўлиб мушрикларнинг куфри зиёда,  
Инкор айлашарди: «Ёруғ дунёда  
Оллоҳ кофирларни раҳматдан дариг  
Айлагай, азобдан рангларин сариг»—  
Бақара сураси ушбу, ниҳоят,  
Саксон тўққизинчи бир қисми оят.  
Оламга келмасдан Муҳаммад шодком,  
Уни билар эди бор аҳли Ислом.  
Боиси муқаддас илоҳий китоб,  
Лавҳида бор эди шундай сўз савоб.  
Оллоҳга бўлгайдир ҳазорон раҳмат,  
Чиқар араблардан бир расул Аҳмад,  
Муъмин-муслимларга кўргузиб шафқат,  
Оламнинг сарвари бўлар у ҳазрат.  
Яҳудий, насроний кириб у динга,  
Барҳам берилгайдир уруш-қирғинга!

### Осийлар жанги

Боиси Арабу Ажамда тез-тез,  
Бўларди кашокаш<sup>1</sup>, кўп эди хунрез.  
Арзимас нарса деб тўкишарди қон,  
Бадавий араблар эди беомон.  
Фурот дарёсининг ғарб соҳилида,  
Хира шоҳи Нуъмон бир бор йилида,  
Укоз бозорига Мадина томон  
Юбориб турарди мол ортган қарвон.  
У пайтда кўп эди талончи ўғри,  
Ким бўлса баҳодир, одил ва тўғри,  
Ушанга ишониб доим Нуъмоншоҳ

---

<sup>1</sup> К а ш о к а ш — жанг, тортишув.

Ёлларди, берарди мол-мулкин ҳар гоҳ.  
 Қунларнинг бирида Барроз ибн Қайс,  
 Зөлим, ёвуз эди бу кимса бефайс.  
 Уни ёқтирмасдан қабиладошлар,  
 Тиғидан кесилган эди кўп бошлар.  
 Нуъмон ҳузурига у келса алҳол,  
 Бор эди наздида Ўтбатур Раҳқол.  
 «Укозга молимни етказди ким?»—  
 Деганда Нуъмоншоҳ туролмасдан жим,  
 «Мен асраб бераман»,— деб айтди Барроз,  
 Кинона аҳлидан то роҳи Укоз.  
 «Ким асрай олади барчадан омон,  
 Менинг молларимни?»—деб сўрди Нуъмон.  
 Гапга аралашиб жим турган Урва,  
 Дедики: «Бу эшак, бўйнида тўрва,  
 Қандоқ молларингни асролгай кўппак,  
 Қўлидан иш келмас, бу таги паст сак.  
 Барча араблардан етказмай ғорат,  
 Мен бориб келурман қилиб тижорат».  
 Баррозга ботса-да бу гаплар оғир,  
 Қасд олиш кўйида билдирмади сир.  
 Урва тижорат-ла чиққанда йўлга,  
 Макру ҳийла билан тушириб қўлга,  
 Бошини кесди сўнг қилмай тараҳхум,  
 Кинонага одам жўнатди шу зум:  
 «Менга аён бўлди ғаним ҳийласи,  
 Сизга ҳужум қилар Қайс қабиласи»,  
 Урва ўлганни билиб Қайс аҳли,  
 Дарҳол ҳужум қилди, қўзиди жаҳли.  
 Қасос ғазабидан ўзидан кетиб,  
 Хун оличлар келди Нахлага етиб.  
 Макка ва Тоифнинг ораси бу жой,  
 Хурмозор бир водий ҳамда хушчиroy.  
 Қурайшу Кинона — икки қабила,  
 Бу жангда енгилди бемакру ҳийла.  
 Ҳар икки томондан берилиб қурбон,  
 Хурмозор водийда тўкилди кўп қон.  
 Мағлублар масжиди ҳаромга кириб,  
 Беркинди, йўқса Қайс кетарди қириб.  
 Бу жангда бор эди Расул Муҳаммад,  
 Худо етказмади унга ҳеч заҳмат.  
 Ғалаба нашъаси бағишлаб сурур,  
 Қайсликлар дейишди бақриб, мағрур:

«Урванинг қонидан кечмагаймиз, нанг<sup>1</sup>,  
Келаси йили ҳам қилажакмиз жанг,  
Укозда албатта олажакмиз хун,  
Барчангни қилармиз мағлубу нигун».  
Юртига қайтишгач улар музаффар,  
Бутун қабилани этди сафарбар.  
Туғлари остига бўлди яна жам,  
Сақифу бир неча қабила ҳамдам.  
Қурайш Кинонадан ташқари бу чоқ,  
Макка жанубидан топди иттифоқ.  
Ҳошим оқсоқоли Абдулмутталиб,  
Келди ака-ука ноғора чалиб.  
Абутолиб билан Ҳамзаю Аббос,  
Ҳам жияни Муҳаммад ботирларга хос.  
Келиб икки томон жангда юзма-юз,  
Юракларда қаҳр, вужудларда муз.  
Бу уруш айланиб қирғинбаротга,  
Араб тарихида қолиб иснодга.  
Муқаддас Маккани қилмай эҳтиром,  
Оёқ ости қилган бир тўда авом.  
Осийлар жанги деб бу жанг ном олди,  
Айбдорлар разолат комида қолди.  
Ноҳақлик ҳарбида омади чопмай,  
Қайс аҳли енгилиб таназзул топмай,  
Орага чиқиб бир тadbиркор одам,  
Сулҳ,—дея берди у қирғинга барҳам.  
Қайс аҳли кўриб кўп талафот, зиён,  
Қурайшлар уларга тўлади товон.  
Бўлгунча бу ишлар узил-кесил ҳал,  
Дафъатан чиқмади низою жанжал.  
Ҳарб иби Умайя бўлиб ишбоши,  
Адолат палласи тарозу тоши.  
Гаров бериб ўғли Абу Суфённи,  
Тўлади келишган барча товонни.  
Кўпларни ўлдириб бу мақсадсиз жанг,  
Ҳар икки томоннинг ҳолини этди танг.  
Ислоннинг шуъласи таралган замон,  
Оллоҳ арабларни қилди меҳрибон.  
Улар қалби бўлиб дўстликка мойил,  
Қон тўкиш тўхтади саналиб ботил.  
Ва лекин урушдан етган касофат,  
Бўлди кўплар учун балойи офат.

---

<sup>1</sup> Нанг — ор-номус маъносига.

Бировни муҳтожлик пойидан чалди,  
Биров очу наҳор, яланғоч қолди.  
Макка боёнлари тузиб иттифоқ,  
Бир тадбир тузишиб чиқдилар шу чоқ.  
Очу мусофиру ҳар бир гадоға,  
Қилишди беҳисоб хайру садоға.  
Бу ишда иштирок этиб Пайғамбар,  
Гўзал хулқи билан мумтоз ҳар сафар,  
Бўлди ўзгаларга намуна, ибрат.  
«Эзгу ишлар учун соҳиби қудрат  
Мени юборгандир,—деди,—сизларга,  
Айлаб лутфу эҳсон ул азизларга.  
Қолмай жамоада гинаю кеклик,  
Нашъу намо топди эзгулик, неклик.

### **Расулulloҳнинг Шомга иккинчи сафари**

Кириб йигирма беш ёшга муқаррар,  
Иккинчи бор юрди Шомга Пайғамбар.  
Асаднинг қавмидан Хувайлид қизи,  
Хадича мустаҳкам эди илдизи,  
Қим бўлса тўғрию виждонли, ҳалол,  
Ёллаб шерикликка соттирарди мол.  
Билиб олгач хулқу қийлу қолини<sup>1</sup>,  
Ишониб берарди сўнгра молини.  
Ростгўйу ишончли Муҳаммад Амин,  
Бу сўзга гувоҳдир самою замин.  
Бериб мато-молин у зотга сара,  
Содиқ хизматкори, яъни Майсара  
Унга ҳамроҳ бўлиб жўнади Шомга  
Ҳамда нойил бўлди кўп эҳтиромга!  
Катта фойда бериб бу галги савдо,  
Берди қут-барака Расулга Худо!  
Майсара ҳурмат-ла у зотни таниб,  
Бир умр чин дилдан қолди боғланиб.

### **Хадича хоҳиши билан Расулulloҳнинг унга уйланишлари**

Муҳаммади Амин алайҳиссалом,  
Маккага соғ-омон қайтгани маром.  
Бирига ўн бўлиб олган фойдаси,  
Одиллик ишининг қонун-қойдаси.  
Барча ишларига гувоҳ Майсара,

---

<sup>1</sup> Қийлу қол — феъл-атвор.



У эди ходимлар ичра энг сара.  
 Бўлиб бу ҳолатда Хадича хурсанд,  
 Унга юрагини айлади пайванд.  
 Қирқларга тўлмаган бу гўзал аёл,  
 Унга тегишликни айлади хаёл.  
 Илк бора таомил ва одатга зид,  
 Майлини билдирди унга нозик дид.  
 Бу гапдан Муҳаммад ҳайратда қолиб,  
 Кўрди яқинларга маслаҳат солиб.  
 Амак Абутолиб бериб хушжавоб,  
 Деди: «Ҳар иккиннга бўлгайдир савоб.  
 Хадича покдомон аёл, саришта,  
 Файзу саховатли мисли фаришта.  
 Қўшилган мисоли лола ила гул,  
 Бўлар бу никоҳи барчага мақбул.  
 Юрарсан мужаррад<sup>1</sup> токай сўққабаш,  
 Севингил бахтимга қулди деб қуёш».  
 Шундай деб амаки меҳри товловчи.  
 Борди Муҳаммад-ла бирга чун совчи.  
 Хадича, амаки Амр ибн Асад,  
 Мамнун қаршилади уларни беҳад.  
 Ҳам ота ўрнида розилик берди,  
 Шавқдан асалари гулдан бол терди.  
 Келин-куёвликка никоҳдир рутба,  
 Абутолиб шундай ўқиди хутба:  
 «Оллоҳ бизни этиб шу бахтга ноил,  
 Бобомиз Иброҳим, ўғли Исмоил.  
 Бизга аждод бўлган одамлар асли,  
 Маъад ва Музар ҳам уларнинг насли.  
 Ҳамда Байтуллоҳда Масжиди ҳарам,  
 Бизларга тегишли доимий мақом.  
 Улуғ зиёратгоҳ Каъбайи Оллоҳ,  
 Қон тўкиш не, ҳатто узилмас гиёҳ.  
 Худонинг ўйидир муқаддас Каъба,  
 Унга соҳиб бўлиш бизга мартаба.  
 Қилди одамларга бизни ҳукмрон,  
 Гувоҳдир бу ишга замину осмон.  
 Оллоҳга минг таҳсин, ҳазорон шукр,  
 Бизга берди иқбол, ҳаёту бахт, нур.  
 Жияним Муҳаммад ибн Абдуллоҳ,  
 Мард, фазлу карамда тенги йўқ иллоҳ!  
 Гарчи унинг кўпмас молу дунёси,

---

<sup>1</sup> Мужаррад — ёлғиз.

Бироқ бор омади, ақл зиёси.  
Давлат дегани не, соя, тумонат,  
Бир кун эгасига қайтар омонат.  
Оллоҳ номи бирла ичурман қасам,  
Келажакда бўлиб машҳури олам.  
Йўлини тўсолмас бирор тўғон, садд,  
Улуғ ишлар қилгай ҳали Муҳаммад.  
Иккита банданга ўқилди никоҳ,  
Саодатли қилгил уларни, Оллоҳ».  
Қўйиб бир ёстиққа келин-куёв бош,  
Бўлди меҳрлари бир-бирига фош.  
Хадича бир марта турмушда бўлиб,  
Абу Ҳола эри кетганди ўлиб.  
Ундан Ҳола номли қолганди фарзанд,  
Бўлиб Муҳаммадга ўғулдек пайванд.  
Етимнинг бошини силади Расул,  
Айлади ўзига росмана ўғул!

### Байтуллоҳнинг қайта қурилиши

Ўттиз беш ёшларда эди Муҳаммад,  
Қатта тошқин бўлиб, сел келиб беҳад,  
Қаъба деворлари кетди ёрилиб,  
Бундан кўп йил аввал кўп ёнғин бўлиб,  
Иккита офатдан сўнг зиёратгоҳ,  
Бўлиб қолган эди жиддий таъмирхоҳ.  
Қурайш аҳли бунга қўлин урмоқчи,  
Бузиб муҳташамроқ қилиб қурмоқчи.  
Олдингиси бўлиб одам бўйи тенг,  
Тошдан тикланганди чор атрофи кенг.  
Одамлар ҳашарга тўпланиб қутлуғ,  
Лек иншоот эди қадимий, улуғ.  
Барчаси поилож бўлиб қолди жим,  
Бузишга ботина олмади ҳеч ким.  
Бор эди қапдайдир даҳшатли бир куч,  
Бўлди одамларнинг умидлари пуч.  
«Қаъбани бузишдан мақсад тузатиш,  
Шунга кўра бизлар бошлагаймиз иш,  
Қўрқишга не ҳожат, қилмасак вайрон,  
Худо ким тузатса сақлагай омон».  
Шундай деб киришди Муғира ишга,  
Нураган деворни буткул бузишга.  
Юраги дов бермай турганлар ҳам сўнг,  
Ишга киришдилар қатъий ҳамда чўнг.  
Исмоил пайгамбар қўйган пойдевор,

Қазилиб ичидан чиқди кўп зарвор.  
Ҳикматли каломлар битилган лаган,  
Келажак авлод деб зардан ишланган.  
Илгари қурилса улкан иншоот,  
Бузганда олсин деб келажак авлод  
Бор эди ёдгорлик қўйиш удуми,  
Ё лаган ва ёки олтиннинг хуми.  
Бошланди Қаъбани қайтадан қуриш,  
Ва лекин дейишиб бу хайрли иш.  
Фаҳшу судхўрликдан топилган ҳаром,  
Пулни сарфлашмади бу ишга тамом.  
Ҳалол молу дунё саналиб маъруф,  
Бу ишга этилди фақат тасарруф.  
Элу юрт ишлади холис бемаош,  
Ҳатто оқсоқоллар ташидилар тош.  
Улар орасида ҳазрат Муҳаммад,  
Тер тўкиб ишлади тинмайин беҳад.  
Ҳеч кимса қилмади айёрлик, шумлик,  
Боқум номли эди бош уста румлик.  
Одамларни бўлиб тайинлади иш,  
Лекин битмай қолди улкан қурилиш.  
Унинг битишига, афсус, ҳалол пул  
Етмади, шу бонс кўрилиб маъқул,  
Бинонинг олти газ шимол тарафи,  
Тикланиб паст девор, бўлмай садафи.  
Сўнг белги қўйилди шу жойдан Қаъба  
Бошланар, ортиқча қилмай дабдаба,  
Одамлар айлагай уни зиёрат,  
Ҳеч кимса сололмас бу жойга ғорат.  
Олдингидан ошиб кўрку обрўйи,  
Ун саккиз газ эди бинонинг бўйи.  
Олдингиси бўлса агар тўққиз газ,  
Бир бора юксалди деб айланг фараз.  
Салобатли эшик, хос зинапоя,  
Пастдан юқорига биллонихоя,  
Мумкин эди аста кўтарилмоқлик,  
Ҳамда Қоратошни тавоф қилмоқлик.  
Қўйилар чоғида Ҳажарул асвад,  
Баҳсу мунозара кўпайди беҳад.  
Талашиб-тортишиш чўзилди тўрт кун,  
Қурайш катталари бўлишиб дилхун.  
Қизишиб барида бузиллиб асаб,  
Ўзларин санашиб юқори насаб.  
Холид ибн Валид амакиси сўнг,

Махзуми Муғира нидо қилди чўнг,  
Деди: «Эй халойиқ тортишмай бекор,  
Сайланг бир одамни, у қилсин қарор.  
Қолмагай ҳеч кимнинг сўнг эътирози,  
Қандай ҳукм қилса бўлайлик рози».  
Йиғилганлар қарор қилишди шу дам,  
Эшикдан кирувчи биринчи одам  
Не деса ҳукмини этурмиз бажо,  
Уни бизга ўзи юборгай худо!  
Орадан кўп ўтмай Оллоҳга таҳсин,  
Кириб келди ҳақгўй фозилу амин,  
Худонинг бўлажак элчиси Аҳмад,  
Лутфи илоҳийга ҳазорон раҳмат.  
Бизлар Муҳаммадга ишонамиз хўп,  
Дея йиғилганлар мамнун бўлди кўп.  
Қурайш одамлари чиқса бир жанжал,  
Муҳаммад олдига келишиб ҳар гал,  
Уни билишарди донишманд қози,  
Ҳукмидан бўлмасди ҳеч ким норози.  
Инчунин адолат, ҳақ учун қоим,  
Оллоҳнинг расули ишни ҳар доим  
Ҳал қилар эдилар тўғри ва одил,  
Инкор этолмасди сўзини ҳеч тил.  
Қилмасдан бировни у рўйи хотир,  
Ҳақни айтар эди забони ботир  
Ҳамда оғримасди ҳеч кимнинг дили,  
Чиқарилган чоғи ҳукми одили.  
Йиғилганлар ундан хуш тадбир кутди,  
У ҳам дилдагидай одил иш тутди.  
Ечиб тўнларини заминга ёйиб,  
Ҳажарул асвадни устига қойиб,  
Ҳар бир қабиланинг оқсоқолига,  
Бу бахтга муяссар хуш иқболига,  
Тўннинг чеккасидан тут деб буюрди  
Ўзлари бу ишнинг бошида турди.  
Бу ишда қатнашиб барча қабила,  
Улар шод бўлишди бемакру ҳийла,  
Муқаддас тошни тенг қўйганларинчун,  
Арзимас нарсага гоҳ тўкилиб хун,  
Сўнг минглаб одамнинг ёстнғи қуриб,  
Қўшин тортардилар гоҳо қутуриб.  
Бонси худонинг уйи— Байтуллоҳ,  
Эди ер юзида таиҳо қиблагаҳ.  
Муқаддас даргоҳни кимки қилса ҳаж,

Бир нима атарди юракдан беваж.  
 Кимнинг имтиёзи бўлса зиёда,  
 У соҳиб бўларди молу дунёга.  
 Бу ҳақда айтилмиш «Нури мунзал»да,  
 «Ибодат этмоқ-чун қадим маҳалда,  
 Маккада қурилиб муборак Каъба,  
 Ким борса ҳожн деб олар мартаба.  
 Аниқ нишонн бор, гувоҳ худойим,  
 Мақомн Иброҳим аталур доим».  
 Агар ўқисангиз улуғ «Қуръон»да,  
 Оят тўқсондан-юз «Оли имрон»да,  
 Шу ҳақда килинган батафсил зикр,  
 Андин иқтибосдир ҳозирги фикр.  
 Исмоил авлодин йўлидан олиб,  
 Журҳум қабиласи бўлганда ғолиб,  
 Маккага келганда зулм қилишиб,  
 Мўмай даромадни авло билишиб.  
 Хузоа қавмининг зарбидан синиб,  
 Кетишган Каъбадан буткул чекнииб.  
 Каъбага кўргузиб доим эҳтиром,  
 Ҳукмрон бўлишди улар бардавом.  
 Фурсат ўтар экан шамолдай елиб,  
 Қусай ибн Қилоб даврига келиб,  
 Утиб қурайшларнинг қўлига Макка,  
 Ҳукмрон бўлишди ўзлари якка.  
 Маккадан нотинчлик чироғи ўчиб,  
 Бошқа қабилалар Қурайшдан чўчиб,  
 Муқаддас бошпана эди Байтуллоҳ,  
 Унда қилолмасди ҳеч кимса гуноҳ.  
 Ҳатто қатл этгали қувса ҳам рақиб,  
 Каъбада этмасди ҳеч кимни таъқиб.  
 «Қуръон»да шарҳлагай ҳар имом-хатиб,  
 Улуғ марҳаматин Оллоҳ эслатиб:  
 «Маккада Каъбани айладик тинч жой,  
 Улар атрофида қирғин ҳойнаҳой,  
 Ва ёки учрагай талон-тарожга,  
 Билмасми?— биз муҳтож эмасмиз божга!»  
 Оят олтиш етти ўқиб кўринг бут,  
 Сурайн муборак эрур «Анкабут».

**Муҳаммаднинг пайғамбар бўлишидан бурунги  
 тирикчилиги**

Муҳаммад Оллоҳнинг бандасига хос,  
 Қолмай отасидан ҳеч қандай мерос.

Фақир оилада ташна зиёга,  
 Етим бўлиб келди ёруғ дунёга.  
 Онада гумона бўлгани маҳал,  
 Юмди отасининг кўзини ажал.  
 Уғли икки ойлик ҳомилада, оҳ,  
 Утди бу оламдан марҳум Абдуллоҳ.  
 Фарзанди дарагин эшитдими, йўқ,  
 Фалак камонидан узилганда ўқ.  
 Этагин силкиди жаҳони фоний,  
 Бўлсин насиблари Ҳақнинг Ризвони.  
 Ундан етим қолиб маъсум чақалоқ,  
 Бани Саъд қавмида мисли кўзичоқ,  
 Эмиб бир аёлни тўлгунча тўрт ёш,  
 Унинг фарзандига бўлиб эмикдош,  
 Барча пайғамбарлар мисоли шонлиғ,  
 Ёшлик ҳангомлари қилди чўпонлиғ.  
 Маккага қайтганда майин, меҳрибон,  
 Кўргузиб марҳамат, бермасдан зиён,  
 Сўрмай эвазига улар тузук ҳақ,  
 Одамлар қўйини боқдилар мутлақ.  
 Дунёвий ишларга қўймасдан ружуъ,  
 Эзгулик қўйида сабр қилди у.  
 Абадий бахтдан у бўларди маҳрум,  
 Жаҳон бойлигига кўз тиккани зум.  
 Қизиқма дунёнинг мулку молига,  
 Деб, восил айлади ҳақ висолига.  
 Утди пайғамбарлар навбатма-навбат.  
 Барига яратган айлади даъват.  
 Жаҳондан ўтган ҳар доно пайғамбар,  
 Умида йиғмади ҳаргиз молу зар.  
 Қаерда сўзламанг улар ҳақида,  
 Барчага аёндин ушбу ақида.  
 Иброҳим, Исмоил, Мусою Исо,  
 Бошига тушса ҳам машаққат, жафо,  
 Асло ўйламаган молу дунё деб,  
 Фақат нидо қилган «қодир оллоҳ» деб.  
 Оллоҳ ўзи эрур соҳиби қудрат.  
 Одамларга қилиб элчисин ибрат,  
 Уларни тутгандир Ҳақнинг йўлида,  
 Оллоҳнинг китоби бўлиб қўлида.  
 Ортиқча бойликни ким қилса даъво,  
 Бошига ёғилар балойи қазо.  
 Набийлар борини очларга берган,  
 Улар меҳнат қилиб ризқини терган.

Айтайини бу калом бўлса ҳам такрор,  
Имом Бухорийда шундай ҳадис бор.  
Барча пайғамбарлар чўпонлик қилган,  
Улар қўй боқишни ҳикмат деб билган.  
Ювош жонивордир қўйлар ҳар доим,  
Уни боқса инсон дили мулойим  
Ҳамда эзгуликка макон бўлади,  
Шу боис ҳар набий чўпон бўлади.

**Юсуф пайғамбар чўпонлик қилиш  
орзусини билдиргани ва  
Зулайхо унга керакли асбобларни  
муҳайё қилдиргани**

Хуш ул ошиқ саодат ёр бўлгай,  
Севикли ёрига ғамхор бўлгай.  
Кечиб ўз хоҳишидан ул дамодам,  
Ани орзуйи деб доим чекар ғам.  
Агар жон истаса ўйлаб ўтирмас,  
Этиб таъзим, бергай жонини бас.  
Агар дил истаса, кўнгли бўлар қон,  
Кўзидан сочилур ҳар лаҳза маржон.  
Деса тур, бошидан оёқ қилгай,  
Анга ўзни ғулуму банда билгай.  
Агар сурса эрур измида хома<sup>1</sup>,  
Ўқиса бурмагай юз мисли нома...  
Юсуфга минг саодат ёр бўлди,  
Чўпонлиғ орзуси ошкор бўлди.  
Зулайхо хоҳишини билгани он,  
Ани ижро этишга берди фармон.  
Сўғун устоларига айтди алҳол,  
Ясашди бир палахмон унга дарҳол.  
Ипини зар сувига йўғиришди,  
Муанбар сочлари янглиғ ўришди.  
Зулайхо ҳам эди кўп орзуманд,  
Этишга ўзни унга қил каби банд.  
Ўзини ҳеч сабабсиз боғламас ул,  
Гоҳи ўпса қўлидан истаги шул.  
Тагин деди нечукким чоғлагайман,  
Анга қилдек ғамимни боғлагайман.  
Ясатмакка тузиб ул зебу зевар,  
Мисоли кипригидан дуру гавҳар.  
Қимирлаб тушса эрди лаъли рахшон,

---

<sup>1</sup> Хома — қалам.

Қадрсиз тош каби ҳар ён фаровон.  
 Чўпонларга бериб фармон шу чоғда,  
 Сурувким ўтлагайдир дашту тоғда.  
 Улардан ажратиб бир тўп дарров,  
 Муҳайё этсалар ҳам яхши яйлов.  
 Хўтан оҳусидек ўтлашса сунбул,  
 Йўлиқмай бўрилар қаҳрига буткул.  
 Жуни бўлса ҳабаш сочиға ўхшаш,  
 Ипакдан ҳам мулойим, ранги дилкаш.  
 Барининг думбаси оғир қимиллаб,  
 Семизликдан юрар эрди имиллаб.  
 Сурув ўтганда водийдан қилиб авж,  
 Дегилким ёғ сели урмоқдадир мавж.  
 Шамол мавж узра эсган чоғи ғир-ғир,  
 Тўқирди санъатидан жунили занжир.  
 Сурув ичра эди Юсуф жамоли,  
 Ҳамал буржидаги офтоб мисоли.  
 Эди гўёки ёлғиз мушкин оҳу,  
 Шу боисдан сурувга қўшилиб у.  
 Зулайхо сабру ҳушу ақлу жони,  
 Изидан эргашар ит янглиғ они.  
 Қўриқчилар борарди ҳар томондин,  
 Балогардон бўлиб ҳар бир зиёндин  
 Шу янглиғ эрди ҳар ишда барори,  
 Қўлида эрди ҳар не ихтиёри.  
 Агар истарди, дашт чўпони эрди,  
 Ва гар истарди, юрт султони эрди.  
 Вале ўз зотида пайғамбар эрди,  
 На шоҳ, чўпон жаҳонга сарвар эрди.  
 Бу боб Махдуми Жомий иқтибоси,  
 Чўпонлик таърихининг шарҳи хоси.

### **Муҳаммаднинг пайғамбар бўлишидан олдинги гўзал хулқ-атвори**

Муҳаммад қисмати эрур ажойиб,  
 Унга шерик бўлиб ибн Абу Соиб,  
 Иккови қилишди бирга тижорат,  
 Уларга ҳеч кимса солмади ғорат.  
 Хадичахонимга уйланганда ҳам,  
 Бойлигу давлати бўлса ҳам бекам.  
 На хотин мулкию измига кирди,  
 Меҳнат-ла пул топиб ҳаёт кечирди.  
 «Қуръони карим»да қудратли Оллоҳ,  
 «Зуҳо» сурасида айтмиш баногоҳ,



Олти-саккизинчи оятда зикр  
 Этилган бу ҳақда илоҳий фикр:  
 «Раббинг олмадими етим деб қўлга,  
 Ёки солмадими энг тўғри йўлга.  
 Фақир деб ё сени қилмадими бой?  
 Измингда бўлдику қуёш бирла ой»  
 Оят эллик икки «Шўро» сураси,  
 Шундоқ пайғамбарга келар Ҳақ саси:  
 «Бошқа Расулларга қилгандек ваҳий,  
 Сенга Жаброилни юбордик ахий.  
 Амримизга кўра айлади аён,  
 Билмасдинг нелигин «Қуръон»у иймон.  
 «Қуръон»ни этдимки шундай аъло нур,  
 Истаган бандамга бағишлаб шуур,  
 Уни ҳидоятга муяссар этгум,  
 Оллоҳим, оҳ!— деса, оҳига етгум!»  
 Ҳазрати Муҳаммад ҳалим, мулойим,  
 Гўзал хулқ, ёқимли эди ҳар доим.  
 Ростини гапирар эди беозор,  
 Бировни ранжитмас эдилар зинҳор.  
 Одиллик, камтарлик, сабр ила иффат,  
 Қаҳрамонлик, ҳаё, покликни рифъат,  
 Барини у зотда қилиб мужассам,  
 Этганди бандалар ичра мукаррам.  
 Элу юрт атарди номини Амин,  
 Эзгулик йўлида босиб қадамин,  
 Ҳатто душманлари унга бериб тан,  
 Охир муслим бўлиб динга киришган.  
 Бир кун Рум подшоси Хирақл-Қайсар:  
 «Муҳаммад бўлмасдан бурун пайғамбар,  
 Ёлғон сўзлаганми шубҳа, гумондан»—  
 Деб сўрди қизиқиб Абу Сўфёндан.  
 «Йўқ» деган жавобни олиб муқаррар,  
 Дедикп: «Муҳаммад асил пайғамбар.  
 Бандага ёлғон сўз айтмаган одам,  
 Худога ўтрик сўз айтмагай ҳеч ҳам».  
 Худо пайғамбарни этиб покдомон,  
 Бут ва санамларни кўрарди ёмон.  
 Бўлса не қусуру фаҳш, жоҳилият,  
 Баридан эдилар фориг, хушният.  
 Бу ҳаёт ўткинчи бамисоли туш,  
 Санамлар базминни кўрмасдилар хуш.  
 Бу ҳадис, шубҳасиз, эмас ёлғон, лоф,  
 Ўзлари этганлар шундай эътироф:

«Ёшликдан бутлардан йироқ юрардим,  
Бемаъни шеърларни ёмон кўрардим.  
Жоҳиллик ишларин кўнглим икки бор,  
Тусади, лек бўлиб Оллоҳ мададкор,  
Чиқмади ўйлаган ўйим рўёбга,  
Кўзларим илиниб кетибман хобга.  
Пайғамбар бўлмасдан бурунги бу иш,  
Керак бўлиб қолди бир кўнгил ёзиш.  
Кўйларни қолдириб шерик чўпонга,  
Тун чоғи жўнадим шаҳар томонга.  
Бормоқчи эдим мен ёшлар сайлига,  
Илк бор қулоқ солиб кўнгил майлига.  
Шаҳарга кирганда ҳайратим ортди,  
Бир уйда тўй экан, диққатим тортди.  
Чилдирма, най ила қўшиқ садоси,  
Ухлатиб, хуш ёқиб кўнгил адоси.  
Эртаси уйғондим қуёш тафтидан,  
Сайлини кўролмай қолдим афтидан.  
Иккинчи сафар ҳам юз бериб шу ҳол,  
Қайта сурмаганман бу ҳақда хаёл».  
Нусуб<sup>1</sup>-тош олдига келтириб жонлиқ,  
Қилишган чоғида унга қурбонлик.  
Этидан емасди унинг пайғамбар,  
Макруҳ нарсалардан қиларди ҳазар.  
Араблар ичишиб ароғу шароб,  
Уша пайт бўларди ҳоллари хароб,  
У зотга юқмаган эди бу иллат,  
Пок эди, покликда чун фахри миллат!  
Оллоҳ бўлсин дея жисму дили пок,  
Ҳар бир пайғамбарни этган хуш идрок.  
Сўзма-сўз келганда ҳақнинг каломи  
Қабул қила олгай уни тамоми.  
Ҳамда ўзгаларга бўлиш-чун ибрат,  
Уларда жам эди барча фазилат.  
Ваҳий юборилса ҳар бир пайғамбар,  
Унга ишониши аниқ муқаррар.  
У агар пок бўлса руҳан ва жисман,  
Аввал шубҳалангай кейин берар тан.  
Оллоҳим, барчаси ўзингга аён,  
Ҳар мўмин бандангни айла комрон!

---

<sup>1</sup> Нусуб — Маккадаги қурбонлик сўйиладиган тош.

**Муҳаммаднинг пайғамбар бўлишидан аввал  
Оллоҳдан кўрган марҳаматлари**

Қаерга борсалар ҳазрат Муҳаммад,  
Оллоҳим изидан юборди мадад.  
У зот келганича топмай бир нима,  
Рўзгордан қийналар эди Ҳалима.  
Янги чақалоқни билиб мукаррам,  
Унга сийнасини тутқизгани дам,  
Аввало дилидан таралди губор,  
Сониян файз кириб жонланди рўзгор.  
Фарқланмай зодагон бой келинидан,  
Чакиллаб сут томиб қўй елинидан,  
Сут, қатиқ, мой билан тўлиб хумлари,  
Ўзгариб турмуши ҳам русумлари.  
Оллоҳнинг зикрига кўпроқ бериб тил,  
Донмо яшади хуррам, форигдил.  
Муяссар бўлса эл улуг инсонга,  
Шубҳасиз бурканар шуҳрату шонга!  
Унинг хосияти бахтиёр этгай,  
Мадади ҳар икки оламга етгай.  
Кўкраги ёрилиб унинг илк бора,  
Олиниб ташлагач нафси-аммора<sup>1</sup>,  
Шайтон васвасаси топиб таназзул,  
Бўлди у Оллоҳга севимли Расул.  
Ким бунга ишонмай шубҳа қилса гар,  
У йўлдан адашган эрур муқаррар.  
Дунёни ўзинча қилиб тасаввур,  
Чекланган у зотда дониш ва шуур.  
Ҳамда иймонида мавжуддир суслик,  
Бор мушрик аҳлида бу нодурустлик.  
Стасиз онадан туғилар фарзанд,  
Башарти истаса шунини худованд.  
Далилу бурҳонга ҳожат йўқ ҳеч ҳам,  
Муслимлар гувоҳдир чун биби Марям,  
Ҳазрати Исони этганда пайдо,  
Оллоҳим қудрати бўлган ҳувайдо.  
Ҳар бир Расулига соҳибмарҳамат,  
Эҳсонлар кўрсатган минг шукру раҳмат!  
Шомга тижорат-ла этганда сафар,  
Оллоҳ у кишини айлаб мўътабар.

<sup>1</sup> Нафси - аммора — дунёвий нафс, ҳирсу ҳавас.

Олов пуркаганда ҳар ён саратон,  
Бир парча булутни айлаб соябон,  
Асраган у зотни қуёшдан худо,  
Қарвонда ўзгалар бундан мосуво.  
Қўриб бу ҳолатни йўлдош Майсара,  
Айтган Хадичага биринчи карра.  
Қалбан севиб қолиб уни Хадича,  
Шубҳага ботмасдан у ҳақда пича,  
Эзгу хизматига ўзни чоғлаган,  
У бирла тақдирин мангу боғлаган.  
Келганда биринчи илоҳий ваҳий.  
Бўлиб ёстиқдошу дўсту ҳамраҳи,  
Қилмасдан исботу мўъжиза талаб,  
Ўзини у зотга билиб ҳамматлаб,  
Айланиб янада ёр яқинига,  
Иймон-ла киргандир Ислом динига!  
Тунлар Расулulloҳ чиқса ташқари,  
Йўлдаги тош, дову дарахтлар бари  
У зотга кўргузиб эзгу эҳтиром,  
Бари тил чиқариб деркан: «Ассалом!»  
«Эй Расул, тилаймиз сенга омонлик,  
Кўрма бу дунёда асло ёмонлик»—  
Деб, нидо қилганда, таралиб садо,  
Пайғамбар ҳайратда қолганлар борҳо!  
Бандасин қўлидан келмас бу ишлар,  
Бошига ёғилса минглаб ташвишлар,  
Ва лекин Оллоҳга барчаси осон,  
Унинг амри вожиб ҳар жойда ҳар он.  
Инчунин мўъжиза кўрсатиб Мусо,  
Уни оғир дамда қўллаган худо.  
Фиръавн амри бирла бир тўп сеҳргар,  
Кўргузиб макр ила даҳшатли ҳунар,  
Мусога қарата беҳисоб илон,  
Урмалаб чақмоқчи бўлгани замон  
«Ҳассангни ташла»,— деб буюрган Эгам,  
Мусо ҳақ амрини бажо этган дам.  
Мўъжиза юз бериб, ҳасса шу асно,  
Илонларни ютган бўлиб аждаҳо!  
Ёки сувсизликдан умматлари хор,  
Мусонинг фазлидан бўлган умидвор.  
У зот ҳассаларин тошга урган чоқ,  
Отилиб чиққандир ўн икки булоқ.  
Ҳар бир пайғамбарни яратган шоён,  
Улуғ қудратини этган намоён.

Минг ҳамду санюю худога шукр,  
 У зот бандасига нозил қилган нур —  
 «Қуръони карим»да этилар баён,  
 «Ван-нажм» сураси таърифга шоён,  
 Тўртинчи оятда айлар эътироф,  
 Худонинг каломи ҳақиқат, белоф:  
 «Муҳаммад Оллоҳнинг ваҳийсин айтар,  
 Эшитган уммати ҳақ йўлга қайтар.  
 Уз майлу хоҳишин айтмагай зинҳор,  
 Унга ҳар бир ишда худо мададкор».  
 Узоқ вақт жаҳолат комида қолиб,  
 Ва лекин кетмаган буткул йўқолиб,  
 Яқинда топилган бир дона «Инжил»,  
 «Барнобо» нусхаси, кўрганлар кафил,  
 (Қолгайдир ҳақиқат то рўзи Ҳашр<sup>1</sup>,  
 Мисрда чоп бўлган арабча нашр.)  
 Расулulloҳ номи этилган зикр,  
 Далилу бурҳонли эрур бу фикр!  
 Муҳаммад пайғамбар бўлгувчи ҳангом,  
 Тарихдан маълумдир, ҳар бир хушмақом,  
 Замона роҳиби ва ёки поплар,  
 Иймон-эътиқод-ла айлаб хитоблар,  
 Ваҳийлар ҳақида беришган хабар,  
 Дейишиб Муҳаммад асил пайғамбар.  
 Рози бўлсин Оллоҳ эронлик Салмон,  
 Бир коҳин сўзини эшитган замон,  
 Яъники: «Оламга келган Пайғамбар,  
 Тиҳома тоғидан чиқар муқаррар,  
 Эй, Салмон, ишонгил, бунн этма рад,  
 Оллоҳ элчисининг исмидир Аҳмад!  
 Совға-садақани олмас ҳеч қачон,  
 У ўзи айлагай саховат, эҳсон».  
 Салмон ушбу сўздан топиб ҳидоят,  
 Ҳам иймон келтирди биллониҳоят.

### Ваҳий

Муҳаммад доврӯғи ҳар ёнга кетди,  
 Камолот чўққиси қирқ ёшга етди.  
 Жаҳолатдан этиб инсонни орий,  
 Ўзига сайлади ноиб Юқорн.  
 Бўлиб Пайғамбари Оллоҳ Муҳаммад,  
 Ёғилди Ҳақ томондан унга раҳмат.

<sup>1</sup> То рўзи Ҳашр — қиёмат кунигача.

Аниқлабдур мунажжим Шоҳ Маҳмуд,  
 Йили олти юзу ўн моҳи ду буд<sup>1</sup>.  
 Ваҳий ўнгдан келиб аввалги тушлар,  
 Бўлиб Пайғамбарига хуш юмушлар.  
 Тайёрлаб бандасин босқичма-босқич,  
 Хаёлотин ўзига боғлади зич.  
 Киши кечмай бу оламдан саришта,  
 Беролмас унга пайғом ҳеч фаришта.  
 Шу боис кечди дунёдан Расули,  
 Руҳи покланди, бўлди ҳақ қабули.  
 Ҳиро ғоридаким, наздики Макка,  
 Ваҳийлар кутди бориб унда якка!  
 Бу ҳолат гоҳи ўн кун, гоҳи бир ой,  
 Чўзилгай офтоби оламорой.  
 Улуғ бобакалони Иброҳимдек,  
 Дини Исломга доим раҳимдек,  
 Бўлиб узлатда, гоҳи қайтар эрди,  
 Хадичага на бир сўз айтар эрди.  
 Туриб бир-икки кун уйида ҳазрат,  
 Яна айлар эди узлатга рағбат.  
 Биринчи гал ваҳий келгунча ҳар бор,  
 Бу янглиғ истиқомат бўлди такрор.  
 Бир ул кун эрди тоғлар қоясида,  
 Ҳашаматли булутлар соясида.  
 Бир одам қаршисида бўлди пайдо,  
 Тўсатдан айлади ўзига шайдо:  
 «Суюнчи бер, Муҳаммад, Жаброилман,  
 Худо элчиси бўлдинг, мен кафилман».  
 «Ўқи!»— деб бердилар унга хушхабар,  
 «Ўқишни билмайман»,— деди пайғамбар.  
 У киши хабардор бўлгунча диндан,  
 Ўқиш ва ёзишни билмасди чиндан.  
 Жаброил у зотни қучоқлаб маҳкам  
 Қисдилар, бўшашиб қолдилар шу дам,  
 Қўлу оёғида қолмади мадор,  
 Турарди ҳаяжон ичида, ночор.  
 Жаброил Расулни қўйиб юбориб,  
 «Ўқи»— деб айтдилар овоз чиқариб.  
 Пайғамбар дафъатан қайтариб жавоб:  
 «Ўқишни билмайман»,— деб қилди хитоб.  
 Жаброил у зотни қаттиқ қисиб боз,  
 «Ўқи» деб буюрди чиқариб овоз.

<sup>1</sup> Моҳи ду буд — иккинчи ой эди.

«Уқишни билмайман»,— деб айтди Расул.  
Учинчи бор қисиб Пайғамбарни ул,  
Сўнг қўйиб юбориб, деди Жаброил:  
«Раббинг ҳар нарсага қодир эрур бил,  
Инсонни яратмиш у қуюқ қондан,  
Раббинг номи бирла ўқи шу ондан.  
Раббинг бениҳоя ҳурматга лойиқ,  
Унинг қудрати-ла жами халойиқ,  
Яралди, яшашга майл қилдирди,  
Ўқиш ва ёзишни у зот билдирди».  
«Алақ» сурасида илк бор, ниҳоят,  
Бирдан то бешгача айтилган оят.  
Илк бор Фаришта-ла учрашиб Расул,  
Қаттиқ ваҳимага тушган эди ул.  
Шу боис уйига томон шошилди,  
Хадичага шундоқ илтижо қилди:  
«Мени ўраб қўйинг яхшилаб, маҳкам»,  
Хадича ўраб сўнг бўлдилар ҳамдам.  
У зотнинг титроғи кетгунга қадар,  
Қошида ўтирди билиб мўътабар.  
Титроғи босилиб сўнг Расулulloҳ,  
Хадичани қилди бор гапдан огоҳ.  
«Узимдан хавфсираб қолдим», дедилар,  
У зот Жаброилни билмас эдилар.  
Уни қилолмасди ҳеч бир тасаввур,  
Даҳшатда эдилар қилиб тафаккур.  
Уни тинчителишни ўйлаб ақалли,  
Умр йўлдошига бериб тасалли,  
Хадича дедилар: «Пок парвардигор,  
Сиздек улуғ зотга етказмас озор.  
Қариндош-уруққа айлаб тараҳҳум,  
Элу юрт ғамида юрасиз ҳар зум.  
Ожиз нотавонга айлаб марҳамат,  
Дуолар оласиз, эшитиб раҳмат.  
Иўқсиллар ҳолидан оласиз хабар,  
Эзгулик кўйида ҳар шому саҳар,  
Бир дам тинчимайсиз, тиним билмайсиз,  
Жаҳон бойлигини кўзга илмайсиз.  
Елгонни билмайсиз, доим сўзлаб чин,  
Эл аро номингиз аталур Амин.  
Бу оддий хаёлот ўю асьаса,  
Шайтонни рўпара қилиб васваса  
Солмагай, худойим Сизга ҳеч қачон,  
Иймоним комилки яратган Яздон,

Ҳидоят этмакка халқларни буткул,  
 Сизни ўзларига танлаган Расул».

Хадича ўз фикрин исботлаш учун,  
 Излади бир далил тинмай туну кун.  
 Утган пайғамбарлар таржимаи ҳолин,  
 Билгувчи ҳар олим, соҳиб иқболин,  
 Сўраб суриштириб билди бирма-бир,  
 Варақа бин Навфал олдига охир  
 Етаклаб бордилар Расулуллоҳни,  
 Билмоқ-чун қадимий ҳукми Оллоҳни.  
 Хадичанинг у зот амаки ўғли,  
 Ёшлигида эди илмли, чўғли.  
 Жоҳилият даври насроний динга  
 Кириб таълим бериб ҳар бир яқинга.  
 Урганиб иброний ёзув ҳам тилга,  
 Шарҳлар ёзган эди ҳатто «Инжил»га.  
 Қўзи хиралашиб, қартайиб ёши,  
 Ботиш ҳангомида эди қуёши.  
 Муҳаммад пайғамбар у зотга шоён,  
 Бошдан ўтганини айлади баён.  
 Варақа бин Навфал дедики мақбул:  
 «Оллоҳим Мусоин айлабон Расул,  
 Ҳам унга юборган шарнатн шу,  
 Жаброил эрур ул оғуши эзгу».  
 «Таврот»у «Инжил»дан бу зот хабардор,  
 Муҳаммадга барин этдилар ошкор.  
 Дедилар сўнг: «Кошки ёш йигит бўлсам,  
 Сен билан қурашсам, майлига ўлсам.  
 Лек насиб қилмади менга ушбу бахт,  
 Қартайдим, қолмади на кучу на шахт.  
 Қавмингда кучайиб ғурур, манманлик,  
 Қилишар ҳали кўп сенга душманлик.  
 Ота-боболарни қилиб эътиқод,  
 Келган динларини айласанг барбод,  
 Тарғиб этганинг-чун янги бир динга,  
 Ҳатто ишонившмай сендай Амринга,  
 Ноилож чиқарсан ҳижрат — сафарга,  
 Юртингдан айлашар сени бадарга».  
 Муҳаммад бу сўздан тушди ҳайратга,  
 Эриш туюлганин сезиб ҳазратга,  
 Варақа дедики: «Ахир беринг тан,  
 Ҳар бир пайғамбарда бўлади душман!»  
 Иброҳим сураси «Нури мунзал»да,  
 Ояти ўн учга келган маҳалда,



Қарасак гар илоҳий хабарларга,  
 Қофирлар айтади, Пайғамбарларга:  
 «— Ё қайтиб кирасиз бизларнинг динга,  
 Ёки йўламайсиз бизнинг яқинга.  
 Сизни бу тупроқдан чиқамиз ҳайдаб,  
 Қайтиб келмагайсиз қидириб матлаб».  
 Бошига не тушса, яратган Оллоҳ,  
 Доим элчиларин айлагай огоҳ.  
 Оламда тасаввуф баҳрида кезган,  
 Умри поёнига етганин сезган.  
 Варақа ишониб Расулга дилдан,  
 Кўз юмди кўп ўтмай ушбу мапзилдан.  
 «Тирик бўлсам,— деди,— у соҳиб карам,  
 Қўлимдан келгунча берардим ёрдам!»  
 Кутилмаган ҳолда Пайғамбар учун,  
 Ваҳий тўхтаб қолди тахминан қирқ кун.  
 Бундан мақсад ҳали ҳазрат пайғамбар,  
 Мослашмаган эди этмакка азбар!<sup>1</sup>  
 Ваҳийни жисман ва руҳан чун Расул  
 Қилолмас эдилар рўйу рост қабул.  
 Шунинг-чун орадан ўтиб бир фурсат,  
 Уни чиниқтирди илоҳий қудрат.  
 Қирқ кун кутди бўлиб лутфига асир,  
 Сарвари оламга бу қилди таъсир:  
 «Неъматин кўргузиб наҳотки худо,  
 Сўнг мени айлади умрбод жудо».  
 Пайғамбар кўнглини эзиб бу хаёл,  
 Энг юксак чўққидан гоҳ афтодаҳол,  
 «Ўзимни ташласам», дердилар ҳайҳот,  
 Лек келиб фаришта берарди нажот:  
 «Сен Оллоҳ танлаган элчи—пайғамбар!»—  
 Дея кетказарди кўнглидан кадар.  
 Исломнинг нуридан ёришсин олам,  
 Деб бизни яратган қудратли эгам,  
 Ваҳийлар йўллади боз Муҳаммадга,  
 У зот сазовордир минглаб раҳматга.  
 Йўлда кетаётиб Расул сарафроз,  
 Эшитдилар бирдан ёқимли овоз.  
 Бошларин кўтариб қарасалар нақ,  
 Еру осмон аро қушдай муаллақ,  
 Айбу нуқсонлардан фориг, саришта,  
 Турар қаршисида таниш фаришта.

<sup>1</sup> А з б а р — ўзлаштирмақ, ёдламоқ.

Ҳиро ғоридаги биринчи азоб,  
 Уларнинг эсига тушдию шу тоб,  
 Қочиб уйга кирди ҳам мадад сўраб,  
 Дедики: «Мени тез қўйинглар ўраб».  
 Оллоҳ шу заҳоти этиб соҳибдил,  
 Ушбу оятларни айлади нозил:  
 «Эй туриб, ўраниб ўтиргувчи зот,  
 Огоҳ қил», одамлар топмагай нажот,  
 Ота-бобосидек сиғинса бутга.  
 Бир куни жасади кетса тобутга,  
 Оллоҳи уларга беражак азоб,  
 Уларни қўрқитиб, айлагил хитоб.  
 «Раббингни улуғла», то борсан тирик,  
 Унга бўла олмас ҳеч кимса шерик.  
 Қутсанг гар омонлик, бахту саодат,  
 Ундан бошқасига қилма ибодат.  
 «Пок тут либосингни» ибодат чоғи,  
 Юрмасин мўъминнинг чиқиб шалтоғи.  
 «Азобга тортгувчи ишлардан ҳазар  
 Айлагил, Оллоҳнинг амрини бажар.  
 «Қўп олиш фикрида бермагил савфо»,  
 Охират бошингга қўпади ғавфо.  
 Кам бериб кўпини қилмагил умид,  
 Бу ишни қилмагай ҳар мард, соҳибдид!  
 «Раббинг учун бўлгил сабрли доим»,  
 Ўзи қўллагайдир шунда худойим.

### **Расулulloҳнинг зимдан даъватга ўтишлари**

Муҳаммад саллаллоҳ алайҳи ҳазрат,  
 Аста-секин динга этдилар даъват  
 На бирор одамга бирорта жойда,  
 Бутлар бера олмас зиён ё фойда.  
 Уларга чўқинмай соатма-соат,  
 Лозимдир Оллоҳга қилмоқ ибодат.  
 «Биз ота-боболар йўлидан юриб,  
 Бутларнинг қошида турсак бош уриб.  
 Сиғинсак ажодлар мозий динига»,  
 Дейишди такаббур зотлар чинига.  
 Соқоллиғдан тортиб ҳатто бемурти,  
 Димоғидан ёғиб эшакнинг қурти.  
 Гўзал хулқ-атвордан бўлиб Мосуво,  
 Дилин тош қотириб уларни худо,  
 Қилмиши дағаллик, бир-бирин сўкиш,  
 Тажовуз, урушу жанжал, қон тўкиш.

Бир-бирини қилиб торожу талон,  
Доим дастларидан юрт эди вайрон.  
Шу жоҳил авомга Расули Оллоҳ,  
Улуғ ғоя билан бўлдилар ҳамроҳ.  
Меҳр-оқибатни, дўстлик ипини,  
Мустаҳкам, зич боғлар ҳам Ислом дини.  
Йўқолиб хунрезлик ҳамда бебошлик,  
Бошланар осойиш, сулҳу қондошлик.  
У киши сўзига ҳар ақли расо,  
Ишониб, сиғинмай бутга шу асно,  
Бўлишди биринчи диннинг фидоси,  
Оламдан келгунча рўзи қазоси.  
Бироқ мартабали ҳар бир амалдор,  
Уйлаб йўқолар деб обрў-эътибор.  
Ҳар қанча қилмасин даъват Муҳаммад,  
Исломга киришни айладилар рад.  
Дунё мулки, шону шуҳратдан тўймай,  
Кибру ҳаволари бунга йўл қўймай,  
Муҳаммадга қарши тарқатдилар гап,  
Осмон баланд, замин тилсиз, бетараф.  
Оллоҳдан бўлса гар битта ишора,  
Ердаги жамики қисмати қора,  
Расул даъвати-ла кирмасдан динга,  
Ем бўлиб кетарди балки заминга.  
Ва ёки тошларин ёғдириб осмон,  
Уларни этарди ер билан яксон.  
Инсонга Оллоҳим бермиш тафаккур,  
Ҳар кимнинг дилида не бўлса зуҳур,  
Ушанга ҳар доим қилади амал,  
Кўзини юмгунча дунёдан ажал.  
Исломнинг динига бўлиб йўлбоши,  
Расулнинг биринчи умр йўлдоши  
Хадича ҳазрати Хувайлид қизи,  
Ислом оламида қутлуғдир изи.  
Ҳамда амакисин фарзанди Али,  
Уларга раҳмату ҳазорон балли,  
Киришди иймон-ла эзгу маромда,  
Улар қалдирғочдир дини Исломда.  
Юртда қаҳатчилик юз бериб шунда,  
Одамлар қийналиб ёруф очунда.  
Ёйишга нон топиш машаққат эди,  
Серфарзанд зотларга бу даҳшат эди.  
Алининг отаси Абутолибнинг  
Оллоҳнинг йўлида зўру ғолибнинг,

Фарзанди кўп эди, қийналар эди,  
Одамлар азобда синалар эди.  
Расулulloҳ бир кун маслаҳат солиб,  
Деди: «Эй амаки Абдулмуттолиб,  
Оғанг Абутолиб жўжабирдай жон,  
Бир мадад берайлик борича имкон.  
Олдига бориб юр гапга солайлик,  
Хўп деса биттадан ўғлин олайлик».  
Бу гап маъқул келиб Абутолибга,  
Берди икки ўғлин икки толибга.  
Жаъфарини Аббос амаки олди,  
Али Расулulloҳ қўлида қолди.  
Фарзанддек асрабон уни пайғамбар,  
Берди эзгуликдан тарбият, хабар.  
Балоғатга етгач ҳазрати Али,  
Расулнинг амали бўлди амали.  
Ўзин қандай тутса Расули Оллоҳ,  
Алига эди бу ҳам мактабу роҳ!  
Қўшилиб ҳар ношуд, ҳар ярамасга,  
У кўнгил бермади ҳою ҳавасга.  
Ёмон хулқ-атвордан ўзини тийди,  
Иймон-эътиқоднинг тўнини кийди.  
Нафрат-ла боқиб у жоҳилиятга,  
Доим ҳамроҳ бўлди эзгу ниятга.  
Оллоҳнинг йўлида дилни тиндирди,  
Бутга чўқинмади, уни синдирди.  
Ундан ибрат олиб мисоли сайид,  
Мусулмон бўлдилар даставвал Зайид.  
Муҳаммаднинг эди у озод қули,  
Одамлар дердилар Расулнинг ули.  
Уни сотиб олиб ҳазрати Расул,  
Кейин қилган эди ўзига ўғул.  
Асранди бола ҳам арабларга хос,  
Ҳақиқий фарзанддек оларди мерос.  
Пайғамбар дояси Умму Айманни,  
Зайдга олиб берди ул аржуманни.  
Ушбу оиладан кейин бемакр,  
Исломга кирдилар Саъд Абубакр,—  
Тайм элатидан Абу Қуҳофа,  
Эътиқод йўлида таратиб нофа<sup>1</sup>  
Ҳар ёнга таралган мушку анбардан,  
Кўп ибрат олди у ҳақ пайғамбардан.

---

<sup>1</sup> Нофа — оҳу киндигидан тайёрланидиган мушк халтачаси.

Елғон гапирмасдан келганда ҳам тиг,  
Бўлди лақаблари «тўғри сўз»— сиддиқ!  
Оллоҳдан келганда ваҳий — хушхабар,  
У зотга айтгани чоғи пайғамбар,  
Деганлар: «Қадрда сенсан ягона,  
Мен учун мисоли отаю она,  
Доим гапиргансан ростини мутлақ,  
Сен унинг элчиси, ёлғиз Оллоҳ ҳақ».  
Қурайш қабиласин ул эди бойи,  
Нуфузли, фозили ҳам хушчиройи.  
Абубакр берган чоғида гурунг,  
Завқдан гапирарди ҳатто соқов-гунг!  
У бўлди Расулга яқин ҳаммаслак,  
Ёрдамчи эди ҳам фидокор бешак.  
Бамаслаҳат этиб улар ҳар ишни,  
Бошлашди шу янглиғ даъват қилишни.  
«Мен Ислом динига этганда даъват,  
Абубакр сўзим эшитиб фақат.  
Ҳаргиз иккиланмай келган иймонга,  
Қилмиши ибратдир ҳар мусулмонга».  
Дея, Расулulloҳ этган эътироф,  
Улуғлар сўзида бўлмагайдир лоф.  
Исломнинг динига ул ғофил табълар,  
Ўткинчи нарса деб боққан араблар.  
Пайғамбар айлаган даъватни ҳар паст,  
Ўйлаган бу дея бир шуҳратпараст!  
Шу боис пайғамбар сирли равишда,  
Махфий йўл тутганлар бу муҳим ишда.  
Ўзлари ишонган кексами ё ёш,  
Даъват айлаганлар бўлса ким сирдош.  
Абубакр ила Расули Оллоҳ,  
Шундай йўл тутганлар иккиси ҳамроҳ.  
Кейин Абубакр ҳар бир яқинга,  
Ваъз айтиб уларни киритди динга.  
Ҳеч ким хизматини этолмас инкор,  
У туфайли динга кирганлар бисёр.  
Шулардан биридир ҳазрати Усмон,  
Уммавий қавмидан ким ибн Аффон!  
Бундан хабар топиб амаки Ҳакам,  
Усмонни дарахтга боғлади маҳкам.  
Деди: «Ота-бобонг динидан қайтиб,  
Кирдинг ўзга динга такбирин айтиб.  
Бу йўлдан қайтмасанг юраги доғлиқ,  
Ўлгунча ётасан шу ҳолда боғлиқ»,

«Улсам ҳам агарда бу ҳолда чиндан,—  
Усмон қасам ичди,— қайтмасман диндан».  
Кўриб қатъиятин собит иймонни,  
Амаки бўшатди ночор Усмонни.  
Исломга кирганда Усмон соҳибдид,  
Эди ўттиз ёшли навқирон йигит.  
Балоғат ёшига етиб Зубайр,  
Қийноққа тоб бериб охир бахайр,  
Қолди умр бўйи дини Исломда.  
Кўплар шарафланиб бу эзгу номда,  
Эргашган чоғида Расулulloҳга,  
Шукрлар бўлсинки қодир Оллоҳга,  
Бари мушриклардан бўлиб музаффар,  
Бўлишди Исломнинг сафида навкар.  
Улардан бирови Саъд Абуваққос,  
Динга кирганини эшитиб паққос,  
Бошига тушириб қувди онаси,  
Усиз бўшаб қолди ётган хонаси.  
Ҳамна Умайянинг қизи инчунун,  
Ўғли динга кириб бўлгач мусулмон,  
Деди ғазаб билан Абу Суфёнга:  
«Қадамнинг қўймайсан бу хонадонга,  
Ҳам билки бу уйдан тотмагайсан туз,  
Муҳаммад динидан алоқангни уз.  
Ҳамда рад айлагил Расуллигини,  
Ошкор айт, ёлғону бир пуллигини.  
Шунда одам каби кирасан уйга,  
Бўлмаса юрасан кўчаю кўйда.  
Қорнинг оч, паришон, ғамгин букиб қад,  
Сенга не бераркин қани Муҳаммад?»  
Уч кун амал қилди шундай шарт қўйиб,  
Саъд эса онаси жабридан куйиб,  
Сўради Расулдан бориб маслаҳат,  
Ҳазрати Пайғамбар этиб марҳамат.  
Оллоҳим ҳар камни айлагайлар бут,  
Бу ҳақда нозилдир сура «Анкабут».  
Ояти саккизда этилган баён:  
«Ота-онасини ҳар битта инсон,  
Ҳурмату эҳтиром айласин ҳар зум,  
Лекин ширк келтириб улар номаълум,  
Менга ўзга нени шерик қилса гар,  
Зўрлаб ундаса ҳам қилманг муқаррар.  
Инсон қилмишингдан сўзлайман сенга,  
Барчанг яна қайтиб келасан менга!»

Шундан аёндирки яратган қодир,  
Ота-онанг ҳатто бўлса ҳам кофир.  
Уни ҳурмат қил деб бергандир амр,  
Йўлида юрмоқ лек гуноҳи кабир.  
Ҳар ким эътиқодда турсин устувор,  
Охират жазога бўлмас гирифтор.  
Тайм элатидан сўнг Убайдуллоҳ,  
Эшитиб таърифи чун Расулуллоҳ.  
Кўрмасдан у зотда қусуру нуқсон,  
Қавми аро дастлаб келтирган иймон.  
Парвардигор ўзи аслида беайб,  
Сўнг озод этилган румлик қул Суҳайб,  
Қиргандир Исломга қалбида севинч,  
Охират макони бўлгусидир тинч.  
Онаси Сумайя ва ўғли Ёсир,  
Исломга киришган улар ҳамтақдир.  
Бор эди бир мушрик, қурайшлик суллоҳ,  
Унинг қўйчивони Масъуд Абдуллоҳ,  
Кўриб Пайғамбарнинг хулқу атворин,  
Тарк этди бутларнинг совуқ дийдорин.  
Минбаъд чўқинмасдан келтириб иймон,  
Абадул-охир ул бўлди мусулмон.  
Қаерга борсалар ҳазрат Пайғамбар,  
Эргашиб борди у бўлиб ҳамсафар.  
Пайғамбар отланса бирор томонга,  
Йўлбошчи бўлди у Соҳиб давронга.  
Ювинса бир жойда гар Расулуллоҳ,  
Пана қилиб турди уни Абдуллоҳ.  
Ухлаган чоғлари посбонлик қилиб,  
Доим Пайғамбарнинг қадрини билиб,  
Уйғонса чиқармай аста товушин,  
Кийдириб қўярди у зот ковушин.  
Саҳройи араблар ичра гаптузар,  
Мусулмон бўлгандир дастлаб Абузар.  
У эди ҳар сўзи бамисоли тиф,  
Тош қотган юракин эритган нотиф.  
Эшитиб Оллоҳнинг Пайғамбарини,  
Жўнатди унга ўз биродарини,  
Отига миндириб, деб: «Шамолдек ел,  
У зот-ла сўзлашиб, кўриб, билиб кел!»  
Биродари этиб амрини бажо,  
Қайтиб кўрганини айтди бехато:  
«Қасамёд этгаймен самою ерга,  
У зотнинг гапи ҳеч ўхшамас шеърга».

Абузар бу гапга қилмай қаноат,  
Маккага отланди тез ўша соат.  
Муборак Маккага етди йўл юриб,  
Отига ҳар лаҳза минг қамчи уриб.  
Масжидга кириб ул излади бирров,  
Пайғамбарни топмай, дили бермай дов,  
Қани деб, сўрашга топмади журъат,  
Қурайш мушриклари ўшал бир фурсат,  
Ким бориб у зот-ла қилса мулоқот,  
Тутиб калтакларди деганича дод!  
Кун ботиб қоронғу чўккан маҳали,  
Билиб мусофирнинг ҳолини Али,  
Уйига обқетиб, айлади меҳмон.  
Мезбонга бу эрур илоҳий эҳсон.  
Иккови гап-сўзсиз ейишди таом,  
Этди бу сукунат уч кунча давом.  
Меҳмон келганида, ўтгунча уч куш,  
Араблар сабабини сўрамас бурун,  
Ё ўзи айтар ул, ё уч кун ўтар,  
Меҳмонни мезбон сўнг саволга тутар.  
Бу эрур арабда қадимий одат,  
Меҳмондўстлик ўзи олий саодат.  
(Ул киши бўлмай худонинг душмани,  
Кетса меҳмон уйига сирмай ани.)  
Тонг отгач Абузар масжидга бориб,  
Сўрмади Расулни овоз чиқориб.  
Кечгача кутди у кейин кун ботди,  
Келиб Алиникига индамай ётди.  
Эртаси сув тўла мешини олиб,  
Борди у масжидга ҳайратда қолиб,  
Ва лекин кўролмай Расулуллоҳни,  
Алайҳи васаллам дили огоҳни.  
Учинчи куни ҳам ўтди шу тахлит,  
Эртаси кун Али деди: «Эй йингит,  
Бу томон учирди қайси бир шамол,  
Мададим теккайдир, қўрқмай айта қол!»  
«Менга йўл кўрсатсанг агар муқаррар,  
Ваъда бер, айтаман», — деди Абузар.  
Розилик берганда ҳазрати Али,  
Муддаосини айтди ўша маҳали.  
«Муҳаммад ростдан ҳам ҳақ Пайғамбари,  
Оллоҳнинг ердаги нури назари;  
У зотга самодан келар хушхабар,  
Сўзимга ишонгил эрта Абузар,



Мен билан тонг чоғи борасан масжид,  
Хавф сезсам тўхтайман, йўқса, эй йигит.  
Изимдан эргашиб, мен-ла юрасан,  
Расули Оллоҳни ўзинг кўрасан».  
Алига эргашиб эрта Абузар,  
Расул дийдорига бўлди муяссар,  
У зотнинг сўзларин эшитган заҳот,  
Иймон келтирдилар ҳаялламай бот.  
Муслмон бўлади ҳар доим ул ким,  
Ал-мисоқ кунидан туғилса муслим.  
Келди ҳақ йўлига у қора тортиб,  
Муслмонлар сафи биттага ортиб.  
Расулulloҳ унга дедилар шундоқ:  
«Жойингга қайтиб бор саломату соғ,  
Мендан етганича бирор топшириқ,  
Бир калом демагил ҳеч кимга ортиқ.  
Кўрган-билганингни одамларга айт,  
Худонинг йўлида собит тур ҳар пайт».  
Ташқарига чиқиб баланд овозда,  
Дедики: «Оллоҳим донм эъзозда,  
У якка-ягона, барҳақ муқаррар,  
Муҳаммад элчию унга Пайғамбар».  
Мушриклар ёпирилиб унга етишди,  
Аямай дўппослаб уриб кетишди.  
Аббос кириб унинг жонига оро,  
Дедики: «Ҳаддингдан ошма фуқаро!  
Абузар макони Шомнинг йўлида,  
Ғифор қабиласи унинг қўлида,  
Утсангиз бу йўлдан қилиб тижорат,  
Молу жонингизга солажак ғорат.  
Аксинча кўргузинг ҳурмат, эътибор,  
Аслида ушбу зот шунга сазовор».  
Аббоснинг ўзидан мушриклар чўчиб,  
Бу гапдан янада қутлари ўчиб.  
Бошқа беришмади зиёну зарар  
Ва лекин эртаси яна Абузар:  
«Худо ёлғиз,— деди,— Пайғамбар барҳақ»,  
Мушриклар ёпирилиб келди тақатақ.  
Бу гал ташланмасдан мушрик фуқаро,  
Аббос яна кирди жонига оро.  
Абузар ростгўй ва пок эди дили,  
Қалбида не бўлса айтарди тили.  
Таъмаю ҳавасдан эди у йироқ,  
Дилида Оллоҳу йўли ярқироқ.

Илк бор қурайшлардан Саид ибн Зайд,  
 Хотини Фотима иккиси бир пайт,  
 Иймон келтиришиб мусулмон бўлди,  
 Расули Оллоҳга ҳамдаврон бўлди.  
 Аббос амакисин аёллари ҳам,  
 Либоба Ҳориснинг қизи мукаррам,  
 Убайд ибн Ҳорис амак фарзанди,  
 Ҳам Абусалама бир жигарбанди,  
 Ҳазрат аммаларин ўғлидир бу зот,  
 Барчаси Исломдан топишди нажот.  
 Шунингдек, Умару Қудома иллоҳ,  
 Ҳам улар қардоши исми Абдуллоҳ  
 Ва Арқам бўлишди дастлаб мусулмон,  
 Этиб дин оламин яна чароғон.  
 Уммавий авлоди учраб қирғинга,  
 Холид Саййид ўғли кирдилар динга!  
 Қабиласи жуда қиларди ҳурмат,  
 Қамти бўлишликка қилишмай журъат,  
 Агарда бошига ўраса салла,  
 Бу ишни қилмасди аҳли маҳалла.  
 У зоти муборак бир куни чоҳга,  
 Тушиб кетиб нидо қилмиш Оллоҳга.  
 Чоҳ экан туби йўқ даҳшат тўла жар,  
 У зотни қутқармиш келиб Пайғамбар.  
 Узини сезибди у жуда нохуш,  
 Кўзларини очса экан ваҳм, туш.  
 Эртаси учрашиб Жаҳон сарварга,  
 Мурожаат этибди у Пайғамбарга.  
 Дебдики: «Айтиб бер менга, Муҳаммад,  
 Сен доим нимага қиласан даъват?»  
 Дебдилар у зотга Сарвари Олам:  
 «Мен улуғ Оллоҳни библиб мукаррам,  
 Ушанга қил дейман доим ибодат,  
 У сенга беражак бахту саодат,  
 Фойдаю зиёнлар етказолмас бут,  
 Бутларга чўқинма, мангуга унут.  
 Ҳам ота-онангни эъзозла доим,  
 Фарзанд ато қилса агар худойим,  
 Қўрқиб ночорликдан уни ўлдирма,  
 Тўлмай паймонаси уни тўлдирма.  
 Ошкору винҳона қилма ёмонлик,  
 Бу ҳолдан ҳеч кимга етмас омонлик.  
 Ноҳақ айламагил ҳаргиз қотиллик,  
 Доимо қилмишинг бўлсин одиллик.

Етимлар ҳаққини асло емагил,  
Хайриялар сўраб ёлғон демагил.  
Тошу тарозудан уриб қолмагил,  
Бировнинг ҳақини алдаб олмагил.  
Қариндош-уруққа етказмай зарар,  
Одил ҳукм қилгил доим муқаррар.  
Шунингдек, ваъдага бўлгил вафодор,  
Даъватим шу ҳукми пок парвардигор».  
Холидга бу гаплар айлабон таъсир,  
Пайғамбар сўзига бўлиб у асир.  
Иймон келтирдилар тортмасдан ҳеч тап,  
Гарчи оталари қилиб кўп ғазаб,  
Тўхтаб таъминоти, буткул қолиб оч,  
Охири у бўлгач ҳақиру муҳтож.  
Расул даргоҳидан бошпана топди,  
Мушриклар уйининг эшигин ёпди.  
Холидга эргашиб бир қариндоши,  
Амр ибн Саид эриб дил тоши,  
Исломга кириб боз келтириб иймон,  
Бўлди Холид янглиғ мўъмин-мусулмон.  
Пайғамбар ҳазрати бировни хўрлаб,  
Динга киритмасди ва ёки зўрлаб.  
Йўқ эди у зотда бир кучу қудрат,  
Ҳам мажбур этишга илоҳий журъат.  
Аксинча Абу Бакр, Умару Усмон,  
Холидлар арабда эди зўр боён.  
Уларда бор эди обрў-эътибор,  
Давлату сарвати кўп эди бисёр.  
Қаерга узатса етиб қўллари,  
Ва лекин ўзгариб ҳаёт йўллари  
Омонат дунёнинг молидан кечиб,  
Бойлик, шону шуҳрат тўннини ечиб  
Исломга кирдилар хору зор бўлиб,  
Ададсиз азобга гирифтор бўлиб,  
Расулга эргашгач мулкдан ажралиб,  
Қувди ота-она пойидаи чалиб.  
Қирса хўжалари измига агар,  
Яшарди уйида беҳавфу хатар.  
Ва лекин уларни тўрт кунлик дунё,  
Ўзига этмади сира маҳлиё.  
Оллоҳим барини этди ҳидоят,  
Қайтишиб потўғри йўлдан ниҳоят.  
Пайғамбар айлади ғафлатдап фориг,  
Бўлгай манзиллари абадий ёруғ.

Вақтинча етса ҳам азобу кадар,  
Ислом нури билан дили мунаввар.  
Оллоҳ ризосидан шукуҳга тўлар,  
Охири барчаси жаннатий бўлар!

### **Расулуллоҳнинг ошкора даъватга ўтишлари**

Мушриклар таҳдиди кучайиб беҳад,  
Ошкор даъват қилмай ҳазрат Муҳаммад  
Пана-пастқамларга бориб, ниҳоят,  
Мусулмонлар қилиб тоат-ибодат,  
Макка тоғларига чиқишиб гоҳи,  
Узишар эдилар қарзи илоҳи.  
Ўттиздаи ошганда уларнинг сони,  
Ҳукми шу эрур деб қодир оллоҳни,  
Уларнинг барини бир жойга жамлаб,  
Дин аҳком-арқонин ўргатди замлаб.  
Йўл-йўриқ кўрсатиш қилиб тақозо,  
Муҳаммад динига ким бўлса аъзо,  
Арқам ибн Арқам ҳовлисида жам  
Бўлишди, Оллоҳдан кутнишиб карам.  
«Ҳижр» сурасида амри кифоят,  
Нозил бўлди тўқсон тўртинчи оят:  
«Тенглашма, мушриклар бир бахтиқаро,  
Сенга буюрилди, этгил ошкоро».  
Бу оят бўлгунча самодан нозил,  
Махфий даъват айлаб Расули фозил,  
Кутди парвардигор амри-фармонин,  
Ҳаргиз аямади у мулку жонин.  
Бу оят келганда самодан ошкор,  
Деди Расулуллоҳ: «Оллоҳ мададкор».  
Сафо тоғларига Пайғамбар чиқиб,  
Дедилар юксакдан пастга ҳайқириб:  
«Ҳой Фихр элати, Адий элати»,  
Таралди ҳар ёнга улар даъвати.  
Узоқ-яқинларга юбориб одам,  
Бутун қурайш аҳлини чорлади шу дам.  
Жамоат жам бўлиб келганда дарҳол,  
Уларга пайғамбар бердилар савол:  
«Шу тоғнинг ортида турибди қўшун,  
Маккага бостириб кирмоқлик учун»—  
Десам гар сўзимга ишонасизми?  
Ёки ёлғон дея сиз тонасизми?»  
Одамлар барчаси бўлиб ҳамовоз,  
Дедилар: «То шу пайт кўргузиб эъзоз,

Эшитмай бирорта ёлгон сўзингни,  
Қадрлаб келдик-ку, Амин, ўзингни.  
Сен айтган нарсани кўрмай муқаррар,  
Шу боис сўзингга қиламиз бовар».  
Дедилар Расули Оллоҳ шу маром:  
«Сўзимни эшитинг, эй аҳли авом.  
Худо азобидан этгувчи огоҳ,  
Эрурман сизларга Расули Оллоҳ!»  
Одамлар ичидан сўнг Абулаҳаб:  
«Ҳе, ўл, шунга бизни чақирдингни, заб!»  
Деди ғазаблашиб бейймон мушрик,  
Худо Расулига боқиб туриб тик.  
«Таббат» сурасида: «Икки қўли шол,  
Бўлсин Абулаҳаб йиғиб мулку мол,  
Ҳеч бири асқотмай майиб, карахтга,  
Тушар у ловуллаб турган дўзахга.  
Ўтин ташигувчи хотини билан,  
Жаҳаннамга тушгай ўз диши билан  
Уралиб бўйнига пишиқ арқони»,  
Бир куни албатта узилиб жони,  
«Ўтин ташиш» дейиш кўчма маънода,  
Бу аёл ягона ғийбат, игвода.  
Ҳар жойда аёллар тўпланган асно,  
Пайғамбар ҳақида қиларди игво.  
Яхши-ёмон сўзни ҳам тўқиб-чатиб,  
Юрарди беҳуда гаплар тарқатиб.  
«Шуаро» сурасин юбориб Оллоҳ:  
«Хешу-ақрабонгни қил, деди огоҳ!»  
Бу оят Расулнинг қариндошлари,  
У бирла бир эди пону ошлари,  
Ҳошиму Абдушамс, шунингдек Навфал,  
Назарда тутишган эдилар бу гал.  
Икки юз ўн бешу ҳамда ўн олти —  
Оятда яратган қалбига солди:  
«Сенга эргашган ҳар мўмин мусулмон,  
Қанотинг остида бўлсин қадрдон.  
Даъватдан бош тортса хешу ақрабо,  
Мен сиздан безорман деб айт мутлақо».  
Қалбида эзулик шуъласи порлаб,  
Қариндош-уруғин наздига чорлаб,  
Дедилар Пайғамбар алайҳиссалом:  
«Элчи ўз яқинин алдамас тамом,  
Ўзгалар ҳаттоки деса ҳам ёлғон,  
Сизларга айтмадим ўтрик ҳеч қачон,

Иймони заифлар шубҳада гоҳо,  
 Сизни алдамасман ҳаққи илоҳо!  
 Яккаю ягона Оллоҳга қасам,  
 Бутун инсоният, ҳатто сизга ҳам,  
 Худойим юборган элчи—Расулман,  
 Агарчи сизлардек ўзига қулман.  
 Уйқуга кетгандек ўласиз аён,  
 Яна тириласиз уйғонгансимон.  
 Яхшилик қилганга етади саҳо,  
 Ёмонлик қилганлар олади жазо.  
 Ҳар ким қилмишига яраша олар,  
 Жаннат ё дўзахда абадий қолар».

Кўпчиликни этиб бу сўзлар асир  
 Қилди йиғилганлар қалбига таъсир.  
 Фақат амакиси Абулаҳабнинг<sup>1</sup>,  
 Уша тош дийдали, шайтонғазабнинг,  
 Очилиб чакаги, солди боз қутқу:  
 «Бу иш давом этса даҳшат,— деди у.  
 Бутун араб халқи биздан юз буриб,  
 Муҳаммадга қарши қўзғалмай туриб,  
 Қайтариш керакдир уни бу йўлдан,  
 Келмаса бу иш ҳам гар бизнинг қўлдан.  
 Уни одамларга тутиб берсак гар,  
 Бўламиз хўрланган, тубан муқаррар.  
 Индамай турсак ҳам бўлмас кори хуш,  
 Бизга қарши очар араблар уруш».

Унинг сўзларини оғзидан олиб,  
 Деди амакиси сўнг Абутолиб:  
 «Муҳаммадни бизлар тирикдирмиз то,  
 Ҳимоя қиламиз бар ҳаққи худо!»

Шу қарорга келиб барчаси охир,  
 Кейин тарқалишди уйига бир-бир.  
 Расулulloҳ ўтгач ошкор даъватга,  
 Мушриклар берилиб мулку сарватга,  
 Дунёни билишиб бақодан афзал,  
 Қурайшда тўрт одам йиғилса ҳар гал,  
 Расули Оллоҳни қилиб масҳара,  
 Устидан куларди бир тўп тасқара!  
 У зотни учратиб кўча-кўйларда  
 Ва ёким шунчаки гуфти-гўйларда,  
 Дердилар: «Осмондан келади нуқул,  
 Оҳ, Абу Кабшадан қолган бу ўғул,

<sup>1</sup> Абулаҳаб — Муҳаммад Пайғамбарнинг амакиси.

Нимага ишонар экан-а, э, ваҳ»—,  
Деб уни мушриклар қиларди мазах!  
Уларга жавобан Сарвари олам,  
Дердилар ҳар доим кўрсатиб карам:  
«Иброҳим динига хилоф равишда,  
Худо ҳаққи сизлар ғофил ҳар ишда,  
Оллоҳдан юз буриб, бутга сиғиниб,  
Кетгайсиз охири бутлардек синиб».  
Улар Пайғамбарга адовату кин  
Сақларди боиси русум бўлган дин,  
Ота-боболари бўлиб бутпараст,  
Тош қотиб диллари бир тўп эси паст,  
Қўрқарди бутлардан етар деб қутқу,  
Расулга ғанимлик боислари шу!  
Ҳошим жамоасин оқсоқолига,  
Унинг амакиси Абутолибга,  
Дедилар: «Жиянингни қилмай ҳимоя,  
Йўлидан қайтаргил биллониҳоя!».  
Уларни эъзозлаб чун Абутолиб,  
Сизлар яхши дея кўнглини олиб,  
Ҳар доим қайтариб ҳамла, ҳужумдан,  
Расулни асрарди қаҳру зуғумдан.  
Расулуллоҳ эса доим бемалол,  
Даъват айлар эди элни безавол.  
Бу ҳолдан ғазабнок ҳар қабиладош,  
Сақларди дилида адоватдан тош.  
Бориб Абутолиб ҳузурига чун,  
Дардларин сўзлашиб унга жигархун:  
«Ахир қабилага оқсоқолдирсан,  
Не учун бу янглиғ бемалолдирсан?  
Бизнинг гапимизга осмасдан қулоқ,  
Жиянингни ҳимоя қиласан ҳар чоқ.  
Аждодлар динига келтириб ғорат,  
Бизни нодон дея қилиб ҳақорат.  
Ҳурматсизлик қилиб илоҳимизга,  
Тўғаноқ бўлмоқда у роҳимизга.  
Бу ҳол яхшиликка олиб бормайди,  
Исломга даъватдан у-чи ҳормайди».  
Мушриклар ўч бўлиб кек, интиқомга,  
Қарши тиш қайрашиб дини Исломга,  
Қанча пайғамбарга курашса қарши,  
Расул ҳам дердилар фалакнинг Арши,  
Яратган ҳаққиким билинг лоақал,

Қилинг хирад<sup>1</sup> бирла масалани ҳал.  
 Яхшидан ёмонни ётолмай зуҳур,  
 Барча қилмишингиз бадбинлик, куфур:  
 Очилган чоғида муборак «Қуръон»,  
 «Бақара» сураси бўлса намоён,  
 Ояти бир юзу етмишга қаранг,  
 Илоҳий каломда шундай бўю ранг.  
 Қачонки дейилса уларга яккаш:  
 — Оллоҳ нозил қилган китобга эргаши.  
 Улар дер: Ишондик бизлар чинига,  
 Ота-боболарнинг қолган динига.  
 — Ота-боболарнинг адашиб агар,  
 Тушуниб етмасдан йўл тутган магар,  
 Шунда ҳам уларга ишонасанми,  
 Яратган Оллоҳдан айт, тонасанми?  
 Дейилар уларга «Нури мунзал»да,  
 Ҳар хил баҳонада улар ҳар галда,  
 Ота-боболарин кўрсатишиб важ,  
 Бўлиб қисматлари гумроҳликдан каж<sup>2</sup>.  
 Эс-ҳушин йиғмасдан мушрик-оломон,  
 Пайғамбарга қарши кўтариб сурон,  
 Келишиб дедилар Абутолибга:  
 «Чиққунча ким мағлуб, кимки ғолибга,  
 Бўлади орада билки қонли жанг,  
 Муҳаммад даъват-ла айласа гаранг  
 Айт унга даъватга берсин интиҳо,  
 Ёки жанг бошлаймиз бар ҳаққи худо».  
 Элдан ажраш оғир ҳар оқсоқолга,  
 Жигардан воз кечиш оғирдир чолга.  
 Шу бонс жиянини чақириб ночор,  
 Қилди ўй-фикрини у зотга ошкор:  
 «Эй жиян, одамлар шому эрталаб,  
 Келиб қўйиб кетар юз шарту талаб.  
 Ўзингни айлагин минбаъд эҳтиёт,  
 Қўлимдан келмайди, беролмам нажот,  
 Сени асролмасдан қоламан доғда,  
 Афсус надоматдан не наф у чоғда».  
 У зот ночорлигин ҳис этиб Расул,  
 Дедилар: «Этолмам таклифинг қабул,  
 Қўлимга беришиб қуёшу ойни,  
 Дунёга шоҳ қилсин мендек гадойни,

<sup>1</sup> Х и р а д — ақл.

<sup>2</sup> Қ а ж — эгри.



Оллоҳ каломидан ғайрин айтмайман,  
Улсам ҳам бу йўлдан ҳаргиз қайтмайман».  
Упкалари тўлиб, тескари қараб,  
Оллоҳнинг Расули жавоб қилди заб.  
Бундан Абүтолиб кўнгли бузилиб,  
Дедилар: «Эй жиян, билганинг қилиб,  
Нимани хоҳласанг сўзлагил ошкор,  
Уларга топшириб қўймасман зинҳор.  
Худонинг номига ичаман қасам,  
Бўлмагай бир тола сочинг сени кам».  
Пайғамбар бу сўзни эшитган заҳот,  
Шодланди ҳис этиб таянчу нажот.

### **Расулуллоҳга мушриклар етказган тазйиқу азиятлар**

Оллоҳнинг Расули ҳазрат Муҳаммад,  
Ошкора даъватга ўтганда беҳад,  
Азоб-уқубатга бўлди гирифтор,  
Мушриклар тазйиқи тинмади зинҳор.  
Худо Расулига ҳар бир бадният.  
Имкони борича берди азият.  
Гуруҳ-гуруҳ бўлиб солиб қутқулар,  
Масхара қилувчи дейилди улар.  
Мағзум элатидан бу барча ноаҳл,  
Бошлиқлари эди мушрик Абу Жаҳл.  
Бир кун у қавмига айлади эълон:  
«Эртага, эшитиб қўйсин ҳар инсон,  
Муҳаммад камситиб бизларнинг динни,  
Биздан ажратмоқчи узоқ-яқинни,  
Аждодлар динини қилиб ҳақорат,  
Солиб ақлимизга таҳлика, ғорат,  
Бизларни сўқиру кўр демоқда ул,  
Ўзининг динини зўр, демоқда ул.  
Камситиб илоҳа-бутларимизни,  
Ўчириб баайни қутларимизни,  
Бир ўзи солса-я барчага шўриш<sup>1</sup>,  
Уни гар ўлдирсам бўлади зўр иш!  
Бир катта тош билан уриб бошига,  
Заҳар солажакман ҳаёт ошига.  
Саждага қўйганда намоз пайти бош,  
Мажақлар бошини зарб-ла урсам тош.  
Кейин истасангиз ё қилинг инсоф,  
Ё беринг ғанимга, сўзим эмас лоф!

---

<sup>1</sup> Шўриш — исён, фитна.

Ё сиз-ла қоларман тирик, беармон,  
 Ёки Абдуманноф айлағай гумдон,  
 Қасд олиб ўзининг жамоаси-ла,  
 Қисматим ёзилган ҳақ номаси-ла».

Эртаси бир катта тошни кўтариб,  
 Хурмо пўстлоғини белига чариб<sup>1</sup>,  
 Пойлади келишин Расулulloҳнинг,  
 Дили ҳақ сўзидан мангу огоҳнинг.  
 Ҳеч недан хабарсиз ҳазрат Пайғамбар  
 Намозга келдилар, гувоҳдир башар.  
 Бошларин саждага қўйгани маҳал,  
 Пусиб ортдан келиб нақ Абу Жаҳл,  
 Тош билан уролмай илги увишди,  
 Ортга тисарилиб тош ерга тушди.  
 Даҳшатдан шалвори бўлгандай халта,  
 Расулни ургувчи қўл эди калта.  
 Кузатиб бир тўда қурайшлик мушрик,  
 Фаройиб ҳолатдан қотишдилар тик.  
 Томошатаблар қизиқиб дарҳол,  
 Ундан не бўлди деб айлашди савол.  
 Деди Абу Жаҳл бир оз гангираб,  
 Бир этикка икки оёқни тираб:  
 «Муҳаммадга яқин борганим асно,  
 Бирдан пайдо бўлди баҳайбат буғро<sup>2</sup>.  
 Ғажиб ташлашига озгина қолди,  
 Ортга чекиндиму кўздан йўқолди.  
 Худо ҳаққи бундоғ бир даҳшатли нор,  
 Кўрмадим сичқоннинг ини келиб тор».

Бу гапни эшитиб ҳазрати Расул,  
 Дедилар: «Жаброил ташрифи мақбул,  
 Туя тимсолида келдилар сезиб,  
 Бир қадам юрса боз ташларди эзиб.  
 Аямай ўша он Абу Жаҳлни,  
 Оллоҳ тузатгайдир ҳар бир саҳлни».

Абу Жаҳл иши эди дилгирлик,  
 Деди Пайғамбарга қилиб қитмирлик:  
 «Яхшиликча бас қил намоз ўқишни,  
 Минбаъд давом этсанг агар бу ишни,  
 Бошингга келади кулфат, ёмонлик,  
 Мен сенга бермасман ҳаргиз омонлик».

Чиқиб жаҳллари Расулulloҳни,  
 Қойиб ташладилар мушрик-гумроҳни.

<sup>1</sup> Ч а р и б — чаримоқ, боғлаб маъносида.

<sup>2</sup> Б у ғ р о — туя.

Ўн бешу ўн тўққиз оятларда нақ,  
 Унга таҳдид айлаб сураи «Алақ»,  
 Дейилар: «Қайтмаса ниятидан гар,  
 Сочу зулфларидан тутиб муқаррар,  
 Судраймиз жаҳаннам мангу азобга,  
 Қарши чиқар экан бизнинг хитобга.  
 Чақирсин ишонган яқин тоғларин,  
 Бирга тотиш учун дард-фироқларин,  
 Биз эса чорлаймиз ҳар Забония<sup>1</sup>,  
 Дўзахга тортажак ҳар бир сония.  
 Унга бўйсунмасдан, эй устун дин,  
 Оллоҳга сажда қил ҳамда бўл яқин!»  
 Мушриклар авжига чиқиб ниҳоят,  
 Имоми Бухорий айлар ривоят,  
 Намоз ўқиётган чоғи Пайғамбар,  
 Мушрик Абу Жаҳл худобехабар.  
 Гиж-гижлай бошлади у одамларни,  
 Узидек ғофилу дўст-ҳамдамларни:  
 «Ким туя қорнини келтириб рўй-рост,  
 Муҳаммад устига ташлолгай паққос?»  
 Абу Муайяд деб ном чиқарган шахс,  
 Эзгулик йўлидан адашган бир наҳс,  
 Саждага бошларин қўйганда Расул,  
 Қоринни ташлайди устларига ул.  
 Масжидда бор бўлган бирор мусулмон,  
 Тополмай ҳимоя қилишга имкон,  
 Қоринни бошидан олишга журъат,  
 Тополмай рости гап ўша бир фурсат.  
 Бонси мушрик кўп, мусулмонлар оз,  
 Фотима қизлари келиб сарафроз,  
 Қоринни бошидан олганлари дам,  
 Ердан бош кўтарган Расули Акрам.  
 Мушриклардан чекиб диллари азоб,  
 Этганлар ул Ҳазрат бир дуо шу тоб:  
 «Эй худо, ҳукмдир ҳар айтган сўзинг,  
 Қурайшлар жазосин бергайсан ўзинг!»  
 Ҳам улар номини олганлар тилга,  
 Барчаси кетишган мангу манзилга.  
 Бадр урушида бўлишиб нобуд,  
 Гувоҳи бўлгандир Абдуллоҳ Масъуд!  
 Ҳамда муаррихлар қилгай ривоят,  
 Бир кун Абу Жаҳл алдаб ниҳоят,  
 Ароший дегандан туялар олиб,

<sup>1</sup> Забония — фаришта номи.

Пулин бермай ўзин ғафлатга солиб,  
Юраркан Ароший қидириб имкон,  
Дардин одамларга этганда баён,  
Қурайш боёнлари ҳангоматалаб,  
Дебдилар: «Муҳаммад кўп соҳибматлаб,  
Орага тушса гар қилмагаймиз саҳл,  
Ҳаққингни беради тезда Абу Жаҳл».  
Ароший бу гапга ишониб елиб,  
Илтижо айлади ўша дам келиб  
Сарвари Оламга, сўради ёрдам,  
Абу Жаҳл олдига бордилар шу дам.  
Эшик тақиллатиб чақиришган он,  
«Ким?»— деб Абу Жаҳл бўлди намоён.  
«Бу мен, Муҳаммадман» дедилар Расул,  
Чиқди Абу Жаҳл афтода, малул.  
Расули Оллоҳим бошладилар сўз:  
«Манави одамнинг тез ҳақини чўз».  
Абу Жаҳл дарҳол пулини санаб,  
Туя эгасига берди чун хуштаб.  
Туякашнинг иши битиб тез, осон,  
Расули Оллоҳдан бўлдилар шодон.  
Томошаталаблар ҳайратда қолиб,  
Сўрашди Жаҳлни ўртага олиб.  
Мушриклар бу ишдан қолишди ҳайрон,  
Бўлган мўъжизани айлагач баён:  
«Муҳаммад овози янграган асно,  
Тепамга келди бир баҳайбат буғро,  
Бу янглиғ даҳшатли туяни зинҳор,  
Умримда кўрмадим, эди шиддаткор.  
Ўтакам ёрилиб ўлишимга сал,  
Қолди»— деб уларга айтди Абу Жаҳл.  
Шунингдек, амаки Абулаҳаб ҳам,  
Расули Оллоҳга берарди кўп ғам.  
Улар қўшни эди девор дармиён,  
Жиянини масхара айлаб ҳар қачон,  
Эшиги олдига ахлат-нажосат,  
Келтириб ташларди чиқариб ҳожат.  
Ул зотнинг хотини Умму Жамила,  
Толиб аёлларга хос макру ҳийла.  
Эридан қолишмай ул бетаҳорат,  
Расули Оллоҳни айлаб ҳақорат,  
Ғийбату иғволар ёйиб, ғаламус,  
Бериб тўғри гапга аблаҳона тус.  
Ахлату нажосат йиғишда ҳар дам,

Эрига қўшхўкиз эди муттаҳам,  
 Зуҳра жамоаси қавмидан Асвад,  
 Расули Оллоҳни қийнарди беҳад.  
 Гарчи Пайғамбарга эди қариндош  
 Ва лекин юраги қотган эди тош.  
 Саҳобалар билан юрса пайғамбар,  
 Уни Асвад кўриб қолса ҳар сафар:  
 «Қаранглар, подшоҳлар келмоқда, ваҳ-ваҳ»,—  
 Деб доим айларди уларни мазах.  
 Саҳобалар учраб тазйиққа ҳар кун,  
 Усти-боши эди уларнинг юпун.  
 — Зўрға кунларини қилишарди кеч,  
 Худодан ўзгани ўйламасди ҳеч.  
 «Ҳа, бугун осмондан айтмайсанми ваъз?»—  
 Деб майна айларди Асвади мараз.  
 Мусулмон шахсларни кўрганда ҳар гал,  
 Сўкиниб чиқарар эди у жанжал.  
 «Татфиф»<sup>1</sup> сурасида буюрмиш Оллоҳ:  
 «Мушриклар ким иймон келтирса, э воҳ,  
 Масхара айлашиб устидан кулар,  
 Кўз қисиб ёнидан ўтишар улар.  
 Бериб ўзларига ортиқча фар-зеб,  
 Уйларди уларни адашганлар деб»<sup>2</sup>.  
 Қурайш оқсоқоли Валид Муғира,  
 Абу Жаҳл амаки бўлиб дилхира,  
 Ўзини санаб у боёну сара,  
 Доим пайғамбарни қилиб масхара,  
 «Қуръон» оятларин эшитиб бир кун,  
 Таъсирланиб бўлди жудаям маҳзун.  
 Келиб ўз қавмига бўлди у иқрор:  
 «Муҳаммад сўзларин эшитдим ошкор.  
 Худо ҳаққи унинг айтган каломи,  
 Инсу жинс сўзимас, фасеҳ тамоми.  
 Шу қадар шириндир, шунчалар гўзал,  
 Унга тенглашолмас ҳеч шеърү газал.  
 Бошидан охири лутфу дақойиқ,  
 Лол қолар эшитган қавму халойиқ.  
 Ҳар икки оламини этсанг ҳам тортиқ,  
 Арзигай, лутфидан сўз йўқдир ортиқ».  
 Валид фикрин айтгач Қурайш аҳлига,  
 Мушриклар дилига тушди таҳлика.

<sup>1</sup> Т а т ф и ф — Мутаффифун сураси.

<sup>2</sup> 29—32- оятлар.

«Валиддек одам гар кечса динидан,  
 Үзгалар эргашар унга чинидан.  
 Бари Муҳаммаднинг динига ўтгай,  
 Оламни уларнинг шуҳрати тутгай».

Уларни хотиржам қилиб Абу Жаҳл,  
 Деди: «Амакимга имо қилсам сал,  
 Муҳаммад изидан эргашмай қайтар,  
 Бугун гарчи уни тўғри деб айтар».

Валиднинг олдига бориб у дарҳол,  
 Сўзлади ўкиниб дилида малол:  
 «Ота-боболарнинг динидан қайтиш,  
 Гумроҳлик саналар қарши гап айтиш.  
 Кўринмас худога ақлдан эмас,  
 Сиғиниб ибодат айламоқлик, бас!»

Валид сўнг жиянига ўйчан кўз ташлаб,  
 Унга шундоғ деди аста сўз бошлаб:  
 «Сизлар Муҳаммадни дейсизлар жинни,  
 Лекин у фарқлагай ёлғондан чинни.  
 На айтар пойинтар-сойинтар калом,  
 Маъною мағизли сўзи ҳар маром.  
 Фолчи деб айтасиз, қачон очиб фол,  
 Ҳизича кўрсатган каромат — тимсол?»

Гарчи сизлар уни айтасиз шоир,  
 Унинг шеър ёзганин ким кўрган ахир?  
 Ёлғончи дейсизлар бу гап ҳам бўҳтон,  
 Шу пайтгача у зот айтмаган ёлғон».

Абу Жаҳл билан келганлар беҳад,  
 Валид сўзларини айладилар рад.  
 Лекин ўтинишди у қандай одам,  
 Валид тушунтириб берса то шу дам.  
 Бироз сукунатга чўкди-ю Валид,  
 Деди: «У сеҳргар!»— айниди палид.  
 Ҳамда давом этди у сўзини боз:  
 «Бўлмаса агарда у зўр ҳуққабоз,  
 Қандай ажратарди, эрни аёлдан,  
 Отани боладан, кампирни чолдан  
 Ва ёки хўжани содиқ қулидан».

Йиғилганлар унинг бу ғулғулидан,  
 Севиниб, қийқирди бари шу пайти,  
 Валид улар кутган гапларни айтди.  
 Бу кимса ҳақида қолмас бетаъсир,  
 Оллоҳ нозил этган сура «Муддассир»,  
 Ун бирдан йигирма олтинчи оят,  
 Шу ҳақда ибратли қилгай ҳикоят:

«Мен танҳо яратган киши — Валидни,  
Ўзимга қўйиб бер (ўша палидни),  
Унга молу дунё айладим нисор,  
Ҳам бердим ўғиллар амрига тайёр.  
Гарчи мартабасин қилсам ҳам баланд,  
У кўпроқ айлади таъма (нописанд),  
Асло, ҳаргиз бизнинг оятга қарши,  
(Чиққан нокасларни фалакнинг арши,  
Тахтида ўтирган Раббилламин,  
Истаса қаҳр-ла этгай ерпарчин).  
Унга беражакман кўп қаттиқ азоб,  
Ўйлаб, режа тузиб, кейин у каззоб,  
Лаънатлар бўлсинки, не режа тузди,  
Лаънат бўлсин (боғлаб у қайта узди).  
Ундан кейин яна буришиб афти,  
Қовоқ уйиб, ортиб кибрлик тафти.  
Ортга ўгирилиб айлади назар,  
Ҳам деди: «Бу сеҳру каломи башар,  
Ҳеч кимса ўрганиб, ҳам битмаган хат».  
Мен уни дўзахга соламан албат!»  
«Қалам!» сурасида Валид ҳақида  
Яна нозил бўлган шундай ақида:  
«Қасамхўр, тухматчи, ғийбатчи, бахил,  
Ҳаддидан ошган паст, гумроҳ, ноаҳил.  
Отаси номаълум устига-устак,  
Унга ножоиздир итоат этмак.  
У бою бадавлат ҳамда серфарзанд,  
Бизнинг оятлардан ўқилганда панд,  
Димоғин куйдириб (эшак қурт ейди),  
Қадимги афсона чўпчаклар дейди».  
Хорлик нишонаси димоғ куйиши,  
Юз, кўзу бурунда оғриқ туйиши,  
Ҳақ йўлдан ким кечиб бўлса такаббур,  
Ўзи бергай жазо, ё айлар маъзур.  
Пайғамбар душмани эди ҳисобсиз,  
Ҳеч кимнинг қилмиши қолмас жавобсиз.  
Қусай жамоаси ичидан Назир,  
Расули Оллоҳдан бўлмайдилпазир,  
У зотга ғанимлик қиларди доим,  
Ундайлар жазосин бергай худойим,  
Бир куни ваъз айтиб Сарварин олам,  
Ўтган умматларнинг тарихин бекам,  
Сўзлаб, қилаётган чоғи насиҳат,  
Энди айлаганда одамлар диққат,

Дарҳол Назир Ҳорис ўрнидан туриб,  
 Барча одамларни ҳақ йўлдан уриб,  
 Деган: «Эй одамлар, келинг буёққа,  
 Мен сизни қўймасдан азоб-қийноққа,  
 Муҳаммаддан кўра қизиқроқ ғоят,  
 Нарсалар ҳақида қилгум ҳикоят».  
 Эрон шоҳларидан бошлаб ҳикоя,  
 Сўзлади билганин биллониҳоя.  
 Улар тарихини яхши биларди,  
 Ўзига сомеъни<sup>1</sup> у ром қиларди.  
 Расул сўзларин ҳам у ғофилона,  
 Ўйларди тарих деб, ёки афсона.  
 «Луқмон» сурасида Назир ҳақида,  
 Бор икки оятда шундай ақида  
 «Одамлар ичида Оллоҳ йўлидан,  
 Чалғитиш келгайдир баъзан қўлидан,  
 Бўлса ҳам агарда ўзи бесавод,  
 Қуруқ ган сотади, сўнг деяжак дод!  
 (Яъни Пайғамбарни) қилар масҳара,  
 Ҳам мангу азобга қолгай (тасқара).  
 Бу янглиғ карларга бизларнинг оят,  
 Ўқилган маҳали қилмас сироят.<sup>2</sup>  
 Этинг ўй-хаёлин уларни ғорат,  
 Қаттиқ азоблардан бериб башорат».  
 «Ҳажр» сурасида шунингдек Оллоҳ,  
 Қаттиқ ўч олишдан айлаган огоҳ:  
 «Сигиниб Оллоҳдан ўзга илоҳга,  
 Ҳеч кимса етмагай уларнинг оҳга.  
 Масҳара қилса ким айтган сўзимиз,  
 Уларга кифоя шаксиз ўзимиз».  
 Оллоҳ айтган сўзи ошгай амалга,  
 Шундоқ ваҳий берган ўша маҳалда.  
 Маккада бўлиб бу оятлар нозил,  
 Масҳара қилгувчи бир тўда тошдил,  
 Назир, Абу Жаҳл, Муайт қатл ўлиб,  
 Валид, Абулаҳаб, Ос абгор бўлиб,  
 Расул Мадинага ҳижрат қилганда,  
 Олар жазосини ҳар мушрик-ганда!<sup>3</sup>  
 Улардан йўқолиб, ҳашамат, шукуҳ,  
 Ё ўлиб, ё бўлди майибу мажруҳ!  
 Ҳадеб айлайвериб мушриклар зуғум,

<sup>1</sup> Со ме ъ — тингловчи, эшитувчи.

<sup>2</sup> Си ро я т — таъсир.

<sup>3</sup> Га н да — ёмон.



Расули Оллоҳга қилишгач ҳужум,  
Сўкди пайғамбарни яна беақл,  
Юраги тош қотган ул Абу Жаҳл.  
Тушмай қариндошу дўстлар орага,  
Расул айланганда бир бечорага.  
Ҳамза Пайғамбарга эди амаки,  
Обрў-эътиборда эмасди чакки.  
Унинг хизматкори Ҳамзани айблаб,  
Юракдан ачиниб, наки атайлаб,  
Дедик: «Қолмабди ҳеч кимда инсоф,  
Муҳаммад рост сўзлар наки ёлғон, лоф.  
Эрурсан ҳам овчи, ботир, паҳлавон,  
Уни ёқлар эдинг бўлса гар виждон».  
Ҳамза қони қайнаб ўрнидан турди,  
Пайғамбар ғаними томон югурди.  
Сўзи таъсир қилиб соҳибақлнинг,  
Ёқасидан олди Абу Жаҳлнинг:  
«Мен ҳам Муҳаммаднинг динида борман,  
Минбаъд сўкканингни кўрай ғаддор, ман,  
Ушанда терингга тикаман сомон,  
Менинг чангалимдан қолмайсан омон».  
Шу воқеа очиб Ҳамза кўзини,  
Исломига бахш этди буткул ўзини.  
Ҳам содиқ, фидойи шахс бўлиб қолди,  
Оллоҳ шери деган лақабини олди,  
Асадуллоҳ номи, тенгсиз баҳодир,  
Минглаб ғанимларни енгмакка қодир.  
Расулга эргашган қолмай саломат,  
Ёғилиб барига таъна-маломат!  
Йўлидан қайтмади лекин ҳеч бири,  
Оллоҳнинг илгида инсон тақдир.  
Мушриклар қилса ҳам тазъийиқу таъқиб,  
Бўлди мусулмонлар музаффар рақиб.  
Ожиз гуруҳ эди дастлаб мусулмон,  
Сўнг улар бўлишди подшоҳи жаҳон.  
«Қасос» сурасида бешинчи оят,  
Унда қилинади шундай ҳикоят:  
«Уларким хўрланди ер юзида хор,  
Марҳамат қилгаймиз бериб эътибор».  
Оллоҳ ваъдасида собит турган зот,  
Барча бандасига бергайдир нажот.  
Қурайшлик Умайя ғуломи Билол,  
Исломига кириб кўп чекди ғам, завол.  
Хўжаси бўйнидан арқонга боғлаб,

Судратди ҳар томон қалбини доғлаб,  
Ҳам қўйди устига катта харсанг тош,  
Ёзнинг оташида Билол бевардош,  
Қумда қовурилиб деди: «Оллоҳ бир»,  
Зулму жафо унга қилмади таъсир.  
Ҳар кун қийноғини қиларди такрор,  
Абубакр бўлиб бир кун дучор,  
Умайяга деди: «Бунчалар азоб,  
Беғуноҳ бир қулни айлабон хароб,  
Худодан қўрқмасдан берасан жазо,  
Ўзинга қайтажак бил рўзи қазо».  
Умайя ул томон оғзини очиб,  
Ғазаб билан деди заҳрини сочиб:  
«Йўлидан оздириб, этдинг беиқбол,  
Қўлингдан келса гар қани сотиб ол!»  
Абубакр сотиб олди Билолни,  
Булутдан қутқарди гўё ҳилолни.  
«Валлайли» сураси улар ҳақида,  
Кейин нозил бўлди шундай ақида  
«Сизларни ланғиллаб турган дўзахдан,  
(Ҳам мангу олову ҳам мангу яхдан)  
Огоҳ айлагайман, бадбахт одамлар  
Унга тушгай (ёғиб бошига ғамлар).  
Умайя бадбахтни ҳақдан юз буриб,  
(Ҳақ йўлни танлаган қулини уриб)  
Ҳамда ҳақиқатни айлади инкор,  
(Уни уқубатга қиламиз дучор).  
Абубакр эса тақводор бироқ,  
(Дўзахни айладик биз ундан) йироқ.  
Мол-мулкин сарфлаб у покланиш учун,  
Яхшилик кутмасдан яхшиликка чун.  
Улуғ парвардигор бўлсин деб ризо,  
Интилгай, в хурсанд бўлажак илло».  
Йўқдир саҳобайи киромга тараф,  
Оллоҳ розилиги беадад шараф.  
Билолдан кейин ул Исломга ўтган,  
Лекин хўжалари азобда тутган.  
Бир неча ғулумни айлади озод:  
Ҳамома, Фуҳайра, Фукайҳалар шод,  
Ҳам кириб Исломга, ҳам озод бўлди,  
Сўқир Зиннира ҳам шундай шод бўлди.  
Бундан Абу Жаҳл ҳайратга тушиб,  
Фикри ожизича дер эди жўшиб:  
«Кўриб бу қаланғи-қасанғиларни,

Сўқиру қартайган белангиларни,  
 Ҳайратим ошади, ёқа ушлайман,  
 Қулиб устларидан кўнглим хушлайман.  
 Муҳаммаднинг дини бўлса гар рост дин,  
 Даъват айлаганда биз эдик яқин,  
 Бизлар қабул қилиб барчадан аввал,  
 Ислом масаласи бўлар эди ҳал.  
 Қандай биздан аввал Зиннирадек қул,  
 Ҳақ йўлни топажак, сўқир бўлса ул?»  
 «Аҳқоф» сурасида бунга жавобан,  
 Оллоҳ нозил қилган оят савобан:  
 «Қофирлар мўминга агар Исломда,  
 Бўлса гар эзгулик бирор маромда,  
 Биздан олдин улар ишонмас аё,  
 Ҳидоят топмагач улар мутлақо,  
 Бир кўҳна уйдирма дейишар», боис  
 Уларнинг дили тош қотган юз фоиз.  
 Аммор ибн Ёсир ҳаққа бўлиб ёр,  
 Ота-онаси-ла этилди хор-зор.  
 Расулуллоҳ улар ҳолини кўриб:  
 «Сабр қилинг,— деди дилдан оҳ уриб,—  
 Ёсир оиласи, сизларга жаннат  
 Ваъда этилгандир, билинг беминнат.  
 Мағрифатинг тутмай улардан дариг,  
 Ёсир оиласин эт ғамдан фориг,  
 Эй Оллоҳ»,— дуойи ҳазрат Пайғамбар,  
 Қўрсатди кўп ўтмай ижобат-самар.  
 Ота-оналари ўтиб оламдан,  
 Аммор чидолмасдан қийноқ-ситаждан,  
 Дилимас, тилида қайтди Исломдан,  
 Лек зиён кўрмади у бу каломдан.  
 Мушриклар бу ҳақда тарқатди миш-миш,  
 Оллоҳга аёндир ва лекин ҳар иш.  
 Пайғамбар дедилар: «У соф мусулмон,  
 Амморнинг вужуду қалбида нймон».  
 Темир кийимларин кийдириб ёзда,  
 Амморни офтобда сақлаб «эъзозда»,  
 Қийнаб Абу Жаҳл айлаган мажбур,  
 Айтган ёлғондакам, дили беҳузур.  
 Диндан ихтиёрий қайтган ҳар муртад,  
 Охират кунда қийналар беҳад.  
 Уларга бўлмагай сўнг вақтичоғлиқ,  
 Дўзахга ташланар қўл-оёқ боғлиқ.  
 Жоҳиллик даврида ғзаби тошиб,

Мушриклар иш тутган ҳаддидан ошиб.  
Асир тушган эди жанг чоғи Хаббоб,  
Эди у расулга дўст, ҳозиржавоб.  
Илғорлар сафида келтириб иймон,  
Бекаси билиб кўп етказди зиён.  
Уни сотиб олган жоҳила Анмор,  
Темирни оловда қизитиб бисёр  
Азоб берди кейин танига босиб,  
Ўлдирмоқчи бўлди ҳаттоки осиб.  
Зулму қийноқлардан силласи қуриб,  
Бир кун у расулга келди бош уриб:  
«Бизнинг ҳаммамизга этгил бир дуо,  
Мушкулимиз осон айласин худо».  
Унга Расулulloҳ этдилар баён:  
«Илғари одамлар бўлса мусулмон,  
Темир тороқ билан қийнашган тараб,  
Суякдан гўштлари чиққунча ажраб.  
Темир тороқ тиши гўштларга тўлган,  
Одамлар қонсираб азобда ўлган.  
Пайлари узилиб, эти шилиниб,  
Ва лекин иймон-ла диллари тиниб,  
Динидан ҳеч бири қайтмаган зарра,  
Гарчи тортишса ҳам бўйнидан арра.  
Эгам Ислом динин этган музаффар,  
Унинг ҳар бандаси юрар бехатар,  
Ушанда Ямандан чиққан йўловчи,  
Ғариб бенаводир, ё ботир овчи  
Ҳазра Мавтга қадар келар осуда,  
Қолмагай ҳеч қандай ғаму қайғуда.  
Бўрилар ичида истаса қодир,  
Юради битта кўй тинч, бехавотир».  
Бу гапни айтганда ҳазрати Расул,  
Эди мусулмонлар ҳоли кўп мушкул.  
Нажот топишига ишонмай ҳеч ҳам,  
Таҳликада эди ҳар закий одам.  
Фақат Расулulloҳ қалбида роҳат,  
Ваҳийлар туфайли қилиб башорат,  
Муслимлар дилини чўктирмас эди,  
Кўздан ёшларини тўктирмас эди.  
Абубакр Сиддиқ кириб Исломга,  
Колди у жуда кўп таъна-дашномга.  
Мушриклар қийноғи текканда жонга,  
У ҳижрат айлади Ҳабашистонга.  
Маккадан беш кунлик Барқўлғимодга —

Ўша пайтда эди аҳли муслим кам.  
Азоб-уқубатга қолса ҳам чиндан,  
Уларнинг ҳеч бири қайтмади диндан.  
Бари манфаатмас, иймон йўлида,  
Ҳар кимнинг қисмати Оллоҳ қўлида.  
Мушриклар тадбири бермай самара,  
Мусулмонлар сони ошиб тобора,  
Ислом бахт қушидай қанотин ёзди,  
Бундан мушрикларни таҳлика босди.  
Улар чақиришди маслаҳат-кенгаш,  
Бўлиб барчасининг ғамдан дили ғаш.  
Барчага каломи ўтгувчи Утба,  
Бошлади сўзини мисоли хутба:  
«Муҳаммадга бориб таклиф қилурман,  
Уни кўндиришни ўзим билурман.  
Динига даъватдан тўхтагайдир ул,  
Таклифларим унга тушса гар маъқул».  
Бу фикрга бари беришди овоз,  
Утба келганида масжидда намоз  
Ўқиётган эди Расули Оллоҳ,  
«Эй жиян,— деди унга Утба,— мошоллоҳ,  
Сен наслу насаби тоза одамсан,  
Жаҳон подшоҳидан гарчи не камсан.  
Шу боис қиламиз биз сени ҳурмат,  
Ва лекин бир ишга қилмишсан журъат.  
Етказар бу бизнинг бирликка путур,  
Аждодлар динидан кечсак ношукр,  
Уларни кофир деб қилсак ҳақорат,  
Бўлар бу боиси ташвишу ғорат.  
Эзгулик йўлида айлаб такаллуф,  
Сенга таклиф билан келдим, эй маъруф!  
Уч-тўртта таклифдан арз-ниёзимиз,  
Қай бирин танласанг бизлар розимиз».  
«Қандай таклифларинг, сўзлагил бу дам,  
Эшитайлик»,— деди Сарвари олам.  
Сўз халтасин очиб Утба бемалол,  
Ҳазрат Пайғамбарга ташлади савол:  
«Эй жиян, сен ҳар бир узоқ-яқинга  
Дейсанки киринглар ягона динга.  
Эрур даъватлару сўзинг чиройлик,  
Бу ғараздан бўлса мақсаднинг бойлик,  
Берайлик молу мулк тўплаб ҳойнаҳой,  
Бўлгил баримиздан бадавлату бой.  
Шон-шухратга бўлса гар дилинг мойил,

Бу ишни ҳам бизлар қиламиз қойил.  
 Сени ўзимизга қилиб раҳнамо,  
 Амрингни доимо айлаймиз бажо.  
 Агарда ниятинг бўлса подшолик,  
 Бу иш ҳам қийинмас бар ҳақи холиқ.  
 Боқар бу йўлда ҳам сенга кулиб бахт.  
 Эртага бўласан сен соҳиби тахт!  
 Мабодо, жин чалиб дарди бедаво,  
 Бўлсанг гар, излайлик дардингга шифо.  
 Сарфу харажатин кўтариб оз-оз,  
 Сени бу дарддан ҳам этайлик халос».  
 «Гапинг тугадими?»— деди Пайғамбар,  
 «Ҳа»— деди жим бўлиб Утба сўнг музтар.  
 «Ундай бўлса солгил сўзимга қулоқ»,—  
 Деб, жавоб бердилар Пайғамбар шу чоқ:—  
 «Меҳрибон раҳмдил Оллоҳ номига,  
 Унинг китобидан эҳтиромига»,  
 «Фуссилат» сурасин илк оятларин,  
 Оллоҳнинг инсонга сироятларин,  
 Уқиб берганида Утба кўп лоҳас,  
 Шартта туриб деди: «Сўзингни қил бас!»  
 Йўлига кўз тикиб ўтирганларга,  
 Мушриклик йўлига бир кирганларга,  
 Деди: «Муҳаммадан шундай хуш калом,  
 Эшитдим, у мени этди буткул ром.  
 Худо ҳаққи, олдин бу хил сўз зинҳор,  
 Эшитган эмасман, бу эмас ашъор.  
 На қоҳин дуоси, на сеҳру жоду,  
 Ухшамас уларнинг ҳеч бирига у.  
 Биз унга тегмайлик, у шунга лойиқ,  
 Кўп шов-шув кўтарсак билиб халойиқ,  
 Қизиқиб, изидан бориши аён,  
 Йўлини тўсолмас сўнг жумла жаҳон.  
 Ўзга қабилалар бу ишни қилсин,  
 Қилолмаса майли мағлуб, енгилсин.  
 Сиху кабоб унда куймас муқаррар,  
 Сизлар ҳам бўласиз ғолиб-музаффар».  
 Утбадан мушриқлар бўлиб дарғазаб,  
 Қўзиб ҳар бирида жаҳл ила асаб,  
 Дейишди: «Алжираб қолибсан беҳад,  
 Ақлингдан оздириб қўймиш Муҳаммад!»  
 Сўнг одам юбориб Расулulloҳга,  
 Дейишди: «Қирайлик бир қулай роҳга,  
 На сену на бизга етмасин зиён,

Кимсасиз қолса-да уй-жой, мулку мол,  
 Кетишди ўн эркак ва бешта аёл.  
 Руқия Расулнинг қизи инчунон,  
 Ҳам эри саҳоба ҳазрати Усмон.  
 Абу Салама ва Умму аёли,  
 Абу Субра — Гулсум соҳибжамоли,  
 Омир Лайло деган ёстиқдоши-ла,  
 Хузайфа Саҳладек қаламқоши-ла,  
 Абдурахмон, Маъзун, Мусъабу Суҳайл,  
 Зубайр манзилга етдилар жадал.  
 Муҳожирлар чекиб кўплаб машаққат,  
 Барига айлашди сабр ила тоқат,  
 Мушриклар жабридан бўлиб омонда,  
 Осида яшашди Ҳабашистонда.  
 Маккада қолдилар Расули Оллоҳ,  
 Енида саноқли мусулмон ҳамроҳ!  
 Вазият тобора кескинлашган дам,  
 Яна динга кирди бир улуғ одам.  
 Аслзод, шерюрак, ботир, дипломар,  
 Тўрт дўстнинг бири бу эдилар — Умар.  
 Бўлиб шу пайтгача ғаниму ғаддор,  
 Бериб муслимларга кулфату озор.  
 Охири ёғилиб нури ҳидоят,  
 Мусулмон бўлдилар у зот ниҳоят.  
 Пайғамбар у зотни айлабон дуо:  
 «Умарни Исломга кирит, эй худо»,  
 Дегани топибон тезда ижобат,  
 У бўлди Исломга мадади-қувват.  
 Орадан кўп ўтмай Умар паҳлавон,  
 Арқам ҳовлисида келтирди ниймон.  
 Мушрикларни босиб бу ҳолдан васвос,  
 Келиб қолмасайди гар саҳимлик Ос,  
 Улдирмоқчи эди Умарни улар,  
 Ёпирилиб солиб даҳшат, қутқулар.  
 Қилич яланғочлаб Ос дедики қайт,  
 Унинг важоҳатин кўришиб шу пайт.  
 Ноилож чекинди ёвуз оломон,  
 Умар Ос туфайли қолди соғ-омон!

### **Муҳожирларнинг Ҳабашистондан қайтишлари**

Бегона юртларда чекиб азият,  
 Ортига қайтишди улар хушният.  
 Уч ой муҳожирлар қийналгач жондан,  
 Охири қайтишди Ҳабашистондан.

Шоҳона ҳаётга ўрганган зотлар,  
Излаб ғарибликда ором, нажотлар,  
Қурайшлик аслзод, ҳам зодагонлар,  
Узлат илинжида чекиб фиғонлар,  
Бировга бу ҳақда маслаҳат солмай,  
Қайтишди ҳижратга кўника олмай.

### Мушриклар қарори

Ислом дини келди устувор ғолиб,  
Қурайш мушриклари ҳасратда қолиб,  
Дейишди уруғи Абдуманнофга,  
Расули Оллоҳни бадали софга,  
Токи мушрикларга ҳадя қилса,  
Мушриклар у зотнинг терисин шилса.  
Уларнинг таклифи лек этилди рад,  
Бадалдан қимматроқ эди Муҳаммад,  
Гапи ерда қолган мушриклар гаранг,  
Яна Абутолиб ҳолин қилиб танг,  
Дедилар қурайшлар бўлмасин дилғаш,  
Истаган йнгитга сен уни алмаш.  
Уларнинг макридан сўнг Абутолиб,  
Еқасин ушлади ҳайратда қолиб:  
«Сиз менга боққани берасиз бола,  
Вале адоватдан ичингиз ола,  
Сизларга Муҳаммад берилган замон,  
Шубҳасиз бошини ерсиз беомон.  
Ҳар кимнинг фарзанди ўзига азиз,  
Хоҳ бўлсин асранди, хоҳ ўғил, хоҳ қиз!  
Сизлар оч бўридек қайрагайсиз тиш,  
Муҳаммад бошига ёғдириб ташвиш.  
Сизлар Муҳаммадни икки дунёда,  
Биздан ололмайсиз бу хил савдода».  
Мушриклар қутуриб ушбу жавобдан,  
Бебахра қолишиб хайру савобдан:  
«Токи Муҳаммадни этмагунча қатл,—  
Дедилар,— сизларга қилмагаймиз адл».  
Ҳошим ва Муттолиб жамоасини,  
Яккалаб ёзишди ўз номасини.  
Уларга тўсилиб роҳи тижорат,  
Ҳам қамал айлашиб, солишди ғорат.  
Маккадан ҳайдашга қилишиб қарор,  
Ёзишиб фармону этиб муҳрдор.  
Сўнг уни Каъбага қўйишди осиб,  
Ҳар бири ўзининг муҳрини босиб.



Иккита жамоа шу кундан бошлаб,  
Дунёдан узилди кўзини ёшлаб.  
Кофирми, мусулмон барча одами,  
Ғайри Абулаҳаб бошида ғами,  
Қамалди дарайи Абу Толибга,  
Мушриклар айланди зўру ғолибга.  
Навфал ва Абдушамс жамоаси ҳам,  
Емади уруғи қамалганда ғам.  
Чўзмади уларга мадад қўлини,  
Худо осон қилгай ўзи йўлини.  
Қамалда қолганлар бўлиб бедармон,  
Дарахтлар япроғин еб сақлашди жон.  
На ўзга юртлардан келган савдогар,  
На ғариб муҳтожу телба, дарбадар,  
На хайрот бергувчи бир мухлис дин,  
Боролмай уларнинг ёнига яқин,  
Қурайш мушриклари бўлиб тўғаноқ,  
Уларнинг йўлини тўсишди ҳар чоқ.  
Ақл бовар қилмас бу ёвўзликка,  
Айниқса жонбозлик кўрсатди тикка—  
Расул амакиси, севгани заҳаб<sup>1</sup>,  
Худодан қўрқмаган наҳс Абулаҳаб!

#### Ҳабашистонга иккинчи ҳижрат

Қилиниб Пайғамбар қавмлари қамал,  
Ҳабашистон сари этиб бир амал.  
Саксон уч эркагу ўн саккиз аёл,  
Сафарга отланди хор афтодаҳол.  
Улар орасида бор эди Жаъфар,  
Ҳам унинг аёли Асмо хушназар.  
Ибн Асвад ила Абдуллоҳ Масъуд,  
Убайдуллоҳ билан аёли ҳам зуд,  
Шунингдек Ҳубайба ҳижратнишоннинг,  
У зот қизи эди Абу Суфённинг.  
Яманлик мусулмон яна Ашъари,  
Уларга қўшилиб қавми-ла бари,  
Ҳабашистон томон жўнадилар бот,  
Бориб ўша жойда топдилар нажот.  
Мушриклар бу гапдан топишиб хабар,  
Ҳабашистон томон юборди чопар.  
Амр Ос, Умора ҳам ибн Валид,  
Совға-саломлардан ясашиб калид,

---

<sup>1</sup> З а ҳ а б — олтин, қизил тилло.

Муаммо қулфини очмоқчи бўлди,  
Муслимларга заҳар сочмоқчи бўлди.  
Ҳабашистон шоҳи Нажойишга заб,  
Улар қўйишдилар кўп оғир талаб.  
Дедилар: «Юртингга киритмай зинҳор,  
Келган муслимларни қайтариб юбор».  
Нажойишга ботиб бу гаплар оғир,  
Улардан ғазаби қўзиди охир.  
Мушриклар элчисин обрўйин тўкиб,  
Ортига қайтарди бўралаб сўкиб.  
Муҳожирлар эса Ҳабашистонда,  
Муқим яшадилар ҳифзу омонда.  
Дара ичра қолган муслимлар фақат,  
Уч йилча чекишди азоб-машаққат.  
Иймонли одамлар махфий равишда,  
Доим машғул бўлди емак ташишда.  
Шу боис сақлашди бир амаллаб жон,  
Шуни лозим кўргач подшоҳи жаҳон.

### **Қарорнинг бекор қилиниши**

Мушриклар кўрсатгач жабр, зулм, ҳийла,  
Уч йил азоб чекди битта қабила.  
Кўпларнинг раҳмини келтирди бу ҳол,  
Охири қурайшлик бешта оқсоқол  
Бу машъум қарорни этгали бекор,  
Қатъий хоҳишларин айлашди изҳор.  
Улардан бирови эди Алъомир,  
Иккинчиси Махзум—Расулга томир.  
Ҳишом Алъасади, Ади Навфали,  
Ҳам Замъа эдилар, барига балли.  
Йиғилиб, кенгашиб, қилиб маслаҳат,  
Сўнг келди қарорга аҳли машварат.  
Тонг отгач Зухайир Махзум биссаваб,  
Байтуллоҳни келиб айлади тавоф.  
Сўнгра одамларга юзланиб шу он,  
Деди: «Макка аҳли бизлар соғ-омон,  
Усту бошимиз бут, ҳам қорнимиз тўқ,  
Ҳошим, Муттолибда лек ҳеч вақо йўқ.  
Уларнинг бошига ёғиб зулм-тиғ,  
Ҳатто қилолмаслар савдою сотиқ.  
Уларни биз этдик баридан маҳрум,  
Чиқардик бир қарор шафқатсиз, машъум,  
Сизлар йиртмагунча мен тургайман тик»,  
Абу Жаҳл деди: «Сўзладинг ўтрик».

Унинг гапи қилиб Замъага таъсир,  
Деди: «Абу Жаҳл, ўзинг бадмакр,  
Ёлғонни сўзлайсан доим дўндириб,  
Ёлғондан бизларни ўзинг кўндириб,  
Биз эдик бу машъум қарорингга зид,  
Буни англагайдир ҳар бир соҳибдид».  
Унинг фикрин ёқлаб Абулбуҳтари,  
Сўзига қўшилди бор ёшу қари.  
Мушриклар деса ҳам гар «ади-бади».  
Бу гапдан руҳланиб сўнг ибн Ади,  
Йиртди девордаги қарорни олиб,  
Унда Оллоҳ деган ёлғиз сўз қолиб,  
Қолганини қуртлар битирганди еб,  
Мушриклар атарди гарчи қарор деб.  
Бундай бўлишини Абутолибга,  
Расул айтган эди меҳри ғолибга.  
Ушбу ҳодисадан бир оз илгари,  
Оллоҳ аён қилгач ҳақ Пайғамбари.  
Дара қамалидан бўлишиб озод,  
Бари маконига йўл олишди шод.

#### **Нажрон элчиларининг ташрифи**

Қамалдан чиққанда ҳазрат Пайғамбар,  
Кетди ҳар томонга бу ҳақда хабар.  
Насроний динига эътиқод қилган,  
Илоҳий китобдан номини билган,  
Нажроннинг вакили ташриф буюрди,  
Расули Оллоҳга юзма-юз турди.  
«Инжил»да айтилган у зот ҳақида,  
Далилу бурҳонга асос ақида.  
Деганди: «Бориб бир текшириб кел-чи»,  
Шу боис келганди йигирма элчи.  
Нажронлар тинглашиб ояти «Қуръон»,  
Дарҳол келтиришди сидқ ила иймон.  
«Дунёда кўрмадим сизлардек аҳмоқ»—  
Деб айтди уларга Жаҳл ўша чоқ.  
Ҳам улар устидан хохолаб кулиб,  
Завқдан ювилмаган соқолин юлиб:  
«Халқингиз сизларни юборган бил деб,  
Наинки, Муҳаммад не қилса қил деб,  
Сиз эса эл-юртга қилиб хиёнат,  
Динларингиз сотиб, чун бедиёнат.  
Муҳаммад динини этишиб қабул,  
Уни ўзингизга санайсиз Расул».

Нажронлар дейишди: «Пайғамбар Аҳмад,  
 Сен эса йўлингдан қолмагин, раҳмат!  
 Бу ерга келганмиз на бузиш учун,  
 Аксинча сизлар-ла сулҳ тузиш учун.  
 Сизларнинг динингиз ўзингизга тан.  
 Бизники биз учун саналгайдир шаън.  
 Бу ҳақда тортишиб қилмайлик араз,  
 Ҳар ким ўз йўлида юрсин беғараз —  
 «Қасос» сурасида бир неча оят,  
 Яратган бу ҳақда қилган ҳикоят:  
 «Қуръон»дан илгари биз китоб нозил  
 Қилганмиз (аталур «Таврот» ва «Инжил»),  
 (Яҳудий, насроний кўпи тонишди),  
 (Уларнинг бир қисми лек) ишонишди —  
 «Қуръон»га тиловат қилинган маҳал,  
 Оллоҳнинг сўзидир тўқис, мукамал,  
 Бизлар илгари ҳам мусулмон эдик,  
 Худонинг йўлида покдомон эдик.  
 Қаноат сабри-чун уларга жавоб  
 Бўлар охиратда қўшалоқ савоб.  
 Ёмонликни этиб яхшилик-ла даф,  
 Берган ризқимиздан кўрар эзгу наф.  
 Яхшилик йўлида ҳамда айлар сарф.  
 Тескари қарарлар гар беҳуда ҳарф.  
 Бизнинг аъмолимиз бўлгай бизники,  
 Сизники соғ бўлинг, бўлсин сизники.  
 (Баҳслашмаймиз сиздек инсонлар билан),  
 Бизлар дўстлашмаймиз нодонлар билан»,—  
 Дейишиб ҳақ йўлда бўлишар собит,  
 Уларнинг номидир ориф ё обид.  
 Мушриклар бўлишиб охир шарманда,  
 Чалди азалгидек яна чирманда:  
 «Эй, Худо, чиндан ҳам сен этиб нозил,  
 «Қуръон»ни (юборган бўлсанг чун фозил).  
 Ёғдир осмонингдан устимизга тош,  
 Ё қаттиқ азоб бер, қилмайлик бардош,  
 Дейишди Оллоҳдан ҳатто қилмай ор,  
 Ва лекин бўлишди охир шармисор.

### **Пайғамбар алайҳиссаломнинг жуфти ҳалоллари Хадичанинг оламдан ўтиши**

Кўп ўтмай Пайғамбар чиққач қамалдан,  
 Ҳаёт дарахлари қолиб амалдан —  
 Хадича (Оллоҳнинг етиб ниёзи,

Барча умматларнинг унга эъзози)  
Оламдан ўтдилар жаннати бўлиб,  
Расулуллоҳ дили қайғуга тўлиб,  
Кўп эслар эдилар у зотни мудом,  
Муслима аёлдек қилиб эҳтиром  
Ҳамда ўзгаларга йўллари ибрат,  
Олдинда бор эди Мадина — ҳижрат.  
Иброҳимдан бошқа дилбандларини,  
Топиб Хадичадан фарзандларини,  
Расулуллоҳ тўнғич қизлари — Зайнаб,  
Исломдан илгари Абу Ос хуштаъб,  
Никоҳига олиб, тўй бўлди илкис,  
Туғилди Умома исмли бир қиз.  
Фотима айлаган чоғида вафот,  
Али Абутолиб қолиб бенажот,  
Уни айладилар умр йўлдоши,  
Шу экан қисматнинг сузилган оши.  
Усмон Руқияга боғлади никоҳ,  
Шунинг насиб этиб уларга Оллоҳ,  
Бирга Ҳабашистон кетишиб улар,  
Руқияни ўлдирди ғаму қайғулар.  
Кейин Пайғамбарнинг бошқа қизлари,  
Ислом тарихида қолган излари,  
Умму Гулсумга у боғлади тақдир,  
Қисматга не битса яратган ҳақдир.  
Хадича қизлари яшамай узоқ,  
Барини бағрига олган бу тупроқ.  
Отадан сўнг қолган Фотимаси ҳам,  
Кўп ўтмай айлаган тарки бу олам.  
Расулнинг бошига тушиб жудолик,  
Тилади Оллоҳдан рози-ризолик.  
Хадича у зотга Қосим Абдуллоҳ,  
Деган ўғил ато этганди, иллоҳ  
Баъзан шу ном билан Расулуллоҳни,  
Оллоҳнинг сўзидан дили огоҳни,  
Чақирар эдилар айлабон ҳурмат,  
Илоҳим ул зотга бўлсин минг раҳмат!

### **Расулуллоҳнинг Савдага уйланишлари**

Хадича оламдан юмганида кўз,  
Пайғамбарга лозим эди бир дилсўз.  
Кўп ўтмай ғам тўла ушбу саройда,  
Пайғамбар уйланди нақ ўша ойда —  
Савдага, омирлик Замъанинг қизи,

Тўғри келганий-чун унинг юлдузи.  
 Эри ибн Амир қилганда вафот,  
 Савда қолган эди ёлғиз бенажот.  
 Бирга Ҳабашистон қилишиб ҳижрат,  
 Қайтгач эри ўлиб, қолди бесарват<sup>1</sup>.  
 Расулulloҳ қилиб олмаса никоҳ,  
 Савда чекар эди кўп аламу оҳ.  
 Мушрик қариндошлар хўрлашиб, қистаб,  
 Диндан қайтишини жуда ҳам истаб.  
 Балки эришарди манфур ниятга,  
 Бева аёл қолиб кўп азиятга.  
 Шунингдек тақводор муслима аёл,  
 Эди Пайғамбарга муносиб ҳамбол.<sup>2</sup>  
 Йўқса баланднасаб бойвучча жувон,  
 Қартайиб бўларди ёш умри хазон.  
 Рағбати қолмасди турмуш қуришга,  
 Умуман чиқмасди ёки турмушга.  
 Расули Оллоҳнинг ҳар бир ишида,  
 Эзгулик йўлида ҳар қилмишида,  
 Ақл бовар қилмас ҳикматлар бордир,  
 Бонси у зотга Оллоҳим ёрдир.

#### Расулulloҳнинг Ойшага уйланишлари

Бир ой Хадичанинг мотамин тутиб,  
 Расул яратгандан марҳамат кутиб,  
 Сўнгра Абубакр қизи Ойшани  
 Никоҳга олдилар Пайғамбар ани,  
 Тўққиз ёш эдилар соҳиби иффат,  
 Мадинага қилган чоғлари ҳижрат.  
 Иккиси қўйишди бир ёстиққа бош,  
 Бирлашди мисоли ой ила қуёш.  
 Унгача Савда-ла ҳазрат Пайғамбар,  
 Маккада яшади беҳавфу хатар.  
 Хадича изидан ўтганда бир ой,  
 Олди Абутолиб мангуликдан жой.  
 У зот Муҳаммадга шубҳа қилмасди  
 Ҳамда душманларни кўзга илмасди  
 Уни мушриклардан қилиб ҳимоя,  
 Ўтди бу оламдан биллониҳоя.  
 Ва лекин келтирмай Расулга иймон,  
 Кетди бу дунёдан бўлмайд мусулмон.

<sup>1</sup> Бесарват — мол-мулксиз, ҳеч вақосиз.

<sup>2</sup> Ҳамбол — тенгқур, тенгдош, муносиб.

«Қасос» сурасида бу ҳақда ғоят,  
Оллоҳ нозил қилган ғўзал бир оят:  
«Сен суйган одамни (биллониҳоят),  
(Истаб) қилолмайсан (лекин) ҳидоят.  
Хоҳласа ул одам оқилми, гумроҳ,  
Ҳидоят айлагай шубҳасиз Оллоҳ».  
Бўлиб Пайғамбарга таянч, соябон,  
Абутолиб ҳар дам эди гиргиттон.  
Оллоҳим айлагай унга мағфират,  
Деб умид қиламиз шу боис фақат.  
Расули Оллоҳнинг хешу табори,  
Исломга кирмади жам бўлиб бори.  
Бунда ҳам ҳикмат бор, агар Пайғамбар  
Изидан эргашса қариндошлар гар.  
Мушриклар ўйларди қавми Муҳаммад,  
Келишиб ўзига тиклагай деб садд.  
Улар подшоликни олиш-чун қўлга,  
Шахсий манфаат деб кирган бу йўлга.  
Шу боис ким бўлса Расулга яқин,  
Бўлмади мазҳабда, у билан ҳамдин.  
Аксинча Умайя қавмидан Усмон,  
Эди Пайғамбарга душман беомон,  
Иймонга келиб лек динига кирди,  
Бу ҳолдан мушриклар яна қутурди.  
Қўрсата олмасдан ҳеч вазу карсон,  
Ўзаро тўқишди турли хил бўҳтон.  
Расулни дейишди сеҳргар, коҳин,  
Исломни эса-чи, ўткинчи бир дин.  
Ва лекин кофирлар қилишди хато,  
Ҳар неки бандага ҳақ қилса ато,  
Уша содир бўлгай икки дунёда,  
Бўлгайми у мазлум ёки озода.  
Абутолиб силкиб бу дунёга қўл,  
Бақолик мулкига олганида йўл,  
Ундан сал ҳайиқиб турган мушриклар,  
Букилган қадларин янада тиклар.  
Ўзаро тортишиб, этиб манманлик,  
Қилишди очиқдан-очиқ душманлик.  
Пайғамбар кўчадан ўтаётган чоқ,  
Бесабаб бошига сочишиб тупроқ  
Ёки ўқиётган чоғлари намоз,  
Қўйнинг елинини келтиришиб боз,  
Расулнинг бошига ёпиб қўйишиб,  
Ҳазилу мазахга буни йўйишиб.

Нега сен бизларнинг шунча илоҳни,  
 Бирга алмашдинг, деб Расулulloҳни  
 Мушриклар жигига тегарди такрор,  
 Ужарларча бериб у зотга озор.  
 Кам бўлиб ўшанда аҳли мусулмон,  
 Бўлолмас эдилар Расулга қалқон.  
 Бор эди уларда на давлату ганж,  
 На ҳарбий қудрату лашкару таянч.  
 Фақат Абубакр тушиб бир сафар  
 Орага, дедилар: «Сизлар шу қадар,  
 Раббим ёлғиз Оллоҳ деган одамга,  
 Зулм этиб соласиз азобу ғамга.  
 Сизда одамликдан бўлса гар нишон,  
 Минбаъд қийнамайсиз уни ҳеч қачон».  
 Одамийлик бўлмас кофир зотида,  
 Пайғамбар уларнинг истибдодида,  
 Аҳволлари бўлиб кундан-кун оғир,  
 Тоифга бош олиб кетдилар охир.  
 Бориб сўрадилар Сақифдан ёрдам,  
 Ҳам даъват этдилар динга пайиҳам<sup>1</sup>  
 Сақиф қабиласи орасида хеш —  
 Бор эди Расулга ҳамдилу дарвеш.  
 Сарвари оламу орифу сайид,  
 Озода ғуломи ёнида Зайд.  
 Учратиб қабила оқсоқолларин,  
 Очдилар дилдаги эзгу фолларин.  
 Бор эди Сақифнинг учта фарзанди:  
 Абдиёллил, Масъуд, Ҳабиб дилбанди.  
 Улар қабилага бошлиқ эдилар,  
 Динга даъватини кўриб дедилар:  
 «Бу ердан жўнанглар ўзга маконга»,  
 Тутишди уларни ҳам тошбўронга.  
 Аҳмоқ одамлар ва ақлсиз ёшлар,  
 Расулнинг бошига ёғдирди тошлар.  
 Зайд уни ҳимоя айлади бисёр,  
 Вале оёқлари бўлди ярадор.  
 Дам олмоқчи эрди бир ток тагида,  
 У эди Утбанинг қарамоғида.  
 Нафасин ростламай тез Расулulloҳ,  
 Турди эгасидан бўлганда огоҳ.  
 Дедилар Пайғамбар алайҳиссалом:  
 «Эй худо, тугади мадорим тамом.

<sup>1</sup> П а й и ҳ а м — кетма-кет.



Элу юрт ичида бўлиб беҳурмат,  
Сенга ёрилишга айладим журъат.  
Мени сен кимларга топширдинг, эй воҳ,  
Эй улуғ ҳурматга сазовор Оллоҳ?!»  
Утба билан Шайба қилиб тараҳхум,  
Қуллари Аддосдан уларга шу зум,  
Бир бош узум бериб юборди илло,  
Пайғамбар едилар дея: «бисмиллоҳ».  
Оллоҳнинг номига қизиқиб Аддос,  
Пайғамбар сўзига айлабон ихлос,  
Насроний бўлса-да келтириб иймон,  
Шу ернинг ўзида бўлди мусулмон.  
Ҳазрати Жаброил шамолдай елиб,  
Ҳазрат Пайғамбардан сўради келпб:  
«Халқинг сенга қилиб кўп жабру жафо,  
Не қил десанг, этгум армингни бажо,  
Оллоҳ ҳукми билан келдим сен томон»,  
Расули Оллоҳим деди шу замон:  
«Халқимни ҳидоят этгил тамоми,  
Худойим, ғофилдир улар ҳам оми».  
Таҳсин-ла дедилар шунда Жаброил:  
«Оллоҳим сўзига ҳазорон қойил,  
Деганлар, раҳмдил, меҳр-шафқатли,  
Мен кетдим, омон қол шону шавкатли».  
Нахла деган жойга етгани маром,  
Ҳазрати Пайғамбар алайҳиссалом,  
Бир гуруҳ жин бўлиб ногаҳон пайдо,  
«Қуръон» тиловати айлабон шайдо,  
Оллоҳ сўзларини эшитишган он,  
Улар келтиришди сидқ ила иймон.  
Бўлиб «Жин» сураси бу ҳақда нозил,  
Жинлар қиссасидан сўзлар батафсил:  
«Иймон келтирганмиз Расулуллоҳга,  
Ҳеч кимни қилмаймиз шерик Оллоҳга».  
Расулуллоҳ қилгач Тоифга ҳижрат,  
Қайтиб бориш эди яна машаққат.  
Тоифдан сўрагач ёрдам Пайғамбар,  
Мушриклар бу ишдан топишиб хабар,  
Маълумки у зотга бермай омонлик,  
Қўзиб ғазаблари қилгай ёмонлик.  
Қайтишга ботинмай ҳазрат Муҳаммад,  
Сўрадилар ибн Навфалдан мадад.  
Унинг ёрдами-ла кириб шаҳарга,  
Ҳеч ким теголмади сўнг Пайғамбарга.

Маккага кузатиб Расулни Навфал,  
Ортга қайтар эди йўлда бир маҳал,  
Мушриклар сўради солиб қатағон:  
«Муҳаммад динига кирдингми?»— дебон.  
«Ёки ҳимоялаб, бўлдингми ҳомий?»  
«Ҳимоямга олдим»,— деди тамомий  
Уларнинг сўзини чўрт кесиб Навфал.  
Мушриклар дейишди: «Хўп, масала ҳал,  
Ҳомийлик қилибсан, айлабон карам,  
Сенинг ҳурматинг-чун тегмаймиз ҳеч ҳам».

### Давс қабиласининг элчиси

Маккага қайтганда ҳазрати Набий,  
Яшнади жамики муслимлар таъби.  
Давсдан ибн Амр белини боғлаб,  
Ҳазрат Пайғамбарни келди сўроқлаб.  
Абу Ҳурайрага у эди юртдош,  
Машҳур саҳобақим дилида қуёш.  
Давс қабиласи аро донишвар,  
Машҳур шоир эди ҳамда нағмагар.  
«Қуръон» оятларин эшитган замон,  
Мусулмон бўлди у келтириб иймон.  
Расулulloҳ унга буюрди дадил:  
«Қавмингни Исломга бориб даъват қил!»  
Ҳамда айладилар ҳаққа илтижо:  
«Давс қавмини этгил ҳидоят, худо!»  
Расул айтган янглиғ Амр иш тутди  
Ҳамда эзгуликдан натижа кутди.  
Сазовор бўлишиб хуш эзгу номга,  
Қўпчилик кишилар кирди исломга.  
Ҳазрат Пайғамбарга бу одамлар сўнг,  
Ёрдам кўрсатишди қатъий ҳамда чўнг.

### Исро ва Мерож

Мадинага ҳижрат этмай Пайғамбар,  
Яратган у зотни этди мўътабар.  
Бериб мартабайи Исро ва Мерож,  
Бошига қўйдилар саодатдан тож.  
Расули Оллоҳни пок парвардигор,  
Айлаб қалбларини янада нурвор.  
Байтулмуқаддасга хуш эҳтиромдан,  
Маккадаги қутлуғ Масжид Ҳарамдан  
Бориб келишлари аталур Исро,  
Бунга гувоҳ эрур Марваю Сафо.

Рухий олам билан танишиб қайтиш,  
Оллоҳга мингдан-минг шукрона айтиш.  
Мерож деб аталур аҳли Исломда,  
У зот нойил бўлган шу эҳтиромга.  
Ҳам аҳли суннатлар эътиқод айлаб,  
Ҳамда чориёрлар эътиמוד айлаб,  
Тўрт улуғ халифа этган эътироф,  
Бу калом ҳақиқат, эмас зарра лоф.  
Пайғамбар Мерожга чиққандир жисман,  
Деб олар тўртови чин юракдан тан —  
Абубакру Умар, Усмону Али  
Ишонган Пайғамбар айтган маҳали.  
«Оллоҳни кўрмаган ҳазрат Пайғамбар,  
Кўрди деб айтса ким ёлғон муқаррар,  
Гуноҳкор бўлади шубҳасиз ул зот»—  
Деб айтган Ойша, минглаб ҳасанот!  
«Исро» сураси-ла биринчи оят,  
Исро воқеасин айлар ҳикоят,  
«Қуръони Карим»да этилган баён:  
«Бандасига этиб қудратин аён,  
Масжиди Ҳаромдан бир кечада бот,  
Масжиди Ақсога элтган (покнажот).  
Оллоҳ баракотли, пок, улуғ зотдир,  
Кўриб-билиб турган (бир мўъжизотдир),  
Бор-йўқ мавжудотни икки оламда,  
Тасвишлаб бўлмагай оддий қаламда.  
«Саҳиҳул Муслим» ва «Саҳ... Бухорийда»,  
Мерож воқеаси айнан борича,  
Ҳаққоний ёзилган бу китобларда.  
Тўхталиб «Шифо»да кўп хитобларда  
Эътироф этганди ҳам Қози Иёз,  
У зот ҳам соҳиби илоҳий ннёз!  
Анас ибн Молик айлар ривоят,  
Мерож воқеасин шундоғ, ниҳоят,  
Эшитган Расулдан у зот, албатта:  
«Ҳачирдан кичигу эшакдан катта,  
Келтириб қадами илдам бир дулдул  
Бердилар, шамолдай элти мени ул,  
Байтуллоҳга, кейин мен ул дулдулни,  
Улови тургувчи барча расулни,  
Отхонага боғлаб, қилмай эътироз,  
Масжидда ўқидим қўш ракаат намоз.  
Жаброил келтирди икки идишда,  
Сут билан май менга, олиб ичишда

Мен сутни танладим, бўлгандай қойил,  
«Яхши қилдинг»— деди менга Жаброил.  
Шундан сўнг самога кўтарилдик заб,  
«Осмонни оч»,—қилди Жаброил талаб.  
Шу маҳал «Қимсан?»— деб янгради овоз,  
Ўзларин Жаброил танитганда боз,  
«Ёнингда ким бор?»— деб сўрди росмана,  
«Муҳаммад бор»,— деди Жаброил яна.  
«Унга Пайғамбарлик келдими?»— деган,  
Бир савол янгради, унга жавобан  
Жаброил: «Ҳа»,— деди ва ўшал замон  
Қопқаларин очди мунаввар осмон.  
У жойда кўриниб ҳазрати Одам,  
Эзгулик тилади менга ўша дам.  
У зот пешвоз олиб, бўлиб хушқилиқ,  
Кузатиб қолдилар тилаб яхшилиқ.  
Иккинчи осмонга кўтарилдик сўнг,  
У жойда ҳам бўлди савол-жавоб чўнг.  
Осмон қопқалари очилиб охир,  
Яҳё билан Исо бўлишди зоҳир.  
Яхшилиқ тилашди, чиқишиб пешвоз,  
Учинчи осмонга кўтарилдик боз.  
Жамъи гўзалликнинг ярмини ато  
Айлаган Юсуфга Оллоҳ бехато,  
Гўзаллик тимсоли Ҳазрати Юсуф  
Қаршилаб, айлади менга такаллуф.  
Тўртинчи осмонда кўрдим Идрисни,  
Юракдан ҳис этиб илоҳий ҳисни.  
Бешинчи осмонда Ҳорун олиб жо,  
Олтинчи осмонда ҳазрати Мусо,  
Эъзоз-ла учрашиб, мени қаршилаб,  
Қолишди дуо-ла эзгулик тилаб.  
Еттинчи осмонда Байтулмаъмурга,  
Суяниб Иброҳим чулғаниб нурга,  
Ўтирар эдилар поку саришта,  
У жойга етмиш минг нафар фаришта  
Кириб чиқар эди ҳар куни қатор.  
Бир бор киргач навбат етмаскан такрор,  
Сидратулмунтаҳо дарахтин кейин  
Бориб кўрдик унинг шарҳини дейин.  
Меваси қовоқдек келарди чоғи,  
Филнинг қулоғидек ҳар бир япроғи.  
Товланиб, турланиб тураркан хушбахт,  
Раббимнинг амри-ла доим бу дарахт.

«Ул ёққа кетгандир бизларнинг карвон,  
Шул ҳақда хабар бер, қандай ва қачон  
Қайтади, ҳам бордир нималар унда,  
Ким бошлаб келади ва қайси кунда?»  
Хаёлга чулғанди Расули Оллоҳ,  
Ҳақ этди баридан у зотни огоҳ.  
Дедилар: «Фалон кун чиққанда офтоб,  
Одамлар кўзидан учганида хоб,  
Тарғил туя келар қарвонни бошлаб,  
Ким шоду ким ҳатто кўзини ёшлаб,  
Неки мавжуд бўлса икир-чикирин,  
Айтди мушрикларга аниқ ҳар бирин».  
Чиндан ҳам ўша кун яратган қодир,  
Бўлди Пайғамбарнинг айтгани содир.  
Иймонга кирмасдан кофир-тарсолар,  
Баттар авжга минди ул бехудолар.  
Йўйиб фолбинликка бу ҳодисотни,  
Сеҳр деб билишди ҳам мўъжизотни.  
Кофир бўлса булар ер билан яксон,  
Ва лекин ҳеч маҳал бўлмас мусулмон.  
Мерожга чиқилган тун бўлиб зойил,  
Эртаси келдилар ҳазрат Жаброил,  
Беш вақт намоз учун мисли муаллим,  
Ўргатиб Расулга бердилар таълим.  
Бомдодда ўқилиб икки ракаат,  
Пешин ва асрда тўрт бордан фақат,  
Шомда уч ва яна тўрти хуфтонда,  
Ҳар куни ва айнан бир хил замонда.  
Беш маҳал намози бўлганича фарз,  
Иброҳим мисоли Расул билиб қарз,  
Тонгда ва кечқурун икки бор намоз  
Ўқиб, қилардилар Оллоҳга ниёз.  
Расули Оллоҳу Мерож ҳақида,  
Ҳазрати Низомий айтган ақида  
Таржима этилди форсий забондан,  
Иборат шу янглиғ шеърий маржондан:  
«Буриб бир тун юз дайри фанодан,  
Кўриб ул марҳаматлар Раббанодан.  
Етибон Жаброил юксак самодан,  
Яшин янглиғ оти эрди зиёдан.  
Нигорин жуссаси чун сурати боғ,  
Юган бошида йўқ — оёғида доғ!  
Булутмас, дур сочар андин зиёда,  
Шамолмас, лек хуш учгай ҳавода.

Эрур денгиз мисол жабдуғи гавҳар,  
Қайиғига минншдан кимса қўрқар.  
Эрур яғрини кенгу кучли тулпор,  
Қўришга тез кўрар учганда шунқор.  
У жонзот етти осмоннинг ғуломн,  
Шоҳаншоҳ остида елдек хироми.  
Учибон Маккадан қуш мисли ғўё,  
Етиб чексиз самовот узра рўё.  
Расулни етказиб қодир худога,  
Ижобат этди у қилган дуога.  
Шу хил пешволиғ айлаб анбиёга,  
Равона этди они кибриёга<sup>1</sup>.  
Бориб ташга оқиллар ваҳми янглиғ,  
Қўк осмонда кийиб тўн қўк ранглиғ.  
Бу гирдобдан чун жаннат шамоли,  
Қутбга кемасин сурди баҳоли.  
Фалакнинг қалбини Ақрабда ёриб,  
Асаднинг манглайига қўл юбориб,  
Само йўлида юрган чоғи оти,  
Очилмиш бу фалакнинг тилснмоти.  
Камолга устухонни ганж айлаб,  
Тарозуни саодатсанж айлаб.  
Даҳр оналари ҳомила боғлаб,  
Ўлик қизлар ётар ерни қучоқлаб.  
Улуғликдан бериб юлдузга ул тож,  
Қуёшдан олгай ул муҳри ила бож.  
Самогирларни йўқ этмоққа қодир,  
Урар жавзони бир ўқ бирла охир.  
Юсуфдек шарбатин ичса дилида,  
Юнусдек Ҳут бағишлар маҳфилида.  
Сурайё қолди ундан пастда мадхуш,  
Бўлиб сарҳанг изидан учди чун қуш.  
Қанот қоқиб тагида Насри Тоир,  
Етолмай Насри Воқеъ мисли ҳеч бир.  
Эди турфа гулу райҳонли гулшан,  
Бериб кўнгул узолмас кўзни ундан.  
Яшил майдондан ул чиққан ҳамоно,  
Отин чоптирди сўнг саҳрома-саҳро.  
У кўк товуским учди журъатидан,  
Тўкилди пат-қаноти суръатидан.  
Тўшиб Жаброил отдан унда хуррам,  
Мекойил кетди у бирлан ўшал дам.

---

<sup>1</sup> Кибриё — улуғлик (Оллоҳнинг сифати)

Сирофил сўнгра ўтқазди қанотга,  
 Уни етказди тахти коинотга.  
 Уриб Тўбий дарахти узра байроқ,  
 Кейин Сидрага қўл чўзди дили чоғ.  
 Уқиб олам китобин хуш кўрарди,  
 Биёбонма-биёбон от сурарди.  
 У осмон қатларин забт этди бир-бир,  
 Бориб кўк гумбазига етди охир.  
 Суриб от ташга<sup>1</sup> ул икки жаҳондин,  
 Икки оламда шоҳлик қолди ондин.  
 Юзидан ўз ниқобини у очди,  
 Коинот сирларин оламга сочди.  
 Тўзиб жингила сочи ҳар томонга,  
 Ниқобин қайта боғлашди маконга.  
 Муҳаммадким маконсизлиғ макони,  
 Намоён бўлди йўқликдан нишони.  
 Қулоқ бирла эшитди мангу сўзин,  
 Худованди жаҳонни кўрмай ўзин.  
 Тани титраб илоҳий тилмочидан,  
 Кўнгул кўзи очилди ҳар сочидан.  
 Кўриб андинки ҳайрат ҳосил эрмиш,  
 Дили кўзида, кўзида дил эрмиш.  
 Хитоб келдики, эй мақсуди даргоҳ,  
 Сўра, не ҳожатинг?—Бергайдир Оллоҳ!  
 Хасис эрмасди ул фазлида иқбол.  
 Худодан ганжи раҳмат сўрди дарҳол.  
 Дуо этди гуноҳкор умматини,  
 Раво этди худо ҳар ҳожатини.  
 Кароматдан кийибон хилъати хос,  
 Яна қайтди олиб ул ганжи ихлос.  
 Бориб сарву яна гул исли келди,  
 Ҳилол бориб, тўлин ой мисли келди.  
 Халойиқни этибон шод келмиш,  
 Дўзахдан айлабон озод келмиш.  
 У ҳазрат жонига биздан ҳамоно,  
 Бўлур ҳар лаҳза, ҳар соат тасанно!»

### Расулulloҳнинг бошқа қабилаларни Исломга даъват қилишлари

Расулulloҳ қанча қилмасин даъват,  
 Қурайш мушриклари этмади тоат,  
 Ягона Оллоҳу дини Исломга,  
 Кибр, манманлик-ла ботиб ҳаромга

<sup>1</sup> Т а ш г а — ташқарига.

Покланмай дилида тош қотган мараз,  
 Дўзах ўтини деб айлангиз фараз.  
 Шу боис Расулга пок парвардигор,  
 Деди: «Ўзгаларга даъват ила бор!»  
 Бошқа қабилалар орқали оё,  
 Оламга ёйилса Исломи худо.  
 Бу гапдан руҳланиб Расули Оллоҳ,  
 Ўзгаларни қилди ғафлатдан огоҳ.  
 Бўлганда мавсумий савдо-сотиқлар,  
 Пул ўйнаб, қинига кирганда тиглар,  
 Фаҳрий ўйинлару зўр варзишларда<sup>1</sup>,  
 Баҳору куз фасли, ёзу қишларда,  
 Қаерда бўлса гар қабилалар жам,  
 Ҳазрати Пайғамбар бориб ўша дам,  
 Ёйди одамларга дин ғоясини,  
 Олинг деб, зиммага ҳимоясини.  
 Баъзи қабилалар назокат ила,  
 Баъзилар таҳдиду ҳақорат ила,  
 Пайғамбар сўзини қилардилар рад,  
 Мушкул ҳолда қолди ҳазрат Муҳаммад!  
 Қаззоб Мўсайлима аҳли Ямома,  
 Бани Ҳанифадир унга жамоа,  
 Сохта пайғамбарлик айлабон даъво,  
 Бўлди бу зот ёруғ оламда расво.  
 Муртадлар ичида энг улуғ муртад,  
 У ҳақда айтнлган минг каломи бад.  
 Омир жамоаси Пайғамбар ила,  
 Динга кириш учун ишлатди ҳийла.  
 Дедилар: «Оламдан ўтгач Пайғамбар,  
 Барчага биз бўлсак раҳнамо — раҳбар».  
 Расулуллоҳ чекмай ортиқча ташвиш:  
 «Оллоҳнинг измида!»— дедилар бу иш.  
 Оллоҳ кимни билса ўзига ҳабиб,  
 Ушанга пешволик бўлади насиб.  
 Муқаддас Мадина халқлари белоф,  
 Байтуллоҳни этиб турарди тавоф.  
 У жойлик Авс ва Хазраж уруғи,  
 Қариндош бўлса-да йўқ тутуруғи.  
 Доим қилишарди жанг ила жанжол,  
 Орада шу эди доимо аҳвол.  
 Улар билан яшаб бирга ҳамтақдир:  
 Қайнуқо, Қурайза ҳам бани Назир —  
 Яшарди яҳудий учта қабила,

<sup>1</sup> В а р з и ш — машқ, машғулот.



Улар курашганда араблар ила,  
 Мағлуб бўлди, чиқди араблар ғолиб,  
 Уларга қутқу ва даҳшатлар солиб.  
 Мағлуб яҳудийлар бўлиб мулойим,  
 Лекин қўрқитарди уларни доим.  
 Яқинда келажак битта Пайғамбар,  
 Сизларга етар деб зиёну зарар.  
 Араблар ўзаро бўлиб қирпичоқ,  
 Ожизланиб қолиб тузди иттифоқ —  
 Яҳудийлар билан охири ночор,  
 Гарчи бўлсалар ҳам ашаддий ағёр,  
 Буос урушида Авс ила Хазраж,  
 Бир-бири қонини тўкишди беваж.  
 Бу жангда қирилиб кўплаб оқсоқол.  
 Фақат тирик қолди бир-иккита чол.  
 Жангдан сўнг дилида қайғу ва малул,  
 Тирик қолган эди Абдуллоҳ Салул.  
 Авсдан ҳам қолди битта оқсоқол,  
 Роҳиб ибн Омир ёдгорлик мисол.  
 Ойша розияллоҳ фикр этар хуш:  
 «Пайғамбарга мадад бўлган бу уруш».  
 Хазражга қарши жанг қилмоқлик учун,  
 Авс қабиласи кўнглида бир кун,  
 Қурайшга бирлашмоқ фикри туғилди,  
 Ва улар шу йўлда ҳаракат қилди.  
 Иёз ибн Муоз ва Абул Қайсар,  
 Бир гуруҳ одамга бўлишиб раҳбар,  
 Элчи бўлиб келди қурайшга бари,  
 Уларга дуч келиб ҳақ Пайғамбари,  
 Дедилар: «Сиз сўраб келибсиз мадад,  
 Бир иш бор ундан ҳам фойдали беҳад,  
 Худо ягона деб этсангиз қабул,  
 Мен Оллоҳ юборган Пайғамбар — Расул.  
 Ширк қилмай сўзимга қилсангиз бовар,  
 Яратган бўлади сизларга ёвар<sup>1</sup>».  
 Таъсир этмак учун уларга чандон,  
 Ҳам ўқиб бердилар ояти «Қуръон».  
 Иёз ибн Муоз ҳамроҳларига,  
 Енидаги барча жангхоҳларига:  
 «Худо ҳаққи, бу иш чиндан ҳам гўзал,  
 Шу йўлга кирсак-чи қилмасдан жанжал».  
 Абул Қайсар деди унга тош отиб:  
 «Овозингни ўчир, сафсата сотиб,

<sup>1</sup> Евар — дўст, мадаккор.

Муҳаммад гапини эшитганимас,  
 Бу ерга келганмиз бошқа ишга, бас!»  
 Иёзнинг нафаси ичига тушди,  
 Қолганларининг ҳам эти увушди.  
 Қимнингки дилида ин қурса шайтон,  
 У асло келтира олмағай иймон.  
 Ансорлардан кейин олтита киши,  
 Оллоҳ амри билан ўнгланиб иши,  
 Нажжор элатидан Асъад Зурора,  
 Ва ибн Ҳорислар биринчи бора,  
 Зурайҳ элатидан бир ўзи Молик,  
 Бўлди мусулмонч яккахудолик.  
 Саламадан эса Қутб ибн Омир,  
 Адийдан мусулмон бўлишди Жобир.  
 Уқба ибн Омир эса Ҳаромдан,  
 Уғит олишдилар дини Исломдан.  
 Ҳазраж қабиласи эрлари бари,  
 Кенгашиб дейишди охир аксари,  
 Яҳудийлар айтган Пайғамбардир шул,  
 Биз иймон келтирсак қўллағай Расул.  
 Ҳам қилди барчаси якдил илтижо:  
 «Бизларни қўлла, эй Расули худо,  
 Уруш-жанжаллардан топиб таназзул,  
 Қирилиб кетмайлик барчамиз буткул.  
 Сен Оллоҳ туфайли бизларни агар,  
 Бирликка келтирсанг зоти муътабар.  
 Биз донм юрамиз айтган йўлнингда,  
 Эрур тақдиримиз сенинг қўлингда».  
 Қаъба тавофига келаси йилда,  
 Учрашмоқни тугиб барчаси дилда,  
 Кейин ваъдалашиб кетди ҳар томон,  
 Ясриб араблари шундоғ мусулмон —  
 Бўлдилар бирма-бир киришиб динга,  
 Ёйилди Исломнинг нури заминга.  
 Қаъба зиёратин билиб мукаррам,  
 Кейинги йил келди ўн икки одам.  
 Маккадан уч чақирим нарги манзилда,  
 Бор эди Ақаба деган бир жилға.  
 Расулга учрашиб ушбу мақомда,  
 Улар бари кириб дини Исломга,  
 Шу жойда Оллоҳга этиб қасамёд,  
 Дедилар: «Яккаю ягона, эй зот,  
 Сенга ҳеч нарсани биз ширк келтирмай,  
 Туғилган болани минбаъд ўлдирмай,

Ҳам қилмай бировга зиною зўрлик,  
 Қилмасдан иғвою етказмай хўрлик,  
 Бировга ноҳақдан этмайин тухмат,  
 Пайғамбар айтгандай юрамиз фақат.  
 Ушбу нарсаларга қилганлар амал,  
 Жаннатга киради, рад этса дағал,  
 Оллоҳнинг илкида унинг тақдири,  
 Ўзига аёндир бу ишнинг сири.  
 Гуноҳин кечирав ё берар жазо,  
 Охиратда ўзи билади худо.  
 Биринчи Ақаба байъатидир бу,  
 Шундай аталгайдир тарихда мангу.  
 Орадан икки йил ўтгандан кейин,  
 Ушбу ҳодисотнинг тафсилин дейин.  
 Жуда кўп ясриблик отланди Ҳажга,  
 Зиёрат этгали ўрин йўқ важга.  
 Улар орасида мушриклар ҳам бор,  
 Қелишди саф тортиб, тўкишиб виқор.  
 Расулulloҳ билан улар вакили,  
 Учрашиб хуш ўтди махфий маҳфили.  
 Улар Ақабада этишиб байъат<sup>1</sup>,  
 Келди динга кирган тамоми ҳайъат.  
 Уйқуда ётганлар уйғотилмади,  
 Ғафлатда қотганлар сира билмади.  
 Вақтида келмаса кутмади ҳеч ким,  
 Ишни битирдилар, фақат ими-жим.  
 Қурайшлар сезишиб қолгани маҳал,  
 Шубҳасиз беришар эдилар халал.  
 Ансорлар тугатгач Ҳаж ибодатин,  
 Билиб ярим кеча вақти соатин.  
 Аҳдлашилган жойга барча мусулмон,  
 Жам бўлди мушриклар ухлаган замон.  
 Оллоҳ қудрати-ла ўнгланиб иши,  
 Улар бари эди етмиш уч киши.  
 Камроғи Авсдан, кўпи Ҳазраждан,  
 Авфи гуноҳ сўраб келганди Ҳаждан.  
 Улар аро бўлиб иккита аёл,  
 Муслима эдилар, ҳам соҳибжамол.  
 Нажжор жамоасин деким ёлғизи,  
 Нусайба бирови Каъбнинг қизи.  
 Бири Амр қизи аталиб Асмо,  
 Салама қавмидан эди у барно.  
 Барча ансорларни айлабон қабул,

<sup>1</sup> Байъат — аҳднома, битим.

Шартлашилган жойда учрашди Расул.  
 Гарчи бўлмаса-да мусулмони хос,  
 У зот амакиси довюрак Аббос.  
 Борди етмасин деб Расулга зиён,  
 Доим бўлардилар у зотга қалқон:  
 «Агар Пайғамбарни ҳимоя айлаб,  
 Юрсангиз бешикаст доим авайлаб,  
 Борсин юртингизга, йўқдир эътироз,  
 Йўқса ўз юртида юрмоқлиги соз».  
 Ансорлар бошлиғи шавкатли Баро,  
 Дедик: «Бўлайлик биз бахти қаро.  
 Агар ваъдамизга вафо қилмасак  
 Ҳамда жонимизни фидо қилмасак,  
 Расули Оллоҳ деб ҳақнинг йўлида,  
 Ахир тақдиримиз худо қўлида».  
 Кейин ясрибликлар Расулуллоҳдан,  
 Дунё сирларини билган огоҳдан  
 Сўрашди: «Не янглиғ талабларинг бор,  
 Қўйиб шарт, матлабинг айлагил изҳор».  
 «Оллоҳга ҳеч қачон юқтирмайсиз гард,—  
 Пайғамбар дедилар,— бу биринчи шарт,—  
 — Илгида инсоннинг ўлик-тириги,  
 У якка-ёлғиздир, йўқдир шериги».  
 «Ўзим учун эрур иккинчи шартим,  
 Фарзанду аёли мисоли ҳар ким,  
 Ҳимоя этолса, айлаб диёнат,  
 Мунофиқлик билан қилмай хиёнат».  
 Ибн Тайҳон дарҳол ўрнидан туриб,  
 У зотга юзланди дили жўш уриб:  
 «Эй Расул, биз сенга меҳр кўргузиб,  
 Яҳудийлар билан битимни бузиб,  
 Утамиз сен томон, бўлиб музаффар,  
 Чиқиб душманлардан ғолиб муқаррар.  
 Сўнг Макка тарафга мағрур йўл бошлаб,  
 Кетиб қолмайсанми бизларни ташлаб?».  
 Бу гапдан гул каби яшнади табъи:  
 «Қонга қон, жонга жон»— деб айтди Наби.  
 Шундан сўнг бошланиб аҳду қасамёд,  
 Мушриклар бу ишни сезиб деди: «Дод!»  
 Сизлар Муҳаммад-ла шартнома тузиб,  
 Биз билан жанг қилиб, қаҳр кўргузиб,  
 Маккадан аввало кетасиз олиб,  
 Бирлашиб сўнг биздан келарсиз ғолиб?!»  
 Ясрибликлар этди бу даъвони рад,

Мушриклар қутқуга тополмади ҳад.  
Бойси йўқ эди далилу бурҳон,  
Мушриклар дилида шубҳаю гумон.  
Кўзлаган мақсадга етолмай мағрур,  
Орқага қайтишга бўлишди мажбур.  
Иймонсиз нокаслар ботганда ғамга,  
Қуёш нур сочгандай бўлар оламга!

## Мусулмонларнинг Мадинага ҳижрат қилиши

Ансорлар Мадина қайтганда белоф,  
Исломи дини топди жуда инкишоф.  
Мушриклар топишиб бу ҳолдан хабар,  
Сезиб ўзларига қарши куч, хатар,  
Ўзларини куфру зулмга шайлаб,  
Олдингидан кўпроқ тажовуз айлаб.  
Пайғамбар-саҳоба-мусулмонларга,  
Оллоҳ йўлидаги бор инсонларга,  
Ялпи бошладилар кураш, қатағон,  
Вазият бўлганда жудаям ёмон:  
«Кўчингиз барингиз Мадина сари»—  
Деб, амр айлади Ҳақ Пайғамбари.  
Якка-ёлғиз кетса ҳар аҳли муслим,  
Қурайш мушриклари сезмагай балким.  
Мушрик қариндошлар ва лекин алҳол,  
Умму Саламани тутушиб дарҳол,  
Тўсқинлик қилишиб, сўнг инсоф этди,  
Эри билан сўнг у Мадина кетди.  
Оллоҳ муҳаббатин асрабон дилда,  
Бориб мусулмонлар ўзга манзилда,  
Исломи байроғини барқарор тутди,  
Расули Оллоҳни соғиниб кутди.  
Маккада қолганди тўрт мутафаккир,  
Суҳайиб, Зайд, Али ҳам Абу Бакр.  
Тўртовни Расулни қолдириб ёлғиз,  
Кетолмас эдилар ҳижратга ҳаргиз.  
Пайғамбар барига берди ижозат,  
Абу Бакр билан икковлон фақат,  
Бирга кетишликни қилиб ихтиёр,  
Туяларин этиб қўйишди тайёр.  
Сафарга отланса Расули Оллоҳ,  
Ҳар доим бехатар бўлгусидир роҳ!

## Доруннадвадаги кенгаш

Ансорлар Расулга ён босган чоғда,  
Қурайш мушриклари қолишди доғда.  
Ансорлар жон тикиб биллониҳоя,  
Этар Пайғамбарни ҳифзу ҳимоя.  
Ашаддий мушриклар шундан бир кеча,  
Қусай ҳовлисида тузишди режа.  
Доруннадва бўлиб бу машъум макон,  
Қурайш мушриклари йиғилиб ҳар он,  
Муҳим ишларини этишарди ҳал,  
Пайғамбар ҳақида гап борди бу гал.  
Бирови дедик: «Қўяйлик боғлаб,  
Бир уйда очликдан қалбини доғлаб,  
Азоб-машаққатда ўлар бениёз,  
Унинг қутқусидан бўламинз халос».  
Бирови дедик: «Чўзилмай бу иш,  
Лозим Муҳаммадни шартта ўлдирш.  
Бадан қафасидан учганда жони,  
Қолмагай ҳеч кимнинг дилда армони».  
Абу Жаҳл деди: «Бу ишга яқун,  
Ясамак лозимдир ҳам тўламай хун.  
Ҳар бир қабиладан биттадан ботир,  
Танлаб олишгайдир бу ишга қодир.  
Муҳаммад уйдан чиққани замон,  
Ташланиб устига беш-ўн паҳлавон.  
Санчса бирваракай кўксига ханжар,  
Танидан ширин жон бўлганда бадар,  
Барча қабилага баробар уруш —  
Очиб, қавми аён беролмас туриш.  
Товон олиш билан қилгай кифоят,  
Ундан қутуламинз биз ҳам ниҳоят».  
Унинг бу сўзидан мушриклар яйраб,  
Қасос тифларини барчаси қайраб.  
Суиқасд айлашга бўлиб омода,  
Ғафлатда қолдилар ёруғ дунёда.  
Оллоҳ иродаси ҳар доим ғолиб,  
Мушриклар маломат домида қолиб.  
Бу ҳақда сурайи «Оли Имрон»да,  
Шундоғ дейилади улуғ «Қуръон»да:  
«Улар ишлатишди ҳийлаю макр,  
Парвардигор ўзи соҳиби тадбир.  
Ҳам эрур ҳар ишда барчадан устун»,  
Унинг измидадир бу кўҳна очун.  
Пайғамбарин этиб бор гапдан огоҳ,

Мадина кетишга буюрди Оллоҳ!  
 Унинг ҳар сўзида бордир минг ҳикмат,  
 Ҳатто ўз элчисин эттирди ҳижрат.  
 Минглаб мушрикларнинг ҳаёти чун шам,  
 «Пуф» — деса ўчарди қудратли Эгам.  
 Ҳар ишнинг ва лекин вақт-соати бор,  
 Оллоҳнинг даргоҳи кенгу пойдор.  
 Ислом тарихига этсак наззора,  
 Топилар жуда кўп манглайи қора.  
 Қофир-ку ғофилдир, йўқ дилу дини,  
 Баъзида ҳасаддан оға ва ини,  
 Қилган бир-бирига беҳад ёмонлик,  
 Оқибат сўрашиб авфу омонлик,  
 Тиз чўккан Оллоҳнинг Пайғамбарига,  
 Ибратли ҳикмат бу ёшу қарига.  
 Оғалар Юсуфни ҳасад этгондан,  
 Бадарға қилишган уни Канъондан,  
 Бу ҳақда ҳазрати Махдуми Жомий,  
 Ёзгандир бир шеърый қисса тамоми:  
 «Энг гўзал қисса деб худо берди ном,  
 Мен унинг васфини этурман давом».  
 Суиқасд этмоқлик ҳар Пайғамбарга,  
 Азалий одатдир аҳли башарга.

### Юсуф алайҳиссалом ва оғалари ҳақида ҳикоят

Гўзал Юсуф бўлиб оламда пайдо,  
 Ёқуб кўнглин этиб ўзига шайдо.  
 Кўзидан жой олиб мисли қароғи,  
 Унутиб ўзга фарзандларни доғи.  
 Этибон унга лутфу марҳамат хўп,  
 Ки бундан ўзгалар қилди ҳасад кўп.  
 Бор эди ҳовлисида бир дарахти,  
 Яшилликдан бўлиб чорбоғи бахти...  
 Самоға тик ўсиб биллониҳоя,  
 Тушириб раҳматидан ерга соя.  
 Эди тасбеҳиға ҳар барги бир тил,  
 Илоҳий таърифига кўнгли мойил.  
 Бутоғи чўзилиб осмонға довер,  
 Қўниб шохига чумчуқ ўрнига ҳур.  
 Берар чоғида ҳар фарзанд худованд,  
 Ушал хуррам дарахти сидрамонанд<sup>1</sup>,  
 Шохидан бир булоқ ўсган диловар,

<sup>1</sup> Сидрамонанд — сидрага ўхшаш — жаннатда ўсадиган дарахт.

Бўлиб фарзанди қаддига баробар.  
Қачон юрса етуклуғнинг йўлида,  
Яшил асо бўлар эрди қўлида.  
Юсуф юксак саналди неки бахтдан,  
Асо мос келмади ушбу дарахтдан.  
Эди бир навниҳол жон боғига хос,  
Яғоч шоҳи анга ҳеч келмагай мос.  
Ағолардан ниҳон бир тун атоға,  
Дер: «Илкинги қудратиға мен садоға,  
Дуо қилким, яратгувчи худое,  
Беҳиштдин менга ўстирсин асое.  
Жавонлиғдин қариб етгунча ранжим,  
Йиқилсам қайда у бўлса таянчим.  
Кураш илмида айлаб зўру толиб,  
Ҳар оғамдан мени у этса ғолиб».  
Буриб юз отасиким деди: «Оллоҳ!»  
Юсуфнинг кўнгли деб этди тавалло!  
Шу он етди беҳиштдан бебаҳое,  
Забаржад дастали мовий асое.  
На айём тешасин захмини кўрган,  
На даврон арраси захрини сўрган.  
Турушли, нархи қиммат, тоши енгил,  
На ёғу ранг сурилган эрди ҳар хил.  
Хабар қилдики, бу фазли илоҳи,  
Шоҳаншоҳ қасрининг пушту паноҳи.  
Юсуф бўлди бу савғодан музаффар,  
Ҳасадчилар ботиб қайғуга баттар.  
Аларга бу асо пинҳон сир эрди,  
Яғочдан юз баробар оғир эрди.  
Ўзича ҳар бири айлаб хаёле,  
Адоватдан экиб дилга ниҳоле.  
Аввал яшнаб ўсиб кирди ҳаётға,  
Вале сўнг меваси қўйди уётға...  
Юмиб дайри фанодин<sup>1</sup> ул кўзини,  
Кўриб боқий жаҳон ичра ўзини.  
Ёқубнинг наздида бир кеча Юсуф,  
Чунон андин кўриб меҳру такаллуф.  
Боши ёстиқда кўзи масти уйқу,  
Тушида лабларидан сочди кулгу.  
Лабидан ошкор ўлгач севинчи,  
Адо бўлди Ёқуб кўнглида тинчи.  
Юсуфким кўзларин уйқудан очди,  
Саодат чулғаган туйғудан очди.

---

<sup>1</sup> Дайри фано — ўткинчи дунё.



Тополмай сув оқиб кўзида ёши,  
Туюлса нон каби кўкнинг қуёши.  
Қаро тунда қилолмай комронлиғ,  
Тагида тўшаги бўлса тиконлиғ.  
Ҳаёти бир неча кун хор бўлгай,  
Етиб марги ўзи бешубҳа ўлгай.  
Қонидан ханжаримиз бўлмагай ранг,  
Қутулгаймиз этибон ҳийла, найранг».  
Деди ўзга бири: «Бу қатли жондир,  
Не қотиллик, ки ундан ҳам ёмондир.  
Жонини ханжар олгай қийнамай кўп,  
Очу ташна ўлишдан бу эрур хўб.  
Савобдир кимса бўлмай бундан огоҳ,  
Яқин атрофда топсак бир чуқур чоҳ.  
Азизлик тахтидан они қулатсак,  
Ушал чоҳ тубига хор айлаб отсак.  
Ўтиб ул чоҳ бошидан корвоне,  
Нафас ростлаб қўнар бўлса замоне,  
Биров сув қасдида ул чоҳга боргай,  
Челак ташлаб ани чоҳдан чиқоргай.  
Этар асранди фарзанд ё ғулом ул,  
Олиб кетгай уни хуллас-калом ул.  
Бу ерда қолмагай ундан аломат,  
Кетар биздан зиён кўрмай саломат».  
Зиёнли чоҳдан ул сўз очгани дам,  
Бари чоҳга бошин гўё этиб хам.  
Бўлолмай макридан ҳеч бири огоҳ,  
Бари ипсиз қулашди чоҳга, э воҳ!  
Атодин сақлабон дилда нифоқе,  
Тузишди ҳийла бирла иттифоқе.  
Юсуф оғолари бўлганда бомдод,  
Туновги ўй билан эрди бари шод.  
Дилида кек, тилида эрди боли,  
Кириб қўй шаклига бўри мисоли.  
Ато наздига келдилар бўлиб жам,  
Чўкишди, ҳурматига бошлари хам.  
Риё бирла хушомад этдилар зап,  
Очибон ҳар томондан турли хил гап.  
Ҳар эски-янгини айлашди зоҳир,  
Тақалди сўз келиб ушбуга охир:  
Уй ичра зиқлик ўртаб кўнглимизни,  
Келодур чиққимиз саҳрога бизни,  
Ижозат бўлса гар қасд айладик чун,

Дала-дашт айланиб келмоққа бир кун,  
Биродар Юсуф ул кўз нуримиз ҳам,  
Гўдаклиғдин саёҳат айлаган кам.  
У ҳам бизларга йўлдош бўлса нетгай,  
Ки андин бошимиз осмонга етгай.  
Гоҳида айланиб саҳрони бирга,  
Йўлимиз тушса гоҳ тоғу адирга,  
Гоҳи қўйлар сутини соғиб олсак,  
Гоҳи шодлик сурурин дилга солсак.  
Гидамдек майсазор узра югурсак,  
Кўриб ҳар лола сори йўлни бурсак.  
Узиб саҳрою чўлнинг лоласини,  
Безатсайдик Юсуфнинг салласини.  
Қанотин ёзибон какликсимон ул,  
Югурса майсазорда шодумон ул.  
Оҳулар ўтлатиб бир ён чиқорсак,  
Бўрилар ўтакасин бир ёнда ёрсак.  
Анинг кўнгли булардан шод бўлгай,  
Дили ғам бандидин озод бўлгай.  
Агар минг ҳуққабозлик айлаки кам,  
Гўдак кўнгли ёзилгай ўйнаган дам».  
Алардин эшитиб бу сўзни Ёқуб,  
Ризолик бермади аввал тутақиб.  
Дедики: «Бормагай сизлар билан у,  
Тўлар бундан менинг кўнглимда қайғу.  
Ки қўрқгум, қолсангиз ғафлатда ночор,  
Анинг ҳолидан ўлмасдан хабардор.  
Бу кўҳна дашт арс нечоғли мудҳиш,  
Ёвуз бўри йўлида қайраса тиш.  
Сўғун нозик танига тишни солгай,  
Танимас, жигаримни юлқиб олгай».  
Бу сўзни эшитиб ул кўнгли кажлар,  
Топишди алдамакка ўзга важлар.  
Ки: «Бизлар унчалик қўрқоқ эмасмиз,  
Уновлон балки юз бўрига басмиз.  
На бўри, ялмоғиз шер бўлсин улки,  
Кўлимизда бўлар хор мисли тулки».  
Алар бундоқ дегандан сўнгра Ёқуб,  
Узр деб, қаршилиқ айлолмади кўп.  
Юбориб даштга Юсуф дилрабони  
Сотиб олди бошига юз балони.  
Фиғон, толейи шум билмайди жойни,  
Қудуққа ташлагай ҳар кун бир ойни.  
Юурса ўтлабон боғ ичра оҳу,

Евуз бўрига инъом айлағай у.  
Юсуф оголари изида кетғай,  
Фалак деди: «Бўрилар қўзи элтғай!»  
Кўрингунча ато кўзига андоқ,  
Эдилар бир-биридан меҳрибонроқ,  
Гоҳи ул миндириб яғрига олғай,  
Гоҳи бул эркалаб бағрига олғай.  
Биёбон қаърига етганлари чоқ,  
Анинг бошига тушди жабру қийноқ.  
Отишди елкадан этмай тараҳҳум,  
Тикону тош аро топталди шул зум.  
Ялангоёқ тиконзорларда юрғай,  
Товониға тиконлар найза урғай.  
Қўйиб ўн оғаси юзига шаппот,  
Алардан юзлари доғ ўлди бот-бот.  
Этагин тортса кимни ёлбориб ул,  
Яқосин йиртар эрди телбариб ул.  
Оёғига йиқилса кимни йиғлаб,  
Пойига бош қўяр бағрини тиглаб.  
Алардин ноумид чун нола этди,  
Кўзи ёшини қонлиғ жола этди.  
Гоҳи қону гоҳи тупроғ ичинда,  
Дер эрди ўртаниб, юз доғ ичинда:  
«Қани сен, эй падар, охир қани сен,  
Нечун ғафлатда қолдирдинг мани сен?  
Келиб кўргил, оға-ҳамхоналарни,  
Ақл, дин йўлидан бегоналарни.  
Кўнгул орзуйингга бермай омонлик,  
Қилишди яхшиликка кўп ёмонлик.  
Жонинг боғида ул гул очилурди,  
Сахо ёмғуринг анга сочилурди».  
Чунонким, ташналикдан ўртанибон,  
Ки унда қолмади ранг бирла раҳмон.  
Эди бир нозланиб ўсган ниҳоле,  
Умр бўстонинг ичра бемисоле.  
Жафо ели била қоришди хокка,  
Бўлиб қурдош хас бирла хошокка.  
Ул ойким, тунларингда нур сочарди,  
Зулумот кечада кўнглинг очарди.  
Фалакдин шунчалар кўрдик озор,  
Эрур у бир ҳилолнинг нурига зор.  
Ҳоли шундоқ кечиб то уч фарсанг,  
У сулҳ истар, бағир тошлар эса жанг.  
Алар эрди дағал, ул меҳрибон чун,

Алар сўккан маҳал, ул жонажон чун.  
 Этиб бир чоҳ лабига ногаҳоне,  
 Юришдан тўхтаб айлашди маконе.  
 Золим гўри каби чоҳ тангу тийра,  
 Ақл кўзини айлар эрди хира.  
 Эди бир аждаҳо оғзича танглиғ,  
 Одамларни ютувчи ғор янглиғ.  
 Ичида ўрмалар эрди чаёнлар,  
 Эл озорига лиқ эрди илонлар.  
 Эди андуҳ макони янглиғ ул чоҳ,  
 Чуқурликдан туби кўринмас, э воҳ!  
 Муҳити даҳшату ғамхонайи хос,  
 Суви шўру ҳавоси эрди ифлос.  
 Нафас олиб ўтирса унда бир дам,  
 Ҳавосидан бўғилгай эрди одам.  
 Улар махв этгали гулчеҳра моҳни,  
 Писанд айлашди шул нобаҳра чоҳни.  
 Жафолардан яна у дод этибон,  
 Аламдан ўртаниб, фарёд этибон.  
 Агар ул тошга маълум бўлгай эрди,  
 Оҳидан тош чун мум бўлгай эрди.  
 Ва лекин ҳаддан ошди йиғламоғи,  
 Аларнинг тош дили тош ўлди доғи.  
 Не деб айтай, жафо айлашди бисёр,  
 Дилим дов бермагай, этмакка ошкор.  
 Қўй-эчки жунидан боғлашди арқон,  
 Эди ҳар туки бир ботгувчи пайкон.  
 Беликим нозиқ эрди қилга монанд,  
 Жун арқонни этишди унга пайванд,  
 Ечишди эгнидан сўнг кўйлагини,  
 Яланғоч айлашиб гулдек танини.  
 Маломатдан бичиб ўзига хилъат<sup>1</sup>,  
 Юришгай келгунича то қиёмат.  
 Уни ташлашдилар чоҳ ичра бефарқ,  
 Этиб йўл ўртасида сув аро ғарқ.  
 Гўзалликда эди хуршиди тобон,  
 Шу боис сувга ғарқ этмишди осмон!  
 Эди сувдан юза чоҳ ичра бир тош,  
 Омонат ўлтириб, у бўлди нурпош.  
 Чақиртош бўлди давлатга муяссар,  
 Қаранги, энди у бир кони гавҳар.  
 Шакар янглиғ анинг тенгсиз лабидин,

<sup>1</sup> Х и л ъ а т — кийим, либос.

Бўлиб шўр сув асал сингори ширин.  
 Юзидан чоҳ ичи бўлди чароғон,  
 Еритгандек заминни моҳи тобон.  
 Таротиб кокулидан мушки анбар,  
 Этиб бадбўй ҳавони ул муаттар.  
 Кўриб порлоқ юзини ҳар газанда,  
 Бўлиб сичқон уёси минг танга.  
 Тумори ичра бор эрди либоси,  
 Бобосидан бўлиб ғам истилоси.  
 Равона этди Иброҳими ризвон,  
 Анинг ғам оташин айлаб гулистон.  
 Етибон Сидрадан Жибрили қаҳҳор<sup>1</sup>,  
 Анинг илги билан ечилди тумор.  
 Ичидан олибон пироҳанини,  
 Ясантирди у барнонинг танини.  
 Сўғун дедики: «Эй маҳжурӣ ғамнок,  
 Юборди хушхабарлар Эзиди<sup>2</sup> пок.  
 Келур бир кун, сўрар сендан садоға,  
 Гуноҳингга ботиб бу ўнта оға.  
 Тўкиб кўз ёшларин олдингда тургай,  
 Эгибон бошларин, олдингда тургай.  
 Алар чеккан жафоларни билурсан,  
 Вале ўзни на ошкора қилурсан.  
 Аларнинг кимлигин билгайсан ошкор,  
 Алар билмас сени зинҳор-зинҳор.  
 Юсуф бу сўзни тинглаб Жаброилдан,  
 Оғалар кекини тарк этди дилдан..  
 Кўзига тош кўринди тахтгоҳдек,  
 Утирди унда бир қудратли шоҳдек..  
 Вале этмай у тош узра таваққуф,  
 Уқубатдан қутулди тезда Юсуф.  
 Худо номига бир карвон сулуким,  
 Алардан бири излар бўлди сувким,  
 Челакни ногаҳон тортганда чоҳдан,  
 Кўринди шуъла ул осмони моҳдан.  
 Эди ул ой чоҳда уч туну кун,  
 Моҳи Нахшаб каби чоҳ ичра тутқун.  
 Бўлиб тўртинчи кун кўқдан такаллуф,  
 Қоронғу чоҳ ичидан чиқди Юсуф.  
 Мадойиндан чиқиб бир корвоне,  
 Миср сориға эрди ул равоне.  
 Адашиб йўлдан ул жойга тушибон,

<sup>1</sup> Жибрили қаҳҳор — Оллоҳнинг Жаброили.

<sup>2</sup> Эзид — Оллоҳ.

Нафас ростлашга тўхтаб анда карвон.  
Хуш ул, йўлдан адашган бенавое,  
Тополса мисли Юсуф раҳнамое.  
Чоҳ атрофида манзилгоҳ этишди,  
Сув олмоқ қасдида чоҳга етишди.  
Келиб аввал саодатли бир одам,  
Оби ҳайвон узра бўлди сархам.  
Хизр янглиғ қоронғу чоҳга ул,  
Челак солди, сув олмоқ бирла машғул.  
Юсуфга деди Жибрили амин: «Тур,  
Зилолинг ташна лабларга тўкиб юр!  
Кириб челакка чун хуршиди тобон,  
Жўна машриққа мағрибдин шитобон.  
Дағи чоҳни ўзингга осмон қил.  
Самовотни нурингдаи нурфишон қил.  
Юзингни оч ҳусн бобида сарвар,  
Жаҳонни дафъатан этгил мунаввар».  
Юсуф тош устидан сақраб туриб бот,  
Челакка сув мисоли кирди ҳайҳот!  
Челакни тортиб ул кучли баҳодир,  
Фаҳм этти сув ўлмас бунча оғир.  
Деди: «Бул кун челакки оғир ўлғай,  
Ичида сувдан ўзга нарса бўлғай».  
Жаҳонни яшнатиб ул ой чиқди,  
Ва ёқим жонидан юз вой чиқди.  
Қоронғу чоҳдан бу хушхабарким,  
Чиқиб андин жаҳоноро қамарким,  
Дағи ул чоҳга фэйзи ёғилибдур,  
Булоғи шўр эди ширин бўлибдур.  
У саҳрода очилди унга бир гул,  
Вале пинҳон тутди ўзгадан ул.  
Олиб бориб ниҳон манзилгоҳига,  
Ани топширди дўсту ҳамроҳига.  
Ҳа-да, ҳар бахтли шундай ганж топгай,  
Агар пинҳона тутмас, ранж топгай.  
Ушал атрофда эрди оғалар ҳам,  
Вазиятдан хабардор эрди ҳар дам.  
Қутарди барчаси бесабру ором,  
Иши не бирла бўлғайдир саранжом.  
Тасодиф, карвонни чун кўришди,  
Дараклаб чоҳ гирдига юришди.  
Чақирдилар Юсуфни шунчалар бас,  
Ва лекин чоҳдан ҳеч чиқмади сас.  
Алар карвон сари сўнг тушди йўлга,

Юсуфни дафъатан то олса қўлга.  
Уларким жидду жаҳд бирла уринди,  
Сўғин ул карвон ичра кўринди.  
Олишди қўлга бу бизларни қул деб,  
Қочар фармонга бўйсунмай нуқул деб,  
Яроқсиздир дағи ҳар қандай ишга,  
Ва лекин устадир ишдан қочишга.  
Тамоман эзгу ишлар унга ётдир,  
Сотурмиз гарчи бизга хоназотдир.  
Ёмон қул айлагай доим ёмонлик,  
Бўлур яхшига ҳам у бадгумонлик.  
Уни бир пулга қиммат сотмак авло,  
Уриб-сўқдикки одам бўлмас асло.  
Тузалмас бедаво, не ҳам этурмиз,  
Не берсанг майлига, сотиб кетурмиз.  
Уни чоҳдан чиқарган марди кордон,  
Сотиб олди улардан анча арзон.  
Малик номи билан машҳур эди ул,  
Тўлаб бир неча чақа айлади қул.  
Сўғун карвон бўлиб йўлга равона,  
Борар эрди Миср шаҳри томона.  
Зиёнкорларки, гоҳ виждон сотгай,  
Иймонини гоҳи арзон сотгай.  
Уни бир кўрмаги божи Мисрдир,  
Уни бир тинглаган жондан асирдир.  
Баҳосини билур Ёқуб танҳо,  
Харидори бўлур ёлғиз Зулайҳо.  
Сотар нодон саодат ғазнасин ҳам,  
Қўлига тушса гар бир неча дирҳам.  
Лозим эрди оғоларига сотмак,  
Юсуфни ушбу йўл бирла йўқотмак.  
Китобхонга эрур қолғони маълум,  
Адашганлар бўлибон хору маҳрум.  
Ҳикоят топди итмом, шукри Оллоҳ,  
Ҳазорон таҳсину алҳамдулиллоҳ!

### **Расулуллоҳнинг Мадинага ҳижрат қилишлари**

Расулуллоҳ шу янглиғ этди ҳижрат,  
Мадина сори келган чоғи фурсат.  
Яратган ҳукми шундоғ эрди мақбул,  
Шу боис айтганин этди бажо ул.  
Бир мешга олишди озиқу овқат,  
Бир мешида эса сув эди фақат.  
Абу Бакр икков чиқиб сафарга,

Тайёр эди ҳар хил хавфу хатарга.  
 Дайил уруғидан йўлбошловчи нор,  
 Абдуллоҳ Урқайит бўлди жиловдор.  
 Мушрик бўлишига қарамай у зот,  
 Пул бўлса ҳар ишни бажарарди бот.  
 Шунингдек ишида эди кўп моҳир,  
 Бу хислати бўлиб Расулга зоҳир,  
 Икки туя билан юкин ишониб,  
 Унга топширдилар, кетмас деб тониб  
 Ва Савр ғорида учрашиш учун  
 Келишиб қўйдилар улар ўша кун.  
 Шу куни кечаси суиқасд аҳли,  
 Оллоҳ Расулидан чиқибон жаҳли,  
 Эшикдан ташқари чиққани маҳал,  
 Унга ёғдирмоқчи эдилар ажал.  
 Улар ханжарларин илгида тутиб,  
 Расулнинг эшиги олдида кутиб.  
 Тунни тонг этдилар, чиқмади Расул,  
 Оллоҳнинг элчиси соҳибтахайюл  
 Ўрнига ётқизиб ҳазрат Алини,  
 Чалғитиб мушриклар ўй-амалини.  
 Андоқ чиқиб кетди ҳовлидан бежавф,  
 Мушриклар бу гал ҳам қилишдилар савҳ!<sup>1</sup>  
 «Ёсин» сурасидан ўқиб бир оят,  
 Ташқари чиқдилар улар ниҳоят:  
 «Уларнинг олдини биз тўсиб шартта,  
 Ортидан ҳам тортдик шундоқ бир парда,  
 Кўзлари қамашиб, бўлиб бематлаб,  
 Кўриша олмади улар шу сабаб».  
 Оллоҳ қонхўрларни қўйди ухлатиб,  
 Ҳушларини ғафлат ипига чатиб.  
 Алини Расул деб айлашиб гумон,  
 Шарманда бўлишди ҳангоми азон.  
 Абу Бакр билан келишган жойда,  
 Учрашиб, шитобни билиб бефойда,  
 Савр ғори томон юришди икков,  
 Орқадан бостириб келганда ҳам ёв.  
 Ўзи асрагайдир, Оллоҳ мададкор,  
 Худонинг кўп қизиқ ҳикматлари бор.  
 Мушриклар ҳайратда қолди оҳ-войлаб,  
 Расулмас, Алини чиқдик деб пойлаб.  
 Кейин отланишди яна таъқибга,

---

<sup>1</sup> Савҳ — хато.



Уни тутиб берган ҳар дўст-рақибга.  
Қатта пул, мукофот қилишди эълон,  
Бу ишга кўпчилик бўлди андармон.  
Ва лекин ҳеч бири қилмади хаёл,  
Савр ғорида деб соҳибни иқбол.  
Келиб ғор оғзига беш-олти ғаддор,  
Кўришса ўргимчак торган эди тор.  
Бу жойга кирмаган қочоқлар дайдиб,  
Деб кетди мушриклар ортига қайтиб.  
Ночор ҳолда эгиб Абу Бакр бош,  
Пиғлаб, кўзларидан тўкди аччиқ ёш.  
Тасалли бердилар унга Пайғамбар:  
«Қайғурма, Оллоҳим бизга ҳамсафар».  
Мушриклар бу ҳақда сотиб сафсата,  
Барчаси қолишган эди ғафлатда.  
Расулнинг ашаддий душмани Халаф,  
Ҳазратга сололмай қутқу ила даф,  
Ғорда ётганлигин душмани манфур,  
Қила олмас эди ҳаргиз тасаввур.  
Мушриклар атрофни қилишиб тит-пит,  
Изғиб юришарди бўлиб табъи хит.  
Қочоқлар уч кунча ётишди ғорда,  
Чидашиб ҳар қанча ғаму озорга.  
Абу Бакр ўғли зўр, чаққон йигит,  
Эди отасидек доно, соҳибдид,  
Мушриклар гап-сўзин эшитиб пинҳон,  
Келиб ғор аҳлига этарди аён.  
Бомдод чиқиб кетиб, қайтиб кечқурун,  
Шу янглиғ ахборот берарди ҳар кун.  
Таъқиб тугагандан кейин Урқайит,  
Ғорга етиб келди аҳдлашилган пайт.  
Қизил денгиз бўйлаб тушишди йўлга,  
Қарамай шитоб-ла на ўнгу сўлга.  
Мудлиж элатидан уларни ногоҳ,  
Бир кимса кўрдию сўзлади, э воҳ:  
«Денгиз соҳилида уч-тўртта одам,  
Эҳтимол биридир Расули Акрам».  
Бу сўзни эшитиб Суроқа очкўз,  
Уларни чалғитиб оралатди сўз.  
«Улар фалончилар юрар гиз-гизлаб,  
Соҳилдан йўқолган молларин излаб».  
Узи эса миниб отига дарҳол,  
Уйлади, кулди деб йўлимда иқбол.  
Қочоқлар изидан кетди от солиб,

Очифатлик нафси эди кўп ғолиб.  
 Терлаб-пишиб яқин етган заҳоти,  
 Бирдан Суроқанинг йиқилди оти.  
 Отини турғазиб, боз этиб шитоб,  
 Қочоқлар изидан айлади хитоб:  
 «Тўхтанглар, барибир оламан тутиб,  
 Қанча сарсон бўлдим сизларни кутиб».  
 Абу Бакр ортга боқарди гоҳо,  
 Расулulloҳ асло қилмасди парво.  
 Суроқанинг оти қумга тиқилиб,  
 Яқинроқ келганда қолди йиқилиб.  
 Қамчилаб ҳар қанча отин урса ҳам,  
 Жонивор босолмас эди бир қадам.  
 Суроқани босиб таҳлика, ваҳм,  
 Бақирди Расулга айла деб раҳм!  
 Расулulloҳ тўхтаб Суроқа етди,  
 Уларга бор гапни ошкора этди:  
 «Барча чораларни солишиб ишга,  
 Мушриклар интилар уни тутишга.  
 Бошига ажратиб қатта мукофот,  
 Махфий изқуварлар юрар тумонот».  
 Суроқа уларга озик-овқатин,  
 Инъом айламоқчи бўлганда тағин  
 Улар дейишдики: «Нарсанг керакмас,  
 Бизни кўрганингни айтмасанг, шу бас!»  
 Суроқа сўради хати омонлик,  
 Ёзди Абу Бакр кўрмай ёмонлик,  
 Ҳазрати Расулнинг фармони ила,  
 Ҳар ким кетди ўзин армони ила,  
 Худо қудрати-ла етмай бир зиён,  
 Мадинага етди Пайғамбар омон.  
 Ясрибликлар келиб ҳар кун Ҳаррага,  
 Кутарди Расулни битта маррада.  
 Бир яҳудий берди йироқдан хабар:  
 «Ана келмоқда, деб, сизнинг пайғамбар!»  
 Ансорийлар бўлиб бахтдан сарафроз,  
 Пайғамбар йўлига чиқишди пешвоз.  
 Сой бўйига тушиб бари шод-хуррам,  
 Дедилар: «Марҳабо, сарвари олам!»  
 Пайғамбар ҳазрати бўлиб шод-мамнун,  
 Кулсумнинг уйига қўнди ўша кун.  
 Амр жамоасин оқсоқоли у,  
 Ҳадимнинг фарзанди хуш иқболи у!  
 Абу Бакр Сиддиқ бўлиб комрон,

Ҳорижа уйини айлади макон.  
Ибн Зайд аталган бу муҳтаран  
Синиҳ элатидан эди покнажот.  
Сўққабош Саиднинг уйида ҳар  
Одамларни тўплаб Расули Ол  
Бўлиб дину иймон ҳақида суҳб  
Утказар эдилар доим машвар

### Пайғамбарлар ҳижрати

Расулдан аввал ҳам барча пайғам  
Ҳижрату қувғунда кезган дар  
Иброҳимдан тортиб то ҳазрат  
Тарки ватан этган баамри худ  
Миср тарихига солсангиз назар  
Дерсиз ёқа тутиб, дўстлар алҳазр  
Юсуфни билишиб ҳурматга л  
Эъзозлаб Қанъонда севган х  
Лекин дини билан қизиқмай  
У киши Мисрга кетган кейин  
Мисрни айлабон очликдан х  
Кўрмаган у жойдан эътибор,  
У зот вафот этгач қавмидан  
Бани Исроилни мисрийлар  
Аларни охири Ҳорун ва Мусо.  
Ибодатларини этсин деб баж  
Мисрдан ташқари олиб кетишган,  
Улар лек худони инкор этишган.  
Улдирмоқчи бўлиб ҳазрат Исони,  
Бошига солишган жабру жафони.  
«Ҳақ учун қувилган бахтлидир»,—  
Исо қочиб кетган улардан омон.  
Манглайда шу дегач илоҳий кудр  
Муҳаммад Пайғамбар айлади ҳиж  
Қисмат шамолида гўёки елди,  
Муқаддас Маккадан Мадина келди  
Ансорлар севинчи ичига сиғмай,  
Қаршилаб йўлига чиқишди бирда  
Кўргузиб эҳтиром, кўзлари порла  
Ҳар бири уйига меҳмонга чорлаб,  
Туяси жиловин тутиб торгарди,  
Уларга Расулнинг меҳри ортарди.  
Барчаси бўлишиб гирдикапа-лақ,  
Йўқ эди мушриклар мисли ҳапа  
Пайғамбар эъзоздан бўлиб шод, ҳ

Салим,  
1 вақт,  
от шахт.  
юзи,  
рози.  
йўл босиб,  
иб,  
5,  
этиб,  
ан жой,  
ой.  
лиқ куйлаб,  
и буйлаб,  
лар Расул,  
тиб гул-гул.  
зилдан,  
м чин дилдан». **»**.  
ккан жой,  
йнаҳой.  
иб ихтиёр,  
саридор.  
или кимга?»  
етимга!»  
р мумтоз,  
имос.  
иб лекин,  
из текин!»  
и кам,  
олам,  
қуришга,  
ди ишга.  
ин эшик,  
ешик.  
га хона  
за,  
Эллоҳ  
и ҳамроҳ.  
ган маром,  
гта том,  
йғамбар,  
табар,  
рини,  
барини.

## Азоннинг пайдо бўлиши

Яратган эгамдан мусулмонлар қарз,  
Уларга шу боис намоз бўлди фарз.  
«Анкабут» сурасин бир оятида,  
Бу сўз хуш айтилган ниҳоятида:  
«Намоз қайтаради гуноҳ ишлардан,  
Емонлик (шунингдек бад қилмишлардан)».  
Дунёвий-ухровий турфа ишларни,  
Мусулмонлар аро кўп ташвишларни,  
Жамоат намози вақтларида ҳал  
Этмоқлик баридан саналди афзал.  
Намоздан ғофилни этгали бедор,  
Бўлди бу орада восита даркор.  
Баъзилар дейишди кўтарсак байроқ,  
Намозга йиғилар кўрганлар шул чоқ.  
Уйқудан уйғотмас лекин бу усул,  
Шу боис ҳеч кимга бўлмади мақбул.  
Айримлар дейишди ноғора қоқиш,  
Ё баланд тепада гулханлар ёқиш.  
Жуҳудлар усули деб этдилар рад,  
Еқмай бу таклифни ҳазрат Муҳаммад.  
Ёки насронийлар каби чалиб занг,  
Чорлаш ҳам ҳеч тўғри келмасди, аттанг!  
Асқотди Абдуллоҳ Зайд кўрган туш,  
Азонни дилига Оллоҳ солиб хуш.  
Унга ўргатиб бир нотаниш инсон,  
Шундоғ пайдо бўлди оламда азон.  
Бу тушни Абдуллоҳ кўргани пайти,  
Дарҳол Расулуллоҳ ҳазратга айтди.  
«Яхши туш»,— дедилар у зоти шариф.—  
«Билолга ўргатгил, йўқ унга таъриф,  
Сеникидан ўткир унинг овози»,  
Бу ҳам бандаларга ҳақнинг ниёзи.  
Пайғамбар ҳазратким соҳиби иқбол,  
Биринчи муаззин у зотга Билол,  
Иккинчиси эди Абдуллоҳ Мактум,  
Алар овозидан титрарди нужум.  
Рамазон ойида ҳангоми саҳар,  
Икки бор азонни ҳазрат Пайғамбар,  
Буюрган саҳарлик ва намоз учун,  
Яратганга шукру ҳам ниёз учун.

Пайғамбар ҳазрати алдаб ё хўрлаб,  
 Динга киритмаган бировни зўрлаб.  
 Оллоҳ ҳукмин билиб одилу мақбул,  
 Даъват айлаганлар доимо Расул.  
 Мақкаликлар зулми ошиб ҳаддидан,  
 Муҳаммад қувилгач юрт сарҳадидан.  
 Қурайш мушриклари кечаю кундуз,  
 Аҳли муслимларга айлаб тажовуз,  
 Доим чиқаришиб жанжалу низо,  
 Охир изн берди яратган худо,  
 Мушрику кофирлар билан урушга,  
 Уларни маҳв этиб қарши юришга.  
 Шундоқ нозил бўлди хуш сураи «Ҳаж»,  
 Гумону шубҳага қолмаганди важ:  
 «Етди мушриклардан жабру зулму дод,  
 Рухсатдир муслимлар айласа жиҳод».  
 Яратган ҳукмига қилибон амал,  
 Ҳазрати Пайғамбар бўлгач жанг-жадал,  
 Қурайш мушриклари билан урушди,  
 Бошқа қабилалар ҳам от суришди.  
 «Тавба» сурасида сўнг келди хабар:  
 «Барча мушрикларга қарини баробар,  
 Аямай курашинг ҳоли бўлсин танг,  
 Улар уруш очса сиз ҳам қилинг жанг».

\* \* \*

Туриб Мадинада ўн олти ой нақ,  
 Доим истар эди Пайғамбари ҳақ,  
 Тоинки Қаъбани этса қиблагоҳ,  
 Эгамга ёлвориб кўп Расулуллоҳ.  
 Бу ҳақда қиларди илтижо — дуо,  
 Охир орзусига етказди худо.  
 Байтулмуқаддасга қарабон намоз  
 Уқирди Пайғамбар айлабон ниёз.  
 Ваҳий келиб дарҳол Қаъба томонга,  
 Угрилди ҳазрати Расул шу онда.  
 Жамоат ҳам бурди Қаъба томон юз,  
 Иймони сустлар лек дили қотиб муз,  
 Шубҳа-гумонларда қолишиб беҳад,  
 Диндан қайтиб бўлди бир умр муртад.  
 Қибла ўзгарганин қилиб айри бош,  
 Яҳудийлар ота бошладилар тош.

Не учун ортиқча чекмаклик оҳ-воҳ,  
Кимни қайга бурса билади Оллоҳ!

\* \* \*

Яратган амридир муслимларга қарз,  
Ўттиз кун рўзани этган эди фарз.  
Пайғамбар ҳазрати бунгача мамнуи  
Рўза тутар эди ҳар ойи уч кун.  
Рамазон тугагач фитр садоға,  
Бермоқлик лозимдир хору гадоға,  
Буни вожиб айлаб пок-парвардигор,  
Фарз қилди закоти молни баякбор:  
«Закотни фақиру мискинга беринг,  
Муҳтожу исломга яқинга беринг,  
Беринг ҳақ йўлида ғариб ғозийга,  
Мусофир ҳожига, наки осийга,  
Беринг чорасиз ҳар аҳли муслимга.  
Улардан ташқари берманг ҳеч кимга».  
Шу янглиғ фармойиш айлагач худо,  
Ҳар муслим бу фарзни қилгайдир адо!

### Бадр ғазоти

Қурайшликлар кетди ҳаддидан ошиб,  
Улар тазйиқидан ғазоби тошиб,  
Пайғамбар айлагач ҳаққа илтижо,  
Қилган дуолари бўлиб мустажо,  
Оллоҳим ғазотга бериб ижозат,  
Деди: «Кофирларга қилмагил шафқат».  
Тез-тез Мадинага айлагач зуғум,  
Уларга қарши сўнг этилди ҳужум.  
Эди Расулуллоҳ ҳазратга аён,  
Шомдан қайтар эди катта бир карвон.  
Саҳобаларига бўл деб сафарбар,  
Фармойиш бердилар ҳазрат Пайғамбар:  
«Карвоннинг йўлини тўсиб чиқинглар,  
Қурайш мушрикларин уриб-йиқинглар,  
Оллоҳ бу карвонни безиён-заҳмат,  
Сизга насиб айлар қилиб марҳамат».  
Ғазотга отланиб шан Расулуллоҳ,  
Мадинада қолди Мактум Абдуллоҳ.  
Вақтинча Пайғамбар ўрнини босиб,  
Расулуллоҳ шуни билди муносиб.  
Рамазон ойининг учинчи куни,  
Уч юз ўн уч киши отланди туни.

Қурайшлик мушриклар етказиб озор,  
 Кулфатга бўлгайдир энди гирифтор.  
 Чиқди мусулмонлар ўч олиш учун,  
 Ғаддор душманларин этгали нигун.  
 Бор эди етмишта туя, икки от,  
 Галма-гал минишиб бор аҳли ғазот.  
 Қасос иштиёқи айлабон хуштаъб,  
 Байроқни кўтариб борарди Мусъаб.  
 Абу Суфён бундан хабар топган дам,  
 Дарҳол Қаъба томон жўнатди одам.  
 Қизиққон қурайшлар топишиб хабар,  
 Жангга отланишди бари баробар.  
 Иложин тополмай шол Абу Лаҳаб,  
 Ос ибн Ҳишомни юборди ёллаб.  
 Ҳижратдан қайтганда Саъд ибн Муоз,  
 Қаъбада айлаган чоғида ниёз:  
 «Эшитдим Расули Оллоҳдан, Халаф,  
 Мусулмонлар сени этишмоқчи даф»—  
 Деб, айтиб Халафга солиб таҳлика,  
 Буни маълум қилди Макка аҳлига.  
 Маккадан ташқари чиқмаслик учун,  
 Қасамёд айлади Халаф ўша кун.  
 Вале Абу Жаҳл эдики дашном,  
 Унинг таънасига чидолмай тамом,  
 Биринчи тўқнашув бўлгани маҳал,  
 Уни судраб келиб Бадрга ажал,  
 Чинқирди ноилож жон аччиғидан,  
 Улди муслимларнинг ўткир тиғидан.  
 Шайтон мушрикларни айлаб умидвор,  
 Улар қўлтиғига сув пуркаб бисёр:  
 «Бу жангда албатта қучасиз зафар»—  
 Дея, мушрикларни гиж-гижлаб баттар.  
 Тўқнашган чоғида иккита қўшун,  
 Орадан оққанда дарё каби хун.  
 Талвасага тушиб чекинди шайтон,  
 Оллоҳнинг номини эшитган замон.  
 Ёрдамга отланиб Абу Суфёнга,  
 Мадад бериш учун катта карвонга.  
 Келарди минг чоғлик қуролли мушрик,  
 Шайтон елин искаб, қаддин тутиб тик,  
 Туясувор эди етти юз киши,  
 Қолганлари отда юришиб иши,  
 Ошиқиб борарди Мадина сари,  
 Қўлида камону белда ханжари.



Мушриклар ишидан буткул бехабар,  
 Қўшинни кечириб кўздан Пайғамбар,  
 Жангга яроқсиз ва ким бўлса нимжон,  
 Қайтариб юборди Мадина томон.  
 Равҳога етганда Расули Оллоҳ,  
 Бўлди мушрикларнинг ишидан огоҳ,  
 Бадр деган жойга тортиб кўп лашкар,  
 Улар келишидан етганди хабар.  
 Расулуллоҳ йиғиб саркардаларин,  
 Уларга етказди худо хабарин:  
 «Иккидан бирини айланг ихтиёр,  
 Деб этди ҳавола пок парвардигор,  
 Ё қилинг карвонга босқину зуғум,  
 Қурайш аскарига ё қилинг ҳужум.  
 Танлайсиз иккидан қайси бирини,  
 Ҳал қилинг юришнинг сиз тақдирини».  
 Маслаҳат чоғида баъзи бировлар,  
 Дейишди хавфлидир қурайшлик ёвлар.  
 Беҳуда қон тўкиб қилмай жанг-жадал,  
 Карвонни забт этсак бўларди афзал.  
 Баъзилар шундоғ деб гуфтуғуйида,  
 Асли ўлжа бўлиб улар ўйида.  
 Ғазотга келганин англаб баъзилар,  
 Олдин билмадим деб таассуф қилар.  
 Боиси кўролмай яхши тайёрлик,  
 Карвон деб келганди жўн, ихтиёрлик.  
 Миқдод ибн Асвад шунда сўз олиб,  
 Барча эшитганни ҳайратга солиб,  
 Дедики: «Не десанг Расули Оллоҳ,  
 Биз учун қонундир, биз сенга ҳамроҳ.  
 Мусога айтгандек Бани Исроил,  
 Бориб Худонг билан ўзинг уришгил,—  
 Деб сенга айтмаймиз ғофиллар сўзин,  
 Оллоҳ белгилаган умр, ризқ-рўзин,  
 Шу боис танламай бизлар осон йўл,  
 Не десанг, айтганинг бизга келар қўл».  
 Сўнгра ансорлардан Саъд ибн Муоз,  
 Деди Пайғамбарга: «Биз сенга жонбоз.  
 Ишонгил ўзингдек доимо бизга,  
 Қир десанг кирамиз Қизил денгизга».  
 Бундан Расулуллоҳ руҳланиб ғоят,  
 Дедилар: «Айлади Оллоҳ иноят,  
 Мушриклар жасадин кўряпман аён,  
 Сизга бу хабарни этайин баён».

Бундан мусулмонлар кўнглида ғулув,  
 Англашди бўлар деб қонли тўқнашув.  
 Кўриб мусулмонлар қатъиятини,  
 Англагандай бўлиб ўй-ниятини,  
 Абу Суфён битиб батафсил мактуб,  
 Узича иш қилиб гўзал ва марғуб,  
 Денгиз соҳилидан қуённи сурди,  
 Мактубда орқага қайт деб буюрди.  
 Унга қулоқ солмай Абу Жаҳл бас,  
 Уч кун маишатга бўлди ҳамнафас.  
 Туяларин сўйиб, сипқориб шароб,  
 Бадр тупроғини айлади хароб.  
 Мушрика аёллар рақс этиб урён,  
 Эрлари елидан маст мисли шайтон.  
 Ичиб-еганларин айлашди ҳазм,  
 Уч кунгача бўлиб ноғорабазм.  
 Билишмас эртага не кечар ҳоли,  
 Барча мушрикларнинг етгай заволи.  
 Бошлаб қўшинини ҳазрат Пайғамбар,  
 Ҳаялламай борди Бадрга қадар.  
 Мавжуд вазиятни билмакка сайр,  
 Этди икки киши: Али, Зубайр.  
 Улар сув ташувчи икки кишини,  
 Тутиб келтиришди бошлаб ишини.  
 Бу пайт Расулуллоҳ ўқирди намоз,  
 Оллоҳга айлабон илтижо-ниёз.  
 Асирларни олиб ўртага бу чоқ,  
 Алию Зубайр қилишди сўроқ.  
 «Бор-йўғи обкашмиз» — деди асирлар —  
 «Бизларга ноаён фитнаю сирлар».  
 Сўзига ишонмай Зубайр, Али,  
 Уларни дўппослаб урган маҳали.  
 Асирлар мажбуран кириб забонга,  
 Дейишди: қаролмиз Абу Суфёнга.  
 Намозин тугатиб бу пайт Пайғамбар,  
 Дедилар: «Урдингиз рост гапирса гар.  
 Ишондингиз дарҳол сўзлашса ёлғон,  
 Уларнинг кимлиги юзидан аён».  
 Асирларга айлаб ул ҳазрат савол,  
 Билдилар не янглиғ вазият, аҳвол.  
 Ҳам улар ўрнашган жою мақомни,  
 Ҳам улар егувчи хўрак-таомни.  
 «Туядан сўйсалар тўққиз ёки ўн,  
 Тахминан ўртача ҳисоб билан жўн,

Уларнинг сонидир минг ё юзи кам»,  
Деб қилди хулоса сарвари Олам.

\* \* \*

Серсув салқин жойда мушриклар яйраб,  
Айш суриб ётарди пичоғин қайраб.  
Мусулмонлар эса Мадина томон,  
Урнашган жойлари сувсиз биёбон.  
Ташналикдан чекиб кўплари азоб,  
Бўлиб бетаҳорат, ювиқсиз хароб.  
Бўлмагач дабдаба бирла асъаса<sup>1</sup>,  
Одатда солади шайтон васваса:  
«Мушриклар ётибди жуда яқинда,  
Дамларини олиб соя-салқинда.  
Сизлар ҳолдан тойиб бўлгач бемадор,  
Улар ҳужум қилиб келар шиддаткор.  
Солиб бошингизга итнинг кунини,  
Хундор ғанимидан олар хунини».   
Марҳаматин худо тутмади дариг,  
Муслимларни ғамдан айлади фориг.  
Кўк юзини қоплаб булуту тўзон,  
Қўйди ёмғирини челақлаб осмон.  
Шўрхок биёбонда чанглар босилиб,  
Муслимлар чеҳраси ғамдан ёзилиб,  
Тўлатиб сув олди идишларига,  
Яратган чек қўйди ташвишларига.  
Мушриклар ўрнашган сояю салқин,  
Ботқоққа айланиб, иш кўчди қийин.  
Отлиғу пиёда юрса тиқилар,  
Бирининг устига бири йиқилар.  
Парвардигор меҳри бўлганда зоҳир,  
Кўзлари қамашиб маҳв бўлар кофир.  
Мусулмонлар келиб сувнинг бўйида,  
Чодирларин тикди баланд-қуйида.  
Улар мешларини тўлдириб сувга,  
Мушрикларга яқин бориб кечувга,  
Катта кўл ёнида тутдилар маскан,  
Барча қудуқларни кўмиб дафъатан.  
Пайғамбар айлади дуо-илтижо:  
«Ёрдамингни дариг тутмагил, худо.  
Қурайш мушрикларин этай тору мор,  
Яқиндан бу жангда бўлгил мададкор».

<sup>1</sup> А с ъ а с а — ҳашаматли, дабдабали маросим ифодаси.

Мусулмонлар эса ушбу дуодан,  
 Куч олгандай бўлди тинглаб худодан.  
 Ишонч ғалабанинг гарови доим,  
 Уларни қўллагай қодир худойим.  
 Мушриклар ичида чиқиб ихтилоф  
 Бу пайт бошланганди тортишуву лоф.  
 Утба тўламоқчи бўлганда товон,  
 Абу Жаҳл уни болади ёмон:  
 «Қилмай узил-кесил Муҳаммад-ла жанг,  
 Қетмайман», — деди у керилиб башанг.  
 Жанг олдидан деди қутуриб Асвад,  
 «Сув ичиб муслимлар кўлидан беҳад,  
 Ё бузиб ташлайман етганим маҳал,  
 Башарти бошимга келса ҳам ажал,  
 Ўлсам ҳам розиман, кейин тақдирдан».  
 Лекин жанг чоғида оёғин бирдан,  
 Ҳамза қилич билан ташлади чопиб,  
 Муртад қасамига бир чора топиб,  
 Эмаклаб, судралиб гоҳ ўнгу сўлга,  
 Охири ўзини ташлади кўлга.  
 Ҳамза етиб келиб бир қилич солди,  
 Асваднинг омонат бошини олди.  
 Уруш таомилти ўша замонда,  
 Бирга-бир олишув эди майдонда.  
 Мушриклардан чиқди жангга уч палид,  
 Утба, ини Шайба ва ўғли Валид.  
 Ансорлар қорасин кўришган маҳал,  
 Улар чуғиллашиб кўтарди мағал<sup>1</sup>:  
 «Бизлар урушмаймиз сиз билан бекор,  
 Қурайшликлар чиқсин, бўлса номус-ор».  
 Пайғамбар ишорат этган маҳали,  
 Чиқди ибн Ҳорис, Ҳамзаю Али.  
 Ҳамза, Али этиб рақибин абгор,  
 Утба, ибн Ҳорис бўлди ярадор.  
 Ҳамза, Али бериб Ҳорисга ёрдам,  
 Утбани икковлон ўлдиргани дам,  
 Расул чодирига элтиб Ҳорисни,  
 Туйиб ғолибона юракда ҳисни.  
 Оллоҳнинг даргоҳи доим эрур кенг,  
 Пайғамбар дедилар бу шаҳидга тенг:  
 «Муҳаммадни асраймиз ҳимоя қилиб жондан,  
 Керак бўлса воз кечиб ҳаттоки хонумондан»,

<sup>1</sup> Мағал — шовқин-сурон.

Деган Ҳорис шеърини эслаб Расули Олам,  
 Тақдирдан мамнун эди улар иккиси шу дам.  
 Мубориза тугаб ҳар икки тараф,  
 Яна сарбозларин туздирдилар саф.  
 Қўлида таёқча ҳазрат Пайғамбар,  
 Этди муслимларни бир-бир сафарбар.  
 Намозга тургандек туришиб қатор,  
 Мужоҳидлар бари кўргузиб виқор,  
 Сафдан озроқ олдин чиққанди Савод,  
 Туртиб Расул деди: «Тўғри тургил бот!»  
 Савод деди: «Туртдинг қорнимга бекор,  
 Сендан, Расулуллоҳ, ўч олиш даркор».  
 Унга изн берди Расули олам,  
 Савод қучиб ўпди у зотни шу дам.  
 Улимга юзма-юз турганда қувват,  
 Бўлгайдир оғушинг азиз нубувват<sup>1</sup>.  
 Расулуллоҳ берди жанг чоғи фармон:  
 «Кўксиңгизни қилманг ғанимга нишон.  
 Ҳужумин қайтаринг аввал отиб ўқ,  
 Босиб келса барин кейин айланг йўқ.  
 Ҳимояда туринг ёнма-ёну зич,  
 Ёйилинғ ғанимга урганда қилич.  
 Оллоҳ биз томонда, бизники зафар»,—  
 Деб кирди чодирга ҳазрат Пайғамбар.  
 Бўлиб Абу Бакр ёнида ҳамроҳ,  
 Дедилар: «Ваъдангга вафо қил, Оллоҳ!  
 Агар мўъминларга келса ҳалокат,  
 Ибодат аҳлини қирса фалокат.  
 Қолмайди ибодат қилгувчи одам»—  
 Сўнғ чўкди сукутга Расули Олам.  
 Кўнглини кўтариб Абу Бакр нақ,  
 Деди: «Ваъдасида собит турар ҳақ!»  
 «Қамар» сурасидан бунга жавобан,  
 Ўқиди бир оят Расул хитобан:  
 «Мушриклар тўдаси тору мор бўлиб,  
 Орқага чекинар хору зор бўлиб».  
 Комил ишонч билан сўнғ Расулуллоҳ,  
 Ташқари чиқдилар баамри Оллоҳ.  
 Бағишлаб мужоҳид сарбозларга руҳ,  
 Ҳазрати Пайғамбар деди бошуқуҳ:  
 «Худо номи билан ичаман қасам,  
 Ким бугун курашса дилдан чинакам,  
 Сабр ва матонат билан жанг қилса,

<sup>1</sup> Нубувват — набийлик, пайғамбарлик.

Аямай мушриклар терисин шилса.  
 Оллоҳ унга этар жаннатин ато,  
 Ҳдирган мушрикин эса мутлақо,  
 Усти-бош, қуролин ўлжа олади,  
 От-улов, мол-мулки унда қолади».

«Бу экан дилдаги хушбӯқар калом»,—  
 Деб нидо айлади Умайр Хумом.—  
 Мушриклар ўлдирса жаннатга тушсам,  
 Шаҳид бўлиб гўзал ҳурларни қучсам.  
 Бу қулай имконга солмасдан пайсал,  
 Жангга киришмоғим лозимдир жадал».

Еб турган хурмосин ташлабон шу зум,  
 Айлади душманга шер каби ҳужум.  
 Мушриклар тиғидан у ҳалок бўлди,  
 Лекин шаҳидларча беармон ўлди.  
 Оллоҳу Акбар деб аҳли мусулмон,  
 Солди мушрикларга аямай қирон.  
 Бўлиб мушрикларнинг адади бисёр,  
 Келарди кофирлар қатору қатор.  
 Жанг роса авжига чиққан маҳалда,  
 Бериб муслимларга Яратган далда.  
 Туширди самодан фаришталарни,  
 Жанг-жадал ишида сарништаларни,  
 Бир соат чўзилиб бу аёвсиз жанг,  
 Мушриклар қочишди ҳоли бўлиб танг.  
 Мусулмонлар этиб уларни таъқиб,  
 Қочиб қутулмади бирорта рақиб.  
 Еди кўпларининг бошини шамшир,  
 Етмиштаси тушди енгилиб асир.  
 Абв Муайяд ва шафқатсиз Назир,  
 Улимни қутишди бўлиб мунтазир.  
 Ҳазрат Пайғамбарга бу икки мушрик,  
 Асирга тушганда боқолмади тик,  
 Боиси Маккада кўп бериб озор,  
 Ҳазрат Пайғамбарни қилган эди хор.  
 Фигону ноласи чиқиб афлокка,  
 Улар қатл этилиб кўмилди хокка.  
 Уликлар мушрикми ёки мусулмон,  
 У зот амри билан кўмилиб ҳар он,  
 Марҳумлар ҳақида у пайт атайлаб,  
 Ҳеч ким айтолмасди бирор ёмон гап.  
 Ҳазрати Пайғамбар қозониб зафар,  
 Юборди Мадина тараф хушхабар.  
 Руқия — Усмоннинг умр йўлдоши,

Ҳаёт чаманидан сўниб қуёши.  
Бадрда тугаган чоғи ғазовот,  
Куни битиб этган эдилар вафот.  
Пайғамбар қайтмоқчи бўлгани маҳал,  
Ўлжа борасида чиқди бир жанжал.  
Ешлар: «Биз жанг қилдик, ўлжа биздан»,—дер.  
Кексалар ҳам санаб ўзларини шер:  
«Бизда бор тажриба, маҳорати жанг,  
Душманни биз қилдик аҳволини танг».  
Хуллас ўзин мақтаб, ҳар ким уриб лоф,  
Ўлжа деб орада чиқди ихтилоф.  
Оллоҳ муаммони ҳал этиб алҳол,  
Нозил этди шунда сураи «Анфол».  
«Сендан сўрашганда ўлжа ҳақида,  
Уларга шундай деб айтгил ақида:  
— Ўлжа яратган ва ҳақи Пайғамбар,  
Билингиз, мусулмон бўлсангиз агар.  
Этиб Пайғамбарга доим итоат,  
Оллоҳга айлабон тоат-ибодат,  
Ўзаро бўлингиз мушфиқ-меҳрибон,  
Дўсту аҳил бўлгай мўъмин-мусулмон».  
«Қуръон» сўзларини эшитган муслим,  
Дили нурга тўлиб дарҳол бўлди жим.  
Қилмишидан бўлиб барчаси мулзам,  
Дедилар: «Эй одил Сарвари олам,  
Худо йўлида биз айлаганмиз жанг,  
Ўлжани ўзингиз билиб тақсимланг».  
Ҳеч кимни ранжитмай у муҳтарам зот,  
Ўлжани тақсимлаб берди шу заҳот.  
Қолмади ҳеч кимнинг дилида армон  
Улар Мадинага қайтишди шодон.

\* \* \*

Кейин бўлиб ўтди Уҳуд ғазоти,  
Унда воқеъ бўлди Ҳамза вафоти.  
Ваҳший деб аталган бир ҳабаш ғулом,  
Унга найза санчиб ўлдирди тамом.  
Ҳамзани ўрашиб бу пайт мушриклар,  
Унга ёғдирарди ҳар ёндан тиглар,  
Ваҳший пойлаб юриб Ҳамзани бебок,  
Охир пайт етганда айлади ҳалок.

## **Ислом динига даъват этиб подшоҳларга юборилган мактублар**

Ислом дини топиб кундан-кун ривож,  
Олди мусулмонлар мушриклардан бож.  
Қурайшлар охири топиб таназзул,  
Улардан зур чиқди ҳазрати Расул.  
«Оллоҳнинг элчиси эрур Муҳаммад»,  
Деб муҳр ясатиб кумуш-забаржад,  
Мактублар ёзиб сўнг муҳрини босиб,  
Юборди қай шоҳни билса муносиб.  
Мактубига бермай жимжимаю зеб,  
«Оллоҳнинг Расули Муҳаммаддан деб».

### **Қайсарга мактуб**

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм,  
Муҳаммад Пайғамбар номи билан ким,  
Румнинг ҳукмдори жаноб Қайсарга,  
Ҳирақл исмли улуғ сарварга.  
Мен сени Исломга этаман даъват,  
Мусулмон бўлғайсан соҳиби давлат.  
Жонинг омондаю савоби бисёр,  
Йўқса икки карра бўлиб гуноҳкор.  
Элу юртингга ҳам эурсан масъул»,  
Дея унга мактуб юборди Расул.  
Расул элчисини эъзозлаб Қайсар,  
Епиб саруполар, бошдан сочиб зар.  
Подшоҳликни билиб Исломдан афзал,  
Эътиқод йўлига кирмади тугал.  
Бусрою Дамашқу Миср ҳокими,  
Кузатиб элчини шан ими-жими.  
Ва лекин киришмай дини Исломга,  
Берилиб дунёда айши мудомга,  
Раият гуноҳин бўйнига олиб,  
Шайтон нафси келди уларда ғолиб.  
Ҳабашнинг подшоҳи ёлғиз Нажоший,  
Бу оламда ҳалол у зотнинг оши.  
Элу юрти ила бўлиб мусулмон,  
Келтирди худою Расулга иймон.  
Э, воҳки, Эроннинг подшоҳи Қисро,  
Этмасдан Пайғамбар ҳукмини ижро.  
Кибру ғурур ила йиртди мактубни,  
Ранжитди оламга шоҳу маҳбубни.  
«Подшоҳлиги бўлсин зер ила забар»,



Деб дуо айлади ҳазрат Пайғамбар.  
Кисро манманлигин ҳаддан ошириб.  
Худонинг ғазабин беҳад тошириб.  
Юборди яманлиғ ҳокимига хат,  
Пайғамбарни тутиб келтир деб алби.  
Манфур ниятига етолмади шоҳ,  
Ўғли бош кўтариб ўлдирди ногоҳ.  
Яман ҳокимига юбориб одам,  
Кисро ҳукмин бекор айлади шу дам.  
Пайғамбар ҳеч кимни зўрламай эҳдо  
Даъват айлаганлар соҳиб ихтиёр.  
Такрордек туюлса кечир, китобхон  
Шу ҳақда батафсил этамиз баён.  
Оллоҳнинг элчиси сўзлари марғуб  
Кўплаб подшоҳларга юборган мақуб  
Уларни чорламай ўз яқинига,  
Даъват айлаганлар Ислом динига  
Дилида бор бўлиб нури худоси,  
Иймон келтиргандир Ҳабаш поддоси,  
Нажоший ном-ла бу одам машҳур,  
Насибн жаннату Ҳавзи Кавсар, мур.  
Пайғамбар элчисин эъозлаб Қавсар,  
Мактубга чиройли хуш жавоб айтар.  
Иймонга келишга қалбан қолар оз,  
Лекин иккиланган шоҳи сарафроз.  
Миср ҳукмдори Султон Муқавқис,  
Дилдан эта олмай иймон нурин ҳис.  
Муҳаммад таърифин ўз китобида,  
Ўқиган шу боис Ҳақ хитобида,  
Таърифу тавсифи бари келиб мос  
Ишониб-ишонмай қилишиб ихлос.  
Шу боис ҳар бири баҳоли қудрат,  
Кузатган элчини айлашиб иззат.  
Насроний, яҳудий диндан беҳабар,  
Шу боис Хисравшоҳ эронлик сарвар,  
Расул номасига бепарво боқиб,  
Ҳатто йиртиб отган уни туюқиб.  
Ҳазрати Низомий берурлар хабар.  
Хусравга жўнатди нома Пайғамбар:  
«У подшоҳ номига бу нома боши.  
Эрур бежойу бошда ғам талоши.  
Худованд улки, оламини яратмиш,  
Вужуди тоабад эҳсон таратмиш.  
Қадимдур, аввалиға матлаъ йўқдур,  
Ҳакимдур, охириға мақтаъ йўқдур.»

қолгуси лол,  
уси дарҳол.  
ида аёнди,  
укми равондир.  
ғам қатиға,  
ай жаннатиға?  
турфа хил важ,  
ил қилиб ҳаж.  
илафсарини<sup>1</sup>,  
амбарини.  
ай қафасга,  
тар ҳавасга.  
йсанг иймонлиғ,  
ски жаҳонлиғ.  
а олма,  
ичетда қолма.  
йсан, илоҳ ул,  
н, подшоҳ ул.  
бўлгай қазодин,  
рмон худодин.  
дан базинҳор,  
й сазовор.  
номлиғ сен,  
жомлиғ сен,  
тмоғинг шарт,  
тимдан, эй мард?  
ўп хоки маҳбус,  
йрангу номус.  
цшолиғ,  
и худолиғ.  
кўр эрур бас,  
лик ҳунармас.  
гуни миқдор,  
доғи бисёр.  
бўлса тупроқ,  
билки урпоқ.  
ига дахлдор,  
шаҳар бор.  
рфа одам,  
беғам.  
лса ёрлик,  
бу борлиғ.

улуғ подшоҳ.

Худо қошида таъзим эт, шу мақбул,  
 Не бор борлиқда кўр ғайри таназзул?  
 Вужудингки бу янглиғ поймолдир,  
 Худо даъвосини этмоқ маҳолдир.  
 Гувоҳлиғ берки оламга худодир,  
 У қодир интиҳою ибтидодир.  
 Худоким бандасини сарвар этди,  
 Алар узра мени Пайғамбар этди.  
 Дилингдан ўтпарастиғ меҳрини уз,  
 Кўриб жаннатни, дўзахдан ўгир юз.  
 Товусларни тамошо эт бу боғда,  
 Бўлиб парвона янглиғ куйма доғда.  
 Мажусийға мажус пурдуд бўлгай,  
 Кишиким, ўт ёқар, намруд бўлгай.  
 Қолибсан ўт аро бундан дилинг ғаш,  
 Мусулмон бўл, ўшанда ёқмас оташ».  
 Тугаб мактуб, ёзгувчи шу асно,  
 Муҳаммад номи бирла чекди имзо.  
 Бериб чопарга ул довқур сувори,  
 Олиб борса жадал Хусравга сори.  
 У мактубни олиб борганда чопар,  
 Сиёсат бирла Хусрав қони қайнар.  
 Ҳар ул сўзни ўқиб ул номасидан,  
 Ичиб афъюн магар ҳангомасидан.  
 Бўлиб тик ҳар сочи найзасимоне,  
 Ғазабдан ҳар раги<sup>1</sup> оташфишоне.  
 Ҳам ул унвони оламтобни кўрди,  
 Дегил ит тишлаган зот обни кўрди.  
 Бу даҳшатли битикни кўрди, шул он:  
 «Муҳаммаддан,— дея — Парвизга!»,— ёзгон.  
 Ғурури подшоҳлиғ йўлдан урди:  
 «Қай ул саркашки, мен-ла қамти турди?  
 Ким ул журъат қилиб муҳрини босгай,  
 Номим устиға ўз номини ёзгай?»  
 Юзи оташгаҳи мисли қизорди.  
 Ғазабдан кўп ёмон ўйларга борди.  
 Ва йиртди амри маъруфлиғ каломин,  
 Не нома, балки у ўзининг номин.  
 Юборгувчи уни кўргач ғазабнок,  
 Ўзини босди қилмай ёқасин чок.  
 Ул оташдан қуруқ дуд чиқди, э воҳ,  
 Ва оқиллар чароғин этди огоҳ.  
 Ғазабдан ёнғач ул шамъи сарафроз,

<sup>1</sup> Раг — томир.

Дуоси қилди чун парвона парвоз.  
 Ажамга ул дуонинг касри етди,  
 Ва Кисронинг бошидан тожи кетди.  
 Етиб шундоқ дуоси мустафонинг,  
 Бўлиб бахт нигун ул подшонинг,  
 Самоким тахтини остидан олмиш,  
 Ўғил қатл айлабон шамшир солмиш.  
 Тарақлаб бир садо чиқди фалакка,  
 Саройи гумбази урганда такка.  
 Темирдан Дажлага у кўприк этмиш,  
 Келиб сел кўприги сел бирла кетмиш.  
 Таралди бир самуми оташангез,  
 Не Гулгун қолди охурда, не Шабдез.  
 Тамоми лашкарин бир ёв қирмиш,  
 Қабулар бургутни чўқиб қочирмиш.  
 Қўлида чўп, эшикдан кирди бир кас,  
 Ғазаб-ла сўнг чўпин синдирди ул бас.  
 Деди сўнг ул: «Ушал мен илгиботир,  
 Йўқотдим ҳам динингни бежавотир.  
 У давлатдаки инсон бўлса ожиз,  
 Бўлар ибратли Оллоҳ ҳукми жоиз.  
 Кўр улким, бағритошлар не кўришди,  
 Худонинг ёрлиғин пастга уришди.  
 Агар дин шамъинингким дуди йўқдир,  
 Сўқир бўлгонда кўзнинг суди йўқдир.  
 Шу янглиғ гар ҳидоят сурса оят,  
 Бўлиб марҳум кўрмаслар иноят.  
 Тасанно ул набий беваҳму уммед,  
 Буюрса сенга Афридину Жамшед.  
 Шараф, қудратлисенким, ваҳми тожинг,  
 Қилур таъмин ҳар юртдан хирожинг.  
 Яша, то етти иқлим шоҳидурсан,  
 Балиқдан ойгача дилшоҳидурсан.  
 Яшасин моҳки, тупроқ ичра қолмиш,  
 Замину осмон нурини олмиш.  
 Яша султон борлиқда чавандоз,  
 Сенинг хокинг кўзга тўтиё боз.  
 Яша сирли амирлар такагоҳи,  
 Жаҳоннинг то қиёмат подшоҳи.  
 Саҳаргоҳ беш навбат хокка ургай,  
 Шабонгоҳ тахтини афлокка ургай,  
 Бўлиб афтодаҳол Хусрав, ниҳоят,  
 Етиб мўъбадлари<sup>1</sup> унга ҳикоят.

<sup>1</sup> М ў ъ б а д — оташпараст руҳоний.

Самовот узра юз йиллар яшашга.  
Бу пайкардан кўрингай бир нишоне,  
Араб иқлимида соҳибқироне.  
Моҳир нотиқу ботир эзгу одат,  
Вафодор, тўғрисўз ҳам хушсаодат.  
Қилур юлдузни мағлуб мўъжизоти,  
Шу хилдир анбиёлиғ кашфиёти.  
Йўқолгай ўзга миллат — подшолиғ,  
Қилар Ислом миллатга худолиғ».  
Кишиким ўзига подшоҳ бўлгай,  
Унинг қонунидан огоҳ бўлгай,  
У бирлан топишар доно киши зуд<sup>1</sup>,  
Унинг жанги зиён, сулҳи эрур суд.  
У сувратга боқиб подшоҳ шу хилда,  
Асар қилди сиёсат жону дилга.  
Деди айнан шул шакли жаҳонтоб,  
Кўринган эрди ул тун туш — ёмон хоб.  
Жасад ичра шу хил жўшдики жони,  
Жудо бўлди иликдан устухони.  
Жаҳон кезгувчилардан сўрди шул дам:  
«Жаҳонда ким кўрибдир бундоғ одам?»  
Бари дейишди: «Бу тимсоли манзур,  
Бағишлар дилга дийда, дийдага нур,  
Сўнг андин бўлмагай пайғамбари пок,  
Муаттар бўлди андин Қаъбада хок.  
Муҳаммад элдан Оллоҳ танлағондир,  
Тили қулфи калиди бу жаҳондир».  
Шоҳ ул ганжхонасидан чиқди дилтанг,  
У гавҳардан урилиб бошига санг.  
Ширин кўрдик шоҳнинг боши ғовлаб,  
Гўзал пайкар вужудини тушовлаб,  
Деди подшоҳга: «Доноий халойиқ,  
Эрурсан Кайкубод тахтига лойиқ.  
Бу пайкарда бурун биздан ниҳондир,  
Биларсан, беҳуда сўз айтмағондир.  
Бу ишни неча йил олдин, Худо ёр,  
Расад боғлаб қилишган бизга ошкор.  
Бу хил пайғамбари соҳибвилоят,  
Ки андин аввал этмишлар ривоят.  
Бор эркан ҳужжати хоси, илоҳлиғ,  
Берар динига ул ҳужжат гувоҳлиғ.  
Ўйин эрмас, бу янглиғ расму одат,

<sup>1</sup> Зуд — тез.

Киме этмас қабул, топмас саодат.  
Агар динига рағбат этмаса шоҳ,  
Хасу хори бу йўлда қолмагай, оҳ!  
Худо жазосидан буткул қутулгай,  
Абад иқболига пайваста бўлгай.  
Унинг номи хайрихоҳлиғда қолгай,  
Ҳам онинг насли подшоҳлиғда қолгай».  
Ширинга деди Хусрав: «Рост дерсан,  
Бу ҳужжат мазмунига мос дерсан.  
Вале ул жойдаким, Оллоҳ яратмиш,  
Мени аждоду динимга қаратмиш.  
Не хил аждод руҳини хор қилурман,  
Мозий подшоҳларидан ор қилурман.  
Дилим истар, вале йўқдир саодат,  
Муносибсизлиғ ўлгай ғайри одат».  
У даврондаки давлат роми эрди,  
Ҳам ул Шарқ бирла Фарба номи эрди.  
Расулимиз бўлиб ҳужжат-ла қодир,  
Жаҳонда анбиёлиғ этди содир.  
Гоҳи айларди ойни кўкда мафтун,  
Гоҳи ой термуларди унга маҳзун.  
Гоҳи сўзларди тошларга ривоят,  
Гоҳ унга тошлар айтарди ҳикоят.  
Шукуҳи тоғни талқон айлаб,  
Сочиб тупроғини тўзон айлаб,  
Атоси ганж баҳосин кам этарди,  
Насими ганжбахшлик ҳам этарди.  
Халойиқни ишонтирди сўзига,  
Бориб ҳар юртда жалб этди ўзига.  
Эди хушбўй каломи мушки тотор,  
Ёзишди ҳар киши номига тумор.  
Ҳабашни янгилаб хатдан жамолин,  
Ажамни нуқта-ла чекишди холин.  
Динига кирмайин Хусрав қолиб фард,  
Етиб фарзандидан куфри била дард.  
Уриб ханжар чунон қорнини ёрди,  
Сўғун хотини Ширин сори борди.  
Қаранг кофирки қилди онагирлик,  
Фалакнинг ишларидур турфа, сирлик.  
Ўгай ўғулга Ширин ёр бўлмай,  
Бу дунё мулкига хуштор бўлмай,  
Этиб жон қасди ичгаи чоғи оғу,  
Фанодин мангуликка кетди ё ҳу!  
Дини Исломга кирса эрди Парвез,

## АЛ-БУХОРИЙ

(Шеърӣ қисса)

### Эзгулик ҳақида панду ақида

Бисмиллаҳир роҳманир роҳӣим,  
Қўлла мени, эй улуғ ҳаким.  
Мумтозларга этибон эшлик,  
Мен ҳам бўлай қавийандешлик.  
Бу дунёда энг ёмон сўз «оҳ»,  
Энг гўзалу яхшиси «Оллоҳ!»  
Қоинотнинг гултожи одам,  
Бари сенинг бандангдир, Эгам.  
Итоатдан кимки бош тортгай,  
Унинг тоғдек гуноҳи ортгай.  
Видо айтиб ушбу дунёга,  
Кетганингда дорулбақога.  
Беражаксан, гуноҳми-савоб,  
Қилмишингга яраша жавоб.  
Шоҳми-гадо ўйлар рўзгорин,  
Барчасида бордир бир қорин.  
Ҳеч кимда йўқ икки ошқозон,  
Осган билан тўртта дошқозон.  
Қоринлар-ку қаппайиб бесўз,  
Тўйганда ҳам, тўймас асло кўз.  
Ер талашиб гоҳ тўкилар қон,  
Етмайдими ахир гўристон?!  
Елкасида шайтон чалиб сур,  
Баъзилар дер: «Бизда бор ғурур».  
Бефаросат одам иши бу,  
Шайтон феъли ғуруру қутқу.  
Эй одамий, доим бўл ҳушёр,  
Ҳақ йўлида юргил устувор.  
Етти пуштинг қаёққа кетди,  
Бу эгри чарх аларни нетди?  
Ер юзини забт этиб Шохдор,  
Ундан қолди бир мақол ёдгор:  
«Жаҳон бўйин эгдию зўрга,  
Афеус олиб кетолмам гўрга».

Тобутига анбарлар сочиқ,  
Искандарнинг бир қўли очиқ.  
Чиқарилди кафандан ташга,  
Ким ўрганса тўймай яшашга.  
Бу дунёдан кетаётган он,  
Қийналади берганида жон.  
Эзгу ишлар қилмай чиройлик,  
Тўпласа ким туну кун бойлик.  
Учраб Оллоҳ қаҳрига бир кун,  
Ер ютади мисоли Қорун.  
Ажал чалиб келганда бурғу,  
Ўтмас сўнгги тавба-тазарру.  
Тили сўзга келмасдан имлаб,  
Меросини берса тақсимлаб.  
Бунга ўхшаш хайру садақа,  
Савоблари эрур бир чақа.  
Бермаса ҳам ўлгувчи одам,  
Соҳиб бўлар қолгувчи ҳар дам.  
Шу боисдан бўлганингда соғ,  
Хайру эҳсон айлагил ҳар чоғ.  
Қил, не қилсанг худо йўлига,  
Лек қарама кимса қўлига.  
Энг муҳими бўлмагил маддоҳ,  
Маддоҳларни хуш кўрмас Оллоҳ!  
Пора бериб амалга минма,  
Оллоҳ туриб, шоҳга талпинма.  
Жон-жаҳд ила ёпишма тахтга,  
Айланмагин мангу бадбахтга.  
Одам Ато давридан буён  
Бор асилзот, бою нотавон.  
Оллоҳ берса гадо подшоҳдир,  
Бермаса гар қашшоқ гадодир.  
Не бўлса гар манглай ёзуғинг,  
Ўшал сенинг ризқу озигинг.  
Биров қилмас уни кўпу кам,  
Ўзгармагай насибанг ҳеч ҳам.  
Ушбу дунё синов майдони,  
Ғоят оғир ҳақ имтиҳони.  
Ҳар қадамда хатолар содир  
Этаяпмиз, Оллоҳим, охир.  
Авфи гуноҳ этмаса агар,  
Бўлар эдик биз зеру забар.  
Тўлгай эди буткул паймона,  
Қолмас эди ному нишона.



Биз не, ҳатто бу ёруғ олам,  
Пуфак-шардек топарди барҳам.  
Учиб ою юлдузлар шамъи,  
Тутиларди қуёш мотами.  
Бўлар эди қиёмат-қойим,  
Асрар ўзи қодир Худойим.  
Юрсак ҳамки босиб фалокат,  
Келтирмагай бизга ҳалокат.  
Минг шукрона, минг ҳамду сано,  
Тиз чўкамиз сенга, Раббано.  
Шундоғ ўтган бизнинг аждодлар,  
Шундоғмиз ва шундоғ зурёдлар.  
Даъват билан кирганмиз динга,  
Тоқатимиз йўқдир қирғинга.  
Сотилмадик молу зарларга,  
Айланмадик дарбадарларга.  
Талашмадик рутбаю амал,  
На боймизу на хор, камбағал.  
Уртаҳолмиз худога шукур,  
Кўнглимиз тинч, кўзимизда нур.  
Ҳеч кимсадан сўрамаймиз бож,  
Бош оғриғи бизлар учун тож.  
Дилимизда биргина ўтинч,  
Бўлсин доим ернинг юзи тинч.  
Керак эмас ҳаром пулу мол,  
Меҳнат қилиб топамиз ҳалол.  
Маҳкам этиб боғлаймиз белни,  
Керак бўлса боқамиз элни.  
Билиб ўзни доно, мумтозлар,  
Гап сотишар сафсатабозлар.  
Одамларни овора қилгай,  
Жамиятни ўшалар шилгай.  
Рутбалар ҳам олгай ажойиб,  
Ҳеч бўлмаса кетишар бойиб.  
Ҳукми қўй майли қозига,  
Назар солгил олис мозийга.  
Бўлгин доим ориф, ёруғдил,  
Минг йил бурун нелар кечган, бил.  
Бизнинг қадим улуғ аждодлар,  
Илму фанда тенгсиз устодлар.  
Яшаб қолди мангу тарихда,  
Шу дард яшар ҳар муаррихда,  
Ҳар бирида улуғ бир ният,  
Тикланса то ўзлик, қадрият!

## Буюклар эъзози ва дostonнинг оғози

Бу дунёда ҳар бир нозиктаъб,  
Яшаб ўтгай умрин боматлаб.  
Улар сўзи ўткирдир тигдан,  
Учиб кетмас кўҳна тарихдан.  
Эзгулик деб ҳар улуғ даҳо,  
Жонларини этишди фидо.  
Ёдгор қолиб муқаддас иши,  
Заковату ақлу дониши.  
Инсоният қалбига фароғ—  
Берар мисли нур сочган чароғ.  
Йўқ таърифу мадҳи қиёси,  
Мангу яшар улар зиёси.  
Баҳра олиб авлодлар мудом,  
Улар умри этади давом.  
Тафаккуру ижод-илмда,  
Машҳур бўлиб етти иқлимда.  
Кенг жаҳонни этишгай тасхир,  
Жаҳонгиру хоқону амир.  
Тенглашолмас улуғ зотларга,  
Жанг қилса ҳам миниб отларга.  
Сишиб бир кун чўнг ногораси,  
Бу дунёдан ўчар қораси.  
Кайковус ҳам қутулди ғамдан,  
Кетганида ушбу оламдан.  
Вафо қилмай унга тожу тахт,  
Қолди мисли мевали дарахт,—  
Эзгу панду насиҳатлари,  
Авлодларга ёзган хатлари.  
Тарих фириб билмаган ғалвир,  
Ўтказди барчани бир-бир.  
Қилмишига яраша ҳар ким,  
Бу оламда ўзи бир тилсим.  
Энг кейинги забардаст инсон,  
Расулуллоҳ Сарвари жаҳон.  
Андин кейин чаҳориёрлар,  
Саҳобалар, худога ёрлар  
Ва тўрт ҳазрат етган матлабга,  
Соҳиб бўлиб тўртта мазҳабга.  
Муфассир ва муҳаддислар сўнг,  
Бу оламда эътиборда чўнг.  
Улар билган дунё сирини,  
Тўлдиришган бири бирини.  
Яқин-йироқ гарчи ораси,

Олтов бўлган улар сараси:  
Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож,  
Ат-Термизий ишида ривож,  
Имом Абу Довуд Сулаймон —  
Сажистоний донойи замон,  
Имом Аҳмад Ан-Насоий боз,  
Имом Абу Абдуллоҳ устоз,  
Ҳамда ҳадис илми амири,  
Муҳаддислар устози — пир  
Бухоролик Имом Муҳаммад,  
Бузруквори Исмоил Аҳмад,  
Ал-Бухорий ҳақида дoston  
Битмакликни амр этди виждон.  
Мен тўқиган ҳар хаёлий роз,  
Қашфиётмас, маҳсули мажоз.  
Қилсам ҳар не эзгу тахайюл<sup>1</sup>,  
Эҳтиромим рамзи эрур бул,  
Эътиқоду дини Исломга,  
Нажотбахшу буюк Имомга —  
Ал-Бухорий, дея бисмилло,  
Достонингни бошладим илло.

#### **Тарих ва тақдир қисмати ҳақдир**

Гўзал эди қадим Бухоро,  
Ҳусни бутун жаҳонга оро.  
Шарқнинг кўрки, маржони эди,  
Дини Ислом макони эди.  
Тупроғида унар олтин-зар,  
Бахтли эди фойзидан башар,  
Дала-дашти бўлиб ям-яшил,  
Тавсифига ожиз эди тил.  
Келганида фасли баҳори,  
Яшнар эди боғу гулзори.  
Майсасида шабнамлар йиғлар,  
Сувларида тилло балиқлар,  
Сузар эди сонсиз лак-лаклар,  
Самосида оппоқ лайлаклар.  
Миноралар узра ошени,  
Улар кўрки еру самони.  
Ҳеч бир маъво ёруғ дунёда  
Эмас эди бундоқ озода,  
Юксак эди элин мақоми,

---

<sup>1</sup> Тахайюл — фикр, хаёл.

Донишманду ориф Исломий.  
Ҳали бўлмай Рудакийси кўр,  
Ва йиғидан хоки бўлмай шўр.  
Машҳур эди Рубъи маскунда,  
Ҳақ ниёзи бор эди унда,  
Шаҳарларнинг сернози эрди,  
Дегил Ажам Ҳижози эрди.  
Ривож топиб унда илму фан,  
Маърифатдан юксалиб ватан.  
Камонини ташлаб қаёнлар,  
Кетди не-не буюк аъёнлар.  
Сосонийлар сулоласи ҳам,  
Топди охир жаҳонда барҳам.  
Ўтди неча подшоҳу амир,  
Бузди юртни қилмасдан таъмир.  
Юртни вайрон этишди улар,  
Қилиб ҳайрон кетишди улар.

\* \* \*

Одамларни даволайди дин,  
Ҳам дунёни айлайди рангин.  
Қимдаки йўқ дину эътиқод,  
Ундан кутма эзгулик, нажот.  
Бўлса агар илкида дунё,  
Ер юзини айлагай расво.  
Еб-ичишдан ўтмас нарига,  
Йўлиқиб ҳар нозли парига,  
Қилар шайтон буюрса не иш,  
Қофирликдан йўқ ўзга ташвиш.  
Қалби эрур сўқир нобино<sup>1</sup>,  
Иблисона фаҳш ила зино,  
Одатий ҳол ундай наҳсларга,  
Арзимагай шарҳу баҳсларга.  
Сурмасдан кўп ортиқча хаёл,  
Тажрибадан келтирсак мисол,  
Етмиш йиллик худосиз замон,  
Етказди кўп маънавий зиён.  
Бўлмасак гар озод-мустақил,  
Йўқолай деб қолган эди тил.  
Уйғонмасдан миллийлик дилда  
Қичқирардик биз ўзга тилда!  
Боғча, мактаб, олийгоҳларда,

---

<sup>1</sup> Нобино — кўр.

Ғайримиллат ўзга роҳларда.  
Юрар эдик дилда ўзга ҳис,  
Бизни бошлаб борарди иблис.  
Жудо эдик дину иймондан,  
Ўзбек бўлиб Ўзбекистондан,  
Армон билан узилган эдик,  
Ичу ташдан бузилган эдик.  
Чекиб чилим, ичишиб шароб,  
Не-не зотлар бўлишди хароб.  
Ҳозиргача бўлса тўю сур,  
Шишаларда бор оби ангур.  
Заифалар гоҳ чалаурён,  
Кўчаларда уради жавлон.  
Очиқ болдир, қуймичу тўшлар,  
Гул сотишгай бу гулфурушлар.  
Иймонига етказиб завол,  
Жазман излар беҳаё аёл.  
Елка очиқ сийнага қадар,  
Ор-номусдан қолмаган асар.  
Келганича то улар қўлдан,  
Еш-ялангни уришар йўлдан.  
Қийин экан буткул покланиш,  
Ҳаққа етиб ўзликни таниш.  
Ҳаром-ҳалол фарқига бормай,  
Баднафсларнинг томоғи карнай.  
Ешлигидан олса хуш таълим,  
Бўлар инсон донишманд, ҳалим.  
Кучдан қолган ҳанги мисоли,  
Хотинбознинг харобдир ҳоли —  
Қариганда бўлиб шарманда,  
Кўрганини кўрар ўлганда.  
Ғаламису нияти кажлар,  
Эътиқоди заиф фалажлар,  
Инсоният тарихига доғ —  
Туширишиб келишган ҳар чоғ.  
Бу манфурлар ноз этар ҳамон,  
Уйнатади уларни шайтон.  
Иўқ бўлишгай қисмати тахир,  
Бу дунё ҳам покланар ахир.  
Ўзлигини англаб ҳар одам,  
Эзгу йўлга қайтар муҳтарам.  
Аждодларга бўлиб муносиб,  
Яшагаймиз ўпкани босиб.  
Моддийликдан бўлиб юқори,

Бамисоли Имом Бухорий.  
Ҷар бир инсон талпиниб нурга,  
Берилади сўнг тафаккурга.  
Толелари бўлиб фархунда<sup>1</sup>,  
Ҷаққа етар муқаддас кунда.  
Фоний дунё ҳаваси учун,  
Ҷеч ким таъзим айламас у кун.  
Дилга жойлаб Оллоҳ сўзини,  
Бахтли сезар ҷар ким ўзини.  
Қай дилдаки бўлса гар Эгам,  
Бахтли сезар ўзини ҷар дам.  
Этмагил деб раббим шарманда,  
Елворади ҷар муслим банда.  
Бўлганида қиёмат-қойим,  
Бўлсин сенинг соянгда жойим.  
Етти кунлик дунёда ҳоким  
Бўлишидан воз кечдим токим.  
Берганингга мингдан-минг шукур,  
Сийму зармас, менга бахш эт нур.  
Бу оламда ҷар бир уламо,  
Шуни сендан истагай худо.  
Молу мулкни сўраганга бер,  
Қизларга бахт, беваларга эр.  
Шоирларга эътиқод-иймон,  
Оздирмасин то йўлдан шайтон.  
Улардаги куч ила зако  
Йўриғи-ла айланар дунё.  
Шуаросиз бўлса қайси юрт,  
Одамлари чувалчангу қурт.  
Айтган билан тугамас алам,  
Ҷақ йўлида тутганда қалам.  
Ўзинг бергил илҳом илоё,  
Сўзим олсин юраклардан жо.  
Савол сўрган тополсин жавоб,  
Ҷам ёғилсин бошимга савоб.  
Мозийлардан олиб иқтибос,  
Гўзал ишлар қилай беқиёс.  
Улуғ пирлар бўлиб мададкор,  
Яратай бир хаёлий гулзор.  
Бўлиб доим меҳри пайваста,  
Донодиллар тузсин гулдаста.  
Хўтандаги сархуш оҳулар,

---

<sup>1</sup> Ф а р х у н д а — эзгу, шукуҳли, саодатли.

Ҳасратимдан нозланиб кулар.  
Сабзорлар сарасин ея,  
Шонр бўлди мафтуним дея.  
Мен наҳотки мавлоно Машраб,  
Аҳволига тушдимми ё раб?  
На санаму шўху раънолар  
Ҳатто доно ақли расолар,  
Борганимда шаҳри Бухоро,  
Кулиб дегай менга марҳабо!  
Дилга ёқар куй каби бу сўз,  
Чорлаганда ҳар бир қоракўз.  
Меҳрим бўлиб яна зиёда,  
Бахтли сезгум ўзин дунёда.  
Ўз аҳдимда этиб устувор,  
Доим бўлгил раббим мададкор.

**Имом Бухорийнинг тарихи таваллуди ва  
Ҳақ таолонинг унга саховату жуди**

Шаввол ойи ўн уч эди бил,  
Ҳижрий бир юз тўқсон тўртдир йил.  
Мелодийда июль йнгирма,  
Йил саккиз юз ўндир чегирма.  
Бухорода баамри маъбуд,  
Бир улуғ зот топди таваллуд.  
Эътиборан шу кундан Ислому,  
Бу оламда саналди хушком.  
У бағишлаб файзу фароғат,  
Дини Ислому топди тароват.  
Гўзал эди Бухоро бежиз,  
У янада айлади азиз.  
Бу шаҳар сўнг хуш ёқиб дилга,  
Эъзоланиб олинди тилга.  
Олам фаҳри, қусурдан орий —  
Бу зот эди Имом Бухорий,  
Камолотнинг юксак тилисми<sup>1</sup>,  
Мўътабар зот шарифи исми,  
Шундоғ эди ёзганда тўлуғ,  
Тилга олиш савобу қутлуғ.  
Эрди Абу Абдуллоҳ устоз,  
Муҳаммад бин Исмоил мумтоз.  
Бин Иброҳим бин Ал-муғира,  
Бин Бардазбеҳ буюк хотира,

---

<sup>1</sup> Т и л и с м и — тилсими.

Ал-Жуафий, Ал-Бухорийдир.  
 Бу жаҳоннинг ифтихоридир.  
 Тугилганда бу улуғ инсон,  
 Ёз маҳали, айна саратон.  
 Ой юзини бўлут қоплаб тун,  
 Сурмарангга беланди очун  
 Ва тонг отди гўзал ва зариф  
 Ҳам аталди Бухоро шариф.  
 Гўдакликдан бу улуғ фарзанд,  
 Хаёлини Ҳақ айлади банд.  
 Маълум ҳижрий еттинчи аср,  
 Ислоҳ топди бу кўҳна каср.  
 Нозил бўлиб «Қуръони карим»,  
 Ҳали аср бўлмасдан ярим.  
 Расулulloҳ ҳар бир маҳфилга,  
 Тугиб Оллоҳ сўзини дилга,  
 Даъват этди тинмай муттасил,  
 Шундоғ ўтди йигирма уч йил.  
 Натижада ўқисанг савоб —  
 Пайдо бўлди муқаддас китоб.  
 Эди улкан буюк ёдгорлик,  
 Мозий ила келажак, борлиқ,  
 Ҳам ҳақиқий тариху илм,  
 Қазо-қадар қонуни муслим,  
 Мусулмону кофирни мутлоқ,  
 Ажратгувчи қонуну ахлоқ,  
 Ижтимоий ҳукми шарнат,  
 Ҳам ҳуқуқий ҳам эзгу ният.  
 Нима ҳалол ботилу ҳаром,  
 Тўла-тўқис қонуни Ислом,  
 Бўлиб унда бари мужассам,  
 Пайғамбарлар қисматлари ҳам.  
 Инсон онги топиб ташаккул,  
 Қилиб кашфу эзгу тахайюл,  
 Турмагайдир бир жойда қотиб,  
 Илоҳий нур фикр уйғотиб,  
 Кашфиётлар этгай тақозо,  
 Уламолар шоҳи анбиё —  
 Расулulloҳ Сарвари олам.  
 Донишмандлар ичра мукаррам,  
 Умнатларга қилиб насиҳат,  
 Кўп чекканлар ташвиш, азият.  
 Қиритгунча динга авомни,  
 Тарғиб қилиб дини Исломи.



Меҳнатлари кетмай беҳуда,  
Эзгу ишлар айлаган жуда.  
Шу боисдан ибратли ул зот,  
Кечирсалар не янглиғ ҳаёт,  
Айтган ҳар бир панду ҳикматин,  
Туриш-турмуш қилган суннатин.  
Барҳаётлик чоғидан бошлаб,  
Саҳобалар қалам тарошлаб,  
Ёзиб борган санашиб азиз,  
Шундоқ қилиб яралган Ҳадис,  
Пайғамбарнинг мўъжизотлари,  
Умнатларга бахт-нажотлари.  
«Қуръон»дан сўнг бу улуғ асар,  
Саналгайдир буюк, мўътабар.  
Расулulloҳ илоҳий ният,  
Айлаганлар шундоқ васият:  
«Қуръон»дан сўнг, эй азиз уммат,  
Мендан Сизга қолгучи суннат.  
Ҳадисларим — эзгу ишларим,  
Ҳақ измида йўл тутишларим,  
Бу оламда қолган мукамал,  
Тула-тўкис этсангиз амал,  
Адашмайсиз ушбу дунёда,  
То кетгунча дорулбақога.  
Ҳақ лутфига бўлиб муяссар,  
Қўрмагайсиз зиёну зарар».  
Шунга кўра аҳли мусулмон,  
Амал қилар қадимдан буён.  
Шахсий турмуш, фаолиятда,  
Амал қилар эзгу ниятда.  
Расул сўзин фарз дея билар,  
Узларига қарз дея билар.  
Тўғилганда бирор муаммо,  
«Қуръон», «Ҳадис» очиб уламо,  
Фатво берар кейин ҳар ишга,  
Муслим мажбур амал қилишга.  
Тарихдаги барча буюклар,  
Элу юртга азиз, суюклар,  
Уламолар аҳли иймонлар,  
Жаҳондору Соҳибқиронлар,  
Пайғамбарнинг йўлидан борган,  
Фикри билан фатво чиқорган.  
Ҳадисларни тарқатиш, ёйиш,  
Гумроҳларга дастур кушойиш,

Ҳикмат янглиғ тарқалиб аввал,  
Сўнг қоғозга тушган мукаммал.  
Дастлаб ҳар бир қариндош-уруғ,  
Ҳадисларни билиб йўл-йўриғ,  
Саҳобаю яқин сафдошлар,  
Пайғамбарга содиқ, нафдошлар,  
Ҳадисларни айлаган тарғиб,  
Ҳам тўпланишиб ёзишган марғуб,  
Расулуллоҳ ушбу оламдан,  
Кетганида қутулиб ғамдан,  
Фикратпеша фикри уриб мавж,  
Ҳадис тўплаш иши олган авж.  
Илк манбалар тўпланган ҳангом,  
Кирилган айтилган калом.  
Гоҳ адашиб баъзи азизлар,  
Тўплаганлар сохта ҳадислар.  
Донишманду тўпловчи ҳадис,  
Аталганлар кейин муҳаддис.  
Саккизинчи асрда буткул,  
Ҳадис илми яшнаб очган гул.  
Ва орадан ўтганда юз йил,  
Қайта бошдан этилди таҳлпл.  
Чала-чулпа сохта ҳадислар,  
Гулҳадисдан бегона ислар,  
Ажратилиб узукка кўзлар  
Қолди фақат ишончли сўзлар.  
Тикланганда асл мазмуни,  
Кенг тарқалди ҳадислар уни.  
Янги ҳадис бор дея агар,  
Ҳар муҳаддис эшитса хабар,  
Қайда бўлсин бўлиб бетоқат,  
Борар эди чекиб машаққат.  
Эшитганмас, билган одамдан,  
Ёзиб олса ташвишу ғамдан —  
Фориғ бўлиб заҳматкаш устоз,  
Қораларди сидқ ила қоғоз.  
Кўп олимлар қилиб жонбозлик,  
Бу соҳада қилган устозлик.  
Текширишиб илмий асослаб,  
Бир-бирига минг бор қиёслаб,  
Ҳам тафаккур айлаб ўзидан,  
Фарқлаб ётни Расул сўзидан,  
Ажратишиб пучак-сарага,  
Интилишган эзгу маррага.

Замон шуни тақозо этган,  
Ҳадис илми ривожга етган.  
Энг севимли машғулот бўлган.  
Бу бир буюк ҳодисот бўлган.  
Каму кўпмас бу ишда нуфуз,  
Топганларнинг ҳисоби юз-юз.  
Эзгу ишга ўзларин тортинг —  
Этгувчилар ё бўлган ортинг.  
Тўққизинчи асрга келиб,  
Саодатнинг шамоли елиб,  
Ҳадис илми яна юксакка  
Кўтарилган осмон-фалакка.  
Пайдо бўлиб фикри олмослар,  
Янги авлод ҳадисшунослар.  
Бу йўлда кўп чекишиб заҳмат,  
Бошларига ёғилиб раҳмат,  
Ҳадисларни бўлиб бобларга,  
Саралашиб сўнг китобларга,  
Киритишган тенгсиз, беқиёс,  
Расулуллоҳ даҳосига хос.  
Ишончли деб этиб эътироф,  
Йўқ уларнинг ижодида лоф.  
Буюклардан буюк олтовлон,  
Биз бу ҳақда этганмиз баён,  
Китобимиз ибтидосида,  
Эзгуликнинг истилосида<sup>1</sup>,  
Берилдик кўп фикрий сарҳадга,  
Бўлар энди кўчсак мақсадга.  
Ал-Бухорий доно ва зийрак,  
Гўдакликдан ҳушёр ва тийрак.  
Етиб унга иқбол шамоли,  
Тез очилди фикри жамоли.  
Катталарга этганда қиёс,  
Ёш болага ошарди ихлос.  
Бузруквори ҳазрат Исмоил,  
Баъзан қолиб ўғлига қойил.  
Билмас эди бу не синоат,  
Қилганида «Қуръон» қироат.  
Не эшитса ўғли мабодо,  
Такрорларди ёддан бехато.  
Беш-олтига етмасдан ёши,  
Комиллардан ақл қуёши,

---

<sup>1</sup> Истило — забт этиш.

Чароғонроқ нурин сочарди,  
Ҳикматларнинг қулфин очарди.  
Борган чоғи илк бор мактабга,  
У айланиб соҳиб матлабга,  
Фикри равшан аввал мисли шам,  
Сўнг бўлди у қуёши олам,  
Нисбатиди буюк тафаккур,  
Кучли эди фаҳм ила шуур.  
Иўқ эди бир ўзга тахайюл,  
Илму фанга қўйиб у кўнгил,  
Бир бор такрор этганида у,  
Хотирида қоларди мангу.  
Илми билан ёшликдан у зот,  
Даҳолигин айлади исбот.  
Аждодлари аржуманд эди,  
Илму фанда донишманд эди.  
Фалсафаю тариху адаб,  
Соҳасида бўлиб закийтаъб.  
Фиқҳ, мантиқ илмида хўброқ,  
Танилганди оламга кўпроқ.  
Ўз умрини билиб ғанимат,  
Кўргузарди ўғлига ҳиммат.  
Билганини унга ўргатиб,  
Дарс қилдирар эди шу тартиб.  
Берар эди тинимсиз таълим,  
Бузруквори бўлиб муаллим.  
Ёш қалбига уйғотиб ҳавас.  
Эзгуликка қилиб ҳамнафас.  
Фарзанд онгин айларди бедор,  
Жидду жаҳди охир этиб қор,  
Маърифатда келиб барори,  
Муродига етди Бухорий.  
Лек меҳрибон донишманд падар,  
Кўп яшамай қазою қадар,  
Ажал тиғи ногаҳон етди,  
Бу оламдан армонда кетди.  
Фарзандлари камолин кўрмай,  
Келажакнинг жамолин кўрмай,  
Урта ёшда кетди безавол,  
Икки бола, қолди бир аёл.  
Лутф этгандай Расули олам;  
«Ҳаққа етар ёш ўлган одам,  
Бўлса агар гуноҳдан фориг,  
Охирати бўлади ёруғ».

Қилди бақо мүлкига сафар,  
Хоки поки бўлсин мунаввар.  
Еш Абдуллоҳ ҳаёт йўлида,  
Волидасин қолди қўлида.  
Кеткизмасдан вақтини зойи,  
Нурга илҳақ бўлди фидойи.  
«Ҳафтияк»ни тушириб аввал,  
Сўнг «Қуръон»га ўтди мукаммал.  
Тўққиз ёшда Имом Бухорий,  
Бўлган эди юрт ифтихори,  
Диққатини тортди сўнг «Ҳадис»,  
Ром айлади уни эзгу ҳис.  
Шу илмга боғлади кўнгли,  
Куну ҳафта, мудом ою йил.  
Саҳобалар изидан борди,  
Шу соҳада шуҳрат чиқорди.  
Донишмандлик тақдири бўлди,  
Ҳадис илмин амири бўлди.  
Бухорода туғилди аммо,  
Лекин бўлди фарзанди дунё.  
Ешлигидан фахру эъзозда,  
Имом бўлди жума намозда.  
Оллоҳ этиб саховату жуд,  
Буюкликка эришди у зуд.  
Жамоатнинг бошида турди,  
Эзгуликнинг йўлидан юрди.  
Буюкларга хос аччиқ қисмат,  
Манглайига битса ҳамки хат,  
Ғамга чўкмай Ҳақ паноҳида,  
Бўлди доим эл нигоҳида.  
Қимни севса агар улуси,  
Еруғ бўлар у одам юзи.  
Бўлса ҳамки отадан жудо,  
Хор қилмади у зотни Худо.  
Парча нонга бўлмайин муҳтож,  
Иши топди равнақу ривож.  
Волпдаси бўлиб ғамгузор,  
Ўғлига кўп берди эътибор.  
Минг йилдирки Шарқнинг аёли.  
Фарзандида фикру хаёли.  
Айш-ишрат-ла кўнгли чоғ эмас,  
Ғарбли янглиғ шўх-ўйноқ эмас.  
Фарзанд учун жонини берган,  
Орзуйида гулдаста терган,

Ҳақ раҳмати етсин мукаррам  
Унга, бизнинг оналарга ҳам.

### Имом Бухорий ҳақида ровийлардан қолган ақида

Бу оламда пок-парвардигор,  
Ҳар неники этгай устувор,  
Бўлмасин не фикру ақида,  
Энг гўзали она ҳақида.  
Бу оламда этиб жон фидо,  
Қим онасин айласа ризо.  
Йўқдир ундан ортиқ саодат,  
Эзгуликни айлангиз одат.  
Ногоҳ етса бошига ажал,  
Бу оламдан кетса бемаҳал,  
Етмасангиз қадрига агар,  
Хор бўласиз билинг муқаррар.  
Волидангдан топмасанг нажот,  
Оллоҳ берган тўрт кунлик ҳаёт,  
Сенинг учун билки эй одам,  
«Пуф» деганда ўчғувчи бир шам.  
Оналарни тутайлик азиз,  
Шунга ундар «Қуръон»у «Ҳадис».  
Ёдда сақланг эй аҳли иқбол,  
Сизга яна бу ҳақда мисол.  
Онасини айлаб эҳтиром,  
Қайга борса ҳазрати Имом,  
Бирга элтган билиб мушарраф,  
Унга олқиш, офарин, шараф.  
Тирикликнинг асли шеваси,  
Она дарахт, фарзанд меваси.  
Мева пишиб етилгани чоқ,  
Дарахтидан тушмагай узоқ.  
Табиату Ҳақнинг ҳикмати,  
Шунга ўхшаш инсон қисмати.  
Топай десанг нуфуз, эътибор,  
Ўз аслингни асло қилма хор.  
Ҳеч бўлмаса қарзингни узиб,  
Юр лутф ила меҳр кўргузиб.  
Ота-она қалбига пайванд,  
Бир ниҳолдир ахир ҳар фарзанд.  
Эслар Имом Бухорий ҳар дам:  
«Одам қилди мени волидам.  
На урушди, на танбеҳ берди,

Эзгуликнинг сабоғин дерди:  
«Илм олиб бўлсанг гар доно,  
Қўллар сени доим Раббано.  
Ақлу дониш каби чиройлик,  
Йўқ оламда бебаҳо бойлик.  
Берса кимга Оллоҳ истеъдод,  
Қунт қилмаса кетади барбод.  
Сендаки бор бу фазлу камол,  
Топажаксан буюк истиқбол.  
Сарфламасдан умрингни бекор,  
Маърифатга айлагил нисор.  
Отанг каби домулло бўлгил,  
Ҳеч бўлмаса бир мулло бўлгил».  
Бу дунёдан ўтганда отам,  
Бошларига тушиб қайғу-ғам.  
Тотмадилар мотамида туз,  
Йиғладилар қирқ кеча-кундуз.  
Жароҳатга вақтдир малҳам,  
Аста-секин кўникди онам.  
Мотамининг оташи сўнди,  
Қисмат экан ноилож кўнди.  
Гарчи эди ёшу ҳусндор,  
Болаларим бўлмасин деб хор,  
Топилса ҳам муштарий дилхуш,  
Иккинчи бор қурмади турмуш.  
Севардилар марҳум отамни,  
Ичга ютиб дарду аламни,  
Сўзлардилар ундан хотира,  
Хаёлимдан кетмайди сира.  
Бахтларини кўп кўриб холиқ,  
Насиблари бўлди жудолик.  
«Раҳмат қилсин отангни Худо!»  
Деб ҳақиға ўқирди дуо.  
Милтираган шам эрур умр,  
Ҳаётимиз бир лаҳзалик нур.  
Нурдан токи бўлмасдан маҳрум,  
Зулумотга этмайлик маҳкум.  
Сарф этайлик нурли ишларга,  
Дучор бўлмай ўртанишларга.  
Оталари хокини доим,  
Фарзанд меҳри этгай мулойим.  
Бухоронинг серфайз тупроғи,  
Фарзандларга она қучоғи.  
Бузрукворим эди шу хокда,

Гарчи руҳи арзу афлокда,  
Отам эди саййиду ориф,  
Санардилар у зотни шариф.  
Жавон тўла эди китоби,  
Китобдадир бахтнинг офтоби.  
Қўлга олиб китобларини,  
Саодатнинг хитобларини,  
Қўзларимга тўтиё айлаб,  
Меҳр билан юрдим авайлаб.  
Гоҳ қироат қилардим «Қуръон»  
Ҳар бир оят бахш этарди жон.  
Бу олам-ку аслида бозор,  
Биров даллол, биров харидор.  
Мен бўлмасдан унга муштарий,  
Ақлим олди тафаккур зари.  
Бошга тушиб ўзга бир савдо,  
Могу зарга қизиқмай асло,  
Бахш айладим ўзни илмга,  
Ҳар бир китоб тушса илкимга.  
Уни ўқиб мағзини чақдим,  
Фан нуридадур ёришди ақлим.  
Ибтидоний олгунча савод,  
Шарт эмасдир уламо устод  
Кифоядир оддий муаллим,  
Бериб борса қунт ила таълим.  
Устоз эмас шогирддадир гап,  
Кифоятдир кўрса ким мактаб.  
Кимда бўлса қавий истеъдод,  
Изланиб у айласа ижод,  
Ушаллади орзую аъмол,  
Жаҳд айласа топади камол.  
Битикларда мушкулот сири,  
Ёзуқдадир инсон тақдири.  
Мен ҳам кўрмай давр доносин,  
Англиз эдим «Қуръон» маъносин.  
Ўқиб Расул «Ҳадис»ларини,  
Чақар эдим мағизларини  
Хотирамга жойлардим бир-бир,  
Бўлиб сирли сеҳрига асир.  
Дилдаги бу эзгу туйғу-ҳис  
Охир қилди мени муҳаддис.  
Адаб, ҳикмат, фиқҳ, дақойиқ<sup>1</sup>,

---

<sup>1</sup> Дақойиқ — нозик тушуниш санъати.



Очар беҳишт боғларида гул.  
Авомларни изингдан чорла,  
Машъала бўл, нур сочиб порла.  
Борсин сенинг изингдан башар,  
Ҳар бир сўзинг бўлсин тўғри, шарръ.  
Машриқда илк уйғониш даври,  
Одамларнинг дилида сабри.  
Расулуллоҳ йигирма уч йил,  
Улуғ «Қуръон» бўлгунча нозил,  
Фикру зикри самода бўлди,  
Дунёдамас, худода бўлди.  
Оллоҳига қўйиб муҳаббат,  
У бир умр чекди машаққат.  
Мушрикларни қилолмай муслим,  
Ғолиб қилди уни Оллоҳим.  
Аҳли жаҳон мусулмон бўлди,  
Эзгулигу ал-амон бўлди.  
Сендаги бу ақлу басират,  
Интиқлигу сурату сийрат,  
Яратибди минг шукр холиқ,  
Ишинг бўлсин динга фидолик.  
Пайғамбарнинг етиб ғубори,  
Мартабанг ҳам бўлсин юқори.  
Мисру Шому дашти Ҳижозга,  
Бориб етгил арзу ниёзга.  
Олам аро ягона-якка,  
Билсанг агар муқаддас Макка,  
Бориб кириб Каъбатуллога,  
Илтижолар қилгил Оллога!  
Токи берсин роҳи кушойиш,  
Чекма асло ортиқча ташвиш.  
Мен ва уканг қилиб бир амал,  
Иўлларингга бўламиз маҳтал.  
Бу дунёда оқилу фозил,  
Ранж чекади бўлгунча комил.  
Таскин бериб менга волидам,  
Юрагимга қўярди малҳам.  
Бу оламда, эй онайи зор,  
Ким фарзандга сендай вафодор?  
Ҳам муштипар, ҳам меҳрибонсан,  
Ҳам жон бериб, жон узра жонсан.  
Бу оламда сен бўлмасанг гар,  
Еб ташларди қазою қадар.  
Ҳар сўзингни дилимга жойлаб,

Яшагайман жондек авайлаб.  
Ҳақ дилимга солиб эзгу ҳис,  
Меҳрим тортиб муборақ ҳадис.  
Ҳар ҳарфида ҳикмат зиёси,  
Мафтун айлар меҳригиёси.  
Ҳақ измига қилган итоат,  
Икки дунё топгай саодат.  
Оллоҳ бўлсин бандадан рози,  
Илоҳию илми мажозий.  
Топаётиб илк бора ривож  
Жону вужуд сезиб эҳтиёж,  
Иккисини этмасдан жудо,  
Урганинг деб амр этган худо.  
Аҳли муслим яккахудолик,  
Ҳаққа ёқмас таркидунёлик.  
Инсон онги кони садафдир,  
Оллоҳ берган фахру шарафдир.  
У қунт ила айлаб тафаккур,  
Зудумотга тарқатолгай нур.  
Бунёдкорлик ишидан жаҳон,  
Яшнаб бўлгай мушкули осон.  
Шайтон қаби қилмаса ғурур,  
Инсон топгай илоҳий шуур.  
Ҳақ «Қуръон»ни айлабон талқин,  
Огоҳ этса улусу халқин,  
Қасби бўлса гар муфассирлик<sup>1</sup>,  
Ундоғ инсон бўлгай қадрлик.  
Менинг эса дилимдаги ҳис,  
Ундар эди бўл деб муҳаддис.  
Иккиланиб сурмасдан хаёл,  
Қалб амрига бўйсундим алҳол.  
Ватанимдан буюк муҳаббат,  
Олиб кетди мени бешафқат.  
Қўнгил узиб севикли қиздан,  
Узолмадим қўнгил ҳадисдан».

### **Имом Бухорий камолга етгани ва таърифи оламга кетгани**

Расулulloҳ каломи азиз,  
Уғитлари муқаддас ҳадис.  
Уламолар фикрин этиб ром,

---

<sup>1</sup> Муфассирлик — «Қуръони карим» тасфири-таҳлили билан шуғулланиш.

Ғазабланди иғво-бўҳтондан,  
Ростлигига тўкис ишониб,  
Бамисоли илон тўлғониб,  
Чақиртирди Имомни дарҳол,  
Ва тафтишга киришди алҳол.  
Ал-Бухорий доноларга хос,  
Банддан этди ўзини халос.  
Такрорлади айтган сўзини,  
Дадил тутди қўрқмай ўзини.  
Нима деса, «Ҳадис»у «Қуръон»,  
Мен шуларни айладим баён.  
Шахсан Сизга тегишли, ҳазрат,  
Сўз айтмакка қилмадим рағбат.  
Оллоҳ берсин паноҳу нажот,  
Айбим бўлса айлангиз исбот.  
Бузрукворим этмасдан риҳлат,  
Сиздан олиб берганлар рухсат,  
Девони хос кутубхонадан,  
Баҳра олдим шу баҳонадан,  
Урни келди айтай ташаккур,  
Сиз олий зот буюк тафаккур,  
Каминага бўлиб хайрихоҳ,  
Тақсирингиз яратган гувоҳ,  
Золим шоҳу амир ҳақида,  
Айтгандирман ваъзу ақида.  
Уларнинг йўқ сизга нисбати,  
Ғанимларнинг иғво-ғийбати.  
Ишонмасдан ҳазрати амир,  
Тафтиш қилинг, аён бўлар сир».  
Ҳақиқатни англаб ҳукмдор,  
Бухорийга бермасдан озор,  
Аста-секин босилиб жаҳли,  
Калтакланиб иғвогар аҳли,  
Кўчаларда сазойи бўлди,  
Расволарнинг расвойи бўлди.  
Мана бундоғ эрур адолат,  
Қилмишининг ўзи кафолат.  
Миш-мишларга тўлиб ҳар тараф,  
Бухорога ёйилиб бу гап.  
Душманлари туфайли такрор  
Эл ичида топиб эътибор,  
Ўз қадрини ҳис этди, билди,  
Иғвогарлар тили кесилди.  
Заҳмат чекиб тонгдан то оқшом,

Ўз ишини эттирди давом.  
Форсу араб ва туркий уч тил,  
Битикларин этарди таҳлил,  
Оллоҳ ҳукми лисони араб,  
Уни мақбул кўрибдими Раб,  
Ўзлаштирди жону дилидек,  
Бамисоли она тилидек.  
Замонада тенги йўқ ажаб,  
Бўлди буюк доно нозиктаъб.  
Бадавийлар ичида ҳатто,  
Араб тилин бундай бехато  
Яхши билгич топиларди кам,  
Уламолар орасида ҳам.  
Излайвериб дур ила инжу,  
Нозиклашиб фикр ва туйғу.  
Уқиса не шаклу мазмуни,  
Хотирида қоларди уни.  
Мўъжизавий ишлатиб ақл,  
Этганида даъвату нақл,  
Жам бўларди доим жамоат,  
Қўп бўлса-да масжид-имомат,  
Мафтун бўлиб гуфтугўйига,  
Сиққанича кўча-кўйига,  
Бухорийга талпинарди эл,  
Оқиб келиб бамисоли сел,  
Атрофини ўраб оларди,  
Сўзларига қулоқ соларди.  
Иқтидорсиз ўзга имомлар,  
Муридларга қўёлмай домлар,  
Еғилмасдан хайру саховат,  
Қилардилар уни маҳоват:  
«Орқасидан айлашиб эъзоз,  
Юз минг одам ўқигай намоз.  
Ун тангадан айлашса инъом,  
Бир лак чақа йиғилгай тамом.  
Амир-шоҳлар бу янглиғ закот,  
Элу юртдан ололмас ҳайҳот.  
Бухорийни атаб сеҳргар,  
Муддаоиси дея пулу зар»,  
Душманлари солишди қутқу,  
Парво қилмай Имому матбу,  
Барча тушган ҳадя-инъомни,  
Чорлаб фақир муслим авомни,  
Улашарди муҳтож бўлганга,

Олмас эди ўзи бир танга.  
 Қўриб хайру эҳсонларини,  
 Тинглаб агёр бўхтонларини,  
 Шубҳаланиб Амири Афзал,  
 Масалани охир қилди ҳал:  
 «Ал-Бухорий, эй муҳтарам зот,  
 Бу оламда сиз бир мўъжизот.  
 Қўмилдингиз сиз шуҳрат-шонга,  
 Ғийбатчилар тегишди жонга.  
 Қилмасангиз сайру саёҳат,  
 Сизга етар заҳри қабоҳат.  
 Қўп таъмагир шайху уламо,  
 Бўхтон ила беришса фатво.  
 Уч-тўрт нодон чала мусулмон,  
 Сизни этгай шубҳасиз гумдон.  
 Қилмагайсиз сиз даъвойи тож,  
 Ҳам тахтимга эмассиз муҳтож.  
 Бир кун айтган ваъзингиз учун,  
 Бож оласиз сиз мендан афзун<sup>1</sup>.  
 Еб-ичмайсиз не каму ортиғ,  
 Муҳтожларга айлайсиз тортиғ,  
 Мендан гўё бўлиб элпарвар,  
 Сочармишсиз садоғаю зар.  
 Садоғани этмак садоға,  
 Улашмоқлик хору гадоға,  
 Имомларнинг азалий иши,  
 Динни сотиб таом ейиши,  
 Саналгайдир мазҳабда ҳаром,  
 Сиз тўғри йўл тутгайсиз тамом.  
 Менинг эса йўриғим бошқа,  
 Барча ташвиш тож кийган бошда.  
 Мени амир этибди холиқ,  
 Олган билан улусдан солиқ.  
 Шу юрт учун этгум тасарруф,  
 Не ҳожати шарҳу такаллуф.  
 Барча тождор шу йўлни тутгай,  
 Йўқса уни ҳалокат кутгай.  
 Шоҳлик шартин бажариб тўкис,  
 Яшамаган ҳукмдор ҳўкиз.  
 Лекин сизга таъриф йўқ илло,  
 Қани сиздек бўлса ҳар мулло.  
 Уйламасдан нафсу қоринни,

<sup>1</sup> Афзун — кўп.

Юксалтирса муборак динни.  
 Таърифингиз оламга кетиб,  
 Қўп шоҳлардан мактублар етиб,  
 Ташрифидан этсин дилобод,  
 Деб сўрабди халфайи Бағдод.  
 Кўргузайлик, келсин, эҳтиром,  
 Деб чорлабди шоҳи Мисру Шом.  
 Машойихлар арзу ниёзда,  
 Сизни кутгай қутлуғ Ҳижозда.  
 Ҳаж баҳона бўлинг равона,  
 Кузатайлик сизни шоҳона.  
 Илмингиз-ла буюк донишвар,  
 Бу жаҳонни этиб мусаххар<sup>1</sup>,  
 Бухорони эъозлаб аё,  
 То тургунча фахр этсин дунё!  
 Бўлса элу юртига суюк,  
 Ватанига сиғмас ҳеч буюк.  
 Тож талашиб қувғун бўлганлар,  
 Фарибликда хор-зор ўлганлар.  
 Иззатталаб баъзи муҳожир,  
 Ва ё пул деб санқиган тожир,  
 Сиздек бўлмас қадр қимматда,  
 Ҳам тенг эмас адлу ҳимматда.  
 Хуллас-калом Абу Абдуллоҳ,  
 Оқ йўл сизга, яратган гувоҳ.  
 Омон бўлсак кўришамиз боз,  
 Энди қилинг оҳанги Ҳижоз!  
 Сизни асраш инсоний қарзим,  
 Шудир амру илтимос-арзим!»  
 Ал-Бухорий бундан бўлиб шод,  
 Яратгандан сўради имдод:  
 «Мадад бергил ўзинг ё Оллоҳ,  
 Ҳам банданга бўл пушти паноҳ.  
 Хотирамда кечса не хаёл,  
 Қўрсатмоқда барчасин иқбол.  
 Кофир ила Шайхи таъмагир,  
 Фарқингиз йўқ билсангиз, ахир.  
 Бермадингиз асло омонлик,  
 Шунча қилиб менга ёмонлик.  
 Етмасидан зиёну зарар,  
 Муродимга етдим муқаррар.  
 Гийбат қилиб бир тўп касофат,

---

<sup>1</sup> М у с а х х а р — ишғол этиш.

Ҳар томонга чоғиб очофат.  
 Менга тортиб олам диққатин,  
 Қўрди улар Ҳақ ҳақиқатин.  
 Ижобатлар бўлди дуойим,  
 Минг шукрона сенга худойим.  
 Ғанимларим атаб номарғуб<sup>1</sup>,  
 Билиб-билмай қилишди тарғиб.  
 Бандам деса яратган агар,  
 Бўлар коминг доим муяссар».

Туйиб ичдан ҳузуру роҳат,  
 Олим этгай энди саёҳат.  
 Таклиф этгач Мисру Шом, Бағдод,  
 Қандай ахир у бўлмасин шод.  
 Сайр қилгай ҳам олгай таълим,  
 Кўп у ёқда улўғ муаллим.  
 Орзулари эди бепоён,  
 Кулиб боқди бахтига жаҳон.  
 Волидасин йўлдош айлагай,  
 Укасини қўлдош айлагай.  
 Тўққанингни не бахту шараф,  
 Олиб борсанг Қаъбага тараф.  
 Уйин кўриб улўғ Оллоҳни,  
 Тавоф қилса Қаъбатуллони.  
 Кўрса ушбу оламда якка,  
 Зиёратгоҳ шаҳардир Макка,  
 Ҳам Мадина ҳазрат Мустафо,  
 Хоки бўлмиш шу тупроқда жо.  
 Хаёлида деди улўғ бахт,  
 Куттирмасдан у жўнади шахт.

### Ривоят

Чориёрлар ҳақида ғоят  
 Бу оламда кўпдир ривоят.  
 Гали келди, буюрди виждон,  
 Битгасини этурмиз баён:  
 «Боласидан ранжиб бир аёл,  
 Тилаб унга саодат-иқбол.  
 Чора топмай ҳеч дардисарга,  
 Элиб бир кун ҳазрат Умарга.  
 Дебди: «Айланг панду насихат,  
 Бу зумраша кўп егай овқат.  
 Хурмою пон қанча бўлса оз,

<sup>1</sup> Номарғуб — номуносиб.

Барчасини туширар паққос».
   
 Ҳазрат Умар дебди аёлга:
   
 «Асло борманг ёмон хаёлга.
   
 Келтирасиз бир ҳафта ўтгач,
   
 Бу болани парҳезда тутгач».
   
 Ҳафта ўтиб аёл бечора.
   
 Яна кепти бўлиб овора.
   
 Ҳазрат Умар унга айтиб панд,
   
 Хуллас гапга кирибди фарзанд.
   
 Аёл дебди: «Йўқмиди чора,
   
 Бир ҳафтага қилмай овора,
   
 Келган куним насиҳат этсанг,
   
 Қуттирмасдан додимга етсанг».
   
 Ҳазрат Умар дебди: «Ул маром,
   
 Қўп ер эдим ўзим ҳам таом.
   
 Қилолмаган ишимдан қандоқ,
   
 Уғлингизга берардим сабоқ.
   
 Бир ҳафтада тийдим ўзимни,
   
 Ибрат қилиб айтдим сўзимни.
   
 Бўкиб овқат емаса одам,
   
 Бўлар экан тетигу бардам».

Ал-Бухорий Ислому давлати пойтахти Бағдодга
   
 етгани ва Ҳалифадан катта инъомлар олиб
   
 Шом юртига кетгани

Она Ватан қилгандай торлик,
   
 Буюкларнинг қисмати хорлик,
   
 Видолашиб, кўзларин ёшлаб,
   
 Кетгай бари юртини ташлаб,
   
 Ҳидоят деб Оллоҳ йўлига,
   
 Қарамасдан ўнгу сўлига.
   
 Етганида насиба-фурсат,
   
 Пайғамбар ҳам этгандир ҳижрат.
   
 Мадинага кетгандир Макка,
   
 Кўзларини тикиб фалакка,
   
 Муҳаммадсиз қолган бир замон,
   
 Ҳақ уйининг дилида армон.
   
 Яратганни ким севса жондан,
   
 Муродини излар «Қуръон»дан,
   
 Етай дея лутфу эъзозга,
   
 Муслим борки жўнар Ҳижозга.
   
 Ушаларнинг тимсоли каби,
   
 Ал-Бухорий муҳиби Набий.
   
 Волидасин чектирмай заҳмат,



Ҳам укаси Исмоил Аҳмад,  
Учаласи бўлиб шодумон,  
Дилларида илоҳий эҳсон,  
Жўнадилар Ҳижозга тараф,  
Ҳақ йўлида юрганга шараф.  
Йўлда борар бир катта карвон,  
Кўрганларнинг дилида армон,  
Зодагону бою аъёнлар,  
Бўлса кимда мулку имконлар.  
Топмас юртдан чиқишга чора,  
Кимки бўлса фақир бечора.  
Нортуялар ўркачи каби,  
Пасту баланд инсон матлаби.  
Аввал бориб Ипак йўлидан,  
Сўнг ўтишди Сивос чўлидан.  
Кўнгил мойил ҳажру фироққа,  
Карвон етди аввал Ироққа.  
Улар етган дилоро Бағдод,  
Барчасини бирдай қилди шод.  
Жаннатмисол карвонсаройлар,  
Орастаю ҳам шинам жойлар,  
Ҳар тарафда лимўю хурмо,  
Тўкинлигу файз ҳукмфармо.  
Қаланғию қасанғилар кам,  
Қидирсанг ҳам бирор муттаҳам  
У пайтларда келмас эди дуч,  
Бағдоддаги бир илоҳий куч,  
Эзгуликни этарди таъмин,  
Унда туриб Ислом оламин,  
Бошқарарди Халифа одил,  
Шу боисдан юртида ботил —  
Нопок ишлар қилинмас эди,  
Бор бўлса ҳам билинмас эди.  
Бухорийни билгич ҳукмдор,  
Таклиф этиб қилди бахтиёр.  
Орзулари бир дунё йигит,  
Халифадан эшитиб ўгит,  
Топиб юксак ҳурмат-эҳтиром,  
Ҳам дилида бўлса не калом,  
Очиб-сочиб, бўлди суҳбатдош,  
Гўё ерда ой ила қуёш.  
Учрашдию бўлди нуробод,  
Бухорийдан яшнади Бағдод.

Машойихлар аро уламо,  
Халифа ҳам тенги йўқ сиймо,  
Бухорийга кўргузиб нуфуз,  
Меҳмон қилди қирқ кеча-кундуз.  
Қанча бўлса шаҳрида доно,  
Муҳаддису олим тавоно<sup>1</sup>,  
Ёш олимга бергали таълим,  
Бари келиб бўлди муаллим.  
Қирқ кун гарчи арзимас фурсат,  
Лек Бухорий соҳиби қудрат,  
Керагича қатъий дарс олди,  
Донишмандлар ҳайратда қолди.  
Бағдод бўлиб нурафшон макон,  
Ҳар томонга ўтгувчи карвон,  
Унга бир бор қўниб ўтарди,  
Қисматига кўниб ўтарди.  
Тўлар эди халифага бож,  
Бу оламда ҳар соҳиби тож.  
Шом карвони жўнаган маҳал,  
Ал-Бухорий отланди жадал.  
Аввал Шому кейин Ҳижозга,  
Етгай қутлуғ арзу ниёзга.  
Қузатганда уни шаҳри Шом,  
Халифа кўп бердилар инъом.  
Қирқ туяда тангаю тилло,  
Бунча бойлик шоҳларда илло,  
Бўлмагандир, чун ушру закот,  
Бу ҳақ лутфи, бу бир мўъжизот.  
Борар экан Каъбатуллога,  
Бунча олтин ҳар бир муллога.  
Ким ҳам берар, вале Бухорий,  
Моддийликдан эди юқори.  
Халифага деди: «Эй ҳазрат,  
Не лозим бу улуғ манзират.  
Бир фақирни боён айламак,  
Мол-мулк ила шоён айламак.  
Бунча давлат бўлсам савдогар  
Лозим эди менга муқаррар.  
Илм аҳлига бўлгай бошоғриқ,  
Пулу зари гар бўлса ортиқ.  
Инъом қилинг хору гадоға,  
Сиз қилгунча менга садоға».

---

<sup>1</sup> Тавоно — қудратли.

Кулиб деди Халифа: «Зинҳор,  
 Сизникидир бу дирҳам, динор,  
 Илм билан бир умр машғул,  
 Бўлсангиз ҳам етади бу пул.  
 Хоҳланг этинг хайрия, эҳсон,  
 Муҳтожликни кўрманг ҳеч қачон.  
 Хайрон бўлманг ушбу инъомга,  
 Бу сизгамас, дини Исломга,  
 Равнақ учун соҳиби даъвот,  
 Юрагимга солгани заҳот,  
 Ҳамда кўрдим ухлаб хоби хуш,  
 Сиз илоҳим қанот берган қуш.  
 Ушбу олам азалдан ҳодис,  
 Бўлажаксиз буюк муҳаддис,  
 Буюкларнинг тупроғи дори,  
 Сиз буюксиз Имом Бухорий».

Ушбу суҳбат бағишлаб бир руҳ,  
 Бухорийда вйғотиб шукӯҳ,  
 Бўлаётиб Шомга равона,  
 У ўзини сизди шоҳона.  
 Қайдасан, эй қувонч садоси,  
 Бизлар унинг муштоқ гадоси.  
 Улуғ олим бўлиб давлатманд,  
 Шомга етди азиз-аржуманд.

**Ал-Бухорий Шомда бироз яшаб тургани ва Ҳаж мавсуми Қаъбатулло томон юргани**

Шом мулкига қўйганда қадам,  
 Ташрифидан яшнади олам.  
 Келганини эшитган ҳамон,  
 Иқболига шошилди Султон.  
 Халифадан олганди мактуб,  
 Бухорийни то кутса марғуб.  
 Шаҳардаги фозил уламо,  
 Таърифини эшитган доно,  
 Зиёратга шошилди бари,  
 Шунда тўхтаб олим сафари,  
 У бир муддат яшади сокин,  
 Ҳам чархлади илму идрокин.  
 Эшитса гар бирорта ҳадис,  
 Ёзиб олди дарҳол муҳаддис.  
 Қадри йўқдир ёнингдан ғулув  
 Жилва қилиб оқса агар сув.  
 Ташна етгай унинг қадрига,

Ҳам роҳату лаззат садрига,  
Қўп аъробий аҳли киромда,  
Ироқ, Бағдод, Дамашқу Шомда,  
Расулulloҳ сўзига чанқоқ,  
Манбашунос кам эди мутлоқ.  
Бу ҳолатдан қолиб ҳайратда,  
Кириб олим жўшу ғайратга,  
Ҳеч имконни бермайин қўлдан,  
Доим бориб шарафли йўлдан,  
Қайда бўлса ҳадис ҳувайдо,  
Уша жойда у бўлди пайдо.  
Ез қайноғи ўтиб саратон,  
Адо бўлди моҳи рамазон.  
Йўл-йўлакай Дамашққа бориб,  
Қайтиб келди у чарчаб ҳориб.  
Бир оз бўлиб илмга машғул,  
Ҳаж ҳангоми йўлга тушди ул.  
Ўтиб борди дашти Ҳижоздан,  
Толиқса ҳам роҳи дароздан,  
Оллоҳ меҳри дилига қувват,  
Бандасига этса мурувват,  
Сўраб сарсон ҳар томон чопгай,  
Охирида Маккани топгай.  
Зиёратга арабу ажам,  
Отланганди гўё бир олам.  
Эрону Рум, шомли савдогар,  
Турку туркман, бор аҳли башар,  
Бошларида тижорат ғулув,  
Қўю қўзи, эчкилар сурув.  
Нортуялар, тўп-тўп қорамол,  
Қурбонликқа аталиб алҳол,  
Оқар эди Макка тарафга,  
Оллоҳ берган лутфу шарафга,  
Бўлолса ким агар сазовор,  
Икки дунё у зот бахтиёр.  
Бандасига буюрган Эгам,  
Бешинчи фарз эрур мукаррам.  
Борар эди Абу Абдуллоҳ,  
Умнатим де ё Расулulloҳ,  
Онасию укаси бирга,  
Минг шукрона айтиб тақдирга,  
Ҳақ ишқида қарори кетиб,  
Улар келди Маккага етиб.  
Ер киндиги аталган бу жой,

Самосида чарх ургай Ҳумой.  
Ҳар муслимки этгай ибодат,  
Унга ёр бўл Ҳажги саодат!

**Ал-Бухорийнинг Ҳаж ибодати ва эзгу  
фарздан топган саодати**

Ал-Бухорий соҳибтахайюл<sup>1</sup>,  
Зиёрати бўлгайдир қабул,  
Етганида Ҳижоз хокига,  
Разм солди ўз идрокига.  
Буюк эди фикру андиша,  
Уламони ўйлар ҳамиша,  
Этар эди гирдобига фарқ,  
Уммон билан лек онгда бор фарқ.  
Сурганида олим тафаккур,  
Хаёлидан ёғиларди дур.  
Очмасидан китобу дафтар,  
Хотирида не бўлса агар,  
Барчасини тиклашга қодир,  
Эди буюк илмий асотир<sup>2</sup>,  
Инсоният таърихи тугал,  
Эътиборин тортди мукамал:  
«Энг гўзал жой Рубъи маскунда,  
Одам Ато яралиб унда,  
Яшагандир Момо Ҳаво-ла,  
Бу оламда кайфу сафо-ла.  
Арабистон ярим ороли,  
Башар учун бешик мисоли,  
Хурмозору салқин боғида,  
Ва Арофат гўзал тоғида,  
Илк аждоддан қолган ёдгорлик,  
Бир файз борки гувоҳдир борлиқ.  
Жанубида Тинч океани,  
Ўраб турар билсангиз ани,  
Ҳам гўзаллик тимсоли тенгсиз,  
Номи ғалат ҳам Улик денгиз.  
Шарқ томондан Эрон кўрфази,  
Тепаликда само гумбази.  
Қизил денгиз ғарбий томондан,  
Тупроғини ўпар эҳсондан,  
Ва Ҳижознинг тизма тоғлари,

---

<sup>1</sup> Соҳибтахайюл — қатъий фикр юритувчи.

<sup>2</sup> Асотир — афсона.

Ям-яшилдир боғу роғлари.  
Шу жойларда униб одамзод,  
Сўнг оламга тарқалган ҳайҳот.  
**Барча инсон фарзанди Одам,**  
**Оналари Ҳаво мукаррам.**  
Бўлиб турфа бахту иқболи,  
Учирганда тақдир шамоли,  
Бу оламга тўзғиб мисли пар,  
Тарқалгандир фарзанди башар.  
Қолган гаплар тарихдан маълум,  
Йўқ барига ҳожати манзум,  
Иброҳимдан Исога қадар,  
Утди кўплаб набий-пайғамбар.  
Кейин келиб Расули Оллоҳ,  
Ўз динидан айлади огоҳ.  
Топмай туриб у зот таваллуд,  
Макка узра ёғилганди қут.  
Файз-барақа ошиб ажойиб,  
Аҳолиси кетганди бойиб.  
Демак келгай авлоди Халил,  
Ташрифидан эди бир далил.  
**Шаҳар бўлиб маъмуру кўркам,**  
**Ҳақ кўрсатди эҳсонуну карам.**  
Макка билан нурли Мадина,  
Сайқал топди зина-базина,  
Тижоратнинг марази Макка,  
Бу оламда саналиб якка,  
Аҳли жаҳон унга тўлаб бож,  
Санар эди ўзига гултож.  
Мадинада кўплаб қурилиш,  
Ободликдан униб ҳар бир иш,  
Ҳосилга кон хурмозорлари,  
Ҳад-ҳисобсиз харидорлари,  
Аҳолиси яшаб фаровон,  
Дилларида йўқ эди армон.  
Ал-Бухорий буюк тафаккур,  
Барчасини этиб тасаввур.  
Борар эди йўрға отида,  
**Жонлантирди хотиротида.**  
Кириб елди Маккага иллоҳ,  
Отдан тушди дея бисмиллоҳ,  
Қаъбатуллоҳ қорасин кўриб,  
Ҳам топинди дилда жўш уриб,  
Кўрганидай Оллоҳ дийдорин,

Бир ҳис чулғаб борлиғу борин,  
«Лабайк» деди, эй парвардигор,  
Мен турибман сенга жоннисор.  
Ноил бўлиб сўнг эҳтиромга,  
Ҳожилардек кириб эҳромга,  
Зиёратга ўзини шайлаб,  
Яратганга илтижо айлаб,  
Адо этиб Ҳаж русумларин,  
Бажарди у Ҳақ ҳукмларин.  
Иброҳимга ул жойки мақом,  
Уша жойда ҳазрати Имом,  
Ибодатин этди устувор,  
Сўнг Каъбанинг гирдин етти бор  
Тавоф қилиб чиқди айланиб,  
Арофатга борди шайланиб,  
Ҳам шайтонга қараб отди тош,  
Қиздирарди теппадан қуёш,  
Ҳаво эди лекин мўътадил,  
Мадинага етганди дадил,  
Расулуллоҳ мозорин кўрди,  
Тупроғини кўзига сурди.  
Ҳаж мавсуми бўлса ҳам тамом,  
Иборатин эттириб давом,  
Расулуллоҳ юрган йўлларда,  
Кезиб тоғу дашту чўлларда.  
Ҳадисларин айлади у жам,  
Ўз юртида Сарвари Олам,  
Мерослари бўлиб мукаммал,  
Муҳаддислар мушкулин ҳар гал,  
Осон қилгай тирик хотирот,  
Маккадаги ҳар табаррук зот,  
Биттадан гар айтса ривоят,  
Бўлар эди юз минг ҳикоят.  
Муқаддасдир Қаъбали Макка,  
Зиёратгоҳ оламда якка,  
Ҳақ васлига ошиқиб ҳар он,  
Интилгайдир аҳли мусулмон.  
Бухорий ҳам яшаб Ҳижозда,  
Доим бўлди ҳурмат-эъзозда.  
Излаб топиб доно муаллим,  
Олар эди сидқ ила таълим.  
Бу оламнинг ташвиши бошда,  
Яшар эди шавқу талошда.  
Ҳақ нуридан табъи очиб гул,

Доҳиёна қилди тахайюл.  
Ҳам шуҳрату донги таралди,  
Ҳам бир неча китоб яралди.  
Кузу қишу баҳорда ҳазрат,  
Бениҳоят кўргузиб ғайрат,  
Иштиёқ, куч, имкони қадар,  
Заҳмат чекди ва топди самар.  
Ноил бўлиб эзгу инъомга,  
Қайтиб келди яна у Шомга.  
Ишларини тартибга солиб,  
Шунда ука, онаси қолиб,  
Ўзи эса солиб қасирға,  
Жўнади сўнг Дамашқ, Мисрга.  
Талашмасанг обрўю амал,  
Ушбу дунё азалдан гўзал.  
Сенга мафтун зотга Раббано,  
Бир чақага арзимас фано.  
Эзгу йўлдан биз ҳам кетайлик,  
Ҳақ лутфига охир етайлик.  
Ал-Бухорий ҳадиси саҳеҳ,  
Бу оламда саналгайдир беҳ<sup>1</sup>.  
Ажратилиб илова, васл,  
Фақат қолиб ҳадиси асл.  
Бебаҳодир ижод маҳсули,  
Олий зотнинг тафаккур гули.  
Туркийзабон улуғ уламо,  
Кўп тилларни билган бехато,  
Юнон, лотин тилида ажаб,  
Бамисоли форс, турку араб,  
Ўқиб, қилиб илмий хулоса,  
Тафаккурин айлади тоза.  
Ношудлар бор ҳаққа интилмас,  
Ҳатто она тилини билмас.  
Маданият не нисбат фанга,  
Улар кетган жуда тубанга.  
Ўзлигини англашдан кўра,  
Ўзгаларга қазिशгай ўра.  
Юксакларни этгали тубан,  
Кўргузишар доим макру фан.  
Улар ўшшар телба-тентакка,  
Душман эрур сену мендакка,  
Агар бўлсанг тўғри эй одам,

---

<sup>1</sup> Беҳ — яхши, афзал.



Эргашмагин уларга ҳеч ҳам.  
Бисмилло де кўрганинг заҳот,  
Улар шайтон қочар беқанот.  
Еқалашиб тортишиб юрма,  
Хуморингдан чиққунча урма.  
Ҳар не бўлса оламда содир,  
Ўзи билар яратган қодир.  
Яратганга айтиб шукрона,  
Юрганинг соз, тинч, эй девона!  
Бу оламнинг бор чеки-ҳади,  
Яшамагай ҳеч ким абадий.  
Ўтганлардан айлагил қиёс,  
Азизларга қил сидқу ихлос.  
Бу оламда тополсанг камол,  
Меҳнат қилиб яшолсанг ҳалол,  
Унган каби бир жойда дарахт,  
Сен топарсан фароғату бахт.  
Қилма асло рашк ила ҳасад,  
Сўра, бергай яратган самад.  
Бўлмаса гар муддаонг ҳосил,  
Берганига кўну шукур қил.  
Сўрамади Бухорий нуфуз,  
Молу мулки бири бўлди юз.  
Қизиқтирмай зар ила тилло,  
Ҳақ йўлида сочарди илло!  
Зўр бермади зебу зарларга,  
Айланмади кўру карларга,  
Молу мулкнинг касофатидан,  
Фориғ бўлиб ғам офатидан,  
Бир одамдек яшаб бахтиёр,  
Бору йўғин айлади нисор.  
Бир нарсага тўймади кўзи,  
Ҳадисларга — Пайғамбар сўзи,  
Уни мафтун айлади жондан,  
Ҳадис дея ушбу жаҳондан,  
Бошқа нарса сўрамади ул,  
Чунки бари топгай таназзул.  
Икки нарса фақат оламда,  
Абадийдир, керак одамга.  
Бири «Қуръон», бирови «Ҳадис»,  
Шуни ўйлаб буюк муҳаддис.  
Ўз аҳдида турди устивор,  
Оллоҳ ўзи бўлди мададкор.  
Ҳадисларни қилмоқ учун жам,

Истак-хоҳиш ўзи эрур кам.  
 Донишмандлар Араб, Ажамда,  
 Чексиз эрур бутун оламда.  
 Денгиздаги балиқдан бисёр,  
 Алломалар ичра улуғвор.  
 Бўлиш албат эмасдир осон,  
 Аҳли Ислом, тамоми жаҳон —  
 Бухорийга беришгандир тан,  
 У қомуси заковату фан.  
 Йўлларига ташна-соҳира<sup>1</sup>,  
 Қутиб олди Басра, Қоҳира.  
 Дамашқ ила Куфаю Бағдод  
 Бўлганидек қадамидан шод.  
 Аҳли урфон ҳар бир шаҳарда,  
 Ал-Бухорий келса агарда,  
 Чиқардилар истиқболига,  
 Таҳсин айтиб хуш иқболига.  
 Қилар эди ҳар бири меҳмон,  
 Йўқ дейишга йўқ эди имкон.  
 Қоҳиралик соҳибтафаккур,  
 Буюк олим Али Ал-Мақдур  
 Ал-Бухорий ҳақида ғоят,  
 Келтиради гўзал ҳикоят.  
 «Ал-Бухорий Рубъи маскунда,  
 Доим эди азиз, фархунда.  
 Оёғини қўйса қай тараф,  
 Ёғиларди у ерга шараф.  
 Мухлис бўлиб гадою султон,  
 Атрофида эди гиргиттон.  
 Буюк олим эли камтарин,  
 Ташрифидан яшнарди замин.  
 Унинг учун фақир ила шоҳ,  
 Баробардир бандаи Оллоҳ.  
 Қадрларди инсон зотини,  
 Аямасди илтифотини.  
 Илмий баҳсу тўкин зиёфат,  
 Бағишлагай дилларга роҳат,  
 Ҳар ким сўйлар ўз билганини,  
 Нималарни кашф қилганини.  
 Ёшу қари кўтариб шов-шув,  
 Бўлар эди баҳсу тортишув.  
 Лек ажамлик гўзал, навқирон,

---

<sup>1</sup> Соҳира — сеҳргар, мафтункор.

Арабларни айларди ҳайрон.  
«Қуръон», «Ҳадис» шарҳида андоқ,  
Уламолар гар бўлса қандоқ.  
Донишмандроқ эди Бухорий,  
Ҳар соҳада илми юқори.  
Билар эди оламнинг сирин,  
Илмдаги икир-чикирин.  
Оллоҳ бўлсин адашсам рози,  
Илоҳийми, илми мажозий,  
Барчасида соҳибтахайюл,  
Донишмандлар шоҳи эди ул.  
Тортишмасди серистиҳола,  
Сомиъларга қилгач ҳавола,  
Талашмасди мажлисларда гап,  
Демас эди мужмалу «шап-шап»,  
Керак бўлса шафтоли дерди,  
Не сўзласа сафоли дерди.  
Тутмас эди ўзини кибор,  
Ранжитмасди бировни зинҳор.  
Эзгуфеъллик ишида омил.  
У эди бир инсони комил.  
Тўплаб илм дур-гавҳаридан,  
Кечганди лек дунё заридан.  
Чекмас эди биров миннатин,  
Билар эди қадр-қимматин.  
Муҳиблари<sup>1</sup> солишиб ғавғо,  
Ким ошдига берарди савғо.  
Бундан воқиф Миср султони,  
Ҳузурига чорлади они.  
Уша пайтлар Миср мунаввар,  
Саналарди шаҳри мўътабар.  
Эли тинчу фаровон эди,  
Ҳам мўмину мусулмон эди.  
Қайта тушса Оллоҳ назари,  
Уша юртнинг одил сарвари,  
Ватанининг таянчи бўлгай,  
Ҳам ҳисобсиз мулк, ганжи бўлгай.  
Бир пайтлари Юсуф пайғамбар,  
Шомдан Қанъон айлади сафар.  
Бузруквори Ёқуб қўлида,  
Эзгулик ва шараф йўлида.  
Оллоҳ синаб қилди имтиҳон,

---

<sup>1</sup> М у ҳ и б — дўст.

Рашку ҳасад оламда ёмон.  
 Оғалари қийнашиб буткул,  
 Чоҳга ташлаб, сўнг дейишиб қул,  
 Арзимаган чақага сотиб,  
 Одамларда нафрат уйғотиб,  
 Укаларин айладилар хор,  
 Лекин Оллоҳ доим мададкор.  
 Ҳар муслиму пайғамбарига,  
 Тушса агар ҳақ назарига.  
 Бўлсин кофир ва ёким муслим,  
 Қутулолмас тақдирдан ҳеч ким.  
 Миср келгач Юсуф дилоро,  
 Сотиб олди қулдек Зулайхо.  
 Қўп кулфатлар бошига солди,  
 Ҳам ҳажрида қартайиб қолди.  
 Охир бўлиб Юсуф бош вазир,  
 Зулайхони этди дилпазир<sup>1</sup>.  
 Ҳам Мисрни очликдан сақлаб,  
 Элу юртнинг ишончин оқлаб.  
 Қилган бўлса нени тахайюл,  
 Этди мурод-мақсадига ул.  
 Бу қиссадан мурод шу бесир,  
 Улуғларга қадамжо Миср.  
 Қадамингга дея ҳасанот,  
 Ҳукмдори этиб илтифот,  
 Бухорийни айлаб эҳтиром,  
 Бериб кўплаб совғаю салом.  
 Даргоҳида ул олий нуфуз,  
 Меҳмон қилди қирқ кеча-кундуз.  
 Ҳар вилоят бериб улуфа<sup>2</sup>,  
 Басра, Шому Бағдоду Куфа,  
 Бухорийни этганди таъмин,  
 Миср деган гўзал сарзамин,  
 Берди унга ўн бора ортиқ,  
 Султон айлаб ҳадялар тортиқ.  
 Ҳам жой берди чўнг кошонадан,  
 Китоб деса кутубхонадан.  
 Битикларга термулиб узоқ,  
 Олар эди Бухорий сабоқ.  
 Молу мулкка қилмасдан ружуъ,

<sup>1</sup> Д и л п а з и р — қўнғилга ёқувчи.

<sup>2</sup> У л у ф а — истеъмол учун бериладиган озуқа, мол-мулк таъминоти.

Ташна эди маърифатга у.  
Ким бўлсин у гадоми, султон,  
Бир қадоқдан ортиқ емас нон.  
Усти-бош бут, қорин бўлса тўқ,  
Билки доно камчилиги йўқ.  
Не бўлар деб чекмагай оҳ-воҳ,  
Эрта ўзи яратган подшоҳ!  
Ақлинг бўлса етти иқлимда,  
Илм олки, давлат илмда.  
Қўллар сени икки дунёда,  
Бўлса агар илминг зиёда.  
Мўъжизадир илм муҳташам,  
Кўпаяру бўлмас асло кам.  
На ўғрию қароқчи олар,  
Сарфласанг ҳам камаймай қолар.  
Айламасанг илмга амал,  
Бамисоли у бир қоп шағал.  
Ёки илминг бермаса самар,  
Билки болнинг бўлибди заҳар.  
Тамаъ қилмай нуфуз саройда,  
Олим бўлсанг элга бер фойда.  
Шу ўй-хаёл фикрида доим,  
Ёрлақасни уни худойим.  
Чекмас эди ҳеч ғами рўзғор.  
Ризқу рўзи лек эди бисёр.  
Волидаси, оғаси Аҳмад,  
У туфайли чекмасдан заҳмат,  
Мадинада яшаб фаровон,  
Яратгандан кўрдилар эҳсон.  
Ҳақ лутфига бўлиб муяссар,  
Қуёшдан сўнг ботгайдир Қамар.  
Волидаси айлади қазо,  
Оллоҳ бўлсин у зотдан ризо.  
Бухорийнинг қалбидан бу марғ,  
Ўзди гўё бемаҳал бир барғ.  
Шундоғ экан қазою қадар,  
Шукур дерди, ҳам чекди кадар.  
Бу оламда не бўлса содир,  
Қаламвари яратган қодир.  
Барчамизга бергувчи давлат  
Ва олгувчи навбатма-навбат!  
Ҳақнинг ўзи, лутфига шукур,  
Дийдорини айласа зуҳур,  
Маҳв бўлади барча гўзаллик,

Унинг ҳусни абад-азаллик.  
Истаса гар соҳиби шукуҳ,  
Улик танга бағишлагай руҳ.  
Бу оламдан аҳли мусулмон,  
Ҳузурига шошгай беармон.  
Хаёлида ушбу андеша,  
Топинарди ҳаққа ҳамеша.  
Ал-Бухорий қадами қутлуғ,  
У кўтариб бормаса-да туғ,  
Борган юртни этарди ишғол,  
Доим кулиб йўлида иқбол,  
Босқинчи шоҳ бир юртни талон  
Этганида олса кўп ўлпон,  
Беханжару тиф ундан ортиқ,  
Бухорийга қилишиб тортиқ.  
Айтиш мумкин улўф донишвар,  
Подшоҳлардан эди музаффар.  
Этган чоғи сайру саёҳат,  
Топар эди олим фароғат.  
Гоҳ кемада, гоҳи карвонда,  
Кезар эди ёруғ жаҳонда.

**Ал-Бухорий ҳаётидан турфа ривоят ва бир-  
бирдан гўзал ҳикоят**

Бу оламда турфа асотир,  
Кўз қўрқоғу доим тил ботир.  
Машҳур буюк шахслар ҳақида,  
Тўқилади турфа ақида.  
Одам Ато давридан буён,  
Шунга мойил ижодкор инсон  
Этмаса ҳам ўзини тарғиб,  
Ҳар буюкдил саналгай марғуб.  
Қилган эзгу ишию ижод,  
Ҳар инсонга иккинчи ҳаёт.  
Бўлса агар ақли саломат,  
Қадрим демас ҳеч бир валломат.  
Бу даҳрдан гарчи у кетар,  
Эли унинг қадрига етар,  
Бўлса агар озод-мустақил,  
Гапиришга оғизларда тил,  
Хоҳ ҳақиқат, хоҳи бўлсин лоф,  
Хизматини этгай эътироф.  
Ғоят оғир санги тегирмон,  
Мисолидир бу чархи гардон.

Ким измидан чиқса гар бурун,  
Уни янчар бамисоли ун.  
Кимки бўлса қорадил, бахил,  
Боғидаги мевалар сархил,  
Етилмасдан бўлади нобуд,  
Яратгандан етмас унга суд.  
Сахий зотлар бундан мустасно,  
Истаганча беради Оллоҳ!  
Бир-бирига қилмай бахиллик,  
Муслимларга фарзидир аҳиллик.  
Оллоҳ берган неъматни инсон,  
Тенг бўлишсин бўлса мусулмон.  
Бухорийнинг саховатидан,  
Улуғ олим маховатидан,  
Чор-атрофга кўй тарқалиб гап,  
Ғойибона севиб ҳар тараф,  
Юборарди у зотга закот,  
Сиз қилинг деб хайру тақсимот.  
Шоҳу гадо рости ёлғончи,  
Қароқчию ўғри, талончи,  
Эзгу бахту ночору ҳақир,  
Бегу бою камбағал фақир.  
Аҳли муслим, Машриқу Мағриб,  
Бухорийни санашиб марғуб.  
Кўрмасидан эшитган маром,  
Номи учун берарди салом.  
Ал-Бухорий эди музаффар,  
Ёғилса ҳам гар хавфу хатар,  
Даф бўларди, мадаккор Оллоҳ,  
Шу боисдан сарбону маллоҳ<sup>1</sup>,  
Шод бўларди келиб барори,  
Ҳамроҳ бўлса Имом Бухорий.  
Қароқчилар карвонни бир бор,  
Таламоқни айлашиб қарор.  
Аҳли карвон бўлишса воқиф,  
Мадинанинг йўлида Сақиф —  
Деган жойда олишди ўраб,  
Ўтирмасдан ҳақини сўраб,  
Барчасини олиб асирга,  
Опкетмоқчи эдилар бирга.  
Қисқа жангда карвонмуҳофиз  
Қурбон бўлди ёвга чўкмай тиз.

---

<sup>1</sup> М а л л о ҳ — кемачи, денгизчи.

Карвонбоши олинб асир,  
Барча тафтиш қилинди бир-бир.  
Бухорийга етганда навбат,  
Сўрамади инсофу шафқат.  
«Жазонгизни қиёмат қойим  
Келганида бергай худойим.  
На муслимсиз, бу ишни кофир,  
Икки дунё қилмагай охир.  
Меҳнат қилиб ейиш керак нов,  
Нафс учун оқизасиз қон.  
Бировники ўзгага насиб  
Қилмагайдир, Оллоҳим ҳабиб»,—  
Деб нафратдан Абу Абдуллоҳ,  
Отдан тушган чоғи ё Оллоҳ,  
Етиб келиб қароқчибоши,  
Деди: «Оқмай кўзидан ёши,  
Ким у бизга айтар маломат,  
Қолдирмасман соғу саломат».  
Ҳозир бўлган банддаги сарбон,  
Деди: «Бу зот донойи даврон,  
Ал-Бухорий ҳазрати олий,  
Аҳли Ислому дер уни волий.  
Олимларнинг устози улдир,  
Шарқу Ғарбнинг мумтози улдир.  
Бир сўз билан уламо-киром,  
Ҳам муҳаддис, ҳам Шайхулислому».  
Бунинг тинглаб қароқчибоши,  
Гўё тугаб сабру бардоши:  
«Орқамдан»,— деб айлади нидо,  
Ҳайқириққа тўлиб кенг саҳро,  
Қароқчилар кетди от суриб,  
Ҳам карвондан юзини буриб,  
Ал-Бухорий шарофати-ла,  
Саховату зарофати-ла,  
Таланмасдан қолишди омон,  
Давом этди йўлида карвон.  
Уша замон қароқчиси ҳам,  
Бухорийни билиб муҳтарам,  
Эшитса ҳам таънаю дашном,  
Босқинини тўхтатди тамом.  
Бунда қандай синоату сир,  
Ҳар неники ҳақ этса тақдир.  
Ундан қочиб қутулиб бўлмас,  
Ажал етмай одамзод бўлмас.



Қароқчига кирмагай инсоф,  
Балки бу бир уйдирмаю лоф.  
Оллоҳ берса иймону тавфиқ,  
Тўғри йўлга қайтар мунофиқ.  
Ғаламусдан қароқчи ғаддор  
Афзалроқдир билсангиз минг бор.  
Гоҳ босқинчи бўлар ёвқур мард,  
Уларда ҳам кўпдир ғаму дард.  
Яралмаса инсонга оид,  
Яшаш учун шарту шароит,  
Аввалида гарчи у тўғри,  
Оқибатда бўлади ўғри.  
Шунга ўхшаш озар йўлидан,  
Бирорта иш келмас қўлидан.  
Чўнтак кесиш бундан мустасно,  
Баъзилар бор ишлар бехато,  
Бошдан қолсин тубан санъати,  
Унга бўлсин Оллоҳ лаънати,  
Ҳамёнингдан айлагай жудо,  
Киссавурни хор қилсин худо.  
Жонга тегар бир хил ўхшашлик,  
Чўктиради дилимга ғашлик.  
Завқ бўлмаса касбу ҳунарда,  
Обу гилдир бу баҳру барда.  
Баъзиларнинг қозон салласи,  
Лек сичқонча йўқдир калласи.  
Ишлатгали тушса мушкулот,  
Улар учун муаммо ҳаёт.  
Тиз чўкишар амалдорларга,  
Осилишар «баланд дорларга».  
Иғво тўқиб, ҳам ғаламуслик  
Қилиб бўлар улар нуфузлик.  
Шу боисдан ҳар бир жамият,  
Эришолмас қилса не ният.  
Амалдорлар бўлганда тайин,  
Аралашар шайтони лаъин.  
Ишонади доим одил шоҳ,  
Бўлмай майда-чуйдадан огоҳ.  
Кўрибсизки ишратда нодон,  
Доноларни айлагай гумдон.  
Уртаҳоллар йўрттириб эшак,  
Бор нуфузни эгаллар бешак.  
Доим алар пичоғи мойда,  
Ҳукмрондир алар ҳар жойда.

Нопокликдир уларнинг иши,  
Чаён каби санчилиб ниши,  
Худодан ҳам уялмас асло,  
Уялиш не, қўрқишмас ҳатто.  
Номи билан тубандир нодон,  
Қайга бурса йўқ демас шайтон.  
Агар ваъда қилинса соққа,  
Тайёр ҳатто ўзин осмоққа.  
Сўрмасанг ҳам бу зотлар Холиқ,  
Ёлгон-яшиқ берар гувоҳлиқ.  
Ғанимини мансаб-амалдан,  
Ағдарай деб қайтмас ажалдан.  
Керак бўлса ёзар юмалоқ,  
Ичар қасам хотиндан талоқ.  
Ҳам қидирар қанчалар хато,  
Асра бундай зотлардан худо.  
Зар бермаю кўзимни тўқ қил,  
Ҳаром-ҳариш нафсимни йўқ қил.  
Имо қилган чоғида иблис,  
Унинг билан кетмай изма-из.  
Керак эмас айшу ишратлар,  
Ҳам шаробу маю шарбатлар.  
Гўзалларнинг иссиқ оғуши,  
Шайтонларнинг алдамчи туши,  
Вақтинчалиқ ҳузур роҳат,  
Оқибати бўлса қабоҳат.  
Нима керак битта танамга,  
Туширса гар у жаҳаннамга.  
Сўнг оташда абадул-абад,  
Қовурилсам, етмаса мадад.  
Шайтон куйса мен билан бирга,  
Лаънат айтсам мен ул ҳақирга.  
Ундан кўра бу дунёда пок  
Яшаганга не етсин ғамнок.  
Бугун маҳзун, эртага масрур,  
Насибамиз бўлар гўзал, ҳур.  
Ҳам нўш этиб оби кавсардан,  
Ҳам баҳравар ширу шакардан.  
Бу тўрт кунлик дунёда майли,  
Қийналайлик золим туфайли.  
Барчасига гувоҳдир Оллоҳ,  
Ҳақ йўлидир энг муқаддас роҳ.  
Ким танласа фоний дунёни,  
Касб айласа фаҳшу зинони,

Адолатнинг йўлидан қайтса,  
Шайтонларнинг қўшиғин айтса,  
Эрур баттол, мушрику каззоб,  
Охиратда чекадур азоб.  
Бу дунёга шоҳман деганлар,  
Гадоларнинг ҳақин еганлар.  
Етимларнинг молин ўғирлаб,  
Ишларини кетса «тўғирлаб»,  
Охирида узар пайти жон,  
Кўз ўнгида бўлар намоён,  
Бор қилмиши, ҳаришу ҳаром,  
Ҳақ улардан олгай интиқом,—  
Чарчаб ишдан тўхтаса ҳар зум,  
Хаёлида шундоғ талотум.  
Ал-Бухорий соҳибтафаккур,  
Маънолардан қидирарди дур.  
Кўринса-да гўзал бу дунё,  
Унга мафтун бўлмасди асло.  
Сўрамади амалу мансаб,  
Ҳукмдорлар очишганда гап,  
Узрин айтиб қилмади қабул,  
Эркинликни хуш кўрарди ул.  
Гар тақозо айласа рўзғор,  
У меҳнатдан қилмас эди ор.  
Тақдиридан мингдан-минг рози,  
Бўлмаса ҳам мушовир<sup>1</sup>, қози.  
Оёқ-қўли, бор аъзоси соғ,  
Асло ўйлаб ўтирмай узоқ.  
Олар эди қўлига кетмон,  
Қасб танласа бўларди деҳқон.  
Илмин сотиб нон емас эди,  
Бир ҳожатим бор демас эди.  
Улуғ олим қолмас эди оч,  
Ҳеч нарсага бўлмасди муҳтож.  
Молу мулки кўп эди белоф,  
Яшар эди қилмасдан исроф.  
Муридлари Араб, Ажамда,  
Уни қўллаб ёруғ оламда,  
Яратишди ижодий муҳит,  
Бўлмай асло ҳазрат таъби хит,  
Тиним билмай зина-базина,  
Яратарди илмий хазина.

---

<sup>1</sup> М у ш о в и р — маслаҳатчи.

Бозор кезиб бир кун, ё Оллоҳ,  
Қоҳирада Абу Абдуллоҳ  
Дуч келди бир гўзал канизга,  
Ошиқ бўлди у барно қизга.  
Қулбозордан тортишмай асло,  
Сотиб олди бериб минг тилло.  
Румлик экан у қадрас<sup>1</sup> санам,  
Юксак экан насабида ҳам.  
Қароқчилар Сивос чўлида,  
Анқараю Ироқ йўлида,  
Ҳужум қилиб карвонга қўққис,  
Тушган экан асирликка қиз.  
Бугун тонгда қулфуруш тожир,  
Сотмиш, биров қилмасдан фожир.  
Ўқиш, ёзиш ҳамда «Қуръон»дан,  
Воқиф бўлиб уч-тўрт лисондан,  
Чўри бўлиб емади қамчи,  
Бухорийга бўлди ёрдамчи.  
Ҳар дил ишқдан бўлмаса абгор,  
Ҳаёт гаштин сезмагай зинҳор.  
Ал-Бухорий тиёлмай ўзни,  
Гоҳо ишқдан очарди сўзни.

Ширин номли гўзал эди заб,  
Ҳар соҳада доно, нозиктаъб.  
Гоҳ бир лаҳза улуғ авлиё,  
Тотар эди лаззати дунё.  
Йигит ёши етиб қай инсон,  
Бўлмагайдир севиб комрон?!  
Никоҳига олиб Ширинни,  
Ҳаётида татиди шинни.  
Дилдан шайдо мафтуни бўлди,  
Лайлиснинг Мажнуни бўлди.  
Дури эди садаф ичра бут,  
Урилганда игнайи ёқут.  
Бир-икки бор зарба берилди,  
Садаф айри дури терилди.  
Қад эгилиб ростланган камон,  
Ўтди тешиб қалқонни пайкон.  
Ўқ мўлжалга тегиб чиқди хун,  
Оққуш қанот ёздию маҳзун,

---

<sup>1</sup> Қ а д р а с — бўйи етган.

Қўтарилиб икки оёғи,  
Қанот силкиб толиқди доғи.  
Уни қўйиб юбормай сайёд,  
Қийнар эди деганича дод!  
Бу оламда чекмай жароҳат,  
Ҳеч маъшуқа қилолмас роҳат!  
Яйловида гўёки бедов,  
Елар эди пишқириб асов.  
Йўлиққандай сичқон мушувга,  
Урар эди ўзни тешувга.  
Ҳар бир иши ислоний, шаръий  
Эзгу бўлар унинг саҳари.  
Мажозий ишқ дилдаги баҳор,  
Иккисини этди бахтиёр.  
Улар учун зарофатли тун,  
Тонгин отди ўшанда очун.  
Оғушида севикли раъно,  
Ҳаётига бахш этди маъно.  
Урган билан қоғозга қалам,  
Топармиди муаммо барҳам.  
Инсон фақат ғаму армонда,  
Яшолмагай ушбу жаҳонда.  
Илму фану сири коинот,  
Хизмат қилгай сен учун ҳаёт.  
Яшамаса инсон ҳавасга,  
Нима керак бу дову даска<sup>1</sup>.  
Тарки дунё қилишни Оллоҳ,  
Фарз этмаган Абу Абдуллоҳ!  
Севганда ҳам севди буюк қалб,  
Диққатини ёри этди жалб.  
Қамон қошин тортганда Ширин,  
Англаб эди дунёнинг сирин.  
Тенг-тенгини топганда дунё,  
Қўрингайдир мингбора зебо.  
Қисматидан шод эди икков,  
Дилда мангу ёнувчи олов,  
Муҳаббатдан бахтиёр инсон,  
Умид боғи бехору хазон.  
Ширин эди асира, тутқун,  
Мазлумаю абгору забун,  
Кетиб даҳшат, ғаму таҳлика,  
Қаниз эди бўлди малика.

---

<sup>1</sup> Дову даска — дабдаба.

Термуларди миннатдору шод,  
Паноҳига олди деб устод.  
Очилганди ғунчасидан гул,  
Хушбўйидан маст эди булбул.  
Кўксидаги олмами анор,  
Кўз тегмаган эди беғубор.  
Вужудига таралиб тотти,  
Уйқу бермай унинг лаззоти.  
Муҳаббатнинг тилсими янглиғ,  
Тортди уни шавқ деган таңглиғ.  
Ёр ҳажрида ҳар ошиқ ғариб,  
Нола чекар мисли андалиб!

\* \* \*

Асал оий тугаб муқаррар,  
Ал-Бухорий айлади сафар.  
Бу оламда ўнгланиб иши,  
Муродига етсин ҳар киши.  
Ким этса гар сайру саёҳат,  
Дунё кезиш жонларга роҳат.  
Буюк олим Абу Абдуллоҳ,  
Табиатан эди зўр сайёҳ!  
Мисру Шому Қибрисга тўрт бор,  
Бағдод, Басра, Куфага бисёр  
Қатнар эди ўз иши билан,  
Илму урфон ташвиши билан.  
Янги ҳадис бор деган хабар,  
Унга етган чоғи ҳар сафар  
Отланарди қилмай таваққуф<sup>1</sup>,  
Кутмас эди таклиф, такаллуф.  
Машҳур бўлиб боргани сари,  
Унга тушиб элнинг назари,  
Иши қолиб, айлашиб меҳмон,  
Режасига етарди зиён.  
Шу боисдан ишлатиб тадбир,  
Қимлигини тутар эди сир.  
Ҳеч кимсани айламасди лол,  
Қийинарди ҳожилар мисол.  
Олти йилча Ҳижозда яшаб,  
Шундоқ юрган ризқини ошаб.  
Қарамасдан бахт қуёшига,

---

<sup>1</sup> Таваққуф — туриш, кутиш.

Кўп ташвишлар тушган бошига.  
Гоҳ ўзини кўрсатиб тўғри,  
Уни шилган қароқчи, ўғри.  
Гоҳ фирибгар кўрсатиб найранг,  
Этган унинг аҳволини танг.  
Ул замонлар кам бўлиб фасод,  
Бузилмаган тугал одамзод.  
Онда-сонда учраган юлғич,  
Адолат деб ҳар доим қилич,  
Кўтаргувчи зотлар топилган,  
Ёвузларнинг боши чопилган.  
Қибрис деган гўзал шаҳарда,  
Ал-Бухорий бир дарбадарга,  
Дучор бўлиб олган ёнига,  
Ҳам ишонган аҳд-паймонига.  
Насим деган ўша жулдурвош,  
Бухорийга бўлганда йўлдош.  
Донишманддек кўрсатиб ўзни,  
Тўқиб айтган ҳар ёлғон сўзни.  
Қароқчилар гўёки талаб,  
Қолган эмиш чўлда бематлаб.  
Яшаш учун йўқ деб сармоя,  
Кўзёш қилди биллониҳоя.  
Насиб бўлса яна Бағдодга,  
Қайтиб борса шаҳри ободга,  
Бухорийдан бўлиб миннатдор,  
Берар эмиш бир халта динор.  
Эмиш буюк мулкдор-савдогар,  
Усиз хароб бўлармиш шаҳар.  
Ал-Бухорий умрида ёлғон,  
Гапирмаган мўътабар инсон.  
Деди: «Менга жаноби Насим,  
Керак эмас молу зару сийм.  
Савоб учун шаҳри ободга,  
Элтиб қўйгум сени Бағдодга.  
Бўлма асло ғамгин, дилхира,  
Бор етарли ақча, захира,  
«Лозим учун ортиқ минг тилла»,  
Насим иши макр ва ҳийла.  
Ишончига кетмасидан дарз,  
Бухорийдан сўраб озроқ қарз.  
Тожирлардек сўнг ўзига мос,  
Танлаб олди чиройли либос.  
Шукроналар айтиб тақдирга,

Улар чиқди кемага бирга.  
Бир тун ётиб эртаси куни,  
Фирибгарнинг тутиб жунуни.  
Уриб ўзин ерларга отди,  
Одамларда раҳм уйғотди.  
Дедики: «Эй аҳли мусулмон,  
Орангизда қайси бир инсон,  
Минг тилламни ўғирлаб олди,  
Инсоф қилмай ёнига солди.  
Тунда тунаб кетишди мани,  
Минг тиллални ҳамёним қани?»  
Юзларини юлиб тимдалаб,  
Усти-бошин йиртиб думалаб,  
Тожир қайтди фақир ҳолига,  
Минг тиллонинг хом хаёлида.  
Тухмат, фитна эди ўйида,  
Тазйиқ билан олиш кўйида.  
Сезди дарҳол донойи даврон,  
Насим эди фирибгар-шайтон,  
Фигон солиб кўтариб шов-шув,  
Одамларни этмоқчи тинтув.  
Кемабоши бағдодлик араб,  
Мазлум Насим ҳолига қараб,  
Ўз фикрини айлади баён:  
«Ранжимасин ҳеч бир мусулмон.  
Барча гарчи азиз-киромий,  
Иш тутайлик лекин исломий.  
Шубҳа-гумон гуноҳи оғир,  
Тинтиб кўрсин майли бу тожир».  
Кема аҳли бўлишди рози,  
Кўрса-кўрсин Яратган — қози.  
Насим айтган ҳамёну тилло,  
Ҳеч кимсадан чиқмади илло!  
Охирида қолиб Бухорий.  
Гўё бордек номуси ори,  
Юзланиб у кемабошига,  
Деди: «Қимки ўз сафдошига,  
Ишонмаса бўлар ҳоли бад,  
Тинтиш учун менда йўқдир ҳад».  
Кемабоши ва уч-тўрт одам,  
Бухорийни тинтишди шу дам.  
Лек чиқмади минг тилла — ҳамён,  
Насим бўлди бу ҳолдан ҳайрон,  
Ҳам ганграб у ҳушидан кетди,



Шармандалик шамоли етди.  
Юракўйноқ бедаво мисол,  
Сўнг ўзига келди у беҳол.  
Тақдирга тан берган етимдай,  
Билмайманки ва яна кимдай,  
Деди: «Қани ҳазрат минг динор?»  
Ҳазрат деди: «Баҳри беканор,  
Ютди, Оллоҳ берсин кушойиш,  
Сен санъатинг қилгач намойиш.  
Қолмай дея шубҳа-гумонга,  
Олтинларни отдим уммонга.  
Наҳанглар ҳам бўлиб тангадор,  
Бўлишгандир мендан миннатдор».  
Тушунмади фирибгар Насим,  
Дерди: «Сира етмайди ақлим,  
Олтинингни қасам ичсанг гар,  
Ололмасдим сендан муқаррар».  
Ал-Бухорий деди: «Эй нодон,  
Меники деб йиғладинг-ку қон,  
Раҳми келиб кўрганлар сенга,  
Ишонмасди ҳеч бири менга.  
Шубҳаландим ўзим ҳам, инон,  
Сен экансан фирибгар-шайтон.  
Минг динордан бўлсам ҳам жудо,  
Қайғурмасман, билгин мутлақо.  
Истамайман ёруғ жаҳонда,  
Қолса номим шубҳа-гумонда.  
Бухорий деб тан олган олам,  
Бир ҳамён деб ичайми қасам?!»  
Товламачи қолди аламда,  
Келмади деб бу ўй калламга.  
Хуллас бундай шармандаларни,  
Йўлдан озган ғўр бандаларни,  
Қароқчию талончиларни,  
Тўхматчию ёлғончиларни,  
Йўлга солиш эмасдир осон,  
Улар бари шогирди шайтон.  
Насим қилиб тўхмату даъво,  
Ўзи бўлди шарманда, расво.  
Дин ва миллат шаън-ифтихори,  
Хотирлайди Имом Бухорий:  
«Мен машҳурман етти иқлимда,  
Олим янглиғ барча илмда.  
Бу оламнинг дилшоди эдим,

Шарқу Фарбининг устоди эдим.  
Бир ҳамёнмас, минг халта тилло  
Бўлса кечгум баҳридан илло.  
Бу оламда ҳар неки содир  
Этса ўзи яратган қодир.  
Мен бировдан сўрамадим зар,  
Ҳақ лутфидан бўлдим баҳравар».  
Бу оламнинг шоҳу гадойи,  
Тирик бўлса ризқи ҳавойи.  
Омонатин олгунча худо,  
Насибадан этмагай жудо.  
Истаса гар измингда фалак,  
Истаса гар айлагай ҳалак.  
Қўтармасин ҳассами ё туғ,  
Манглайида не бўлса ёзуғ,  
Ўша бўлар инсон насиби,  
Бандасининг Оллоҳ ҳабиби.  
Ҳақдан кечиб баъзилар буткул,  
Нафс деб бўлар ҳомийсига қул.  
Садоқат-ла этагин тутар,  
Сездирмасдан ўлимин кутар.  
Меросхўрдек шод бўлар ахир,  
Ўнга керак амал ва фахр.  
Қанча доно бўлмасин устоз,  
Эл қанчалар қилмасин эъзоз.  
Одамийлик, хушомад, риё,  
Ром айлагай уни мутлақо.  
Билгай дўст деб ўзига яқин,  
Ҳам айлагай уни жонишин.  
Барчамизни бу чархи гардун,  
Тегирмонга солади бир кун.  
Тугаганда сабр ва бардош,  
Сўқир кўздан чиқиб келар ёш.  
Тушларингда алвастию ҳур  
Қўрқма сени айласа мажбур.  
Гар имонинг бўлса саломат,  
Етмагайдир сенга маломат.  
Келганида қиёмат-қойим,  
Асрар ўзи сени худойим.  
Гуноҳингга яраша азоб,  
Охиратда берасан жавоб,  
Енгил гуноҳ, хатолар учун  
Қизарасан ҳатто ўша кун.  
Савоб қилсанг кичикми-катта,

Мукофоти бўлгай, албатта.  
Саодатга етгайсан мудом,  
Яратгандан кўриб эҳтиром.  
Ҳар бандага юз назоратчи,  
У дунёда ўғри-ғоратчи.  
Бера олмас бировга фириб,  
Фош этгайдир айбин аксириб.  
Нопок ўтса ушбу оламдан,  
У дунёда қутулмас ғамдан.  
Яна ўзи билади Оллоҳ,  
Барча сирдан воқифу огоҳ!

### **Ал-Бухорийнинг устоз пирлари ва унинг ихлосманд шогирдлари**

Бу оламда бирор кўкат ҳам,  
Кўкармагай гар тушмаса нам.  
Ётар мудроқ уйқуда карахт,  
Нур тушмаса ҳар дову дарахт.  
Баҳра олиб ўсмагай ниҳол,  
Куч бермаса қуёшу шамол.  
Қўй-эчкининг бўлгай қозиғи,  
Етмаса гар ернинг озиғи.  
Булут кўкдан ёғмаса найсон,  
Униб чиқмас ер бағридан дон.  
Ғунча лабин ўпмаса булбул,  
Очилмагай чаманларда гул.  
Келса ҳамки олам баҳори,  
Таралмагай атру ифори.  
Балоғатга етиб гўзал қиз,  
Бедилини чўктиради тиз.  
Бу дунёда аччиқми-ширин,  
Бошдан ўтган билади сирин.  
Қуш тилини билганидай қуш,  
Иш сирини билса кимки хуш.  
Таълим олиб кўрмаса устоз,  
Бўлолмагай ҳеч кимса мумтоз.  
Ўзмаса гар устоздан шогирд,  
У бир ёниб ўчгувчи гугурт.  
Устозингдан ўзишга агар,  
Интилмасанг ишингга самар —  
Етмасидан қоласан доғда,  
Очилса ҳам гулинг бутоқда,  
Мева пишмас, тугса ҳам ғўра,

Таъбга ёқмас мисоли шўра.  
Устозингдан ўзолмасанг ҳам,  
Устозингдай бўлгил, эй одам.  
Ўзолмасанг қўйгил тишга-тиш,  
Шарт эмасдир устоздан ўзиш.  
Энг муҳими тарбия, таълим,  
Бу дунёда ҳар бир муаллим,  
Шогирдидан тургай юқори,  
Унга етгай ҳақнинг нисори.  
Устозига айтмай тасанно,  
Ким ўзини санаса доно,  
Бундай даъво ғайри таомил,  
Эмас у зот донишманд-комил,  
Хат-саводи чиқиб Бухорий,  
Устоз йўлини бўлди ғубори.  
У ўзини тўтиб камтарин,  
Ҳар бирини санаб чарх-барин,  
Қилар эди дилдан эътиқод,  
Қўргузарди сидқу эътимод.  
Илк саводин чиқарган оз-моз,  
Падар эди биринчи устоз.  
Кейин уни Шайх Абдуқодир,  
Ҳақ йўлида тенгсиз асотир,  
Таълим бериб солганди изга,  
Меҳр уйғотиб илми «Ҳадис»га.  
У зот эди қорийи «Қуръон»,  
Қироатда машҳури замон.  
Самодаги қушлар ҳам ҳатто,  
Хонишига бўлиб маҳлиё,  
Чарх урарди мафтуну асир,  
Овозида бор эди таъсир.  
Шогирдлари беҳисоб эди,  
Ёзганлари юз китоб эди.  
Туғилса ҳам мушкул муаммо,  
Ҳал қиларди у зот беҳато!  
Бухоронинг арк майдонида,  
Жума куни шавқ туғёнида.  
Фарз намозин этгани адо,  
Келар эди улуғ авлиё.  
Бухоролик барча зодагон,  
Шоҳу амир, тожиру аъён.  
Домуллою толиби илм,  
Аҳли ислом бўлса агар ким,  
Шу майдонда бўлишарди жам,

Улуғ зотга кўрсатиб карам.  
Эргашишиб мудом изидан,  
Чиқмасдилар асло сўзидан.  
Эшигида унинг саккиз йил,  
Ал-Бухорий яшаб муттасил.  
Таълим олиб бўлди уламо,  
Ун беш ёшда жаҳонда якто,  
Донишманд деб олинганди тан,  
Буюкларга Бухоро ватан.  
Хор бўлмади буюк истеъдод,  
У бир умр излади устод.  
Нишопурлиқ Ал-Ҳаким Баён,  
Фикрин айтган бу ҳақда шоён:  
«Бухорийнинг кўпдир устози,  
Унга етиб Ҳақнинг ниёзи,  
Дуч келганда ҳар бир муаллим,  
Олим олган улардан таълим.  
Ҳар бирини айлаб эҳтиром,  
Хизматида бўлган субҳу шом.  
Ҳар соҳанинг бордир устаси,  
Усталарнинг хуллас юзтаси.  
Бир устада бўлиб мужассам,  
Ал-Бухорий зоти мукаррам.  
Ушаларнинг изидан чопган,  
Охирида азизлик топган.  
Юзта чашма бирикиб гўё,  
Охирида бўлгандир дарё.  
Кейин эса қидирган денгиз,  
Бу оламда жўш уриб тенгсиз.  
Илми билан бу ёруғ жаҳон,  
Яшнагайдир то охирзамон.  
Ал-Бухорий устозларидан,  
Давру замон мумтозларидан,  
Ал-Ғарёбий Муҳаммад Юсуф,  
Ал-Аббосий буюк такаллуф —  
Убайдулла ибн Мусадир,  
Абу Бакр ҳам аз-Зубаййир.  
Имом Исҳоқ ибн Иброҳим,  
Имом Аҳмад дўсти илоҳим.  
Ибн Ҳанбал илмда ғаний,  
Ибн Али ҳам Ал-Мадиний,  
Бухорийга мафтуну асир,  
Ҳам қилдилар у зотга таъсир.  
Ҳеч эзгу иш қолмас бежавоб,

Охиратда қайтади савоб.  
Улуғларнинг эсланди номи,  
Барчасига Ҳақ эҳтироми.  
Илми «Ҳадис» устози улар,  
Маърифатнинг сарбози улар.  
Бухорийга ҳар бирдан нур.  
Етиб бўлди оламга манзур.  
Улар бари илму амалда,  
Тенгсиз эди ўша маҳалда.  
Бу оламда шуҳрат қозониб,  
Буюк ватан шавқида ёниб,  
Инсонларга этдилар тортиқ,  
Инъом йўқдир ҳақ сўздан ортиқ.  
Еки Расул ҳадисларидан,  
Илоҳий гул хуш исларидан.  
Йўқ оламда гўзалроқ калом,  
Улар васфин этурман давом.  
Ал-Бухорий соҳиб тафаккур,  
Шогирдлари беҳисоб, машҳур:  
Ҳадисшунос донишманд, ҳодий,  
Муҳаммад Бин Шайх-Ар-Рамодий.  
Абдуллоҳи Шайх Ал-Маснадий,  
Уламо ҳам табъида бадий  
Халаф ибни Қутайба Чарбий  
Ва Иброҳим Ҳаким Ал-Ҳарбий.  
Ҳақ нуридан юзи қирмизий,  
Машҳур олим Исо Термизий,  
Ибн Наср Шайх Ал-Марвазий,  
Ҳам Сайидо ибн Сарвазий,  
Ибн Аттор Шайхи Ал-Ҳажжож,  
Тафаккурдан кийиб олтин тож.  
Яна неча шогирди пеша,  
Устозидан ўзиб ҳамиша,  
Эргашишган унга «Ҳадис»да,  
Айланишган зўр муҳаддисга.  
Ўз бурчини Бухорий оқлаб,  
Шогирдларини турган сўроқлаб.  
Вафот этмай ҳаёт чоғи ҳам,  
Топилмасди унга тенг одам».  
Ҳар кимсанинг бор ўз мақоми,  
Ҳаётида субҳию шоми.  
Бу дунёда бўлиб соҳибдил,  
Ал-Бухорий яшади одил.  
«Ҳадис шоҳи» номини олди,

Ундан улуғ ёдгорлик қолди.  
Олтмиш туман у йиққан ҳадис,  
Бу оламда ҳеч бир муҳаддис,  
Қилолмаган бундай улуғ иш,  
Унга бўлсин минг бора олқиш.  
Ҳақ илмининг чексиздир божи,  
Буюкликнинг камдир гултожи.  
Комил инсон Сарвари олам,  
Бор эзгулик унда мужассам,  
Бу оламдан кетса ҳам ўзи,  
Умматларни лол қилиб сўзи,  
Ўтса ҳамки неча асрлар,  
Қуласа ҳам метин қасрлар,  
Бу дур қасри турибдир обод,  
Кўнгулларни этиб хуррам, шод.  
Ҳар бир ҳадис бир гўзал тилсим,  
Унга агар амал қилса ким,  
Равшан тортиб юраги доим,  
Ёр бўлади унга худойим.  
Бир кун учса вужудидан руҳ,  
У чекмагай надомату уҳ!  
Азал лойдан яралган инсон,  
Эзгуликка мойилдир ҳар он.  
Дарду ғамни шимиб ер каби,  
Қаноатдир унинг матлаби.  
Йўлдан уриб лаънати иблис,  
Уйғонганда ғалати бир ҳис,  
Йўқотади ўзлигин одам,  
Ва бошига ёғилади ғам.  
Кўринар у бир дилдор бўлиб,  
Ё бодайи ғамгусор бўлиб.  
Аввалида сархуш айлагай,  
Охирида мадхуш айлагай.  
Даҳри дунда яшаб бехато,  
Бурчимизни этайлик адо.  
Мафтун этгай гарчи сийму зар,  
Фойда бермас лек рўзи маҳшар.  
Қарамингдан айламай жудо,  
Йўлга солгил ўзинг, эй худо!  
Қофир бўлса агар шоҳаншоҳ,  
Ўз динидан кечар ҳар гумроҳ,  
Эвазига сўрагай амал,  
Мунофиқлар ишида ишқал,  
Ортиқчадир мунозара, баҳс,

Садқайи гап ҳар ярамас наҳс.  
Маҳаллада бўлиб хору зор,  
Топмас улар асло эътибор.  
Эга эмас улар обрўйга,  
Биров айтмас худойи, тўйга!  
Тегмас ҳатто дарёнинг тоши,  
Маломатдир улар маоши.  
Беш бармоқни оғизга тиқиб,  
Бу дунёда молу мулк йиғиб,  
Бермаса гар садақа, закот,  
Қўпганида тўнғиздай у зот,  
Қиёматда куйдириб лов-лов,  
Хазинаси бўлади олов.  
Оллоҳ ўзи билгувчи қодир,  
Гоҳ хатолар айласак содир,  
Сўрагаймиз бахшишу паноҳ,  
Фойда бермас сўнгги оху воҳ.  
Бузулмоқда одамлар бисёр,  
Бешовидан тўрти зинокор.  
Ҳатто шайхлар еганда ҳаром,  
Қандай қилиб тузалсин авом.  
Бермаса гар Оллоҳ пок тийнат,  
Иўлдан урар шайтоний зийнат.  
Хутбаларда баъзи бир мулло,  
Шоҳни мақтар астағфирулло!  
Бухорийнинг келиб ғзаби,  
Охир айтди қўзиб асаби:  
«Жума намоз ўқиган имом,  
Оллоҳ зикрин айтсин бардавом.  
Шукроналар десин у зотга,  
Берилмасдан кўп ташвиқотга.  
Соясига бермасин салом,  
Бу эмасдир қонуни Ислом!  
Масжидда тенг гадою султон,  
Ўз тахтида удир ҳукмрон.  
Расулуллоҳ — Сарвари олам,  
Хутба намоз ўқигани дам,  
Яратганни билиб ягона,  
Доим айтган ҳамду шукрона.  
Ўқимаган шоҳларга сано,  
Шоҳ биттадур раббим — Раббано!»  
Биз биламиз маддоҳлар халқин,  
Қилиб буни тесқари талқин.  
Етказишган шоҳу султонга,



Бу касб эрур ҳар бевиждонга.  
 Ҳақгўйлиги етказиб зиён,  
 Бухорийга бўлмаган осон.  
 Журъат қилиб бирор ҳукмдор,  
 Беролмаган у зотга озор.  
 Бухорийни билган ҳар сарвар,  
 Ғийбатларга қилмаган бовар.  
 Ҳар бандаси сўрса ҳидоят,  
 Оллоҳ ўзи этгай ҳимоят.  
 Бамисоли тенгсиз асотир,  
 Ҳар соҳада бўлган у моҳир.  
 Мол-мулку жоҳ қўйса ҳам тузоқ,  
 Яшамаган бир жойда узоқ.  
 Қатнаб Мисру Шому Бағдодга,  
 Доим олган ватанни ёдга.  
 Қайси юртда бўлмасин инсон,  
 Киндик қони тўкилган макон,  
 Тортиб турар оҳанрабодай,  
 Соғинтирар юз қаҳрабодай.  
 Лекин қисмат ёзуғи оғир,  
 Қилиб бўлмас уни ҳеч таъғир<sup>1</sup>.  
 Юрт соғинчи юракдаги тош,  
 Беролмагай ҳеч кимса бардош,  
 Ватанидан айро фироққа,  
 Чидаёлмас кетса йироққа.  
 Қайтиб келар ҳар ожиз банда,  
 Ватанини билиб арзанда.  
 Юрт тупроғин тутиб хумори,  
 Соғинганин сезди Бухорий.  
 Келиб бир кун шаҳри Нишопур,  
 Деди: «Ҳар бир муслиму копур,  
 Ўз юртини санар дилоро,  
 Тортмоқдадир мени Бухоро».  
 Хаёлида кечиб ушбу гап,  
 Ўзга бўлди ва лекин матлаб.  
 Мадрасада ишлаб муттасил,  
 Яна унда яшади беш йил.  
 Қатъий таълим чиқмади издан,  
 Сабоқ берди илми ҳадисдан.  
 Сарфу навҳким не бўлса динда,  
 Ал-Бухорий қилган талқинда.  
 Берар эди ўзгача маъно,  
 Билар эди иш сирин доно.

<sup>1</sup> Таъғир — ўзгартириш.

Термизий ҳам унга келиб дуч,  
Бирлашгани икки улуғ куч.  
Туркистонлик икки аллома,  
Тузар эди бирга ҳангома.  
Илмий марказ янглиғ Нишопур,  
Уша йиллар бўлди кўп машҳур.  
Бухорийдан олгали сабоқ,  
Олам аҳли келарди муштоқ,  
Бухорою Самарқанддан ҳам,  
Уни излаб бир неча одам,  
Олиш учун дарс, таълими том,  
Нишопурни айлашди мақом.  
Уринса ҳам кетишни чоғлаб,  
Бухорийни қўйгандек боғлаб,  
Кетолмасди, бу қандайин сир.  
Кеткизмасди эътиқод, меҳр.  
Бухорога борганда ҳар бор,  
Бермасдилар унга эътибор.  
Ёндан оққан сувнинг қадри йўқ,  
Қарамайсан ундан кўнглинг тўқ.  
Забт этса ҳам оламни туғи,  
Таралса ҳам кўкка доврўғи,  
Билса ҳамки кўп муттаҳасиб,  
Ғийбат қилиб юрарди сасиб.  
Таъмагирлар бордир ҳар жойда,  
Улар фақат излашар фойда.  
Бухорога келса Бухорий,  
Эди буюк илми юқори.  
Бўлар эди арзандайи шоҳ,  
Шуни ўйлаб баъзи бир гумроҳ.  
Бўлмасин деб жойим бегона,  
Аташарди уни девона.  
Боиси ул кечаю кундуз,  
Китобларга тикканича кўз,  
Бормас эди базм-тўйларга,  
Қўшилмасди гуфтуғўйларга.  
Қилмас эди зиёфат ташкил,  
Бўлмас эди шоҳларга вакил.  
Ё masjid деб гапини ўраб,  
Бормас эди садақа сўраб.  
Расулulloҳ ҳукмига амал  
Қилар эди олим ҳар маҳал.

У зот шундоғ берганди ўгит:  
«Қурсангиз ҳам мадраса, масжид,  
Сўраманглар саховат, эҳсон,  
Оллоҳ учун сўраш ҳам ёмон.  
Ўзи билиб берса садоға,  
Инъом қилинг хору гадоға.  
Масжиддаги ҳар хатиб-имом,  
Асло олманг совғаю инъом».  
Қадимлардан ҳозирга қадар,  
Уламолар эрур мўътабар,  
Сўрамагай, берсанг ҳам олмас,  
Зўрласанг ҳам чўнтакка солмас,  
Олиб бориб қутига ташлар,  
Хайр тўқинг дилни ғашлар.  
Гар иймони бўлса саломат,  
У зот чекмас ҳаргиз маломат.  
Оллоҳ берсин хайру баракот,  
Беринг доим садақа, закот!  
Маъракада ўқиса «Қуръон»,  
Шарт эмасдир муллага эҳсон.  
Лекин шундай домуллалар бор,  
Кўз тагидан термулар хумор.  
Тамом бўлгач хайр маъраканг,  
Тез «чўзмасанг» бўлади тажанг.  
Эл ҳам шунга айлаган одат,  
Чўзиб кутар Ҳақдан саодат.  
Шундоғ деган Имоми Аъзам:  
«Динфурушлик қилмангиз ҳеч ҳам.  
Жаноза ё хатми «Қуръон»да,  
Вожиб бўлса ҳар бир инсонга,  
Фисабиллоҳ айлангиз бажо.  
Кутманг асло хайрия-сахо.  
Хунар билан тебрating рўзғор,  
Оллоҳ бўлгай шунда сизга ёр».  
Ўткинчидир бу олам ҳодис,  
Ал-Бухорий доим шу боис  
Амал қилиб қатъий мазҳабга,  
Эришганди буюк матлабга.  
Қамолотга етиб илмда,  
Донғи кетиб етти иқлимга,  
Ҳаққа минглаб шукрона айтди,  
Бухорони соғиниб қайтди.  
Яшамоқчи сокин ватанда,  
То бор экан жон қуши танда.

Етар энди сайру саёҳат,  
Дарддан фориг дилида роҳат.  
Интилади юрт қучоғига,  
Қўйиб малҳам фироқ доғига.  
Она юртин билиб аржуманд,  
Талпинади унга ҳар фарзанд.

**Ал-Бухорийнинг буюклик авжига етиши ва фоний  
дунёдан бақо мулкига кетиш ҳикояси ҳамда дoston  
ниҳояси**

Инсоният фахр-ифтихори,  
Ватанига қайтди Бухорий.  
Эшитганлар этишиб эъзоз,  
Чиқди унинг йўлига пешвоз.  
У эди бир тожирча мулкдор,  
Келар эди туялар қатор,  
Юкин ортиб катта карвонга,  
Айланганди улуғ сарбонга.  
Қимни худо айласа азиз,  
Муродига етгай шубҳасиз.  
Кўрмай бирор зиёну заҳмат,  
Етиб келди Оллоҳга раҳмат.  
Бухорода бошланди байрам,  
Дўсту қардош бари бўлди жам.  
Ҳар бирига айлаб эҳтиром,  
Олим берди совғаю салом.  
Қўни-қўшни, сўнг фақирларга,  
Гадо, забун хор-ҳақирларга.  
Ўзи учун биллонихоя,  
Қолди озроқ зарур сармоя.  
Шаҳар изғиб бир тўп ғаламус,  
Гап тарқатди излар деб нуфуз.  
Эҳсонини этиб намоён,  
Кўрсатмоқчи ўзини шоён,  
Обрўйимга туширди деб доғ,  
Ҳатто шоҳга тушди қалтироғ.  
Холид Аҳмад ибн Зуҳайлий  
Деди: «Ҳали кўрамиз майли.  
Нечун чекай ортиқча миннат,  
Эшигимда қилдирмай хизмат».  
Чопар келиб Ал-Бухорийга,  
Деди: «Ҳазрат, сиз юқорига  
Айлагайсиз лутфу марҳамат,  
Амиримиз чекмасдан заҳмат,

Ҳеч маҳалда сарбозу миршаб,  
Буйруқ бўлса ўтирмас ўйлаб.  
Ё чопади, ё эгар маҳбус,  
Фойда бермас кейинги афсус.  
Адолатни билиб устувор,  
Иш тутмагай ҳар бир ҳукмдор.  
Ал-Бухорий парвойи палак,  
Деди: «Шундоғ кажрафтор фалак».  
Амир билан қилармиди жанг,  
У ноилож жўнади Хартанг —  
Самарқандда бир гўзал қишлоқ,  
Ҳам хушҳаво, ҳам эди овлоқ.  
Бўлиб унда дўсту ёрлари,  
Ҳар соҳада мададкорлари,  
Ҳеч нарсага бўлмасдан муҳтож,  
Яшади у ишида ривож.  
Буюкларни айлашар қувғин,  
Шоирми у ё пешвойи дин.  
Ҳар ўлкада бўлар битта шоҳ,  
Ўзни санар сояйи Оллоҳ!  
Чиқса агар муносиб рақиб,  
Дарҳол уни айлагай таъқиб.  
Кулиб улуғ зотларга омад,  
Айламаса шоҳга хушомад,  
Тождорликни истамаса ҳам,  
Бадгумон шоҳ айлагай ситам.  
Қобиғига ўралганда шоҳ,  
Кўп нарсадан бўлолмас огоҳ.  
Атрофида ҳозир-нозирлар,  
Мушовиру махсус вазирлар.  
Бўлмаса гар одил, мўътабар,  
Истагандай етказар хабар.  
Бўхтонми у ёки ҳақиқат,  
Шоҳ қўл қўяр фармонга фақат.  
Ўйлашнинг ҳам йўқдир иложи,  
Халал берар бошида тожи.  
Ҳақми, ноҳақ этмагай тафтиш,  
Унинг учун ортиқча бу иш!  
Ҳам йўқ унда хоҳишу фурсат,  
Бераверар қўл силкиб руҳсат.  
Умри ўтиб кайфу сафода,  
Қолаверар айбсиз жафода.  
Оёғидан чалганда ажал,  
У дунёга боргани маҳал,

Осий шоҳлар тушиб нтобга,  
Қолишгайдир қаттиқ азобга.  
Беғамликдан ҳар бир чалкашлик,  
Туғилади ҳам дилда ғашлик.  
Амирми ё ҳукмдор ҳоким,  
Адолатли бўлмаса токим,  
Мулозимлар бўлиб порахўр,  
Шўрвасига тўкилади шўр.  
Бурди кетиб, бўлиб шарманда,  
Бу дунёдан кетар армонда.  
Охиратда беради жавоб,  
Нима қилди, гуноҳми, савоб?!  
Уламою фозиллар ҳаргиз,  
Молу мулк деб чўкмагайдир тиз.  
Чекинмагай улар ҳеч қачон,  
Ҳақ йўлида бўлса ҳам қурбон.  
Тарих гувоҳ бундай зотларга,  
Ҳам турфа хил мўъжизотларга.  
Пайғамбарнинг ортиб ташвиши,  
Ғазот чоғи синган бир тиши.  
Бўлса ҳамки ўлими аён,  
Қайтмас эди Сарвари жаҳон,  
Ҳақ йўлида мард кўкрак кериш,  
Шаҳид бўлиб ҳамда жон бериш.  
Ҳар бир мўъмин-мусулмонга фарз,  
Авалло бу ҳам инсоний қарз.  
Тахтга чиққан ҳар жоҳил гумроҳ,  
Бўлавермас сояйи Оллоҳ!  
Ёғилмаса Оллоҳнинг нури,  
Ҳам бўлмаса ақлу шуури,  
Раиятнинг шўри у султон,  
Тожу тахти бўлажак яксон.  
Жудо бўлар охири бахтдан,  
Ёғоч отга кўчар у тахтдан.  
Ўзга келиб ёки дегай тур,  
Ҳеч бир подшоҳ бўлмасин мағрур.  
Қайтиб олар не берса Оллоҳ,  
Охиратдан сўрагил паноҳ.  
Бу беш кунлик дунёда банда,  
Ҳақдан кечиб бўлма шарманда.  
Нима бўлди Ҳомуну Ҳомон,  
Қорун мулки кетди қай томон?!  
Бергувчи не айтиб олади,

У дунёда олгай мукофот.  
Неку бадлик, гуноҳу савоб,  
Ҳеч бириси қолмас бежавоб.  
Зухайлийдек тождорлар бисёр,  
Охиратда бўлар хору зор.  
Бу сўзимга «Ҳадис» кафолат,  
Қилмаса гар шоҳлар адолат,  
Бўлар мангу дўзахга маҳкум,  
Бу дунёдан ўтганда маҳрум.  
Илму динга фидо ҳар азиз,  
Ҳақ лутфига етгай шубҳасиз.

\* \* \*

Ал-Бухорий тенгсиз мўъжизот,  
Ундай зотни даҳру коинот,  
Қўрганидан бўлди фархунда,  
Қайта ундоқ Рубъи маскунда.  
Туғилмади улкан муҳаддис,  
Олти юз минг у билган ҳадис.  
Ишончлидир кўз қорасидай,  
Иймонли дил бир порасидай.  
У дунёни тўлдирди дурга,  
Ераб гўрин тўлдиргил нурга.  
Бу заҳмату эзгу дуодан,  
Савоб қайтгай қодир худодан,  
Ҳақ йўлида жони фидомиз,  
Дилда ниҳон бор илтижомиз.  
Одам каби қўшди қаторга,  
Айланмайлик тўнғизу морга.  
Ё чувалчанг этса нетардик,  
Ер тагига кириб кетардик.  
Қилганида ё қора қарға,  
Хунук бўлиб тушиб назарға,  
Яшасак ҳам оламда минг йил,  
«Қағ-қағ»— дея бўлмаса гар тил,  
Ё этсайди хачирми, эшак,  
Юк ташишда ўлардик бешак.  
Садафдаги дурдир ҳар инсон,  
Яратганга шукур ҳазорон.  
Унга олқиш, унга тасанно.  
Айлагаймиз ундан таманно.  
Хор этмагил, зиёда қилгил,  
Бахтли икки дунёда қилгил.  
Қимки Ҳаққа этмас шукрона,

У ё кофир ёки девона.  
 Одамшакл тўнғиз мижозлар,  
 Ё урёнваш нопок таннозлар.  
 Ҳамда бадфеъл, кирдори чаён,  
 Бор чақарки илондан ёмон.  
 Ҳам зарпараст кўзи ҳарис танг,  
 Зотлар бордир мисли чувалчанг.  
 Билмоқ бўлсанг улар кирдорин,  
 Бошдан-оёқ бутгани қорин.  
 Қағиллаган турқи совуқ кас,  
 Қаргадан ҳам эрур шумнафас.  
 Харобада минг йилки бойқуш,  
 Шоҳ санагай ўзни гадойқуш.  
 Турмушлари мунглию тахир,  
 Эзлишиб мисоли хачир,  
 Одамлар бор ҳар бир гуруҳда.  
 Баъзи харлар ҳатто шукуҳда,  
 Фарқ қилмагай мочаларидан,  
 Хўтиklarнинг очаларидан.  
 Оллоҳ этиб азиз, мукаррам,  
 Иймон берган ҳақиқий одам.  
 Ҳар кун беш бор ўқигаёй намоз,  
 Берганига қўнар демай оз.  
 Рўза тутиб бергайдир закот,  
 Эслаб тургай Оллоҳни бот-бот.  
 Бўлса имкон қараб чўнтакка,  
 У ҳаж учун боргайдир Макка.  
 Тавоб қилгай Каъбатуллони,  
 Қозонгайдир меҳрин Оллоҳни.

\*     \*     \*

Одамларнинг фахр-ифтихори,  
 Уламози эди Бухорий.  
 У дин учун айлаган хизмат,  
 Ва ундаги илоҳий қисмат,  
 Орзуйида ҳар муслим ғариб,  
 Яратгандан сўрайди насиб.  
 Барчамизга пок парвардигор,  
 Ўзи бўлгай таянч мададкор.  
 Ким бўлса гар фожир, мунофиқ,  
 Бермаса гар иймону тавфиқ,  
 Оқибатда унга мутлақо,  
 Ҳақ фазлидан етмагай зиё.  
 Аввал Худо, кейин жону тан,



Инсон учун сўнг азиз ватан.  
Бўлмаса гар виждону иймон,  
Ватанини севмагай инсон.  
Севганидай Ҳақ ва ватанни,  
Севганидай жон ила танни,  
Севсин инсон ота-онани,  
Боғу роғу турар хонани.  
Кошонани қилмасин орзу,  
Ҳар жойда бор тошу тарозу!  
Ҳирси ошмай соатма-соат,  
Топганига қилсин қаноат.  
Йироқ бўлсин ундан ҳарислик,  
Ҳам қилмасин зинҳор хасислик.  
Шукр этайлик меҳнатсаройда,  
Ҳам қиссамиз тугаб шу жойда,  
Азизларнинг азизларидан,  
Расулуллоҳ ҳадисларидан,  
Келтирамиз Имом Бухорий  
.Лутф этгандай табъи юқори.  
Эзгуликнинг бўлиб дилхоҳи,  
Давомидан «Ишқи илоҳий»,—  
«Маънавият гултожи»— яъни,  
Ҳар сатрида жўш уриб маъни.  
Ҳадислардан Назмул-жавоҳир,  
Бўлгай азиз китобхон зоҳир.  
Жисми бўлак гар икки китоб,  
Бир маънода этилган хитоб.  
Ёзилмасдан бу иккиси ҳам,  
Расулуллоҳ Сарвари олам,  
Ҳақларида ёзилиб дoston,  
Бўлган эди кўнглим шодумон.  
Пайваст унга бу икки асар,  
Ҳақ лутфига этсин муяссар.  
Тўқсон олти ийди рамазон,  
Куни битди бу мўъжаз дoston.  
Хатми китоб, дўсти азизлар,  
Келтирамиз шеърӣ ҳадислар.

\* \* \*

Ота-она ҳолидан хабар,  
Олиб киши бўлса мўътабар,  
Савоб етар кўп беандоза,  
Беҳишт очгай икки дарвоза.  
Гар улардан бирини тавоб

Айласа ҳам олади савоб.  
Ҳақ лутфининг йўқ андозаси,  
Очилгайдир бир дарвозаси.  
Икковин ҳам қилмай зиёрат,  
Гар етказса бахтига ғорат  
Саналгайдир бу оғир гуноҳ,  
Кечирмагай у зотни Оллоҳ.  
Ота-она бўлмаса рози,  
Етмас унга Ҳақнинг ниёзи.  
Қилса ҳамки тавба-тазарру,  
Ота-она кечирмаса у,  
Ғам ўтида юраги кабоб,  
Оқибатда чекади азоб.

\* \* \*

Ота-она эрур муътабар,  
Фарзандини ранжитса агар,  
Ё улардан жафою жабр  
Етса этсин фарзандлар сабр.  
Ҳам уларни кўтарсин бошга,  
Қиёс этсин ою қуёшга.  
Бу ҳаётдан кўз юмиш оғир,  
Ўзгармагай не бўлса тақдир.  
Яшагайсан шоду бехатар,  
Ота-онанг рози бўлса гар.  
Мева бўлса фарзанди хушбахт,  
Ота-она мисоли дарахт.  
Савоб-ла юв гуноҳ, хатони,  
Ҳурмат қилгил ота-онани.

\* \* \*

Дуо олгай десанг мазлумдан олгил,  
Ёки мусофири маҳрумдан олгил.  
Ҳамда ол отаю-онадан дуо,  
Ижобат бўлгайдир учаласи то.  
Шундоқ деб айтмишлар Расули Оллоҳ,  
Бўлинг аҳли ислом бу гапдан огоҳ.  
Раҳматлар ёғилсин унга беқиёс,  
Абу Ҳурайрадан ушбу иқтибос.

\*

«Ким бўлса агарда ёвуз ва жоҳил,  
Зинокор, ғадамис ҳам эрса қотил,

Жаннатга кирмагай у зот мутлақо»,—  
Деб айтмиш Пайғамбар Расули Худо.

\* \*

Расулulloҳ шундай қиларкан дуо:  
«Ёмон қўшнилардан, эй қодир Олло,  
Менга паноҳ бергил, қилмагил дучор,  
Улардан етгай кўп жафою озор.  
Кўчиб қутулгайсан, ботиб заҳматга,  
Бу ҳар бир мўминга тушар қимматга»,—  
Абу Ҳурайрадан ушбу ривоят,  
Савобга қолгайдир соҳибҳикоят.

\*

«Биродари учун ҳар мўмин кўзгу,  
Унга боқиб ўзин айлагай хушру.  
Юритиб таълимий йўсинда фикрат,  
Бўлиб яхши хулқи, иши-ла ибрат.  
Адашгани қўймас мўминни мўмин»,—  
Бу эрур каломи Пайғамбари дин.

\* \* \*

Абу Ҳурайрадан шу янглиғ хабар,  
Расулulloҳ сўзи эрур муқаррар:  
«Токи бўлмасангиз мўмин мусулмон,  
Жаннатга кирмайсиз билинг ҳеч қачон.  
Узаро севишиб, қўйиб муҳаббат,  
Яшангиз қадрдон дўсту ҳамжиҳат.  
Одоб-ла ошкора берингиз салом,  
Меҳр ила доимо бўлинг хушкалом,  
Ора бузилади қилсангиз жаҳл,  
Бўлмангиз динсизлар каби ноаҳил.  
Ғазаб кемиради юҳодек дилни,  
Заҳарлиғ тиг мисол айламанг тилни.  
Бўлсангиз хушхулқу покдил, мулойим,  
Сиз билан биргадир доим худойим».

\* \* \*

Дур каби сўзини айлаб мухтасар,  
Шундоғ дер Абдуллоҳ фарзанди Умар:

«Покиза таом е, бўл бодиёнат,  
Асло омонатга қилма хиёнат.  
Рост сўзла, ҳеч қачон гапирма ёлғон,  
Бўлса шу тўрт хислат сенда намоён.  
Орзу-ҳавасларга етмаган одам,  
Ўткинчи дунёда қайғурма ҳеч ҳам.

\* \* \*

Ҳикоя айлагай Абдуллоҳ Масъуд,  
Шундоғ деб лутф этмиш Расули Маъбуд:  
«Қаззобу фирибгар қолгай лаънатга,  
Рост сўзу эзгулик бошлар жаннатга.  
Ихлос билан ҳақни гапирса киши,  
Оллоҳ ҳузурида ўнгланиб иши,  
Сиддиқ деб ёзилар ростгўй бегумон,  
Бўлар охиратда мушкули осон.  
Қим бўлса ғаламис, бузуқи, фожир,  
Дўзахга тушади иложсиз охир.  
Алдаманг жўрттага ё айлаб ҳазил,  
Оқибат ёлғоннинг таги бўлар зил.  
Мушригу ўтрикчи бахтсиз номурод,  
Оллоҳ ҳузурида кўрмагай имдод.  
Қилгай бу дунёда айшу таралло,  
Ўлса гуноҳини кечирмас Оллоҳ».

Шундоғ ҳикмат айтмиш Расули Оллоҳ,  
Анас ибн Молик деди дилоғоҳ:  
«Яшангиз уюшиб дўсту беғараз,  
Ўзаро қилмасдан гинаю араз,  
Бўлмасин орада иғвою фасод,  
Бахилликдан ҳаргиз қилмангиз ҳасад.  
Кек сақлаб юришлик ярашмас мутлоқ,  
Ака-ука каби бўлингиз иноқ.  
Уч кундан ошса гар арази ёмон,  
Оға ё инига ҳар бир мусулмон».

\* \* \*

Имом Лайс ҳазрати этмиш ҳикоят,  
Абдуллоҳ Аббосдан ушбу ривоят,  
Бу ҳадис тегишли Расулulloҳга,

Гумоним, қолгани аён Оллоҳга:  
«Ҳар инсон жисмида айтсак гап чўғин,  
Бор уч юз олтмишта сўнгаку бўғин.  
Одам шу сўнгаку бўғинлар учун,  
Садақа қилмоғи лозимдир ҳар кун.  
Бир ширин калом ҳам эрур садоға,  
Ё ёрдам берилса хору гадоға.  
Ёинки бир қултум сув узатилса,  
Бузилган кўприкча ё тузатилса,  
Ё олиб ташланса йўлакдаги тош,  
Бирор ногиронга ё бўлсанг йўлдош.  
Ёнингдан бермасанг ҳамки бир чақа,  
Савоб қилмишларнинг бари садақа».

\* \* \*

Ҳазрат Абу Дардо қилурлар баён,  
Расулulloҳ демиш худога аён:  
«Ким бўлса хушхулқу гўзал, мулойим,  
Оллоҳ уни хушнуд айлармиш доим.  
Ким дағал бўлса гар ҳақдан йироқдир,  
Топгани оқибат жабру фироқдир.  
Ҳалиму меҳрибон соҳибсаодат,  
Фақат яхшилиқни айлағай одат.  
Қиёмат қўпганда охири замон,  
Гўзалхулқ кишига бўлғайдир осон,  
Эзгулик посанги босиб тарозу,  
Ушалар у қилган абадий орзу.  
Қайғу ва кулфатни билмай кетар у.  
Яратган васлига охир етар у.

\* \* \*

Расулulloҳ ривоят айламиш чун,  
Амал қилган бўлар доим ҳумоюн:  
«Бирор бемор ҳолини сўрса инсон,  
Ёғар ҳақ раҳмати ул зотга шоён.  
Утирса ёнида беморни ул гар,  
Бўлар ҳақ раҳматига чун муяссар.  
Зиёрат айламакка шошгил эй дил,  
Эса бемор агар ҳар дўсти фозил.  
Қўлингдан келса дардмандга даво бер,  
Шифо чун хоки пойи Мустафо бер!»

\* \* \*

Яратган Оллоҳга шукри беҳисоб,  
Этди элчисига зоҳиран хитоб:  
«Ёпинғичи билан кўксини дарҳол  
Тўссин, амрим шудир ҳар муслим аёл».  
Ойиша Оллоҳнинг лутфига нойил,  
Шундоғ зикр этганлар меҳрга мойил:  
«Оллоҳ раҳмат қилсин, илк муҳожирлар,  
Муслима аёллар поку тоҳирлар.  
Оллоҳнинг амридан саодат топган,  
Чойшабларин йиртиб кўксини ёпган».

\* \* \*

Охирига етди иккинчи китоб,  
Бўлсин ўқигану битганга савоб.

1996 йил 21 февраль

## МАЪНАВИЯТ ГУЛТОЖИ

### Оллоҳга илтижо

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм,  
Кушойиш бер; эй улуғ ҳақим.  
Меҳрибон Оллоҳга хитобим,  
Номинг-ла бошланди китобим.  
Мададлар сўрайман ўзингдан,  
Иқтибос олурман сўзингдан.  
Йўқни бор айлагай тафаккур,  
Пок номинг дилимга бериб нур.  
Улуғлар кўйида гадоман,  
Оламга ноаён садоман!  
Одами Атонинг ўлиман,  
Яратган Оллоҳнинг қулиман.  
Ҳар ишда айтганим «бисмилло»,  
«Омин»дир сўнг сўзим ҳам илло.  
Бугун йўқ дилимда ғам, алам,  
Илкимда титрайди лек қалам.  
Азизлар номининг сеҳридан,  
Иймону эътиқод меҳридан,  
Дилимда ҳаяжон беҳисоб,  
Ез дея айлагай кўп итоб.  
Сўзлардан таралиб хуш жаранг,  
Қофия келмоқда қилмай танг.  
Сўнмасин илҳомим, қаловим,  
Ёндими, ўчмасин оловим.  
Бир гўзал манзума яралсин,  
Таърифи дунёга таралсин.  
Бўлгайдир илоҳий ишқ номи,  
Назм ўлди Пайғамбар каломи.  
Гуноҳим афв этсин сўз шоҳи,  
Айласин улуғлар ҳамроҳи!

\* \* \*

Ҳазрати Пайғамбар Расули Акрам,  
Сўзи ғамгин дилни ёритар чун шаъм:  
Амалга яраша эътибор

Бериб, ҳам айлагай бахтиёр.  
Мурудга етгайдир ҳар киши,  
Истаса осондир ҳар иши.  
Бар ҳақи Худою Пайғамбар,  
Маккадан Мадина борса гар.  
Уларга ёғилиб савоби,  
Бўлгайдир Оллоҳнинг жавоби.  
Етгайдир айлаган ниятга,  
Қолмагай музтару уятга.  
Аёл деб борса гар хаёлга,  
Шубҳасиз эришар аёлга.  
Дунёю бойлик деб борса гар,  
Барига бўлгуси муяссар.  
Оллоҳнинг даргоҳи кенг эрур,  
Унда шоҳу гадо тенг эрур.

\* \*

Расулulloҳ яна келтирар мисол,  
Эрурсан аҳли фаҳм, дилда сақлаб қол.  
Дину диёнатнинг эрур офати,  
Илмсиз шайхларнинг хом маслаҳати.  
Илмга қилмаса амал ҳар олим,  
Ҳамда бўлса у юрт подшоҳи золим.  
Учовидан динга катта зиёндир,  
Эл харобу юрти тарож-талондир.  
Уч нокасан ўзинг асрагил доим,  
Элу юртимиз тинч бўлсин, худойим.

\*

Эсдан чиқармоқлик илм офати,  
Ургатма кимни йўқ унга рағбати.  
Истамаганларга ўргатиб зинҳор,  
Илмни беҳуда айламагин хор.

Расулulloҳ эрур подшоҳи олам,  
Лекин дедиларки чун оддий одам:  
«Ўлтириб қилгайман овқат танавул,  
Сизга Пайғамбарман, яратганга қул».

Доим мунофиқлик белгиси учдир,  
Кимдаки бу хислат, ёнғоғи пучдир.  
Аввало ваъдага хилоф айламак,



Сўнг ёлғон сўз ила кўп лоф айламак  
Ҳамда омонатга қилмак хиёнат,  
Бу ишни қилмагай аҳли диёнат.  
Барчамизга берсин Оллоҳим тавфиқ,  
Бўлмайлик ҳеч қачон бадбин, мунофиқ!

\*

Боргил чақирилган жойларга доим,  
Сурбетни хуш кўрмас билки худойим.  
Чақирса ҳам бориб сақлагил ҳурмат,  
Асло талаб қилма ортиқча неъмат.  
Атойи худойим гарчи меҳмондир,  
Ноўрин келгани кони зиёндир.  
Ҳам талаб айласа хамр ила шароб,  
Бундай нокасларни қув бўлмай хароб.  
Оллоҳнинг йўлига ёзсанг дастурхон,  
Савобдир исломий йўсинда ҳар он.  
Майхўр, мушрикларни чақирма зинҳор,  
Келса ҳам уларга берма эътибор.

Қилмоқчи бўлсанг гар хайру саховат,  
Ўзингдан бошлагил, шу яхши одат.  
Авалло ўзинг тўй, сўнг оилангга,  
Бергил ортганини ота-онангга.  
Қариндош уруғу дўсту ёрларга,  
Сенга бу оламда мададкорларга.  
Ортса улардан ҳам қилмай хасислик,  
Бергил бошқаларга топиб азизлик.  
Тўрт кунлик дунёда этиб имтиҳон,  
Оллоҳ сенга бериб айлаган боён.  
Бордир бу каломда улуғ бир маъни,  
Дунёни титратган тождорлар қани?  
Бир умр дунёни айлашиб талон,  
Кетдилар, қолмади улардан нишон.

Худо ёлғиз дея қилсанг тавалло,  
Мададкоринг бўлар, билгилки, Оллоҳ!  
Муножат айласанг гар сидқидилдан,  
Халос бўлса руҳинг гар обу гилдан,  
Расулуллоҳ гувоҳу ҳам буюргай,

Мусулмон бандалар жаннатга киргай.  
Шиоримиз «Ла илаҳа Иллаллоҳ»,  
Ўзингсан якка-ёлғиз Ҳақ таоло!

\*

Гуноҳкор бандага бергил шафоат,  
Нури ҳуснинг хаёли дилга роҳат.  
Бу оламда яшаб тўймайди ҳеч кўз,  
Сабаб: килкинг яратган сени бесўз.  
Камина бу қулингни бахтга ёр эт,  
Висолинг кўчасида бир ғубор эт.

Гарчи рухсати бор, гарчи ҳалолдир,  
Бу сўздан дилларда лекин малолдир.  
Оллоҳга хуш ёқмас, эй оғзи шалоқ,  
Ҳаргиз хотинингни қўймагил талоқ.  
Оғиз бўшлигидан чиқиб бир калом,  
Бўлар онласи кишининг ҳаром.  
Баъзилар топишиб турли баҳона,  
Никоҳлаб олишар қайтадан яна.  
Уч талоқ қўйилса башарти агар,  
Қайта никоҳламоқ саналмагай шаррў.  
Оғзига етмаса кучи одамнинг,  
Садқаси кетсин ул ёри маҳрамнинг.  
Эй худо, бўлса гар ҳар муслим банда,  
Ҳеч маҳал айлама уни шарманда.  
Бахту саодатин этгил зиёда,  
Орзу муродига етсин дунёда.  
Камина қулингни айла ҳидоят,  
Ўқиса иштибоҳ бирла гар оят.  
Шукр, туғилсам ҳам машъум замонда,  
Ислом нури дилда, иймони жонда.

\*

Ашаддий душманлик қилгувчи одам,  
Оллоҳ таолога хуш ёқмас ҳеч ҳам,  
Яъни ўзгаларга қилганда қиёс,  
Унга кам етади раҳмати ниёз.  
Бўлмасин у мушрик ёки мусулмон,  
Ашаддий душманлик қилмоқлик ёмон.  
Бировдан ўтса гар кечирмоқлик соз,  
Шарт эмас, албатта, кек ила қасос.

Бировдан мен жабр кўрган маҳалим,  
Эй худо, айлагил, меҳрибон, ҳалим!

\*

Самода не учун ойнинг бағри доғ,  
Тўлишиб озаяр, бу қандай сабоғ?!  
Осмоншунос олим билгайми сирин,  
Ё бари ўзингда эрур яширин?!  
Бу фоний дунёда кўп сир-синаот,  
Унда қоришиқдир ғам ила роҳат!  
Самода шамъ каби милтирар анжум,  
Осмоннинг ўзи бир юлдуз тўла хум!  
Учар юлдузларинг аҳёну аҳён,  
Фақат унинг сири ўзингга аён!  
Дерлар бирор одам бўлганда марҳум,  
Самодан юлдузи бўлар эмиш гум.  
Бу содда одамлар ўйлаб топган гап,  
Кечир гумроҳларни адашса эй Раб!  
Мен ҳам бир адашган банданг қатори,  
Дилимда ўтмишнинг ғаму ғубори.  
Ешликда хатолар бўлгайдир содир,  
Беайбу бегуноҳ яратган қодир!  
Инсон элу юрт деб бўлса фидокор,  
Мағфират айлагай пок Парвардигор!

\*

Эй инсон бир бўлсин иш билан сўзинг,  
Бу фоний дунёда тўймагай кўзинг.  
Ўзингга кифоя қилса-да молинг,  
Юз бор кўпроқ сўраш сенинг аъмолинг.  
Оз бўлса қаноат қилмайсан аён,  
На кўпга тўясан ахир, эй инсон!  
Билки тани-жонинг агар соғ бўлса,  
Бир кунлик емишинг, вақтинг чоғ бўлса.  
Яшасанг осуда, тинч ва хотиржам,  
Ўзинг бил, эурсан подшоҳи олам.  
Молу дунё дея қилмагил парво,  
Ўзи паноҳида асрагай Худо!

\*

Ҳар уйда туғилса агар қиз фарзанд,  
У ҳам бегонамас, эрур жигарбанд!  
«Бировнинг хасми» деб айтмоқлик бекор,  
Араблар Ислождан бурун қилиб ор,

На ўйлаб фарзанд деб хаёлга чўмган,  
Қиз бола туғилса тириклай кўмган.  
Онанг ҳам бир маҳал бўлган ахир қиз,  
Қиз фарзанд кўрганда ранжима ҳаргиз!

\*

Оллоҳ мадад берсин сизга ҳар ишда,  
Машғул бўлсангизлар гар қурилишда.  
Шаҳар биноларинг баландроқ қуринг,  
Хушнуд яшаб ҳаёт гаштини суринг.  
Масжидларинг эса пастроқ бўлсин сал,  
Иймон-этиқодда бўлинг мукаммал.  
Расулуллоҳ шундоқ бермиш маслаҳат,  
Унга амал қилмоқ савобдир фақат.

\*

Бир кун пайдо бўлиб ҳазрат Жаброил,  
Расули Оллоҳга дедилар шу хил:  
«Яша, истаганча, ўлгувчидирсан,  
Сев, лекин бил, жудо бўлгувчидирсан.  
Хоҳлаган ишингни айлагил бажо,  
Ушанга яраша оласан жазо.  
Агар савоб бўлса етгай мукофот.  
Бўлса гуноҳ ёғар бошингга офат».  
Билки мўмин учун тун бедорлиги,  
Шарафдир Оллоҳга бўлса ёрлиги.  
Ҳам тамаъ қилмаган топар эътибор,  
Шу икки одамга Оллоҳ бўлгай ёр.

\*

Бўлса етимларнинг гар мерос моли,  
Тижорат айлангиз уни баҳоли.  
Ҳаракатда бўлиб кўпайиб турсин,  
Молнинг эгасига кейин буюрсин.  
Ундан бериб ҳар хил садақа, закот,  
Молини тугатиб қўймангиз ҳайҳот!  
Етимлар мулкани ким этса хароб,  
Билсин охиратда бергайдир жавоб.

\*

Истасанг бўлгайдир қалбинг мулойим,  
Этар ҳожатингни раво худойим.  
Агар етимларга бўлсанг меҳрибон,  
Бошини силасанг бериб парча нон.

Ширин сўзинг билан дилга қўй малҳам.  
Эзгулик кўйида юрса ким агар,  
Ҳар икки оламда бўлгай бехатар.

\*

Мазлум қарғишидан сақланинг ҳайҳот,  
Гарчи у бўлса ҳам кофир, бенажот,  
Унинг дуоси-ла бу баҳру барда,  
Оллоҳ ўртасида йўқ асло парда.  
Худого баробар барча ғуломи,  
Ўзига боғлиқдир меҳру инъоми.  
Истаса хор қилиб қоради хокка,  
Истаса кўтарар чархи афлокка.  
Шукр ила этамиз донм илтижо,  
Ўзинг оҳимизга етгайсан Худо!  
Мўмин кишига ҳеч қилманг истибдод,  
Оллоҳ нури билан қарагай у зот!  
Жоҳилона қанча айламанг зуғум,  
Бефойда барибир сиз қилган ҳужум.  
Етиб мўминларнинг арзу оҳига,  
Парвардигор сақлар ўз паноҳида.

\*

Қиёмат кунида икки кишини,  
Яратган ўнгламас билсанг ишини.  
Қарамас раҳмати назари билан,  
Уларким қариндош-жигари билан,  
Тўрт кунлик дунёда кетса узилиб,  
Арзимас нарсага ора бузилиб,  
Ёмон қўшни эрур иккинчи гуруҳ,  
Улар ҳам оқибат бўлгай бешукуҳ.  
Шу боис ақлингни ишлат эй банда,  
Охират кунида бўлмай шарманда.  
Қариндош-уруққа бўлгил ҳамнафас  
Ҳамда қўшниларга озор берма, бас.  
Насибанг бўлгайдир равзан ризвон,  
Оллоҳга хуш ёқсанг агар, эй инсон!

\*

Икки киши эрур ёлғиздан афзал,  
Учу тўрт ундан соз билсанг ҳар маҳал.  
Кўпчилик бўлсангиз ундан ҳам аъло,  
Менинг умматимни Оллоҳ Таоло,  
Эзгулик йўлида айлаб ҳамжиҳат,

Доим бирлашишни этган маслаҳат.  
Тоат-ибодату ҳаётда мудом,  
Бирлашинг чин дилдан, эй аҳли Ислом.

\*

Еттита гуноҳдан сақланинг доим,  
Сизни кечирмагай кейин худойим.  
Солиб бошингизга фитна-фалокат,  
Охири келтирар сизга ҳалокат.  
Бўлсангиз агарда сиз юраги чирк,  
Оллоҳ Таолога келтирсангиз ширк,  
Сеҳрли иш билан бўлсангиз машғул,  
Билинги Оллоҳга келмагай маъқул.  
Ҳам ноҳақ бировнинг қатлига етмоқ,  
Билинги, дўзахнинг тубига кетмоқ.  
Қилмасдан бировга зугуму зўрлик,  
Ёмондир қилсангиз лекин судхўрлик.  
Ҳамда етимларнинг молини емоқ,  
Ўзим бу ишлардан алҳазар демоқ.  
Жанг чоғи душмандан бўлсангиз «қуён»,  
Бунинг оқибати билинг кўп ёмон.  
Хоин деб номингиз чиқиб эл аро,  
Шарманда бўласиз ҳар икки дунё.  
Эри бор, мўмина, ифбатли аёл  
Ҳақида қилмангиз ҳеч ёмон хаёл,  
Қим сўкиб, тухмат-ла деса уни ғар,  
Билсинки дўзахга тушар муқаррар.  
Бу етти гуноҳдан сақлан, эй муслим,  
Йўлдан оздиrolмас сени сўнг ҳеч ким.  
Гарчи бу оламда кўп эрур шайтон,  
Гоҳ одам шаклида бўлар намоён.  
Дилингда бўлса гар худойи карим,  
Шайтон сендан қочар етти чақирим!

Бўлса ҳам агарда дастингиз узун,  
Ҳеч кимни ноўрин этманг жигархун.  
Жаҳлу зўрлик ила кўп даврон сурманг,  
Асло одамларни юзига урманг.  
Одамнинг одамга қўл кўтариши,  
Одаммас, умуман ҳайвоннинг иши.  
Неданки қайтарса сизни худойим,  
Барча гуноҳлардан сақланинг доим.

Кимки қилиб қўйса бирорта гуноҳ,  
Тавба қилиб чексин пушаймондан оҳ.  
Оллоҳ пардасига ўзни яширсин,  
Иймону эътиқод йўлига кирсин.  
Кимки ўз айбни очса баногоҳ,  
Унга «Қуръон» ҳукмин қилурмиз ижро.

\*

Гарчи пичоғингиз бўлса ҳам мойда,  
Доим боринг таклиф қилинган жойга.  
Олинг қайтармасдан совға-саломни,  
Рад этманг чин дилдан берган инъомни.  
Фарқланг тўғри сўзу ҳам бўҳтонларни,  
Урманг ҳеч маҳалда мусулмонларни.

\*

Оллоҳга ёқувчи энг марғуб ҳунар,  
Доим ибодату узвий кори шарръ  
Ҳамда тўғрилигу ақли расолик,  
Тавҳиднинг шартию яккахудолик.  
На молу мулк деган майда ташвишлар,  
Доим эзгуликка элтгувчи ишлар.  
Оллоҳга хуш ёқсин десангиз мудом,  
Хайрли ишларни эттиринг давом.  
Оллоҳ Таолога бўлгайдир манзур,  
Тоат-ибодатин айлабон мазкур.  
Аввал дилдан этсанг фарзини адо,  
Сўгин йўлиққанда мусулмон-гадо,  
Ҳожатин чиқариб айласанг шодон,  
Сенга эшикларин очгайдир Ризвон.

Амаллар ичида энг яхши амал,  
Оллоҳ буюргани эрур мукаммал.  
Яхшию ёмон ҳам Оллоҳ қўлида,  
Яхши одамларни Оллоҳ йўлида  
Дўст тутиб ўзинг ҳам доим яхши бўл,  
Эзгулик кўйининг самарбахши бўл.  
Оллоҳнинг йўлида ёмон одамни,  
Ёмон кўр, дилинган аритгил ғамни.  
Майхўру мушрикка бўлма ҳамнафас,  
Бадбин ғаламисдан қоч чиққанда сас.  
Тегмасин то сенга улар офати,  
Етмасин ҳеч қачон бир касофати.

Яхши одамлардан етиб муродга,  
Уларга доимо эргаш ҳаётда!

\*

Оллоҳга исмнинг энг арзандаси,  
Бўлса мазмунида «унинг бандаси».  
Абдуллоҳ дегаймиз, ё Абдуғаффор,  
Муборак исмидан таратгай иффор.  
Ундан сўнг одатда номларнинг зўри,  
Шер ёки кўпинча аталгай Бўри.  
Исмига муносиб бўлиб ҳар жисм,  
Эзгу йўлларида очилсин тилсим.

\*

Оллоҳнинг наздида демасдан «шап-шап»,  
Энг яхши гап эрур айтилса рост гап.  
Уйдирма тўқигай ғийбатчи киши,  
Гапга тўн кийдириш шоирнинг иши.  
Ёлғон сўз бўлмасин қанчалар гўзал,  
Ростдек масалани этолмагай ҳал.

\*

Оллоҳнинг наздида энг муқаддас жанг,  
Золим шоҳга қарши ҳақ сўзни айтсанг.  
Жонидан умиди бўлса гар инсон,  
Ҳақ сўзни золимга айтмас ҳеч қачон.  
Худонинг йўлига тикиб жонини,  
Қилса ҳақиқатнинг ким баёнини,  
Бошини аёвсиз кесса ҳам жаллод,  
Оллоҳдан кўргайдир у зот илтифот.

\*

Оллоҳнинг наздида энг мақбул таом,  
Еса гар қўшилиб элу юрт, авом.  
Қизганиб еса ким Оллоҳга ёқмас,  
У зотга шайтондан ўзгаси боқмас.  
Кўпчилик-ла кўриб таомни баҳам,  
Есанг савоб бўлур доим, эй одам.  
Оллоҳнинг наздида энг яхши банда,  
Асло кўча-кўйда бўлмай шарманда,  
Эзгу иши билан доим бўлса банд,  
Аҳли-аёлини айласа хурсанд.  
Бажарса доимо ислом шартини,  
Бекитиб емаса қази-қартани.



Уғилу қизига бермасдан озор,  
Боқиб меҳр ила этса бахтиёр.  
Аҳлу оиласи бўлса киромий,  
Муътабар саналгай у инсон номн.

\*

Оллоҳнинг наздида яхши хонадон,  
Етимларга бергай паноҳу эҳсон.  
Қилмасдан ортиқча таънаю миннат,  
Доим сағирларга айлагай иззат.  
Кимки бир етимни гуноҳсиз урар,  
Дўзах ичра Молик они қовурар.  
Бўлмасин деса гар фарзандим етим,  
Фарзандидек боқсин етимга ҳар ким.

\*

Эй инсон, не этса сени маҳлиё,  
Уни бошқага ҳам айлагил раво.  
Бү эрур сен учун ўғити ислом,  
Бўлурсан доимо оламда хушном.

\*

Дўстингга ортиқча бўлмагин яқин,  
Бир кун душман бўлиб қолиши мумкин  
Ҳамда камроқ қўйгил унга муҳаббат,  
Бир куни ўрнини олгайдир нафрат  
Ҳамда душманингга бўлма беаёв,  
Дўстлашиб қолиши мумкин гоҳи ёв.  
Эрурсан доно ва гар аҳли комил,  
Оламда доимо бўлгил муътадил.

\*

Манфаат деб чўзса кекирдак кўпроқ,  
Маддоҳлар юзига сочингиз тупроқ.  
Мақтовга ягона Оллоҳ сазовор,  
Нурли кўзгусига юқтирманг ғубор.  
Кимнидир ножоиз мадҳ айладим гоҳ,  
Ўзинг кечиргайсан, эй қодир Оллоҳ!  
Минбаъд юргайдирман ўпкамни босиб,  
Ҳамду саноларга ўзинг муносиб!

\*

Ёғса ҳам самодан баҳор ёмғир, дўл,  
Деҳқончилик қилинг хосияти мўл.  
Ерни шудгор қилиб эксангиз буғдой,  
Кунда қуёш, тунда ҳамдам бўлар ой.

Сочган уруғингиз юз бора ортиқ,  
Бўлгайдир Оллоҳнинг эҳсони тортиқ.  
Ҳам яна эксангиз арпа, шоли, мош,  
Бўлар сизга турфа егулигу ош.  
Бўлгандек ҳар ишда масъул йўриқчи,  
Экинзорларга ҳам қўйинг қўриқчи.  
Деҳқонлар бўлмаса йўқ абадият,  
У бирла тирикдир шоҳу раият!

\*

Қийимингиз бўлсин пок ва озода,  
Ясаниб юринглар мисли шаҳзода.  
Оту уловингиз эгар жабдуғи,  
Бўлсин бамисоли эзгулик туғи.  
Гўзал юзидаги холдек хушсурат,  
Бўлинг ўзгаларга намуна, ибрат.

\*

Аввало сақлангил дилозорликдан,  
Сониян ўзни тут зинокорликдан.  
Иккита оёғинг тек қадам боссин.  
На сени сўйдириб такадек оссин.  
Иккита жағинг ҳам очилган чоғи,  
Қолмасин бир дилда захрининг доғи.  
Гарчи бу дунёда юришиб ишинг,  
Бўлмаса сени ҳеч терговчи кишинг.  
Бақолик мулкига этганда сафар,  
Йўлингда ётади минг хавфу хатар.  
Хотин ва чўрингдан ўзгага зинҳор,  
Кўринма яланғоч гарчи ақлинг бор.  
Маъжусийлар каби кийганда шортик,  
Гуноҳинг бўлади бил яна ортиқ.  
Айниқса аёллар бўлсин иболи,  
Номаҳрамга асло улар висоли  
Бўлмагай насиба ҳирсин уйғотиб,  
Ҳаргиз юрмасинлар гуноҳга ботиб.

\*

Отанг бу оламдан ўтса, эй ўғил,  
Унинг дўстларини ота янглиғ бил.  
Доимо отангни ёд айлагайсан,  
Ҳам отанг руҳини шод айлагайсан.  
Бўлиб бу ишингдан яратган рози,  
Бошингга ёғилар арзу ниёзи.

Йўқ эса Оллоҳга ёқмовчи банда,  
Бўласан беобрў хору шарманда.

Деди Пайғамбари Оллоҳ сафдаман,  
Лекин уч нарсдан доим хавфдаман.  
Золим подшоҳ эса умматларимни,  
Юлдуз сеҳри бузса умматларимни.  
Ишонса юлдузга тақдирдан тониб,  
Дилида куфрона туйғу уйғониб.  
Адашиб Оллоҳга келтиришса шак,  
Менгамас, шайтонга бўлар ҳаммаслак.

\*

Шариатда бордир шу янглиғ аҳком,  
Амир совға олса билингки ҳаром.  
Ҳам эрур исломий ҳукм-талқиндан:  
«Қози пора олса чиқади диндан!»

\*

Умматларим учун мен кўрққан жиҳат:  
Уйқу, дангасалик, айшу майшат  
Ҳамда эътиқодсиз қисматдан нолиш,  
Еб-ичиб меш каби қоринлар солиш.  
Бу ёмон хислатлар кимда бўлса гар,  
Охири ўзининг бошига етар.

Оллоҳу Таоло эмасдир муҳтож,  
Ҳеч кимдан сўрамас у садақа, бож.  
Оллоҳнинг йўлида қилсанг не амал,  
Холис дилдан этсанг бўлади гўзал.  
Масжиду мадраса қурсанг ҳам фараз,  
Дилингда бўлса гар заррача ғараз,  
Билгилки Оллоҳга бўлмайди қабул,  
Миннатни хуш кўрмас соҳибтахайюл.

\*

Дину эътиқодда бўлсанг устувор,  
Билгилки етмагай сенга ҳеч ғубор.  
Сидқу ихлос ила бурчингни бажар,  
Сенга кифоя шу фарзанди башар.  
Ким холис динига айласа хизмат,  
Билки, охиратда кўради иззат.

\*

Бўлса хизматингда сени ким агар,  
Билиб қўй у эрур сенга биродар.  
Булар ҳам Оллоҳнинг иноятидир,  
Қулга хўжасининг кифоятидир.  
Кимнинг биродари бўлса қўлида,  
Эзгулик айласин худо йўлида.  
Эдирсин унга ҳам еса не таом,  
Кийдирсин не кийса унга батамом.  
Тиқмасин бошини кўп ташвишларга,  
Асло буюрмасин оғир ишларга.  
Мабодо буюрса оғир ишга ҳам,  
Кучи етмаганда айласин ёрдам.

\*

Берилса сизга гар моли омонат,  
Қайтаринг сиз уни сўралган соат.  
Асло омонатга хиёнат қилманг,  
Ё алдаб бировнинг молини шилманг.  
Хиёнат этса гар сизга бирор зот,  
Хиёнат айламанг сиз унга ҳайҳот.

Бўлса имконингиз биринчи карра,  
Мусулмон кишига урмангиз дарра.  
Олмасдан қийнабон ўлпону божин,  
Банддан бўшатингиз топиб иложин.  
Кечириб гар хато қилса шаҳриёр,  
Қийнаб янглишгандан яхшидир минг бор.  
Мўмин-мусулмоннинг қадрига етинг,  
Оллоҳнинг йўлида жонбозлик этинг.

Улуғлар қилса гар адашиб хато,  
Уларни кечиринг бермасдан жазо.  
Шубҳа-гумон билан ҳеч кимга зинҳор,  
Исботи бўлмаса бермангиз озор.  
Қонуний жазога бўлса мустаҳиқ,  
Подшоҳми ё гадо майли тортинг тиғ.  
Ҳар неки буюргай пок Парвардигор,  
Унинг амрин доим бажармоқ даркор.  
Шошилма, бировга қазгали қабр,  
Оллоҳ хуш кўради ким қилса сабр.

\*

Гўзал хулқ айлади Парвардигорим,  
Ҳар ишда то келса менинг барорим.  
Унинг тарбияси айлабон машҳур,  
Бўлдим умматларим лутфига манзур.  
Кулгайдир доимо бахту саодат,  
Ҳар бир умматимга қилса ибодат.  
Ҳам бўлса хушхулқу ҳалим, мулойим,  
Арзанда айлагай уни худойим.

\*

Чин дилдан ишониб Ҳақ Таолога,  
Кейин қўлларингни очгил дуога.  
Ғафлатда бўлса қалб зор-илтижоси,  
Ижобат бўлмагай ҳаргиз дуоси.  
Оллоҳга ҳамиша ёлворгил дилдан,  
Сўнг этгил ошкора арзингни тилдан.  
Шубҳасиз дуойинг бўлиб ижобат,  
Яратган айлагай сени шафоат.

\*

Мулку давлат берса сенга худойим,  
Кўриниб турсин у ошкора доим.  
Оллоҳ хуш кўради берган давлати,  
Бўлса бандасининг кўрку савлати.  
Берган неъматини-ла фаровон, мақбул,  
Бўлса гар бандаси кўради маъқул.  
Яратган хуш кўрмас ким бўлса ҳақир,  
Ё атай ўзини кўрсатса фақир.  
Яратган қилдими сени зиёда,  
Яшагин одамдек ёруғ дунёда.  
Солма хасисликдан ўзни гадоға,  
Аксинча айлагил эҳсон, садоға!

\*

Сўрса ёв томондан биров омонлик,  
Уни ўлдирманг ва қилманг ёмонлик.  
Эҳтимол, бўлгай у дўсту қадрдон,  
Оллоҳ жазосини бергай гар ёмон.  
Шу боис бандасан, дилингни кенг қил,  
Оллоҳ бандасини ўзингга тенг бил.

\*

Яхши ва ёмонлик эрур нуфуздан,  
Эзгуликни кутинг чиройли юздан.

Ким бўлса агарда хунук ва бадҳол,  
Турқу қилмишидан етади малол.  
Чирой ва хулқда ким бўлса мукамал,  
Қилган иши бўлар шубҳасиз гўзал.

\*

Кимга насиб бўлса амали қози,  
Бўлсин қилмишидан фуқаро рози.  
Қўзиб турган чоғи жаҳлу ғазоби,  
Ҳукм чиқармасин асло асабий.  
Бериб ўзларига жабр қўрган тус,  
Арзга келганида ҳар бир ғаламус.  
Ё келса кимлардир айлаб хусумат,  
Қилмишлари бўлса иғвою тухмат,  
Ҳалол одамларга етказмай зарар,  
Қози барчасига бўлсин баробар.  
Ким томонда бўлса агар ҳақиқат,  
Шаръий асосласин қозилар фақат.  
Имо-ла кўз қисиб айласа ишва,  
Диндан чиқар агар сўраса ришва,  
Манфаат йўлида иш тутса қози,  
Яратган бўлади ундан норози.

\*

Менга юборсангиз агарда чопар,  
Бўлсин исму юзи чиройли лобар.  
Исми шарифини этганда баён,  
Юзидан бўлади кимлиги аён.  
Иши ҳам юзидек гўзал бўлади,  
Гўзалларнинг сўзи асал бўлади.  
Кимга ҳусну чирой берса худойим,  
Эзгулик йўлида юрсин у доим.  
Билгилки гўзаллик бутун давлатдир,  
Ясан-тусан эса қуруқ савлатдир.

\*

Хўжайинга ошпаз келтирса таом,  
Уни ҳам ёнига чорласин хушком.  
Агар истамаса бир-икки ошам,  
Насиба узатсин ошпазга шу дам.  
Қозон-ўчоғингга қараган инсон,  
Очиқса охири бўлади ёмон.

\*

Бирор қабиладан келса улуғ зот,  
Иззат-икром билан сиз ҳам қилинг **шод**.  
Чунки у ҳурматга эрур муносиб,  
Йўқса кетар лаънат тамғасин осиб.  
Тубан мушрик ила гар келса нокас,  
Ўзингиз биласиз не қилишни, бас!

Берсангиз агарда эҳсон, зиёфат,  
Келганлар чекмасин заҳмату офат.  
Ҳурматини сақлаб билинг муҳтарам,  
Хурсанд бўлиб кетсин ҳар битта **одам**.  
Сизни қилар экан келиб зиёрат,  
Кузатинг ҳурмат-ла айтиб минг раҳмат!

\*

Бировни дўст тутсанг агар, эй инсон,  
Меҳринг изҳор этиб айлагил шодон.  
Севги ва дўстлигинг бўлсин зиёда,  
Шунда бахт топгайсан ёруғ дунёда.  
Энг ёмон одатдир кеку манманлик,  
Қилса гар инсонга инсон душманлик.  
Эзгу дўстлигини қилмагай қанда,  
Оллоҳни дўст тутган ҳар гўзал банда.

\*

Кимники дўст тутса пок Парвардигор,  
Ҳар ишда айлагай уни устувор.  
Унга одамларнинг ҳожати тушар,  
Берар ҳақ номидан у нуқраю зар.  
Етса ҳар кимсага мулку азизлик,  
Оламда қилмасин ҳаргиз ҳасислик.

\*

Одамлар кимни кўп мақташса шоён,  
Худонинг дўстидир билгил ул инсон.  
Бўлмаса эҳсону лутфга лойиқ,  
Бекорга мақтамас уни халойиқ.  
Доим мақтов ила арзанда бўлинг,  
Худога ёқувчи хушбанда бўлинг!

\*

Оллоҳ ҳар подшоҳга бўлса дилпазир,  
Унга бахш этгайдир бир содиқ вазир.  
Эслатар эсидан чиқаргани дам,  
Эсласа ишига беради ёрдам.  
Ёмонлик истаса подшоҳга агар,  
Вазири ишида бўлмай юз хатар.  
Унутса эслатмас подшоҳга атай,  
Эсласа бўлмагай мадад учун шай.  
Шу боис ким бўлмай шоҳмисан гадо,  
Мададкоринг бўлсин, эй муслим, Оллоҳ!

Қачонки бир ёмон (гуноҳ) иш қилсанг,  
Дарҳол қилмишингдан бўлгилу дилтанг,  
Ҳамда бир хайрли савоб иш қилгил,  
Не қилсанг жавоби шу бўлар билгил.  
Яхшилигинг билан ёмонни ювиб,  
Юргил эзгуликнинг кетидан қувиб.  
Оллоҳ бандасию Расул уммати,  
Бўлса ким, эзгулик бўлсин хислати.

\*

Уйқудан уйғонган чоғида одам,  
Қўлини идишга тикмасин ҳеч ҳам.  
Уч марта ювиб то қилмагунча пок,  
Агар сув бўлмаса этсин қасди хок.  
Ухлаган чоғи у роҳат бағишлаб,  
Қўли қаерини чиқмаган қашлаб.  
Ким ювиб қўлини юрса озода,  
Бўлар ризқу рўзи унинг зиёда.

\*

Қўлга қилич олиб икки мусулмон,  
Уришиб, бирини айласа қурбон.  
Қотил ҳам, мақтул ҳам дўзахга маҳкум,  
Парвардигор шундай чиқарган ҳукм.  
Муслиму биродар бўлсанг гар ахир,  
Асло бир-бирингга кўтарма шамшир.

\*

Иккита мусулмон учрашган чоғда,  
Бир-бирини олиб маҳкам қучоққа,  
Қўл бериб кўришиб, суюниб бисёр,



Оллоҳга чин дилдан айтиб истиғфор,  
Ўқишса номига ҳамду санолар,  
Ювилиб кетгайдир барча гуноҳлар.  
Қолмас иккисида бир зарра гуноҳ,  
Яна янгисини қилганича то!

\*

Одамларга имом бўлса ким агар,  
Намозни ўқисин доим мухтасар.  
Енгил қироат-ла айласин тамом,  
Хуфтонми, бомдодми, бўлсин ёки шом.  
Иқтидоъ қилганлар ичида зариф,  
Бор кекса, ёш, бемор, ҳожатманд, заиф.  
Тоинки уларга келмасин малол,  
Ҳисобга ол бунни, имоми хушҳол.  
Ўзинг танҳо ёлғиз бўлганда ҳар чоқ,  
Истаганча чўзиб ўқигил узоқ.

\*

Қолмаса пулингиз, бўлсангиз гадо,  
Ўзаро қарз олиб қилсангиз савдо.  
Ҳўкизда ер ҳайдаб сочсангиз уруг,  
Қилган меҳнатингиз бўлади қуруғ.  
Оллоҳнинг йўлида этмасангиз жанг,  
Билингки ҳолингиз бўлар жуда танг.  
Юборар у сизга шундай бир хорлик,  
Сизни маҳв айлагай буткул ночорлик.  
То унинг динига қайтмай батамом,  
Хорликдан чиқмайсиз билинг, эй авом.

\*

Ўзингча тахайюл айласанг зикр,  
Ўтса хаёлингдан шубҳали фикр,  
Уни тарк айлабон ёдингдан чиқар,  
Йўқса залолатнинг чоҳига йиқар.  
Ким фориф бўлса гар шубҳа-гумондан,  
Қўрқмагил, эй муслим, ундай инсондан.

\*

Гуноҳ иш қилинса башарти пинҳон,  
Фақат гуноҳкорга етади зиён.  
Ошкора қилинса, бермасанг жазо,  
Қўпчиликка етар зарари аммо.  
Ҳар даври замоннинг ўз қонуни бор,

Турфа жазоланиб келар гуноҳкор.  
Оллоҳнинг айтгани энг мақбул чора,  
Уни ўзгартолмас амалу пора.  
Гуноҳкорга жазо беришда ҳар гал,  
Оллоҳнинг сўзига қилайлик амал.

\*

Айтар чоғи гапни секин қулоққа,  
Қараб қўйса киши у ёқ-бу ёққа.  
Демакки омонат эрур бу калом,  
Махфий сақла уни эшитган маром.  
Оғзидан чиқмаса кимни сирли гап  
У одам бўлгайдир соҳиби матлаб.

\*

Қайси бирингизга яратган бесўз,  
Бир касб учун берса агар ризқу рўз.  
Ўзгариб бўлгунча у ҳунар абас,  
У касбни ҳеч маҳал ташламангиз, бас!  
Кимнингки ишию касб-ҳунари бор,  
Асло бу оламда бўлмагай у хор!

\*

Бирор киши сенинг обрўйинг тўкса,  
Бор айбингни айтиб, ошкора сўкса,  
Билсанг ҳам айбини айтиб сўкмагил,  
Унинг обрўйини ҳаргиз тўкмагил.  
Гуноҳ унга бўлар, сенга савоби,  
Билки ҳар бир ишнинг бордир жавоби.

Савоб иш қилганда бўлсангиз хушҳол,  
Гуноҳ иш қилганда бўлсангиз малол.  
Эзгуликка мойил, яқин экансиз,  
Билинг сиз ҳақиқий мўмин экансиз.  
Кимки гуноҳ қилиб юрса гар шодон,  
У мушрик ва ёки иймонсиз нодон.  
Бўлса ким риёкор ҳам иккитиллик,  
Унинг иши эрур ҳасад, бахиллик.  
Раҳмонмас, шайтоннинг йўлидан юрар,  
Туз ичган туздонга қараб тупураар.  
Шуларни ҳам ўзинг яратдинг худо,  
Инсоф бер, ё этгил жонидан жудо.

Бор экан кофиру то аҳли зино,  
Тартибга тушмагай асло бу дунё!

\*

«Одамлар тамоман бузулиб кетмиш»,  
Деб биров тилида гар зикр этмиш.  
Бузуқлар ичида билингки хўпроқ,  
Ушанинг ўзидир бузулган кўпроқ.

\*

Қўшнилар дейишса гар яхши одам,  
Билинг, сиз яхшисиз ҳамда муҳтарам.  
Қўшнилар дейишса гар сизни ёмон,  
Билингки ёмонсиз, йўқ ўзга имкон.  
Сиз ҳақда билмоқчи бўлса ким агар,  
Дарҳол қўшнингиздан келиб гап сўрар.  
Қайғурманг қўшнингиз бўлса ғаламус,  
Гарчи берса ҳамки сизга ўзга тус.  
Агарда яхшисиз, бўлмайсиз ёмон,  
Худо сизни ўзи асрагай омон.

\*

Мендан эшитсангиз бирор ривоят,  
Ёқса қалбингизга у хуш ҳикоят,  
Мойдек дилингизга айласа таъсир,  
Сизларни этса у мафтуну асир,  
Бўлса ҳар сўзида олам мазмуни,  
Айтган «Ҳадис»им деб билингиз уни.  
Унинг акси бўлса минг турфа калом,  
Менинг «Ҳадис»ларим эмас батамом.  
Ислоннинг йўлида ҳар мўмин банда,  
Бўлгай эзгулик-ла доим арзанда.

\*

«Сахрога кўчибди»,— деб айтсалар тоғ,  
Бу сўзга ишонсанг бўлади ҳар чоғ.  
Ишон ҳўкиз думи тегади ерга,  
Ишонма лек асло сафсата шеърга.  
Ҳам мутлоқ ишонма бирорта инсон  
Феъли ўзгарибди, десалар, ёлғон.  
Кимки айтган бўлса беҳуда айтур,  
У туғма феълига шубҳасиз қайтур.

\*

Қаерда бор бўлса касали вабо,  
Борманг у маконга билсангиз, асло.  
Агар вабо келса сизнинг маконга,  
Қочманг паноҳ истаб турфа томонга.  
Ваболи жой томон борсангиз агар,  
Вабонинг юқиши сизга муқаррар.  
Вабо келганида қочсангиз ҳар ён,  
Вабога чалинар билингки жаҳон.  
Қирқ йил қирон келса бўлгани бўлар,  
Ажали етса ким ўшанда ўлар.

\*

Қайси бир элатда агар қирқ одам,  
Ё ортиқ, гувоҳлик беришгани дам.  
Оллоҳи Таоло айлагай қабул,  
Бўлиб кўпчиликнинг айтгани мақбул.  
Кўпчилик доимо ҳамроҳинг бўлсин,  
Мадаккоринг қодир Оллоҳинг бўлсин.  
Доим кўпчиликнинг юришгай иши  
Муродга етолмас ҳеч ёлғиз киши.  
Бу ёруғ оламда барча мусулмон,  
Бўлмағи лозимдур дўсту қадрдон.

\*

Қайси бир мусулмон қилибон аччиғ,  
Ўзга мусулмонга кўтарса гар тиғ.  
Оллоҳи Таоло фаришталари,  
Доим эзгуликнинг саришталари,  
Айтиб туришади бошида лаънат,  
То қасос тиғини олгунча фақат.  
Қасос тиғин ол, эй ақли беқиёс,  
Токи лаънатлардан бўлурсан халос!

\*

Бировни ранжитиб қўйсанг мабодо,  
Амаллаб кўнглини олгил уни то.  
Гуноҳ иш қилсанг гар қўйма бежавоб,  
Дарҳол қилиб қўйгил ўрнига савоб.  
Тилинг ҳақ зикрига бўлсин доим шай,  
Эзгулик қўшиғин айтгил пайдар-пай.

\*

Бировнинг қўзиса жаҳлу ғазаби,  
Кимдандир норози бўлса асабий.  
Тик турган чоғида ўтирсин дарҳол,  
Ғазаби кетмаса келмасин малол.  
Ётиб олсин бир пас босиб ўзини,  
Айтмасин ғазаб-ла айтар сўзини.  
Оллоҳ хуш кўради айласанг сабр,  
Ҳам инсон қилмайсан ҳеч кимга жабр.

\*

Фитна-фасод ортиб муслимлар аро,  
Бўлса кимларнингдир толеи қаро.  
Тартиб ўрнатишга шошма ҳеч қачон,  
Эй шаҳар ҳокими, тўкма асло қон.  
Ёғочдан ўзингга қилич ясаб ол,  
Сўзингга кирмаса аямасдан сол.  
Сўнг этгил улардан ўзгача талаб,  
Тартибга келтиргил майли калтаклаб.  
Ташлама сипоҳу миршаб, жаллодни,  
Мангу юволмассан кейин иснодни.

\*

Эзгулик тимсоли бўлса шоҳингиз,  
Заминдан чиқмаса кўкка оҳингиз.  
Битса ишларингиз машварат ила,  
Доимо мардона маслаҳат ила.  
Бойларингиз сахий, саховатпеша,  
Топса ишларингиз ривож ҳамеша.  
Сизлар учун билинг бу ҳолда ҳар гал,  
Ер остидан кўра ер усти афзал.  
Агар акси бўлса қилманг эътироз,  
Сизга ер устидан ернинг ости соз.

Бўлса бир кишининг икки аёли,  
Уларга боқмаса бир хил вафоли.  
Қиёмат кунда гуноҳ зўридан,  
Тани ярим бўлиб чиқар гўридан.  
Инсоф, адолатли бўлса ҳар киши,  
Доимо ривожда бўлади иши.  
Набий суннатига қилсангиз амал,  
Бўлар ҳаётингиз беғубор, гўзал.

\*

Бир жойда бўлсангиз агар уч одам,  
Иккинги пичирлаб гаплашманг ҳеч ҳам.  
Чунки учинчи шахс ранжигай ёмон,  
Аҳли доноларга бу бўлсин аён.  
Одамлар кўп бўлса агар юз фоиз,  
Унда гаплашсангиз бўлади жоиз.  
Бўлсин хотирингда доим бу нақл,  
Ҳар ишда лозимдир фаросат, ақл.

\*

Қимники тушида алдаса шайтон,  
Одамларга асло қилмасин баён.  
Худонинг номини олса ким тилга,  
Шайтон йўлолмагай ўша маҳфилга.  
Хаёлий туш ила бўлмасдан ҳаром,  
Эй инсон, доимо бўлгил эзгу ном.

Кўринса ўзингдан бой ёки кўркам,  
Ўзингдан пастроқни эслагил ҳар дам.  
Бордирку сендан ҳам хунук, камбағал,  
Кўнглингни ўкситиб юрма ҳеч маҳал.  
Доимо Оллоҳга айлабон шукр,  
Ўзингни эзгулик йўлларига ур!

\*

Қачон динсизларга ўтса ҳукумат,  
Бўлса ишларида фитна-хусумат.  
Таъқибга олинса мўмин-мусулмон,  
Худодан қўрқмаса подшоҳи замон,  
Оёқ ости бўлса эътиқоду дин,  
Кутингки қиёмат келгайдир яқин.  
Ишинг билан сўзинг бўлмаса гар бир,  
Сендан ит яхши, эй шоҳи жаҳонгир.

\*

Бу ёруғ оламдан кимки юмса кўз,  
У ҳақда айтмангиз асло ёмон сўз.  
Яхши хислатини эслаганда шод,  
Ёмон сифатини асло этманг ёд!  
Чунки ундан бошқа етмагай заҳмат,  
Оллоҳ марҳумларни айласин раҳмат!

\*

Менинг вафотимдан сўнг аҳли иймон,  
Наҳотки яҳудий, насронийсимон,  
Масжидни кўтариб қурасиз баланд,  
Ундан ҳеч кимсага етмагай газанд<sup>1</sup>.  
Жухуд ва насроний ибодатгоҳи,  
Ҳашамат, шукуҳли, лек йўқ илоҳи.  
Гўзал, ганжкор қилиб ҳаддан зиёда,  
Масжид қурмагайсиз ёруғ дунёда!

\*

Қасд билан бировни бўралаб сўкиш,  
Ғараз билан унинг обрўйин тўкиш.  
Судхўрликдан кўра ёмон гуноҳдир,  
Гуноҳ қилганларнинг охири воҳдир.  
Ҳажвий назм ила шуғуллансанг гар,  
Энг катта ҳақорат эрур муқаррар  
Уйдирма, афсона айтгувчи одам,  
Ёмон сўкувчидан эмас сира кам.  
Оламда тилини кимки тиймаса,  
Эзгулик тўнини агар киймаса.  
Билсин оқибати бўлади ёмон,  
Қабиҳу разиллар ҳамроҳи шайтон.  
Эзгу хулқ, дили пок, ғамдан чексанг оҳ,  
Бўлгай мадаккоринг ҳамиша Оллоҳ!

\*

Тўрт нарса меросдир жоҳилиятдан,  
Тарк этмас умматим мубҳам ниятдан.  
Наслу насабидан фахр ила ғурур,  
Бу эрур шайтоний шодлигу сурур.  
Ўзгалар насабин ҳам пастга уриш,  
Гўёки улардан юқори туриш.  
Кейин юлдузлардан истиқбол сўраш,  
Бўлмағур гапларни матодек ўраш  
Ҳамда охиргиси бағрини тифлаш,  
Мусибат тушганда дод солиб йиғлаш.

\*

Оллоҳ ёмон кўргай тўрт хил одамни,  
Уларнинг бошидан аритмас ғамни.

---

<sup>1</sup> Газанд — зарар, зиён.

Биринчиси эрур қасамхўр тожир,  
Фирибу найрангдир қилмиши охир.  
Такаббур камбағал, пири зинокор,  
Эрур тўртинчиси золим шахриёр.  
Тўрт ёмон хислатдан ким бўлса форуғ,  
Ҳар икки оламда манглайи ёруғ.

Молу мулк давлатга қилмасдан парво,  
Дунёда пок юрсанг ёқтиргай Оллоҳ!  
Одамлар илгидан олмасанг улуш,  
Билгилки улар ҳам кўрар сени хуш.  
Иложин топсанг бер, олмагил зинҳор,  
Шунда қозонасан обрў, эътибор.  
Бойликка мук кетса кимки дунёда,  
Кундан-кун давлати бўлиб зиёда,  
Эгасиз қолгайдир шахру равотда,  
Бир кун минганида у ёғоч отга!

\*

Оллоҳдан уялинг ҳаёлар билан,  
Алдамоқчи бўлманг риёлар билан.  
Қандоқ ризқингизни айласа тақсим,  
Шундоқ ахлоқ берган яратган раҳим.  
Қилмай ўзингизни расво, шарманда,  
Доимо бўлингиз муносиб банда.

\*

На маккор, доғули, фосиқ, айёр бўл,  
Улим келмай туриб унга тайёр бўл.  
Тириклик либоси ечилиб тандан,  
Урин олганинда оппоқ кафандан.  
Қора қилмишингни қилолмайсан оқ,  
Тириксан ҳушёрроқ чор-атрофга боқ.  
Охиратни ўйла ҳар бир соатда,  
Умрингни ўтказгил доим тоатда.  
Сўнг тандан узилар чоғида жонинг,  
Қолмагай ҳеч қандай афсус, армонинг.

Фақирлик, қашшоқлик, зулм қилишдан,  
Хулласки оламда ҳар қандай ишдан.  
Сидқ ила доимо сўранглар паноҳ,  
Мадаккор бўлгайдир шубҳасиз Оллоҳ!



Ким ушбу ҳикматга айласа амал,  
Иқболи ёр, иши юришар жадал.

\*

Бизларни тамагир этмагил Оллоҳ,  
Дея яратгандан сўранглар паноҳ.  
Бир бор тама қилсанг узилмас кети,  
Сўнгра қолмагайдир одамнинг бети.  
Тамагирлик бўлса доимий одат,  
Сендан юз буради бахту саодат.

\*

Юринг одамлардан беғараз ва пок,  
Ҳатто керак бўлса сўраманг мисвок.  
Тортининг, ўрганманг нарса сўрашга,  
Тиламчилик доим тегади ғашга.  
Подшоҳлар олгандек ғолиб келиб бож,  
Сўраманг бўлса ҳам улўғ эҳтиёж.  
Сўраманг мадраса, масжид учун ҳам,  
Берган ўзи берсин, айласа карам.

\*

Муфтийлар берса ҳам фармойиш-фатво,  
Виждонан иш тутсанг қилмайсан хато.  
Баъзида адашар муфтию қози,  
Инсон ақли эрур доим тарози.  
Унинг палласидир гуноҳу савоб,  
Қилган ишинг учун берурсан жавоб.

\*

Оламда на каззоб, бадбин ўғри бўл,  
Барча ишларингда доим тўғри бўл.  
Хормисан, ё эрур пичоғинг мойли,  
Мудом хулқ-атворинг бўлсин чиройли.  
Ҳамда лутфи ширин, бўлгил хушодат,  
Доим кулиб боқсин сенга саодат!

Бўлсанг гар ҳукмдор соҳиби қаср,  
Жангларда қўлингга тушса кўп асир.  
Бермагин уларга ғаним деб азоб,  
Сийласанг бошингга ёғилар савоб.  
Оллоҳ бандаларин айламанг хор,  
Лутфига бўларсан охир сазовор.

Омонат дунёда ўткинчи одам,  
Ҳаддингдан ошмасдан ташлагил қадам!

\*

Сенга барча боқар ҳурмат билан тенг,  
Бўлсанг одамларга агар бағри кенг.  
Бағри кенг одамнинг кўп бўлар дўсти,  
Арзимас нарсага шилинмас пўсти.  
Ишонинг дононинг айтган сўзига,  
Ёмонлик қилса ким қилгай ўзига.

\*

Бошлигингиз бўлса гар қора майиз,  
Сип-сиёҳ ҳабашу турқи бефайз.  
Унга эътирозлар айламанг мутлоқ,  
Айтган сўзларига солингиз қулоқ.  
Интизом билан ҳам айланг итоат,  
Тўғри йўл тутгайсиз сиз шунда фақат.  
Қилмасдан ўзаро фитнаю исён,  
Доим тинч яшагай аҳли мусулмон.

\*

Шоҳларга шоҳман деб ким қилса даъво,  
Охири бошига етгайдир жафо.  
Унга гарчи ошкор юбормагай тиг,  
Оллоҳ Таолонинг ғазаби қаттиқ.  
Билинг бу дунёда ҳақиқий подшоҳ,  
Инсонмас, ўзидир қудратли Оллоҳ,  
Унинг соясидир ердаги шоҳлар,  
Одилу оқилу ғўру гумроҳлар.

\*

Одамларга берса ким агар азоб,  
Бўлса бу дунёда жаллоду каззоб.  
Қиёматда уни пок парвардигор  
Қаттиқ азобларга қилар гирифтор.  
Оллоҳ ғазабидан қўрқиб эт сабр,  
Бу дунёда қилма ҳеч кимга жабр.

\*

Билсангиз, азизлар, Рўзи маҳшарда,  
Гуноҳкорлар қолар ғаму кадарда.  
Улар ичра чекар кўпроқ оҳу воҳ,  
Бу оламда бўлса ким золим подшоҳ.

Шоҳларнинг оламда кўп имтиёзи,  
Бўлса фақирларга лутфу ниёзи.  
Хуллас бу оламда гуноҳми, савоб,  
Берар қилганига яраша жавоб.  
Бақо мулки сари сурганида от,  
Бўлар одил шоҳга улкан мукофот.  
Золимига эса энг улкан жазо,  
Шундай қисмат ҳукмин ёзмишдир қазо.

\*

Кимки одамларга айласа эҳсон,  
Шубҳасиз Оллоҳ деб қилар у инсон.  
Гарчи беҳожату Оллоҳ бениёз,  
Агар сўқидилдан этсангиз эъзоз,  
Сизни ардоқлагай бу эзгу қилиқ,  
Қайтгай яратгандан минг бир яхшилик.

\*

Шоирлар ичида энг хушмақоми,  
Лабида шу янглиғ эзгу каломи:  
«Оллоҳнинг зикридан бошқа сўз ботил».  
Доим уни такрор айлагил, эй дил.  
Эзгу хислат бўлсин сизларда беш хил,  
То бўлай жаннатда мен сизга кафил.  
Зулм ва хиёнат қилмай беқиёс,  
Тақсимланг сизларга қолганда мерос.  
Урмасдан ҳар хилда турфа ёлғон, лоф,  
Одамларга қилинг доимо инсоф.  
Душманингиз билан қилар чоғи жанг,  
Қўрқманг аҳволингиз бўлса ҳамки танг.  
Ўлжа тақсимлашда қилманг хиёнат,  
Йўриқчингиз бўлсин дину диёнат.  
Золим-зўравонни доим кўндириб,  
Мазлумлар ҳақини беринг ундириб.

\*

Ҳар қандай амирга айла итоат,  
Қилганинг чоғида тоат-ибодат,  
Дуч келган имомга айлаб иқтидоъ,  
Доим намозингни қилгайсан адо  
Ҳамда сўкмагайсан қаҳринг келса ҳам,  
Агарда сен бўлсанг менинг саҳобам.

\*

Одамларга доим берингиз таом,  
Ширинсўз бўлингиз уларга мудом.  
Ҳеч маҳал қизғанманг қорин ғамида,  
Ортиқ қолганини беринг камида.  
Сахий ва ширинсўз бўлсангиз доим,  
Сизни ҳам сийлагай охир худойим.

\*

Илмга интилинг ушбу дунёда,  
Бўлса ҳам гарчи у олис Хитода.  
Илм талаб қилинг бамисоли қарз,  
Ҳар бир мусулмонга чунки эрур фарз.  
Эринмай ким олса зиёда илм,  
Уламо бўлгай у доною ҳалим.  
Илм бир бойликки ёруғ жаҳонда,  
Қамаймас ҳеч маҳал сарфлаган онда.

Меҳрибон, раҳмдил умматим мудом,  
Яхшилик айлагай сизларга авом.  
Тошбағир, қаттиққўл умматим зинҳор,  
Сизни эзгулик-ла этмас бахтиёр.  
Оллоҳнинг лаънати ёғиб аларга,  
Охири ботишар ғаму кадарга.  
Кимни яхши қилиб яратса у зот,  
Эзгулик қилмиши токи ул ҳаёт.  
Бамисли дон эксанг серҳосил замин  
Сенинг рўзгорингни этгандек таъмин,  
Ундан одамларга етар манфаат,  
Ўзи ҳам эшитар таҳсину раҳмат.  
Бўлиб бу дунёда муҳиб, арзанда,  
Қиёмат келганда у ориф банда.  
Яхшилар қатори ҳурматда тургай.  
Оллоҳ нури унинг юзига ургай.  
Солиҳ бандасига Ҳақ эҳтироми,  
Равзаи ризвонда бўлгай мақоми.

\*

Қасбнинг энг яхшиси билган ишингдир  
Ҳамда ўз қўлинг-ла қилган ишингдир.  
На майда-чуйдаю кеку ғавғодир,  
Билки иккинчиси ҳалол савдодир.  
Пухта иш бажарсанг етмагай ғорат,

Эпласанг устига қилгил тижорат.  
Билмаган ишингга қўл урма зинҳор,  
Чунки уринишинг кетади бекор.

\*

Оллоҳга чин дилдан қилгил ибодат,  
Топарсан шунда сен бахту саодат.  
Унга ҳеч нарсани келтирмагил ширк,  
Бўлмассан сен шунда кофир, қалби **чирк**.  
Ўқи фарз намозин, закотини бер,  
Тириксан то сени ютмай туриб ер.  
Ҳаж айла Қаъбани зиёрат этгил,  
Ўз дининг қасрини иморат этгил.  
Агарда бу ишга бўлса имконинг,  
Самога учмасдан руҳи равонинг.  
Рамазон ойида тўкис рўза тут,  
Ушанда Оллоҳдан иноятлар кут.  
Агарда ёқмаса сенга не калом,  
Уни одамларга айтмагил тамом.  
Сенга не ёқмаса ўзгаларга ҳам,  
Уни раво кўрма доим, эй одам.  
Бўлиб бу оламда мудом хушқилиқ,  
Яхшилик қил, сенга етгай яхшилик.  
Ишон, шубҳа қилма доно сўзига,  
Ҳар ким нима қилса қилар ўзига.

\*

Худо ёлғиз дебон этгил тавалло,  
Эрур якка-ягона ҳақ Таоло.  
На унга ўзга зотни айлагил ширк,  
На покиза дилингни айлагил чирк.  
Ибодат чоғи дилдан айт сўзингни,  
Ҳузурда дебон ҳис эт ўзингни.  
Қошида қул мисоли ўзни тутгил,  
Нафасга ушбу оламини унутгил.  
Йўлингда учраса тошу дарахт гар,  
Худони эсла кўрганда, биродар.  
Ёмон ишлар қиларсан гар гуноҳ бил,  
Ани ювмак учун бир яхши иш қил.  
Гуноҳинг махфий эрса айла пинҳон,  
Башарти яхшилик қайтарсанг, инсон.  
Эса ошкор гуноҳинг йўқ чора,  
Қилавер яхшиликни ошкора.

\*

Оллоҳни кўргандек ибодат қилғил,  
Кўрмасанг у сени кўргайдир, билғил,  
Ибодат чоғида кўргузиб ниёз,  
Ўзни жонбахшларга айлагил қиёс.  
Иймон-эътиқодли бўлсанг дунёда,  
Оллоҳ насибангни этгай зиёда.

\*

Мазлумларни ранжитма инсон,  
Қарғишидан кўрққилки, ёмон.  
Дуолари бўлгай мустажоб,  
Қимга тегса, айлагай хароб.  
Мазлумларга бермасдан озор,  
Қўлдан келса бўлғил мадакдор.

\*

Ўтган аждодингни яхши таниб ол,  
Қатталар гапига доим кулоқ сол.  
Агар бўлса сенга қариндош-уруғ,  
Бўлсин орангизда эзгулик йўруғ.  
Этгил алоқани доим мустаҳкам,  
Не топсанг улар-ла бирга кўр баҳам.  
Қариндош-уруғинг кўп бўлган жойда,  
Яқин туриб ундан етмаса фойда,  
Узоқда бўлсаю лекин меҳрибон,  
Олис масофадан йўқдир ҳеч зиён.

\*

Мусулмонга берса не ғаму зарар,  
Йўлидан четлатиб этинг бехатар.  
Қимки мусулмонга қилса ёмонлик,  
Ҳар икки дунёда топмас омонлик.  
Оллоҳнинг йўлида ҳар бир шерюрақ,  
Мусулмонлар учун бўлгайдир тиргақ.

\*

Мендан олдин ҳеч Пайғамбарга,  
Берилмаган имкон магарда,  
Бўлди менга насиба — рўзи,  
Бешта нарса уларнинг ўзи:  
Макка аҳли кўрқуви сабаб.  
Бир ойлик йўл босмасимдан заб,  
Ҳожатимни Яратган билди,  
Ғалабани менга ёр қилди.

Иккинчиси бу чексиз замин,  
Саждагоҳдек берилди тағин.  
Ернинг юзи тоза ва покдир,  
Умматларим одами хокдир.  
Қайси бири, қай ерда намоз,  
Вақтин топса айлағай ниёз.  
Учинчиси шудирки иқбол,  
Мендан олдин ким жангу жидол  
Қилган бўлса ўлжаси ҳаром  
Саналгандир уларни тамом.  
Менга эса ҳалол қилинди,  
Афзаллиги шундан билинди.  
Тўртинчиси рўзи қиёмат,  
Умматимга этсам шафоат,  
Ҳуқуқим бор, йўқдир эътироз,  
Берилгандир менга имтиёз.  
Бешинчиси ҳар қавмга мос,  
Юборилса Пайғамбари хос.  
Мени эса тамоми башар,  
Ўзларига билгай Пайғамбар.  
Парвардигор бериб беш имкон,  
Мушкулимни этгандир осон.

\*

Тагли-тугли келин тушган он,  
Яшнаб кетар ҳар бир хонадон.  
Эридан кўп пул қилса талаб.  
Исроф ила сочса бематлаб,  
Оилага зиён у аёл,  
Уйланишни қилмангиз хаёл.

\*

Аёлга нисбатан ҳақлироқ эркак,  
Қариндошлар ичра эридир бешак.  
Эркакка нисбатан ҳақлироқ одам,  
Унинг волидаси эрур муҳтарам.  
Бўлса гар ҳар инсон соҳиби қудрат,  
Ҳақи бор одамни айласин ҳурмат.

\*

Менинг вафотимдан кейин, эй Билол,  
Унут суннатимни ким мисли ҳилол,  
Қайтадан кўргузиб, айласа жорий,  
Савоби бўлгайдир жуда юқори.  
Амал қилган каби унга ҳам савоб,

Ёзилар ва лекин холис, бежавоб,  
Қилган савобига қўшимча ортиқ,  
Оллоҳнинг туҳфаси бўлгайдир тортиқ.  
Оллоҳ ва Расулни ранжитиб беҳад,  
Қим жорий қилса гар амали бидъат.  
Унга амал қилса кимеки гумроҳ,  
Уларга қанчалар ёзилса гуноҳ,  
Шунча ёзилгайдир бидъатчига ҳам,—  
Деб айтмиш Билолга Сарвари Олам,  
Давом этаверинг амал қилишда,  
Бу ёруғ оламда инсон ҳар ишда.  
Маҳорат касб этса ўшадир осон,  
Тақдири азалдан ҳеч битта инсон,  
Қочиб қутулолмас гарчи кўп эшик,  
Ва лекин биттадир чиққувчи тешик.

\*

Бештадан ҳар бирин ғанимат деб бил,  
Олдинги бешига шукроналар қил.  
Ўлимдан олдинги тириклик аввал,  
Сен учун қадрли бўлсин ҳар маҳал.  
Кейин беморликдан аввалги соғлиқ,  
Бандликдан олдинги ҳур вақтичоғлиқ.  
Сўнгра кексаликдан бурунги ёшлик,  
Висол, ўйин кулги ҳамда бебошлик,  
Охиргиси шуки ғам ема ҳақир,  
Бойлигингни сарфлаб бўлганда фақир.  
Бешидан бешини билсанг ғанимат,  
Яшаб ўтгайдирсан шоду беминнат.

\*

Авалло олим бўл, маърифатпарвар,  
Илмдан ортиқроқ йўқ оламда зар.  
Бўлмасанг агарда машҳур уламо,  
Уларнинг йўлидан юргил доимо.  
Дуч келган чоғида ҳар бир муаллим,  
Эринмай улардан сен олгил таълим.  
Таълим олишга ҳам топмасанг имкон,  
Илму маърифатни севгил, эй инсон.  
Гарчи бу оламда кўп ғаминг бўлсин,  
Доимо донолар ҳамдаминг бўлсин.  
Бу ҳикматга амал қилмасанг, одам,  
Бошингга ёғилар ғам устига ғам.



Ҳою ҳавасларга берилма зинҳор,  
Охири бўлмагил шармандаю хор.

\*

Саломлашиб юринг ўзаро доим,  
Ҳиммат нурын сочар шунда худойим.  
Ўртада уйғониб меҳру муҳаббат,  
Сизни эзгуликка бошлагай фақат.

Аввало кўрганда айлашинг салом,  
Сўнгра одамларга едиринг таом.  
Оллоҳ буюргандек азиз, мўътабар,  
Ўзаро бўлинглар дўсту биродар.

\*

Аввало Оллоҳга келтириб иймон,  
Ундан сўнг билсин ҳар аҳли мусулмон,  
Дўстлашсин доимо одамлар билан,  
Ораси бузилмай ҳамдамлар билан.  
Тинч-тотув бўлишсин, шудир афзали,  
Барча амалларнинг эзгу, гўзали.  
Иймоннинг афзали қилмаслик жабр,  
Ҳар ишда доимо этмоқлик сабр.  
Ҳам яна устига бағрикенгликдир,  
Барчага баробар холис, тенгликдир.  
Савоб иш қилмаса иймонли одам,  
Доимо хаёли бўлади мубҳам.  
Токи ибодатин қилмасдан бажо,  
Оромга кетолмас билинг у асло.  
Йўлдан уролмагай ҳар гўзал, маҳваш,  
Тонса тўғри йўлдан дили бўлар ғаш.

\*

Бўлсин оилада киши назари,  
Аҳлу аёлига сарфлансин зари,  
Ёинки Оллоҳнинг йўлига сочсин,  
Ўзига жаннатнинг эшигин очсин.  
Оллоҳнинг йўлида дўсти бўлса ким,  
Сарф этсин унга ҳам доим зару сийм.  
Етгайдир ўшанда одамга савоб,  
Бўлар охиратда ҳам гўзал жавоб.

\*

Соғлом, навқиронлик вақтингда агар,  
Чўчимай хорликдан эҳсон қилсанг зар,

Бўлгай садақанинг жуда афзали,  
Бу эрур ҳақиқий мўмин амали.  
Садақа қилишни узоққа чўзсанг,  
Бир куни аҳволинг бўлганида танг,  
Молимнинг бунчаси десанг фалонга,  
Бунчасин эҳсонга бердим пистонга.  
Фойдаси йўқ, чунки ўлганинг замон,  
Соҳиби бўлади фалону пистон.

•

Етарли бойлиги бўлгани маҳал,  
Садақа айласа ким, эрур афзал.  
Бергувчи афзалдир олгувчи қўлдан,  
Борар у саховат этгувчи йўлдан.  
Оиладан бошланг бўлса садоға,  
Кейин улашасиз хору гадоға.

Чанқоқ одамларга сув бериш ҳар он,  
Эрур бу оламда энг яхши эҳсон.

•

Эҳсоннинг афзали: мусулмон киши  
Аввало илм олиб илм бериши.  
Мусулмон дарс берса биродарига,  
Албатта, тушгайдир ҳақ назарига.

Касбнинг афзалидир ҳалол тижорат,  
Ҳамда ўз ҳунари айлаб маҳорат,  
Ненидир яратса, бозорда сотса,  
Шу билан рўзғорин ҳалол тебратса.

•

Мусулмонлар аро ўшадир афзал,  
Сўкиб, қўл кўтариб қилмаса жанжал.  
Мўминнинг яхшиси хушахлоқ эрур,  
Шу боис доимо вақти чоғ эрур.  
Оллоҳ қайтаргандан қайтса доимо,  
Муҳожирлар аро эрур у авло.  
Оллоҳнинг йўлида энг яхши жиҳод,  
Нафс ва хоҳишини тийсанг одамзод.

•

Мўминнинг афзали бўлиб мулойим,  
Одамларга ёқар хуш хулқи доим.  
Эзгулик йўлида бу янглиғ инсон.  
Доимо ўзини айлагай қурбон.

»

Тижоратда бўлса сахий, хушкарам,  
Мўминлар афзали эрур у одам.  
Ўзгалар ва ўзи устидан қози,  
Ҳукм айлаганда бўлса гар рози,  
Эрур эзгуликнинг аломати бу,  
Қисматга шукрона айтгувчидир у.

\*

Қимга насиб этса ақл ва идрок,  
Демак омадлидир ул бандаи пок.  
Ақлу идрок билан тутса агар иш,  
Чекмагай оламда ортиқча ташвиш.

\*

Яратган Оллоҳим меҳрибон, раҳим,  
Пешонангга сени бил, эй Қуддайим<sup>1</sup>,  
Амир, ёзувчи деб ёзмаган магар,  
Ҳам фолчи сўзи йўқ экан мухтасар,  
Демакки оламда омадинг бордир,  
Сенга ҳар ишингда яратган ёрдир.

»

Қимнинг тутган йўли гар бўлса ислом,  
Рўзгорин тебратса ўртача мудом.  
Ҳам шунга айласа сабру қаноат,  
Омадли киши у макони жаннат!

\*

Бойларнинг уйига киринглар камроқ,  
Акс ҳолда юролмай сиз хотиржамроқ,  
Оллоҳ сизга берган неъматдан ҳузур —  
Қилмай бўласизлар охир ношукр.  
Эй биби Ойиша, сўраманг узр,  
Поксиз бу оламда бамисоли ҳур.  
Сиздек бўлишликни айлагай хаёл  
Бу дунёда бўлса қанча пок аёл.

---

<sup>1</sup> Қуддайим — шахснинг номи.

Обрули кишилар соҳиби имдод,  
Хато ва камчилик ўтса ҳар заҳот,  
Уларни кечиринг қилмасдан итоб,  
Шундоғ буюрмишлар соҳиби китоб.  
Қатта гуноҳлари бундан мустасно,  
Улар кечирилмас билингиз асло.  
То унга яраша қилмаса савоб,  
Яратган наздида беради жавоб.

Кечиринг хатосин сахий одамнинг,  
Оллоҳ Таолога дўсту ҳамдамнинг,  
У ҳар қоқилганда бўлиб мададкор,  
Қўлидан тутади пок Парвардигор.

Оллоҳнинг айтгани эрур муқаррар,  
Хешу бегонага айланг баробар,  
Ҳар неки буюрса пок парвардигор,  
Уни жорий қилинг адашмай зинҳор.  
Барча ҳақ ишида бўлинг саломат,  
Ёғса ҳам ҳар ёндан таъна-маломат,  
Эзгу ишингизни эттиринг давом,  
Яратган қўллагай сизларни мудом.  
Ким шерик бор деса агар Оллоҳга,  
Шубҳасиз ботгайдир катта гуноҳга.  
Ноҳақдан бир инсон қонини тўкмоқ,  
Гуноҳ денгизига баайни чўкмоқ.  
Ота-онасига кимки бўлса оқ,  
Бу ҳам оғир гуноҳ саналгай мутлоқ.  
Агарда ёлғондан берса гувоҳлик,  
Унинг ҳам гуноҳин кечирмас Холиқ.  
Шу тўртта гуноҳдан бўлса ким фориг,  
Билингки уларнинг манглайи ёруғ.

Бемаъни гапларни ким гапирса кўп,  
Ортар у одамнинг гуноҳлари хўп.  
Қиёматда бўлар аҳволи ёмон,  
Бемаъни гаплардан сақлан, эй ўғлон.

Десагиз тишларим бўлсин соғлом — пок,  
Эринмай доимо тутинглар мисвок.  
Кимнингки жағида соғ бўлса тиши,  
Доим юришар у зотнинг иши.  
Кўп еган одам ҳам бемор масалдур,  
Тиши йўқ киши ҳам доим касалдур.

\*

Кўп дуо айланглар яратган Эгам,  
То этсин сизларни тинчу хотиржам.  
Жаҳон подшоҳидан эрур зиёда,  
Хотиржам яшаса кимки дунёда!

Оллоҳдан бошқада йўқдир қувват-куч,  
Бошқа вайсақилар лоф ургани пуч.  
Оллоҳни улуғлаб кўп айтинг такрор,  
Сизга жаннатидан кўргузгай дийдор.  
Ўлимни кўп эслаб айланг тахайюл,  
Лаззатлар кучини йўқотади ул.  
Кўп эслаб турса гар ўлимни гадой,  
Фақирлиги тугаб бўлар тезда бой.  
Ўлимни бой агар эсласа камроқ,  
Бўлар оқибати фақиру қашшоқ.  
Ўлимда ҳикмат бор қараманг бефарқ,  
У ажал кўкидан келгувчи бир барқ.  
Ғафлатда қолмай ким эсласа доим,  
Ўлимни четлатар ундан худойим.

Ким бўлса агарда тақводор одам,  
Саналгай доимо азиз-муқаррам.  
Юзида чарақлаб илоҳий нури,  
Аҳли мўминларнинг бўлгай манзури.  
Гарчи бўлмаса ҳам мулку давлати,  
Отни ҳуркитувчи улуғ савлати,  
У одам ҳар жойда топар эътибор,  
Содиқ қулларига Оллоҳ мададкор.

Эъозлаб қадрига етинглар нонни,  
«Нон» — дея очликдан узмасдан жонни.

Нонни эъзозлаган бўлмас асло хор,  
Бу ҳикмат барчага бир хил дахлдор.

\*

Иймон жиҳатидан мўминни комил,  
Хулқи яхши бўлса ўша эрур бил.  
Аҳлу аёлига боқиб мулойим,  
Уларнинг кўнглини овласа доим.  
Беҳуда бировга бермаса озор,  
Билгилки ўшанга худо бўлур ёр!

\*

«Муҳаммад авлодин, эй Парвардигор,  
Бу ёруғ оламда айламагин хор,  
Урта ризқли қилгил, на бою гадо,  
Тилагим шу, ўзинг билурсан Оллоҳ!»—  
Деган яратганга Ҳақ Пайғамбари,  
Илтижо айлабон Олам Сарвари.  
Кўзимиз тўймасдан биз-чи дунёда,  
Оллоҳдан сўраймиз фақат зиёда.

Фойдасиз илмдан асрагил худо,  
Қабулсиз амални қилмайин асло.  
Ҳамма дуоларим бўлсин ижобат,  
Сендан ушбуларни сўрайман фақат:  
Самарбахш илмингдан айла хабардор,  
Қилган амалларим доим қилсин кор.  
Ўткинчи дунёда истайман жуда,  
Ўтмаса эди бас умрим беҳуда!

\*

Ҳар ишда ўзингсан, Оллоҳ, мададкор,  
Бўлса умматларим қай ҳоқимдан хор.  
Уни ҳам хор айлаб юборгил жафо,  
Агарда кўргузса лутф ила вафо  
Сен уни ҳидоят айлагил токим,  
Етсин муродига ул яхши ҳоқим!

\*

Эй Оллоҳ, жисмимни яратдинг гўзал,  
Айла хулқимни ҳам шундай мукаммал.  
Бўлса сийратим ҳам суратимга хос,  
Мен учун бўлгайдир бахти беқиёс!

\*

Эй худо, аввало этмагил қашшоқ,  
Кейин айламагил хору зор мутлоқ  
Ҳамда ҳеч кимсага айлама муҳтож,  
Майлига бошимга қўймасанг ҳам тож.  
Бировга қилмайин ҳам зулму зўрлик,  
Бировдан кўрмайин ҳам зулму хўрлик.  
Номингни такрорлаб эртаю оқшом,  
Юрай паноҳингда осуда мудом.  
Жаҳон подшоҳидан бахтлиман доим,  
Муносиб фуломинг бўлсам худойим.

Эй худо, мен сенга камтарин банда,  
Истагим оламда қилма шарманда.  
Нокас инсонлардан асраб аввало,  
Қайтаргил бошимга келса ҳар бало.  
Ақлдан оздириб ҳам қилма жинни,  
Фарқлайин нелигин асалу шинни.  
Ўзинг асра барча ёмон касалдан,  
Ўзинг топинганим рўзи азалдан.  
Яшайин то сенга шукрона айлаб,  
Муқаддас номингни дилимга жойлаб.

\*

Эй худо, қутқаргил ғаму ташвишдан,  
Мени маҳрум қилма хайрли ишдан.  
Хафалик дилимга чўктириб ғубор,  
Тўрт кунлик дунёда чекмайин озор.  
Қилма иродасиз афтода, ожиз,  
Сендан ўзгасига чўкмагайман тиз.  
Эзгулик мулкига айланганим пайт,  
Қилмагил субутсиз, дангаса, лоқайд.  
Қилсанг сахий айла, меҳрибон аҳил,  
Ҳеч маҳал этмагил бағритош, бахил.  
Қўрқоқ айламагил, бўлай серғайрат,  
Шижоатим кўриб қилишсин ҳайрат.  
Тилагим этмагил бировдан қарздор,  
Эй худо, доимо бўлиб мададкор,  
Камтарин қулиннга айлаб тараҳҳум,  
Лутфингдан баҳравар айлагил ҳар зум.  
Зикрингни қўймайин асло дилимдан,  
Мадҳингни қўймайин асло тилимдан.

Эй мени яратган, пок Парвардигор,  
Вужудимни айла соғу беғубор.  
Қулоғим эшитиб, кўзларим кўрсин,  
Тилим одамларнинг аҳволин сўрсин.  
Сониян айлама кофиру гадо,  
Азоби гўр ила қилмагил адо.  
Ўзингдан бошқа йўқ, яккасан илоҳ,  
Топинган бандангга бўлгайсан паноҳ.

\*

Эй худо, сўрайман сендан пок ҳаёт,  
Ўртача ҳолда ҳам этайин вафот.  
Ўзинг бер қулингга эзгу кафолат,  
Охират кунда қилма хижолат.  
Гуноҳим кўп дея қилгум илтижо,  
Адашган бандангни кечиргил худо!

Эй Оллоҳ, сўрайман сендан ҳидоят.  
Тақводор айлагил мени ниҳоят.  
Ўртаҳол яшайин на тўқу на оч,  
Асло одамларга қилмагил муҳтож.  
Тўрт кунлпк ҳаётим ўтиб мўътадил,  
Раббим, охиратда ўзинг бахтли қил.

\*

Эй худо, эт мени соҳиби илм,  
Ҳам бўлсин безагим фазл ила ҳилм.  
Айла тақво ила азиз-мукаррам,  
Лутфингдан умидвор бўлай хотиржам.  
Шукрона айтганда ҳар доим тилим,  
Шодлаииб номингдан жўш урсин дилим.  
Ҳар икки дунёда бергувчи нажот,  
Оллоҳим, йўқ сендек бир муқаддас зот.

\*

Эй худо, айлама душманга мағлуб,  
Гар ожиз бандангни санасанг марғуб.  
Оғир қарздор қилиб этма дил яра,  
Нокас ғанимларга қилма масхара.  
Яхшим-ёмоним мен ожиз одам,  
Раббим, насибамни айламагил кам.



Билингки, кечирмас уни ҳеч Оллоҳ!  
Мўминнинг ҳақини емоқлик магар,  
Қонини тўкмоқ-ла эрур баробар.  
Ким Оллоҳ номидан этса қасамёд.  
Уни Оллоҳ этгай каззоб номурод.  
Одамлар хатосин кечирса гар ким,  
Оллоҳ унга бўлар меҳрибон, ҳалим.  
Ким бўлса кечгувчи муслими покдил,  
Оллоҳ уни ҳаргиз этмагай хижил.  
Ким жаҳлу ғазабин боса олса гар,  
Бўлар Ҳақ меҳрига у зот муяссар.  
Кимки мусибатга кўргузса сабот,  
Оллоҳи Таоло берар мукофот.  
Кимки риё билан иш тутса агар,  
Уни кўриб турар Оллоҳ муқаррар.  
Кимки сабр қилса бўлгай бахтиёр,  
Итоат этмаган бўлар хору зор.  
Савобпешаларга меҳрини тоблаб,  
Гуноҳ қилганларни Оллоҳ азоблаб,  
Ҳақиқат жойида топади қарор,  
Барча умматимни, эй Парвардигор,  
Мағфират айлагин, қилма шарманда,  
Лутфингдан умидвор ҳар муслим банда.  
Улар ва ўзим деб айтиб истиғфор,  
Ёлвориб сўрайман, пок Парвардигор,  
Мағфират айлагил умматларимни,  
Мағфират айлагил умматларимни!  
Мағфират айлагил умматларимни!

\*

Ҳамду санодан сўнг: дунё ям-яшил,  
Ҳам гўзал, Оллоҳнинг инояти, бил.  
Унга эга қилиб сизларни Оллоҳ,  
Кузатиб турибди бўлингиз огоҳ.  
Дунёнинг бесару сомонлигидан,  
Сақланинг аёллар ёмонлигидан.  
Бани Исроилнинг қабиласидан,  
Чиқиб исён аёллар ҳийласидан,  
Бўлгандир турфа хил шов-шувга сабаб,  
Одам фарзандлари турфадир ажаб.  
Баъзиси уларнинг туғилиб мўмин,  
Дунёдан мўминдек ўтади кейин.  
Баъзиси оламда туғилиб мўмин,  
Кофирларча ўтар оламдан бедин.

Яна шундайлар ҳам оламда учрар,  
Мўминдек туғилиб кофирдек яшар.  
Вале динга кириб қилиб эътиқод,  
Охири мўминдек этади вафот.  
Огоҳ бўлингизки бузилса асаб,  
Одам ичидаги чўғ эрур ғазаб.  
Ундан ғазабланса қизарар киши,  
Оқибатда ёмон бўлгайдир иши.  
Жаҳли секин чиқиб, тез қайтса гар ким,  
Яхши одам эрур, билинг у муслим.  
Жаҳли секин келиб, секин кетса ҳам,  
Билингки саналгай у яхши одам.  
Ғазаби тез келиб қайтса гар секин,  
Ёмон одам эрур, билинг у лекин.  
Ғазаби тез келиб, тез кетса ҳар он,  
Бундоғ одамлар ҳам саналмас ёмон.  
Тожирнинг яхшиси сўзи бўлса бол,  
Тожирнинг ёмони гар эрур қўпол.  
Қарз бериб, тез олса қайтариб агар,  
Қарз олиб ё секин берган савдогар,  
Билингки ёмонмас ҳар икки ҳолда,  
Ҳеч кимса қолмагай бундан заволга.  
Огоҳ бўлингларки ҳар бедиянат,  
Қилса бу дунёда қанча хиёнат.  
Қиёмат кунда кўтариб байроқ,  
Юргай гуноҳига яраша мутлоқ.  
Хиёнат айласа халқига гар шоҳ,  
Улкан хиёнатдир, бўлсин у огоҳ!  
Ҳақ сўзни айтишга қилма тўсқинлик,  
Бу эрур золимлиғ, мисли бединлик.  
Ҳақ сўзни подшоҳнинг юзига айтмоқ,  
Бу эрур жиҳоднинг афзали ҳар чоқ.  
Огоҳ бўл умрингни қолгани ҳар он,  
Яшаган кунингдек қисқадир инсон.

Муборак умматдир барча умматим,  
Барига бир хилдир менинг ҳимматим.  
Билмайман уларнинг қай бири авло,  
Аввал ўтганларми, кейингиси ё!

Оллоҳнинг наздида туғувчи аёл,  
Туғмовчи сатангу ҳам соҳибжамол

Аёлдан яхшироқ саналгай доим,  
Ҳикмат соҳибидир қодир худойим.  
Ҳам яна дегайлар: Сарвари Олам,  
Бошқа умматлардан кўп ва муҳтарам,  
Сиз билан айлайман фахру ифтихор,  
Жаҳонда ҳисобсиз умматларим бор.

Авалло онангга айла яхшилик,  
Ҳам яна онангга бўлгил хушқилиқ,  
Онангга бўл яна эзгую илиқ,  
Сўнг эса отангга яхшиликлар қил,  
Шунда матлабингга етасан, ўғил.

Яратган гўзалдир, беқиёс гўзал,  
Ҳамда гўзалликни хуш кўрар азал.

Доимо покдирки Оллоҳ Таоло,  
Шу боис покликни кўради авло.  
Ҳам яхши кўради ким бўлса тоза,  
Боиси: тозадир у беандоза.  
У доим сахий ва этгувчи эҳсон,  
Хуш кўрар ким бўлса гар сахий инсон.  
Ҳовлию уй-жойни тоза тутингиз,  
Оллоҳнинг йўлида меҳмон кутингиз.  
«Ул киши бўлгай худонинг душмани,  
Кетса меҳмон уйига сиғмай ани».  
Ҳовли, уй-жойингиз бўлмасин ифлос,  
Ивирсиб яшаманг, бединларга хос!  
Оллоҳ авф этувчи гуноҳдан ўтар,  
Ҳамда авф этгани яқин дўст тутар.

Сахийдир, сахийни дўст тутар Оллоҳ  
Ахлоқсиз бахилни унутар Оллоҳ.  
Покиза хулқлини этиб бахтиёр,  
Бўлгайдир ҳамиша унга мададкор.  
Оллоҳ назаридан қолмагай асло,  
Ким унга айласа дилдан тавалло!

\*

Оллоҳи Таоло истаса агар,  
Фосиқ-фожири билан динни муқаррар,  
Мустаҳкам қилгайдир шак ва шубҳасиз,  
Унинг қудратига шак келтирманг сиз.

\*

Адолат билан иш юритса қози,  
Оллоҳи Таоло бўлади рози.  
Қози зулм тиғи кўтаргани он,  
Оллоҳ кетар, қолар у бирла шайтон.

\*

Қарз олувчи қарзни гуноҳ ишгамас,  
Хайрли иш учун олар бўлса, бас,  
Қарзини узгунча то ўша одам,  
Оллоҳи Таоло бергайдир ёрдам.

\*

Оллоҳи Таоло тубан ишларга  
Ҳамда фитна-фасод, ғам-ташвишларга,  
Машғул этмагайдир умматларимни,  
Ҳисобга олгайдир заҳматларимни.  
Оллоҳ кўпчиликка беради ёрдам,  
Ажралган ёлғизнинг қисмати мубҳам.  
Дўзахга йўл олган ғамгин умрбод,  
Кўпчилик билан ким бўлса доим шод.

Молю дунё ила турқу тароват,  
Ясан-тусан ила сиз қилган роҳат,  
Дуру зар, ҳайбатли, баланд қасрга,  
Тушмагай мўминнинг дили асирга.  
Билингки уларга қараб мутлақо,  
Парвардигор сизга бермагай баҳо.  
Оллоҳ дилингизга боққайдир аввал,  
Сўнгра айласангиз не яхши амал,  
Билингки ҳар доим пок Парвардигор,  
Эзгулик қилсангиз бергай эътибор.

Умматлар бошига Оллоҳ Таоло,  
Юз йилда бир динни этгали ислоҳ.  
Юборар бир буюк уламо киром,  
Уни мусулмонлар этгай эҳтиром.  
Диндан бидъатларни тозалаб у зот,

Бағишлар Исломга янгича ҳаёт.  
Баайни суннати Расули Оллоҳ,  
Умматларни этиб янгидан огоҳ.  
Унга эргашганни тутиб қўлидан,  
Бошлагай «Қуръон»у «Ҳадис» йўлидан.

\*

Оллоҳи Таоло кўради ёмон,  
Авалло фаҳш ишни айласа инсон,  
Сўнгра ёқтирмайди ҳар қандай одам,  
Беҳаё сўзларни гапиргани дам.  
Келмасин десанг гар ғазаби Худо,  
Бўлмагин бузуғу эзма — беҳаё!

\*

Оллоҳ одамларга ким солиб қовоғ,  
Қараса, у зотни ёқтирмас мутлоқ.  
Оллоҳга ёқишни истасанг доим,  
Қара одамларга кулиб мулойим.

\*

Босса одамларни агар қайғу-ғам,  
Уларнинг бошига тушса зўр мотам  
Ёки бошларига келиб фалокат,  
Уларга ёғилса турфа ҳалокат,  
Оғир дамда кимлар гар берса ёрдам,  
Парвардигор бўлар уларга ҳамдам.  
Бу янглиғ шахсларни Оллоҳ дўст тутар,  
Қилган гуноҳларин балки унутар.

\*

Бўлма сен ҳар қандай ғаму ташвишда,  
Оллоҳ юмшоқликни севар ҳар ишда.  
Ишларинг ривожда бўлади доим,  
Бўлсанг гар меҳрибон, ҳалим, мулойим,  
Оллоҳга ёқади сен қилган амал,  
Эй инсон, бажаргил қилмасдан маҳтал.

Ким ёмон қўшнининг ғам-озорига,  
Ғийбату душманлик бурду борига  
Айласа доимо сабр ва бардош,  
Унинг ҳам бошида бир кун синар тош.  
Яратган хуш кўрар бардошли зотни,

Ёмон қўшнисидан олгай ҳаётни.  
Ўлдирмай ё унга айлаб ҳидоят,  
Гамдан қутқазгайдир некни ниҳоят.

\*

Бандалари ичра қодир Худойим,  
Ёқтирар гайратли жасурни доим.

\*

Уч яхши нарсада Ҳақ сиздан рози,  
Уч ёмон нарсада бор эътирози.  
Яратган розидир тоат-ибодат  
Қилсангиз унга ширк келтирмай фақат.  
Шаръий аҳкомлар деб бирлашинг ҳамда  
Бўлишиб кетмангиз ҳеч оғир дамда.  
Қимни ҳоким қилса яратган қодир,  
Бўлинглар у зотга сизлар мушовир.  
Худога ёқмагай билинг бематлаб,  
Агар тарқатсангиз сизлар миш-миш гап.  
Беҳуда берсангиз ортиқча савол,  
Бундан ҳам Оллоҳга етгайдир малол.  
Ҳам молу дунёни қилсангиз исроф,  
Оллоҳга ёқмагай айлангиз инсоф.

\*

Иккита шерикка эрурман ҳамроҳ,  
Дегайдир яратган субҳона Оллоҳ!  
Қилмаса ўзаро агар хиёнат,  
Уларда бўлса гар инсоф, диёнат,  
Бири бошқасига етказиб зиён,  
Орада хиёнат юз бергани он,  
Нопоклик бор жойда ахир нетаман?  
Улар ўртасидан чиқиб кетаман!

\*

Оллоҳи Таоло қиёмат куни,  
Айтгай бандасига билсанг ушбун:  
«Эй инсон фарзанди, мен бўлиб касал,  
Ётганда сен хабар олмадинг бир гал».  
У одам айтди: «Эй Парвардигор,  
Бутун олам эрур наздингда губор.  
Мен ахир наздингда бир ожиз банда,  
Қандай кўролардим сени борганда?»  
Яратган айтурки: «Фалончи одам,

Бетоб эди ҳолин сўрмадинг ҳеч ҳам.  
Бориб олганингда ҳолидан хабар,  
У билан топардинг мени муқаррар».  
Яратган айлагай саволин давом:  
«Эй инсон фарзанди, еганда таом,  
Мени эсламадинг ҳаттоки бир бор».  
Одам ҳайрон бўлар: «Эй Парвардигор,  
Сен бўлсанг қўл етмас шоҳи жаҳондор,  
Не янглиғ мен сенга беролгум овқат?»  
Оллоҳ дер: «Қилмадинг лутфу марҳамат,  
Фалон бандам сўраб борганда ғизо,  
Сен унга егулик бермадинг аммо,  
Унга таом бериб айласанг шодон,  
Мени ҳузурда топардинг, инсон.  
«Эй инсон фарзанди,— деб айтур Оллоҳ,  
Сув сўрадим, сув ҳам бермадинг, ҳатто!»  
Одам дер: «Эй худо, измингда олам,  
Дарёю денгизу океанлар ҳам.  
Мен қандоқ сув берай бапдайн фақир?»  
Оллоҳ дер: «Наздингга келганда ҳақир,  
Сен фалон бандамга бермадинг-ку сув,  
Кетди кўзларидан ёш тўкиб дув-дув.  
Сув бериб айласанг гар уни сероб,  
Бўлардинг наздида мендан баҳраёб».

\*

Оталар номидан ичмангиз қасам,  
Бу йўлдан қайтарар сизларни Эгам.

\*

Ранжитманг сиз турфа хаёллар билан,  
Яхши рафтор қилинг аёллар билан.  
Яратган буюрмиш сўзи азиздир,  
Чунки улар она, хотин ва қиздир.  
Сизларга меҳрибон доимий ҳамдам,  
Уларсиз тушгайдир бошингизга ғам.

\*

Одамлар ичига шубҳа солса шоҳ,  
Уларни айнитиб айлагай гумроҳ.  
Балиғ чирингандек аввал бошидан,  
Бебаҳра бўлмайлик Ҳақ қуёшидан.

\*

Қачонки қарашса эрига аёл,  
Эр ҳам хотинини айласа хушқол,  
Ўзаро бўлишса ҳамжиҳат, ҳамдам,  
Парвардигор айлар уларга карам.  
Қафтларини кафтга қўйишса тотув,  
Бармоқ орасидан гуноҳлар дув-дув  
Тўкилиб, бўлишгай ғамлардан фориг,  
Уларнинг манглайн тоабад ёруғ.

\*

Бемаъни гаплардан қилмасдан ҳазар,  
Айтиб одамларни кулдирса агар,  
Оллоҳдан йироқда қолиб у киши,  
Пушаймонлик бўлгай охири иши.

\*

Жаннат амалини айлабон одам,  
Дўзахга тушиши қийинмас ҳеч ҳам  
Еки дўзахийлик бўлса ҳам иши,  
Охири жаннатга киргайдир киши.  
Сўнгида юракдан қилсанг не амал,  
Ўша масалангни, билки, қилар ҳал.

\*

Авалло бидъатга берилма, инсон,  
Сўнг бўлма фолбину ё азайимхон.  
Сеҳру жоду билан иш қилма зинҳор,  
Оллоҳни унутиб ҳам осма тумор.  
Оллоҳга ширк ила эрур баробар  
Бу янглиғ ишларни ким қилса агар.

\*

Неча қон томиринг бўлса гар, инсон,  
Бил, унда юришга ҳуқуқли шайтон.  
Ҳар доим урганда қонинг гупуриб,  
Шайтоний нафсга ташла тупуриб.  
Тийсанг май, зинодан ўзингни мудом,  
Шайтон ололмагай сендан интиқом.  
Бўлмасанг ғаламус, қилмасанг иғво,  
Ўзи паноҳида асрагай худо.

\*

Тушганда бошларга мусибату жабр,  
Биринчи лаҳзада билинади сабр.



Энг эзгу хислатдир сабр инсонда,  
Оллоҳ доим бўлар собир томонда.

\*

Фитна-фасодлардан бахтиёр одам  
Узоқроқ юради билсангиз ҳар дам.  
Чидам, бардош ила қилиб қаноат,  
Доимо топади у зот саодат!

\*

Исломда мутлақо йўқ фаҳш сўзи  
Ҳамда йўқ билсангиз фаҳш иш ўзи.  
Ахлоқи хуш бўлгай мусулмон одам,  
Фаҳш кўчасига кирмагай ҳеч ҳам.  
Фаҳшга қўл урса кимки агарда,  
Ислом олаמידан бўлгай бадарға.

\*

Ҳар инсон юраги Оллоҳ қўлида,  
Юргай у ишора этган йўлида.  
Оллоҳни дилингда асра мустаҳкам,  
Шукронасин тилдан қўймагил ҳеч ҳам.  
Қим дилдан Оллоҳга қилса эътимод,  
Бўлар охирати у зотнинг обод.

\*

Тунда ибодатда, кундуз рўзадор,  
Мўмин киши бўлар солиҳ, тақводор.  
Бу икки хислатдан маҳрум бўлса ким,  
Билингки, у одам эмасдур муслим.

Тил ва шамшир ила мусулмон киши,  
Жонздир ҳақ учун жиҳод қилиши.  
Худонинг йўлида шамширу забон  
Айласин доимо ишингни осон.

\*

Оллоҳнинг йўлида дўст тутинганлар,  
Оллоҳ карами-ла ўсиб унганлар.  
Қиёмат келганда ниҳоясида,  
Бўлишар Арши аъло соясида.

\*

Никоҳ қилинади эркакка аёл,  
У билан яшаса токи безавол.  
Бордир бир аёлнинг дудоқда боли,  
Эрни ром этувчи ҳусни жамоли.  
Бирининг мол-мулки кўпдир дунёда,  
Эрларни маҳлиё этар зиёда.  
Бор шундоқ аёллар, қилмас хиёнат,  
Уларда бори шу инсоф, диёнат.  
Уйлангин сен шунга, барака топгур,  
Гўзал ё бойидан узоқроқда юр.  
Гўзалнинг жазмани бўлади кўпроқ,  
Бой сени санагай арзимас тупроқ.  
Бўлса диёнатли оддий хотининг,  
Шу сенинг ҳаётда топган олтининг.

\*

Тиланчилик эрур кимларга жоиз?  
Жавоб берди шундоқ ҳазрати воиз:  
Тиланчилик эрур уч гуруҳга хос,  
Бордир тиланишга уларда асос.  
Хун тўловчи эрур биринчи нафар,  
Иккинчиси эрур қашшоқ дарбадар.  
Учинчиси оғир қарзларга ботган,  
Қарзни узиш учун бор-йўғин сотган.  
Қолганларга эрур тиланиш ҳаром,  
Буни билиб қўйсин элу юрт, авом.

Азоб-уқубатга бўлса гирифтор,  
Оллоҳ бандаларин айламагай хор.  
Ғамига яраша ғамгусор бўлар,  
Уларга мушфиқу мададкор бўлар.  
Ғаму мусибатга яраша сабр  
Берилар, уларга қилинмас жабр.

\*

Модомики яшаш бор экан,  
Ҳар бир инсон бахтиёр экан.  
Ҳақиқат деб курашса ҳар ким,  
Бўлмас асло енгилиб таслим.

\*

Эрур буюк эзгулик, сахо,  
Этса ҳамки отаси қазо,

Дўстларидан алоқа узмай,  
Улар билан орани бузмай,  
Борди-келди қилса ким доим,  
Ёрлақагай уни худойим.

\*

Намоз пайти енгил ҳаракат  
Қилган топар доим баракат.  
Одамларда уйғотар ҳавас,  
Эзгу хулқи ибодати бас.  
Ҳам чиройли ҳамда хуфёна,  
Боз ибодат қилса пинҳона.  
Шуҳрат топмай одамлар аро,  
Ўрта ҳоллиғ, на бою гадо,  
Топганига қилса қаноат,  
Унга ўлим келгани соат,  
Йиғлагувчи киши бўлса оз  
Ҳам шунингдек кам қолса мерос.  
Ўрта ёшда ўтса оламдан,  
Бахтли йўқдир ундай одамдан.

\*

Умматларим, бергум кафолат,  
Қилишмагай кори залолат.  
Сезсангиз гар одамлар аро  
Бир ихтилоф ҳамда бор низо.  
Кўпчиликка қўшилинг дарҳол,  
Кўрмагайсиз шунда сиз завол.  
Кўпчиликка ён босар Оллоҳ,  
Ажралгани ёқтирмас асло!

\*

Оллоҳнинг карами доим эрур кенг,  
Яхши хаёл қилиш ибодат-ла тенг.  
Ҳеч қачон бормангиз ёмон гумонга,  
Яратган дўст эрур ҳар бир инсонга.

\*

Ҳаққа қил илтижо, иймондан эрур,  
Ваъдага қил вафо иймондан эрур.

\*

Ким бўлса агарда мўмин-мусулмон,  
Бир-бирин дардига шерикдир ҳар он.

Киши бармоғни кесганида тиг,  
Бутун вужудини тутгандек оғриқ.  
Мўмин бўлсангиз гар сиз, эй фуқаро,  
Ҳамдард бўлгайдирсиз доим ўзаро.

\*

Ким биров молини еса гар ноҳақ,  
Охири дўзахга бўлар муҳаққақ.

\*

Бу дунёда кимдан қилишса ҳазар,  
Бўлса ёмонларнинг ёмони баттар.  
Оллоҳнинг наздида қиёмат куни,  
Ёмон одам дея аташгай уни.

\*

Қиёмат кунда энг ёмон банда,  
Беҳаёлик ила бўлиб шарманда,  
Эътибордан қолар бир четда маҳрум,  
Қилмишига кўра у шунга маҳкум.  
Оллоҳим, караминг бесару сомон,  
Камина қулингга айлагил эҳсон!

Художўй бўлмаса подшоҳу гадо,  
Ёвуз ва жоҳилдир у шахс мутлақо.  
Ўраб атрофини бир тўп бенамоз,  
Бўлмаса ишида караму ниёз.  
Узоққа боролмас фосиқ шаҳриёр,  
Худонинг қаҳрига бўлади дучор.

\*

Бўлсангиз виқорли ҳамда мулойим,  
Еқтирар Расули бирла худойим.  
Оллоҳнинг йўлидан борсангиз босиб,  
Шу икки хислатга бўлинг муносиб.

\*

Шундай қуллари бор Ҳақ Таолонинг,  
Фаҳмига етгайдир ҳар бир балонинг.  
Белгисига қараб одамни алар,  
Билсангиз, янглишмай аниқ баҳолар.

\*

Яхши бандалари кўпдир Худонинг,  
Ҳожати тушганда ҳар ғамзудонинг<sup>1</sup>.  
Улар ҳузурига тумонат одам,  
Келиб-кетган билан кети бўлмас кам.  
Одамлар ҳожатин айлашар раво,  
Дардмандлар дардига бағишлаб даво.  
Оллоҳ азобидан бу янглиғ банда,  
Омонда, охират бўлмас шарманда.

\*

Қарздорга ҳақлидир қарзи бор одам,  
Қарзи талабида гапирса ҳар дам.  
Эй инсон, қарз олсанг ўз пайтида уз,  
Бўлмагил фирибгар, муттаҳам, беюз.  
Қарз билан оламдан кетсанг мабодо,  
Фақат не бўлишин биледи худо!

Дарёю денгизнинг мавжи бор,  
Оламда ҳар ненинг авжи бор.  
Омади келганда тўғри юрса ким,  
Билингки, у эрур ҳақиқий муслим.  
Кек, гина, ҳасадни тамом унутинг,  
Доим у одамдан яхшилик кутинг.  
Амалга етганда бир амалпараст,  
Кибр-ла сизларга қараса гар паст.  
Одам шаклидаги у чўчқамижоз,  
Ҳеч кимга кўргузмас илтифот, ниёз.  
Мукамал одам деб берманг эътибор,  
Бўлса ким манману фосиқ, риёкор.

\*

Асло ўзгармагай тақдири азал,  
Бўлар масалангиз туғилмасдан ҳал.  
Онангиз қорнида бўлса не ёзуғ,  
Сиз учун бир умр у раҳнамо туғ.

\*

Берган нарсасини қайтариб олиш —  
Қайт қилган нарсани оғизга солиш

---

<sup>1</sup> Ғамзудо — ғамда қолган, қайғули.

Ҳамда қайта ейиш ила баробар,  
Бу ишдан қилади Оллоҳ ҳам ҳазар!

\*

Шеърда ҳикмат бўлса, сўзларда сеҳр,  
Шунда уйғонади дилларда меҳр.

\*

Сочлари оқарган ҳар мусулмонни,  
Тинимсиз ёд олиб улуғ «Қуръон»ни,  
Тугал маъносига етмаган билан,  
Гарчи чала ташлаб кетмаган билан,  
Адолатли шоҳни ҳурмат айламак,  
Оллоҳни улуғлаб дилга жойламак,  
Мисоли хайрли эзгу савобдир,  
Унга оқибатда яхши жавобдир.

\*

Қўрмаган тушини кўргандек сўзлаш,  
Жўрттага таъбирлар қидириб бўзлаш,  
Ёлғоннинг ёлғони эрур ҳар қачон,  
Сўзлагувчи эса энг тубан инсон.

Оллоҳ номи билан ичганда қасам,  
Чивин қанотидек ёлғон бўлса ҳам.  
Қиёмат келгунча билгинки мутлоқ,  
Қалбингда қолади бўлиб қора доғ.

Улгандан кейин ҳам етар савоби,  
Мўминнинг қолса гар «Қуръон» китоби.  
Тарқатган илмию қобил фарзанди,  
Эзгулик йўлида гар жигарбанди,  
Ҳам қурган масжиду меҳмонхонаси,  
Тирик пайтдагидек бор ионаси.  
Савоби ёзилиб туради доим,  
У зотни ёрлақар қодир худойим!

\*

Бу дин эрур жуда мустаҳкам,  
Урта ҳолу юмшоғу бардам.  
Яшанг лутфу марҳамат билан,  
Қизиқмасдан мол-давлат билан.

Бу дунёда йиғиб кумуш-зар,  
Охиратни унутса ким гар.  
Хазинаси бўлгайдир олов,  
Кул қилгайдир уни беаёв.

\*

Ҳеч кимга қилмангиз кибру хусумат,  
Сизлар етмишинчи муслмон уммат.  
Оллоҳи Таоло наздида ҳар гал,  
Сиз улар ичида азизу афзал.  
Оллоҳга сиғинган иймонли банда,  
Бўлгайдир доимо яқин арзанда.

\*

Билингки яратган пок парвардигор,  
Севган бандасини айлар шаҳриёр.

Одамларни қила олмайсиз мамнун,  
Сарф этиб сочқию садоға ҳар кун.  
Бўлсангиз очиқюз, хушхулқ, хушгуфтор,  
Одамлар бўлади сиздан миннатдор.

\*

Хайрли ва савоб ишларга фақат,  
Сизни буюришса, қилинг итоат.  
Бўлмаса адолат юзасидан иш,  
Керакмас ҳеч қачон уни бажариш.

\*

Хотин ва қизларни эркаклар мудом,  
Туғишгани каби қилсин эҳтиром.

\*

Мен ҳам бир инсонман, одами хоки,  
Сизлар ҳукм сўраб келасиз токи.  
Иккита одамдан бири эрур ҳақ,  
Сўзга уста бўлса ким ўша мутлақ —  
Тортишув чоғида ютиши мумкин,  
Қўрмай бир хулоса чиқариш қийин.  
Сўзига ким ёлғон қўшса беаёв,  
У эрур дўзахдан бир парча олов.  
Хоҳласа шу ўтти олар зиёда,  
Хоҳласа олмагай уни дунёда.

\*

Мен ҳам бу дунёда сиздек бир одам,  
Дунёвий ишларга эмасман ҳакам.  
Диний масалани сўрсангиз агар,  
Ўзим билганимча берурман хабар.  
Адашмай сўзимга қилсангиз амал,  
Бўлгай оқибати сизларга гўзал.

\*

Гумонда айтилган сўзлар мутлақо,  
Чиқиши мумкиндир тўғри ё хато.  
Уларни англашда мен ҳам ожизман,  
Бир оддий инсонман, бамисли сизман.  
Лек Оллоҳ номидан айтсам не хабар,  
Барчаси ваҳию ростдир муқаррар.

\*

Сизлардан олдинги қавмлар нечун  
Барчаси қилинган ҳалоку нигун?  
Ҳурматли одамлар қилса ўғрилик,  
Кечириб, дейишган улар тўғрилик.  
Бўлса гар бечора, занф, камбағал,  
Аёвсиз калтаклаб уриб ҳар маҳал.  
Керагидан ортиқ беришган жазо,  
Шу боис уларни маҳв этган худо!

Икки киши бирга қилишса суҳбат,  
Уларнинг гаплари доим омонат.  
Оллоҳи Таоло омонати-ла,  
Тарқалгай икки шахс диёнати-ла.  
Суҳбатдош сирини фош қилиш ҳаром,  
Хоин залолатда қолгайдир мудом.

Менинг келишимдан асосий омил,  
Барча эзгу хулқни этмак такомил.  
Одамларни этиб гуноҳдан фориғ,  
Улар манглайини айлабон ёруғ.  
Жаннату дўзахдан бермоқлик хабар,  
Эрурман жаҳонда сўнгги Пайғамбар.



Дил доим ўзгаргай, шу боис у дил,  
Дарахт шохидаги бир япроқ деб бил.  
Гард-ғубор япроқнинг юзига урар,  
Шамол турганида ҳилпираб турар.

\*

Хонага кирмоқлик сўраб ижозат  
Бўлсин ҳар муслимга доимий одат.  
Кўзингиз тушмасин то номаҳрамга,  
Бу ўғит дахлдор ҳар бир одамга.

\*

Яхши одам билан ўтириш гўё,  
Таратган мисоли анбари соро.  
Ёмонга ҳамнафас бўлганинг кезак,  
Атрофни саситар мисоли тезак.  
Агар ўзлигини этса намоён,  
Билгилки иккиси иккита жаҳон.  
Яхшидан етгайдир сенга яхшилик,  
Ёмондан бил етар сенга бадқилиқ.  
Яхшининг хушбўйи этсин сени шод,  
Бадбўйдан йироқроқ бўлгил умрбод.  
Ўзинг ҳам ёмонмас, доим яхши бўл,  
Мўмину муслимлик зебу нақши бўл.  
Оллоҳнинг қули бўл, эй юртнинг шоҳи,  
Бўлмагил адашган, золим гумроҳи.

\*

Қилган ниятига қараб ҳар инсон,  
Тирилар қиёмат келгани замон.  
Қанча яхши ният қилсанг, эй одам,  
Бўларсан шунчалар азиз, мукаррам.

\*

Оллоҳи Таоло қилгай арзанда,  
Ким бўлса меҳрибон, раҳимдил банда.  
Савобу ажрини боқий дунёда,  
Билингиз минг бора этгай зиёда.

\*

Мен келдим сизларга айтгани раҳмат,  
Шайтони лаъинга ўқурман лаънат.

\*

Ҳазил-мутойиба қиламан мен ҳам,  
Ва лекин ҳақ гапни сўзлайман ҳар дам.

\*

Одамлар қалбларин очиб кўришга  
Ва ёки уларни хўрлаб уришга,  
Менда йўқ ҳеч қандай амр ила фармон,  
Фақат ҳақ каломин айлагум баён.

Бўлса гар иккита заиф, бемажол,  
Бирови етиму бирови аёл.  
Уларнинг ҳақини билинг, эй авом,  
Мен сизга ейишни қиламан ҳаром.

\*

Айтсам подшоҳликдан сизга аломат,  
Биринчи кўргани бўлар маломат.  
Иккинчиси бўлар афсус-пушаймон,  
Учинчиси азоб охири замон.  
Одил шоҳлар эрур бундан мустасно,  
Уларга етмагай таъна, ғам, бало.  
Барига гувоҳдир, Яратган, борлиқ,  
Олгай амалига яраша ёрлиқ.

Мен Марям фарзанди Исо Пайғамбар  
Ила бу дунёда билинг мухтасар,  
Яқинман, шунингдек охиратда ҳам,  
Бизнинг орамизда ўзга бир одам.  
Пайғамбар бўлмаган сизларга аён,  
Гапнинг очиғини айласам баён.  
Бир ота фарзанди барча Пайғамбар,  
Гарчи оналари ўзга муқаррар.  
Динлари бир эрур барининг аммо,  
Шунингдек яккаю ёлғиздир худо.  
Ким бунга чин дилдан келтирса нймон,  
У одам ҳақиқий мўмин-мусулмон.

\*

Мўмин-мусулмонки ҳомий-ҳамдинман,  
Уларга ўзидан кўра яқинман.  
Ўлиб қай биридан қолса агар қарз,

Уларни узишлик зиммамдаги фарз.  
Қолдирган бўлишса молу мулк мерос,  
Ворисларига тенг бўлингайдир хос.

\*

Ўзгалар ғамдан юргувчи кулиб,  
Мусибат етса гар сочини юлиб.  
Ҳам йиртиб кийимин, юзини тирнаб,  
Йиғласа титратиб бу оламни заб.  
Безорман бу янглиғ оҳу фиғондан,  
Бу ҳолни кутмасман ҳеч мусулмондан.

\*

Кимнингки қилмиши сахо, аҳиллик,  
Мен ва етимлардан олса кафиллик.  
Икки бармоғимдек бирга жаннатда,  
Бўламиз у одам билан, албатта.

\*

Бойвачча бўлсанг ҳам, ўтса ҳам сўзинг,  
Билки, отангники эрурсан ўзинг.

\*

Дунёвий ишларни мендан яхшироқ,  
Азиз умматларим, биласиз бироқ,  
Диний ишларга ҳам беринг эътибор,  
Ўшанда сизларга худо бўлар ёр.

\*

Келса гар саройми, карвонсаройга,  
Ҳар битта одамни муносиб жойга  
Ўтқазинг доимо айлаб эҳтиром,  
Сиздан дили ранжиб кетмасин тамом.

\*

Бўлса дўстларингиз золимми, мазлум,  
Унга ёрдам қўлин чўзингиз ҳар зум.  
Сўрашди: «Мазлумга бергаймиз ёрдам,  
Золимга не янглиғ этайлик карам?»  
Жавоб бердиларки: «Зулм қилишдан  
Тўхтатсанг, савоб йўқ ортиқ бу ишдан».

Ўзингга назар сол, эй бадани оқ,  
Ҳинду ё ҳабашдан эмассан хуброқ.

Балки Яратгандан қўрқининг билан,  
Тоат-ибодатлар қилишинг билан,  
Билки фазилатинг ошгай зиёда,  
Мўмину мусулмон бўлсанг дунёда.

\*

Сенга неъмат берса Оллоҳ Таоло,  
Ўзингга ҳам сарфла, қилмагил ҳаё.

\*

Неники кўпи маст этса безавол,  
Унинг озини ҳам қилманг истеъмол.  
Икки нарса қилар одамни хароб,  
Бирови кофирлиғ, бирови шароб.

\*

Сизга насиҳатим шулдир аввало,  
Барчангиз тақвода бўлинг доимо.  
Эзгулик йўлининг маошидир у,  
Охират йўлининг қуёшидир у.  
Оллоҳнинг зикрида соатма-соат,  
«Қуръон»ни тинимсиз айланг тиловат.  
Сиз учун самода шуҳрату сурур,  
Заминнинг юзида бамисоли нур.  
Доимо сақлангиз хомуш сукунат,  
Ҳақ сўзни жим турмай айтингиз фақат.  
Дин учун тўғри йўл тутиб очунда,  
Шайтонни қувлаган бўласиз шунда.  
Қалбни ўлдиради кулманг сира кўп,  
Ҳам юзпинг пурини ўчиради хўп.  
Оллоҳнинг сўзини тутибон ёдда,  
Доимо сидқ ила бўлинг жиҳодда.  
Хору мискинларни доим дўст тутинг,  
Кибору бойларни буткул унутинг.  
Молу дунё билан илмдан пастга  
Қарангу боқманг ҳеч шуҳратпарастга.  
Ҳам бою боёнга боқсангиз манзур,  
Оллоҳ берганига қилмайсиз шукур.  
Нега мен улардан камбағалман деб —  
Қолгайсиз пинҳона пушаймонлар еб.  
Хешу ақрабога кўргузиңг карам,  
Улар узоқлашиб кетган бўлса ҳам.  
Тубан риёкорлик йўлидан қайтинг,  
Аччиқ бўлса ҳамки рост сўзни айтинг.

Қўрқманг айлашса ҳам сизни маломат,  
Оллоҳнинг йўлида бўлинг саломат.  
Одамлар айбини сўзлашдан аввал,  
Айбингизни эслаб қўйинг ҳар маҳал.  
Сиз қилган ишни ким қилса мабодо,  
Унга ғазаб билан қараманг асло.  
Бўлса шу уч сифат, беринг эътибор,  
У одам доимо саналур айбдор:  
Кўрмай ўз айбини башарти агар,  
Уни ўзгаларда кўрса муқаррар.  
Ўзи ҳам айбдору дахлдор бўлса,  
Бошқаларни айблаб устидан кулса.  
Берса суҳбатдошга озор-азият,  
Эрур у одам ҳам айбдор-баднийат.  
Бўлсангиз агарда менинг умматим,  
Ёдда сақланг, эрур шу васиятим:  
Мендан сўнг эргашинг саҳобаларга,  
Садоқатли бўлинг ҳамхобаларга.  
Кейин ёлғончилик тарқалар жуда,  
Билсангиз одамлар ҳуда-беҳуда  
Гувоҳлик беришиб ичишар қасам,  
Ҳаттоки улардан сўрамасанг ҳам.  
Қайси бир эркакки, бўлингиз огоҳ,  
Ажнабий аёлга бўлса гар ҳамроҳ,  
Хилватда хаёли қочади ёмон,  
Учинчи шериги бўлади шайтон.  
Доим кўпчиликка бўлинг ҳамнафас,  
Бўлиниб кетишдан сақланинглар бас.  
Ёлғиз киши билан биргадир иблис,  
Икки киши бўлса қочгайдир бежиз.  
Жаннат ўртасига тушгай у одам,  
Бўлса жамоатга доимо ҳамдам.  
Ким яхши ишидан қувониб агар,  
Чўкса ёмон ишдан дилига кадар,  
Демак у ҳақиқий мусулмон эрур,  
Ҳам олий насабли бир инсон эрур.

\*

Қўшни билан қилинг сиз яхши рафтор,  
Ўзига яраша бунда ҳикмат бор.  
Қўшнингиз бўлса гар мушрику кофир,  
Еқалашиб юрманг у билан охир.  
Тинчлик истаб беринг биринчи салом,  
Шунда тинч-осуда яшайсиз мудом.

•

Кимки жоҳилият даврида қасам  
Ичган бўлса, вафо айласин ҳар дам.  
Ислоний қасамнинг кучин зиёда  
Айлагай билсангиз ушбу дунёда,  
Ислонда янгидан қасамлар жорий  
Қилишдан барчангиз бўлинглар орий!

\*

Никоҳ тўйингизда бўлади обрўй,  
Зиёфат берсангиз агар сўйиб қўй!

\*

Агар омонатга қилсанг хиёнат,  
Билки сенда йўқдир дину диёнат.

\*

Жаннатнинг аҳлидан берсам гар хабар,  
Улар бечораю заиф, дарбадар.  
Ҳам қилиб Оллоҳга дилдан қасамёд,  
Қолар қасамига содиқ умрбод.  
Дўзахнинг аҳлидан этсам ҳикоят,  
Улар кеку гина сақлагай ғоят.  
Мушрик, мутакаббир, жоҳилу бахил,  
Кетгай бу оламдан дўзахга ғофил.  
Яхши ва ёмондан гар берсам хабар,  
Билинг ҳар бирини сизлар муқаррар.  
Яхши ул доимо қилиб яхшилик,  
Сизларга етмагай ундан бадқилиқ.

\*

Истаги эзгую тилар омонлик,  
Ҳеч кимга қилмагай қасддан ёмонлик.  
Ёмон ул яхшилик қилмай бировга,  
Айланар доимо даҳшатли ёвга.  
Қутула олмайсиз, етказар заҳмат,  
Ёмонга яхшилик қилганга раҳмат!

\*

Сизга хабар берсам: осон ва енгил,  
Ибодат, хомушу хушхулқлик асил.  
Иккисин этсангиз агар мунтазам,  
Бўлгайсиз эл аро доим муҳтарам.

\*

Бўлса ким агарда ювош, мулойим,  
Хушхулқу бир гапга келишса доим.  
Тонг-ла қиёматда билинг, эй авом,  
Дўзах ўти эрур бу зотга ҳаром.

\*

Рўзаю намозу садақа бериш  
Яхши, лек ундан ҳам бордир эзгу иш.  
Яраштир иккита кекли одамни,  
Тўлдир савоб ишга ёруғ оламни.  
Одамлар ораси бузилса агар,  
Билгилки бўлади дин зеру забар.

\*

Ғазаби келганда бўлса хотиржам,  
Билинг орангизда у кучли одам.  
Кучлимас мушт тугиб чиққан зўравон,  
Ул зўрдир енгса гар қилмай тўпалон.

\*

Ранжитиб сўнг сўрама узр,  
Бўлиб юрма мулзам беҳузур.  
Оқибатсиз ишлардан сақлан,  
Пастни сийла, баландга бер тан.

\*

Ёмон эшитилса қулоққа калом,  
Олма ундай сўзни тилингга мудом.  
Ёмон гапдан қилсанг ўзни эҳтиёт,  
Сен учун енгилроқ кечади ҳаёт.  
Ширинсуханликни одат қилсанг соз,  
Топасан эл ичра ҳурмату эъзоз.

Сақланинг, кўчада ўтирманг асло,  
Ўтирсангиз қилинг ҳаққини адо.  
Хотин-халаж ўтса ташламангиз сўз,  
«Оҳ-оҳ!» деб тикмангиз номаҳрамга кўз.  
Бўлса ҳам турли ҳол, қалтис вазият,  
Асло бировларга берманг азият.  
Ўтса олдингиздан гадою малик,  
Саломига қараб олингиз алиқ.

Одамларни яхши ишларга бошланг,  
Ёмон ишларидан қайтариб ташланг.  
Амри маъруф ила ҳам наҳйи мунқар,  
Қилиб ўтиринглар айтсам мухтасар.

\*

Сақланинг доимо шубҳа, гумондан,  
Зеро у иборат эрур ёлғондан.  
Бирни кам, бирини зиёда билманг,  
Текшириб изидан жосуслик қилманг.  
Мол-дунё йиғишда қилмангиз пойга,  
Ҳасад айламангиз бадавлат бойга.  
Бўлмасин ўртада адоват, араз,  
Ўзни биродардек қилингиз фараз.  
Биров совчи қўйса битишгунча то,  
Устига юборманг совчи мутлақо.

Савдо-сотик пайти ичманг кўп қасам,  
Сув аввал кўпайиб, сўнг бўлади кам.  
Қасамхўрлик ила кимки бўлса шод,  
Билсинки охири бўлади барбод.

Динда ҳаддан зиёд қилмангиз гулув,  
Оқибат босмасин дунёнгизни сув.  
Динда гулув қилиб ўтганлар бефарқ,  
Кўрингки тўфонда бўлишдилар фарқ.

\*

Масжидга киришдан сақланинг ҳар чоқ  
Еганда хом пиёз ёки саримсоқ.  
Таралиб кетмасин иси ҳар ёнга,  
Кўпчилик келгайдир бундан фиғонга.  
Пишириб есангиз ҳидин йўқотиб,  
Ҳеч ким гапирмагай сизга наҳ отиб.  
Оёқни ювиб сўнг кийманг кир пайпоқ,  
Жойнамоз устига қўйганда оёқ  
Ўтириб қолади бадбўй ҳид буткул,  
Бу хилда масжидга кирмаган маъкул.

\*

Тухмат-бўхтон сўзни тарқатманг зинҳор,  
Одамлар ичида худо бўлсин ёр.



Ҳамда чақимчилик қилмай сақланинг,  
Гуноҳкор бўлмасдан туриб оқланинг.  
Ғийбату иғвони айлабон ҳунар,  
Одамлар орасин бузсангиз агар,  
Сирингиз фош бўлиб қазо-қадарда,  
Не жавоб берасиз рўзи маҳшарда?

\*

Ёлғон гапиришдан сақланинг мудом,  
Иймондан бегона ёлғончи тамом.  
Бу ёруғ оламда ёлғончи одам,  
Бўлмаган ҳеч қачон азиз, муҳтарам.  
Аксинча ёлғони кимнинг бўлса фош,  
Бормас эл чақириб берса ҳамки ош.

Эридан берухсат қайси бир аёл,  
Кўчага чиқса гар у афтодаҳол.  
Қайтиб ўз уйига киргунича то  
Ёки ундан эри бўлгунча ризо,  
Ғазабнок бўлади яратган Оллоҳ,  
Бўлиб қўйсин бундан аёллар огоҳ.

\*

Эрининг дилини айлаб беҳузур,  
Қайси аёл бўлмай орада узр  
Ва ёки бўлмасдан бирорта сабаб,  
Эридан «талоқ»ни айласа талаб.  
У аёл пишмаган мевайи хомдир,  
Жаннатнинг хушбўйи унга ҳаромдир.

\*

Диний ҳаётида қайси бир банда,  
Оллоҳ неъматини билиб арзанда.  
Келган ваъзларини айласа қабул,  
Шукр этиб яшаса бўлгайдир мақбул.  
Рад этса хуш кўрмай уларни агар,  
Оллоҳ ғазабига қолар муқаррар.  
Бўлиб бу қилмиши далилу ҳужжат,  
Бергай жавобини келса охират.

Қайси юрт бошлиғи қилиб хиёнат,  
Алдаса элини ул беდიёнат.

Охирати куйиб бўлади маҳрум,  
Қиёмат келганда дўзахга маҳкум.

\*

Қайси бир аёлнинг учта боласи,  
Ёшликда ўлса гар чиқиб ноласи.  
Қиёмат ҳангоми келса агарда,  
Бўлгайдир дўзахдан тўсгувчи парда.

\*

Оллоҳга сиғинган муслим одамлар,  
Тоату ибодат айлаган дамлар.  
Қийин амалларга бўлманг кўп дучор,  
Чарчайсиз, Оллоҳ-чи?— Чарчамас зинҳор

\*

Оллоҳнинг қаҳридан қўрқинглар доим,  
Бўлинг эй одамлар мўмин-мулойим.  
Айтурман Оллоҳнинг номига қасам,  
Ҳақ қарор топгайдир жойида ҳар дам.  
Қайси бир мўминга мўмин-мусулмон  
Зулм этса келганда охири замон.  
Зулм қилганидан Оллоҳ беқийёс,  
Зулм кўрган учун олади қасос.

\*

Ислолда эҳсон деб айтилар ғоят,  
Оллоҳни кўргандек қилсанг ибодат.  
Кўрмасанг гар уни бўлмагил ғофил,  
У сени кўргандек ибодатлар қил.

То бунёд бўлгунча одамзод-башар,  
Бўлгандир руҳлари бир тўда лашкар.  
Бўлиб айримлари ўзаро ҳамдам,  
Ушалар дўст эрур бу дунёда ҳам.  
Бўлса бир-биридан қай бири йироқ,  
Эрур бу оламда билинг ўшандоқ.

\*

Уч марта сўралар изн ва рухсат,  
Сўзга одоб билан етганда фурсат.  
Изн берса кириб муддаонгни айт,  
Бўлмаса индамай жим орқангга қайт.

\*

Ислон, мусулмонлик ошкору аён,  
Иймон эса бўлур лек дилда пинҳон.

\*

Омонатни сақлаб вақтида қайтар,  
Ризқинг зиёд бўлиб, ҳақ раҳмат айтар.  
Агар омонатга қилсанг хиёнат,  
Қашшоқлик келгайдир кўп бениҳоят.

\*

Улуғ неъмат эрур билсангиз ҳар дам,  
Агарда бўлсангиз тинчу хотиржам.  
Мол-дунё илинжи ғамида ҳар зум,  
Кўп одамлар эрур бу бахтдан маҳрум.

Оллоҳ Таолодан сабр ва бардош,  
Чидам ва тоқатли бўл кексаю ёш.  
Вас-вос — шошқалоқлик шайтоннинг иши,  
Йўлидан адашган инсоннинг иши.  
Шайтони лаъинга қараб отинг тош,  
Сизда бўлсин доим сабр ва бардош.

\*

Иймон билан амал яқиндир жуда,  
Улар бир-бирисиз эрур беҳуда.

Тариқча шуҳратга бўлсанг муяссар,  
Сени бармоқ билан кўрсатишса гар  
Ёмондир, башарти асраса худо,  
Ғам чекма зарари йўқдир мутлақо.  
Ким бўлма оламда мискинми, машҳур,  
Сақласа Яратган бўлгайсан манзур.

\*

Закотни берувчи меҳмондўст, ғамгин,  
Қишига бўлсанг ҳамдарду яқин.  
Демак сен эмассан бахилу очкўз,  
Сен учун оламда бордир яхши сўз.

\*

Таоминг таниннга татир муқаррар,  
Ундан олдин ва сўнг қўл ювсанг агар.

\*  
Тўйда оч-мискинлар қолиб бетаом,  
Бойлар еб кетишса у овқат ҳаром.

\*  
Қимнингки уйига қўнмаса меҳмон,  
Ҳар доим билингки у одам ёмон.

\*  
Барча эзгуликлар яхши ахлоқда,  
Барча ёмон хислат эрур аҳмоқда.  
Қўнгилни шод этса эзгу маҳвашлик,  
Қабиҳу гуноҳдан дилдаги ғашлик.  
Ва элнинг кўзида уятли ишдан,  
Асрагил, Оллоҳим, ёлғон, миш-мишдан.

\*  
Эзгу ва хайрли иш қилсанг мудом,  
Дилинга бағишлар таскину ором.  
Унинг акси эрур ёмонлик, гуноҳ,  
Ҳаттоки муфтийлар берса ҳам фатво,  
Қўнглинг чопишига қараб иш тутгил,  
Гар дилинг чопмаса буткул унутгил.  
Муфтию қози ҳам гоҳи адашар,  
Ҳар ким ўзи учун оламда яшар.  
«Босу ос» — деганда доим ўйлаб кўр,  
Эзгу ишларни қил агар бўлсанг зўр.

\*  
Яхшилик эскирмас, саналур савоб,  
Гуноҳ унутилмас, берурсан жавоб.  
Парвардигор эса доим барҳаёт,  
Ишингга яраша берар мукофот.  
Адашиб қилмагил гуноҳ, хиёнат,  
Доим бўл иймонли, соҳибдиёнат.  
Дўзахми, жаннатга бўлсанг муносиб,  
Оллоҳ сенга этгай ўшани насиб.

\*  
Отларнинг ёлида барака бордир,  
Яхши от одамга ҳамдаму ёрдир.

\*  
Тилингдан бошингга ёғилар бало,  
Уни эркин қўйиб юборма асло.

\*

Орага агарда қўшилса ёлғон,  
Савдонинг чароғи бўлмас чароғон.  
Мол айбин яшириб айласа савдо,  
Барака қолмагай фирибдан асло.  
Ҳақиқат юзидан иш тутса агар,  
Ҳеч қачон кам бўлмас асл савдогар.

\*

Етса ҳам рост сўздан сенга хавф-хатар,  
Ҳақиқатни сўзла, фарзанди башар.  
Ўшанда шубҳасиз топасан нажот,  
Ва лекин ёлғонни ҳеч маҳал, ҳайҳот,  
Тилиннга олмагил кўрсанг ҳам фойда,  
Тўрт кунлик меҳмонсан гўзал саройда.  
Охират кунда ҳолинг бўлиб вой,  
Дўзахнинг тубидан яна олма жой.  
Бошингга келса ҳам қиличу шамшир,  
Ҳайиқмай ҳар доим ростини гапир.

\*

Тишингизни тозалаб юринг,  
Покизалар сафида туринг.  
Чорлар поклик сизни иймонга,  
Иймон яқин Шоҳи Жаҳонга.  
Яъни Жаннат эгаси Оллоҳ,  
Сизга бўлар ўшанда ҳамроҳ.

\*

Фаровон, бадавлат бўлганда асло,  
Оллоҳни унутма, айла илтижо.  
Бир куп муҳтожликка бўлганда дучор,  
То сени танисин пок Парвардигор.

\*

Муқим турадиган жойингда, инсон,  
Бўлса агар қўшнинг жоҳилу ёмон.  
Яратган Эгамдан тилагин паноҳ,  
Мушкулнингни осон этгайдир Оллоҳ,  
Саҳродаги қўшни тез кўчиб кетар,  
Сенга муқимидан қутулсанг етар.

\*

Турмуш қуришганда қилингиз никоҳ,  
Кўпайинг, сизларга бахт бўлсин ҳамроҳ.  
Ўзга умматлардан, келса қиёмат,  
Сизларни кўп кўриб фахр этай фақат.

\*

Беринг бир-бировга совғаю салом,  
Меҳр-муҳаббатли бўласиз мудом.  
Қўл бериб сўрашиб юрингиз шодон,  
Шунда дилингизда қолмас кек, армон.

\*

Доим бир-бировга этиб марҳамат,  
Қилинг хайру эҳсон, рамзи муҳаббат.  
Қолмагай дилларда ғашлигу кадар,  
Бўласиз ажралмас дўсту биродар.

\*

Гуноҳидан тавба қилувчи одам,  
Гуноҳсиз одамдан билинг, эмас кам.

Вазмин ва тежамкор, бамаъин жимлик,  
Саналгай ҳар доим мўмин-муслимлик.  
Ҳазрат Пайғамбарга хос бўлган хислат  
Йигирма тўртдан биридир фақат.

Ростгўй ва ишончли барча савдогар,  
Шаҳидлар, сиддиқлар барча пайғамбар.  
Бўлар охиратда иззатда бирга,  
Бари муносибдир эзгу тақдирга.

Рўзғорнинг ярми тадбирга боғлиқ,  
Ақлнинг ярми дўсту ўртоғлик.  
Кексалик ярми ғаму ташвишдир,  
Ешлик учиб кетган хаёлий қушдир.  
Фақир шахс агарда бўлса камрўзғор,  
Билингки ҳаётда удир бахтиёр.

\*

Уч хил сифат бўлса кимдаки агар,  
Оллоҳи Таоло билинг муқаррар  
Яхши хулқи учун эъзозлаб уни,

Жаннатга киритар қиёмат куни.  
Ота-онасига бўлса шафқатли,  
Заифу хорларга ҳам марҳаматли,  
Қўл остида бўлса ким қилиб ҳиммат,  
Уларни санаса муҳтарам, қиммат.  
Бу янглиғ одамнинг етиб оҳига,  
Яратган олгайдир ўз паноҳига.

\*

Кимдаки уч эзгу хусусият бор,  
Оллоҳи Таоло бўлгай мададкор.  
Уларга ёғдириб беҳисоб раҳмат,  
Охир маконини айлагай жаннат.  
Биринчиси эрур: ҳар битта инсон  
Ночор қолганларга айласа эҳсон.  
Иккинчиси эрур: келса ҳамки хавф,  
Зулм қилганларни этса агар авф.  
Учинчиси: бўлмай дилида алам  
Уруғ-аймоғига айласа ёрдам.  
Кимдаки бор бўлса шу учта сифат,  
Уни қулим дегай подшоҳи Рифъат.

\*

Савоб умидида кимки доимо,  
Уч амални қилса қўллагай худо!  
Аввал банди қулни айласа озод,  
Худонинг йўлида дили бўлар шод.  
Савоб ва хайрли ишга қўл урса,  
Оллоҳга ишониб сўнг турмуш қурса.  
Ҳам қўриқ ерларни ҳайдаб сепса дон,  
Унинг меҳнатидан халқи еса нон.  
Бу эрур шарафли гўзал ҳаракат,  
Ишига бағишлар Оллоҳ баракат.  
Кечар бу дунёси фаровон, қойил,  
Охиратда бўлар жаннатга нойил.

\*

Уч хил иш бордирки, бўлинглар огоҳ,  
Уларни қилса ким саналур гуноҳ.  
Биринчиси: асло ўйнама қимор,  
Иккинчиси: ошиқ ўйнама зинҳор.  
Учинчиси: қилма кабутарбозлик,  
Оламда бўлайин десанг эъзозлик.

Узингни тиймасанг бу уч ишдан гар,  
Ортади гуноҳинг бундан муқаррар.

\*

Сизга уч нарсада қилгум қасамёд,  
Унутмай юракда сақланг умрбод:  
Садақа берса ким камаймас моли,  
Зимдан яхшиланар унинг аҳволи.  
Қилиб бир бандага зулму хиёнат,  
Молини таласа гар бедийнат,  
Кўрса ҳам зиёну хўрлигу жабр,  
Ва лекин ул кимса айласа сабр,  
Иzzат ва шарафин этиб зиёда,  
Оллоҳим ёр бўлгай унга дунёда.  
Тиланчилик қилса биров мабодо,  
Фақирлик эшигин Оллоҳ Таоло,  
У одам юзига қўяди очиб,  
Қисматдан қутулмас бандаси қочиб.

Сизга бир Ҳадисни сўзласам бугун,  
Дунё тўрт тоифа одамлар учун  
Яралган, Сиз буни тутингиз ёдда,  
Тўрт хислат бор эрур одамизода.  
Оллоҳи Таоло кимни агар бой,  
Донишманд фозилу ҳамда хушчиroy  
Яратса, улашиб мулку молидан,  
Қавму қариндошу дўст аҳволидан.  
Хабардор бўлсаю қилса иноят,  
Савоби кўп эрур ҳам бениҳоят.  
Оллоҳнинг ҳаққини илми туфайли,  
Адо этса агар наҳору лайли,  
У одам саналур элнинг гўзали,  
Қилган амаллари амал афзали.  
Кимгаки берилса беҳисоб илм,  
Аллома бўлса у фозилу ҳилм.  
Ва лекин бўлмаса молу давлати,  
Илмдан ўзга бир безак савлати.  
«Фалончи мисоли агар бўлсам бой,  
Қулардим ҳаммому ҳам карвонсарой»,  
Деб ният айласа агар уламо,  
Сахий бой савобин Оллоҳ Таоло  
Бергайдир донишманд олимга аён,  
Яратган ўзидир ҳар нега шоён.



Кимгаки берилиб кўп молу дунё,  
Илмдан у зотга етмасдан зиё.  
Каришдош-уруққа бермаса ёрдам,  
Қилмаса умрида саховат, карам.  
Ҳам Оллоҳ ҳаққини этмасдан адо,  
Юрса соқов-кардек чиқармай садо.  
Қилмаса илтижо, тоат-ибодат,  
Бу эрур оламда энг тубан одат.  
Кимгаки етмаса ҳам илму дунё,  
Деса: «Молу илмим бўлганда, худо,  
Фалончига ўхшаб эзгу ниятда,  
Сарфлардим билсанг гар бу жамиятда».  
Унда бўлмаса-да илму сийму зар,  
Савоб ёзилади шунга баробар.

\*

Бу оламда бордир уч хилда дуо,  
Билингки шубҳасиз бўлгай мустажо.  
Ота-она ранжиб ушбу қабилдан,  
Агар фарзандини қарғаса дилдан.  
Кейин мусофирнинг дуоси турар,  
Шубҳасиз у бориб нишонга урар.  
Ҳам мазлум кишининг дуоси шитоб,  
Билинг даргоҳида бўлгай мустажоб.

\*

Уч нарса бордирки, бу одати хос,  
Умнатларим ундан бўлолмас халос.  
Ҳасад, бадгумонлик ва ёмон ирим,  
Ундан қутулишнинг йўли бордирким,  
Сизларга айтсам гар қилганда ҳасад,  
Ўтманглар зулмнинг йўлига беҳад.  
Бировдан бадгумон бўлганда ҳар бор,  
Шу гумон бўйича иш тутманг зинҳор.  
Бировдан шумлансанг қилмагин парво,  
Иримдан қутулиб кетгайдирсан то.  
Озгина қалбингни агар этсанг кенг,  
Билгинки оламда барча муслим тенг.  
Мусулмон бўлса ким тожирми, ҳожиб,  
Уч хил нарса бордир уларга вожиб.  
Бориб касал ётган беморни кўриш,  
Кўнглини кўтариб, ҳолини сўриш.  
Майда сабаб билан на ташлаб кетиш,  
Жаноза бўлганда иштирок этиш.

Аксириб деса ким: «Оллоҳга шукр»,  
«Оллоҳ сенга берсин раҳмат ва ҳузур,  
Ҳам шифо»,— деб унга айлангиз жавоб,  
Ушбу уч амалда бордир кўп савоб.

\*

Қадимдан уч хилда ёмон одат бор,  
Уматларим ундан кечолмас зинҳор.  
Наслу насаб билан мақтаниш аввал,  
Бири ўлса йиғлаш кўтариб мағал.  
Охири юлдузлар билан фол очиш,  
Уларга ишониб ҳам иш юритиш.

\*

Қиёмат кунда оламан қасос,  
Қимнинг уч хил айби бўлса беасос.  
Менинг номим билан ул бедийнат,  
Олди-бердиларда қилса хиёнат.  
Иккинчиси еса пулини агар,  
Ҳур одамни қул деб сотиб муқаррар.  
Мардикор ишлатиб учинчиси нақ,  
Унга инсоф билан тўламаса ҳақ.

Уч тоифа бордир ушбу оламда,  
Улар охиратда қолишар ғамда.  
Имом-султониға бўйсунмасдан ул,  
Кетса жамоатдан санамай мақбул.  
Саёқ ва мушриклар шевасин тутса,  
Гуноҳкор ҳолида оламдан ўтса.  
Ҳожасидан қочиб қули оламда,  
Муродига етмай ё ўлса ғамда.  
Учинчиси бериб ўзига оро,  
Кўчага чиқса гар аёл ошкоро.  
Эри йўқлигида айласа жавлон,  
Ҳирс билан қараса унга оламон.  
Шу учта гумроҳга йўқ эрур нажот,  
Фойда бермас кейин фиғон, оҳу дод!

Оламда бор яна уч тоифа зот,  
Ҳоллари не кечар сўраманг ҳайҳот.  
Оллоҳ Таолоға бермай эътибор,  
Донмо юрса ким такаббур, кибор.

Оллоҳдан қўрқмасдан кимки дунёда,  
Кучига ишонса ҳаддан зиёда.  
Ҳам яна ким бўлса ношуд, кўрнамак,  
Келтирса Оллоҳнинг қудратига шак.

\*

Уч хил одам борки хуш кўрмас худо,  
Ижобат бўлмагай қилишса дуо.  
Хароба чордевор ичида ҳар дам,  
Утириб ким агар сўраса ёрдам.  
Ўўлнинг ўргасида кимки бемалол,  
Утириб сўраса сизлардан аҳвол.  
Оту уловини қўйиб юбориб,  
Оллоҳдан сўраса яна ёлвориб,  
Уларни асра деб қилса ҳам нидо,  
Унинг ноласини эшитмас худо.

\*

Бордир уч тоифа одамлар аро,  
Қиёмат кунида Оллоҳ Таоло  
Сўзлашмас уларнинг ҳеч бири билан,  
Қизиқмас уларнинг тақдири билан,  
Ҳам тушмас уларга раҳмат назари,  
Азобга мустаҳиқ бўлишиб бари,  
Кечилмас уларнинг гуноҳи зинҳор,  
Ўзи билгувчидир пок Парвардигор.  
Дашту биёбонда бўлганда ҳамдам,  
Ортиқча сувини аяган одам.  
Намози асрдан кейин номурод,  
Оллоҳнинг номига этиб қасамёд,  
Алдаб ўз молини ўтказган киши,  
Бошига тушгайдир ҳақнинг қарғиши.  
Дунё умидида султони билан,  
Аҳдлашса киши гар виждони билан.  
Фойда кўрмаганда лек беднёнат,  
Ўзгага сотилиб қилса хиёнат,  
Шуларнинг учови қиёмат-қойим  
Келганда азобга қолади доим.

\*

Яна уч тоифа бордир беибо,  
Улар гуноҳини кечирмас худо.  
На боқар раҳматнинг назари билан,  
Куйдирар оташи сақари билан.

Майибу мажруҳми ёки нобино,  
Кекса бўла туриб қилса гар зино.  
Иккинчиси эрур ёлғончи подшоҳ,  
Мақтанчоқ камбағал учинчи гумроҳ.  
Шу учта одамнинг бўйнидаги айб,  
Кечилмас, билгайдир боз Соҳиби Ғайб<sup>1</sup>.

Бордир уч хил одам: қиёмат-қойим  
Бўлганда, уларга боқмас худойим.  
Ота-онасини ранжитиб мутлоқ,  
Агар фарзанд бўлса бу дунёда оқ.  
Эркакшода бўлса агар ҳар аёл,  
Кийим ва пардозда монанд бемисол.  
Ҳам эр хотинини айламаса рашк,  
Тўкилгай учовин кўзларидан ашк.

\*

Яна уч тоифа бордир гуноҳкор,  
Улар киритилмас жаннатга зинҳор:  
Ота-онасига фарзанд бўлса оқ,  
Ва ким майхўрликка берилса мутлоқ,  
Ҳам хайру эҳсонин миннат қилса ким,  
Жаннат эшигидан қайтиб кетар жим.

\*

Юракдан этса ҳам тоат-ибодат,  
Уч хил шахс дуоси бўлмас ижобат:  
Шаллақи хотинни қилмаса талоқ,  
У эрнинг қарғиши ўтмагай мутлоқ.  
Гувоҳ ва ҳужжатсиз қарз берган одам,  
Саналмас шунингдек ишида бекам.  
Ҳам анқов, аҳмоққа соҳибихтиёр,  
Молу дунёсини берса гар мулкдор.  
«Қуръони Қарим»да айтгандир Эгам:  
«Берманг эси пастга молу мулк ҳеч ҳам».  
Оллоҳнинг сўзига айлангиз амал,  
Бўлмасдан фақиру ночор, камбағал.  
Ҳар ғофил бандангни ўзинг худоё,  
Огоҳ эт, дилига бағишлаб зиё.

---

<sup>1</sup> Соҳиби Ғайб — Оллоҳнинг сифати.

\*

Саккизта тоифа охируззамон,  
Бандалар ичида саналур ёмон:  
Ёлгончи, такаббур ҳам риёкорлар,  
Ифвою адоват ишида борлар.  
Дилла мўминларга сақлаб адоват,  
Кўрганда қилишар лутфу марҳамат.  
Оллоҳ ва Расулнинг даъватини сескин,  
Шайтон буйруғини жуда тез лекин  
Бажарар, бор шундоқ иблисмижозлар,  
Улар кўпчиликмас, шукрки, озлар.  
Дунё тамаъида ичишиб қасам,  
Ноҳақ талаб қилган баъзи бир одам,  
Ҳамда гап ташувчи чақма-чақарлар,  
Ғаламуслик қилиб бурғу қоқарлар,  
Дўстларни асоссиз этгувчи жудо,  
Бордир бир тоифа солгувчи низо.  
Гуноҳсиз покларга асоссиз бўҳтон,  
Қилувчи зотлар бор, ашадднй ёмон.  
Уларнинг барига қилмиши сабаб,  
Оллоҳи Таоло айлағай ғазаб.

\*

Молу дунёингни учдан бирин то,  
Садақа қилишинг мумкиндир, зеро  
Бўлса ворисларинг сўнг фақир, муҳтож,  
Ёмондир, бой қолдир топиб бир илож.  
Шуни ҳам билгинки яратган учун,  
Бўлар ҳар нафақанг савоби афзун.  
Ҳатто хотинингга едирган таом,  
Ажридан топурсан охиратда ком.

Катта ёшдагилар билан мунтазам,  
Бўлинглар аҳилу суҳбатдош ҳар дам.  
Масала сўранглар уламолардан,  
Ўзни четга тортманг ҳукамолардан.  
Дину диёнатда қилинг эҳтиром,  
Содиқ дўстингиздир илмли имом!

\*

Бўлиб бола-чақа ҳаддан зиёда,  
Маблағинг бўлмаса агар дунёда.  
Уқубат айлағай сени мубтало,  
Бошингга тушгайдир энг катта бало.

\*

Инсон гўзаллиги — тилида эрур,  
Худога аёни дилида эрур.

\*

Оналар сёғи остида жаннат,  
Бошга кўтар, эшит онангдан раҳмат.  
Онанинг мақоми иззу жоҳ-садр,  
Дунё деб онани этманг беқадр.

\*

Бўлса ҳам гар амир яхши ё фожир,  
Бирга жиҳод қилиш вожибдир охир.  
Ё бўлсин яхшими, ёмон муслмон,  
Иқтидо қилишлик вожибдир ҳар он.  
У зотга эргашиб ҳангоми намоз,  
Фарқи йўқ гуноҳни кўп қилганми, оз.  
Яхшими ё фожир ўлганда муслим,  
Жаноза ўқишлик вожибдир доим.  
Гуноҳи кичикми ёки улликон,  
Кифоя бўлса у соҳиби иймон.

Аслида тўрт хилдир оламда жиҳод,  
Айтай ёдингизда тутинг умрбод:  
Яхши ишга этинг доим тасарруф,  
Деб сизни ундагай илк «Амри маъруф».  
Иккинчиси эрур «Наҳийи мункар»,  
Ёмон ишдан доим сизларни тўсар.  
Учинчи ким ҳатто кўрса ҳам зарар,  
Ҳайиқмай ростини сўзласа агар.  
Тўртинчи — фосиқлар қилса масхара,  
Чидай олсангиз, бас, сизники марра.

\*

Болага меҳрибон туғувчи аёл,  
Агарда эрини қилмаса малол.  
Беш вақт намозини этмаса канда,  
Жаннатга киради аниқ ўлганда.

\*

Қулига кўрсатинг Оллоҳни гўзал,  
Сизни ҳам дўст тутар Ҳақ ўша маҳал.

\*

Таҳоратда қўл ва оёқ бармоғин,  
Хилол қилиб, доим олса тирноғин,  
Таомдан сўнг этса тишларин тоза,  
Ушбу умматларим кўп беандоза<sup>1</sup>.  
Яхшидир, бўлади айласанг ҳавас,  
Уларга фаришта эрур ҳамнафас.

\*

Ер юзида битта жиноятга то,  
Агарда берилса ошкора жазо.  
Билинг Ер аҳлига сиз ушбу амал,  
Қирқ кун ёмғир ёғиб тургандан афзал.

\*

Оллоҳи Таоло йўлида масъул  
Жиҳодда бўлса ким бир тун қоровул,  
Минг кеча-кундузи соатма-соат,  
Кунлар рўза тутиб тун этса тоат,  
Ундан соз бир кеча чеккан заҳмати,  
Етгайдир Оллоҳнинг унга раҳмати.

\*

Жангга кетганларнинг аёли ул кун,  
Узр билан жангдан қолганлар учун  
Саналгай оналар мисоли маҳрам,  
Уларга кўз тикиб бўлмагай ҳеч ҳам.  
Шайтон йўлдан уриб, кетиб диёнат,  
Фириб-ла агар ким қилса хиёнат.  
Қиёмат кунда қолгай зуғумга,  
Турғизиб дегайлар уни мазлумга:  
«Унинг савобидан истаганча ол!»  
Хиёнат айлаган топади завол.  
Айтинг яна қандай қиласиз гумон?  
Барча мушкулларни этамиз осон.

\*

Агарда қилсангиз сиз яхши гумон,  
Яхши ибодатга тенг эрур ҳар он.

\*

Яхши рафтор қилсанг аҳли хизматга,  
Барака топасан етиб раҳматга.

---

<sup>1</sup> Беандоза — ўлчовсиз, ҳаддан ортиқ.

Ахлоқсизлик эрур зиёда шумлик,  
Бошингга келтирар хору маҳрумлик.  
Унутманг эҳсону хайру сахони,  
Садақа қайтарар доим балони.

\*

Жаннатга киргайсан чекиб машаққат,  
Пок-ҳалол умрингни ўтказиб фақат.  
Муслимнинг беш фарзин айлабон адо,  
Шунда жаннатига киритгай худо.  
Дўзахга кирасан қийналмай лекин,  
Есанг пора олиб ҳаромни текин.  
Айласанг зиною зўрлигу ишрат,  
Шаҳвоний ишларда кўрсатсанг ибрат,  
Зўрлаб май базмида бўлсанг косагул,  
Хайрсиз ишларга сарф айласанг пул.  
Қилсанг не ифлослик бўлса оламда,  
Дўзахга тушасан, бил, ўша дамда.

\*

Эрда хотинларга нисбатан ҳуқуқ  
Бордир, ҳар бир аёл, ушбу сўзни уқ.  
Туянинг устида бўлса ҳам аёл,  
Чақирса эр лозим келиши дарҳол.  
Эрнинг рухсатсиз меҳмонлар кутиш,  
Еинки сўрамай нафл рўза тутиш,  
Мумкинмас хотинга, англасин зинҳор,  
Тутса қабул эрмас, бўлгай гуноҳкор.  
Рамазон рўзаси бундан мустасно,  
Эрнинг рухсатсиз хотинлар асло,  
Уйидан бировга нарса бермагай,  
Агарда рухсатсиз бўлса бергудай,  
Унга гуноҳ эрур, эрига савоб,  
Берар қилмишига яраша жавоб.  
Гарчи эри золим бўлса ҳам бисёр,  
Кўчага рухсатсиз чиқмасин зинҳор.  
Акс ҳолда Оллоҳнинг саришталари,  
Аёвсиз ҳам ғазаб фаришталари,  
Унга ёғдиришар ҳисобсиз лаънат,  
Уйига қайтгунча у аёл фақат,  
Еинки этгунча тавба-тазарру,  
Билингни қолгайдир надоматда у.



Хотиннинг эрига нисбатан ҳақи  
Бордир, андин бўлар турмуш равнақи.  
Эр овқат еганда хотин ҳам есин,  
Бирга унинг билан шукрона десин.  
Хотинга кийдирсин эр кийса янги,  
Бўлмасин икиру чикирлар жанги.  
Эр хотин юзига уриб сўкмасин,  
Хўрлаб кўз ёшини асло тўкмасин.  
Аразлаб кетмасин уйдан олиб бош,  
Фақат бўлак ётиб, айласин бардош.

Оллоҳнинг ҳаққи бор ҳар мусулмонда,  
Билсин жамъи муслим ёруғ жаҳонда.  
Етти кунда бир бор сувга кўмилсин,  
Бутун аъзосини ювиб чўмилсин.

Ҳар бир мусулмонда уч имтиёз бор,  
Мунтазам шуларга у эрур ҳақдор.  
Биринчи: Оллоҳдан иноят кутиш,  
Тишини тозалаб ҳам мисвок тутуш.  
Иккинчиси эрур энг яхши ўсул,  
Жума куни доим айласин ғусул.  
Учинчиси бўлса аёлида гар,  
Хушбўйлик сепсин эр бўлиб муаттар.

\*

Сизлардан олдинроқ ўтган бир одам,  
Ҳисоб-китоб қилиб сўралгани дам,  
Нома-аъмолида бирорта савоб  
Йўқ экан бергани чоғида жавоб.  
Лек ўзи бой бўлиб берганида ҳақ,  
Фақирлардан кечиб юраркан мутлақ.  
Шу боис яратган пок Парвардигор,  
Дебди: «Кечгувчироқ ўзимман бисёр».  
Ночордан қарзини кечгандек боён,  
Унинг гуноҳидан ўтибди Яздон.

\*

Олсангиз сўзимни тилларингизга,  
Таниш туюлгайдир дилларингизга.

\*

Ҳийла ва макрдан иборатдир жанг,  
Иккисин билмасанг ҳолинг бўлар танг.

\*

Агарда доимо бўлсанг эҳтиёт,  
Сен учун, бил, эрур бу ярим ҳаёт.  
Эҳтиёж туғилгай ёмон гумондан,  
Ҳар лаҳза огоҳ бўл яхши-ёмондан.

Қалампир солганда бузилади бол,  
Ҳасаддан иймонинг топади завол.

\*

Қасам ичиш эрур кўп ёмон одат,  
Бузгайсан ё ундан келгай надомат.

\*

Неъматга шукрона қилсанг ҳар онда,  
Унинг заволидан сақлар омонда.

Сизларга маълумдир ҳалолу ҳаром,  
Шубҳали неки бор билмагай авом.  
Ким ундан тортинса, бўлмас дили чок,  
Дину обрўйини сақлагайдир пок.  
Шубҳали нарсани ким еса нуқул,  
Ҳаромга ўтгайдир оқибатда ул.  
Оллоҳ тақиқлаган ҳаромни зинҳор,  
Емаки қалбингга у қилгайдир кор.  
Сенинг вужудингда уриб турган дил,  
Агар соғлом бўлса соғ эурсан бил,  
Ҳаром еб чалинса дардга мабодо,  
Билгилки тузалмас у мараз асло.

\*

Ҳалолу ҳаромни айладик аён,  
Не шубҳа туғдирса қўйингиз бир ён.  
Шубҳасиз нарсага доим қўл уринг,  
«Қуръон»у «Ҳадис»нинг йўлидан юринг.

\*

Ҳаёнинг тамоми вужуди яхши,  
Ҳаё — комиллик ва эзгулик нақши.

Ҳаёнинг ўзаги эрур иймонда,  
Иймон эса бордир ҳар мусулмонда.

\*

Ҳаё ва камгаплик хислат тилсими,  
Билсангиз иймоннинг иккита қисми.  
Сергап-ибосизлик қўшилганда бил,  
Мунофиқлик бўлар улардан ташкил.

\*

Хоҳи бутун бўлсин, хоҳи ярим мол,  
Ҳаққингни ҳар доим ҳалол қилиб ол!

\*

Имкон, бардошинга қараб амал қил,  
Сен чарчайсан, Оллоҳ чарчамагай бил.

\*

Икки ёмон хислат бўлмас мўминда,  
Бахиллик, нопоклик, чупки йўқ динда.

\*

Бордир зиён бергич беш хил жонивор,  
Ўлдириш мумкиндир бўлганда дучор.  
Илон, олақарға, каламуш-сичқон,  
Қалхату ит бўлса яна қопағон.  
Қўрдинг зарар кўрмай ўлдир тез уни,  
Охиратда сени тутмагай ҳуни.

\*

Умр бу дунёдан учиб ўтган ўқ,  
Беш хилда гуноҳ бор каффорати<sup>1</sup> йўқ.  
Яъни кечирилмас ушбу гуноҳлар,  
Уни содир этар фақат гумроҳлар.  
Оллоҳнинг ролини ўйнаб, қўйиб «цирк»,  
Аввало худога ким келтирса ширк.  
Иккинчиси эрур ноҳақ қон тўкиш,  
Бировни ўлдириб қилса мудҳиш иш.  
Мўмин-мусулмонга қарши ҳар инсон  
Учинчиси агар қўзғаса бўҳтон.  
Тўртинчиси жангдан чекиниб қочиш,  
Бу билан душманнинг йўлини очиш.

---

<sup>1</sup> Каффорат — гуноҳ қилганда тўланалиган товон.

Бировнинг ҳақини олиб муттаҳам,  
Бешинчиси бермай ичса гар қасам.

\*

Бўлса имомингиз яхши доимо  
Сизлар уни қилиб юрасиз дуо.  
У ҳам сизга бўлиб дуогўй ҳодий,  
Эзгу ва амният эрур муроди.  
Агар ёмон бўлса пешвою имом,  
Бузғун-адоватда қолгайдир авом.  
Орада бўлади жанжалу низо,  
Қарғашиб юрасиз нотинч ўзаро.

\*

Сизларнинг яхшингиз Оллоҳ каломин,  
Ҳрганиб ўзгага ўргатса «омин»,  
Хотирда бўлиб чўх каломулло,  
Толибларга таълим берган домулло.

Сизларнинг яхшингиз олайтирмас кўз,  
Доимо хушхулқу бўлар ширинсўз.  
Оғзини тўлдириб ким бўлса ёмон,  
Тарқатар беҳуда ғийбату бўҳтон.

\*

Яхши киши олса керак бўлиб қарз,  
Чиройли қайтарар, қайтармоқлик фарз.

Сизларнинг яхшингиз яшаса узоқ,  
Яхши амал қилиб ўтгайдир мутлоқ.

\*

Яхши дўст ўзгартиб инсон фикрини,  
Дилига солгайдир Оллоҳ зикрини.  
Ёддан чиқарганда эслатар доим,  
Қўпайсин шу янглиғ дўстлар илойим.

\*

Ҳар доим қилганда садақа, эҳсон,  
Қолсин ўзингга ҳам ортиб, эй инсон.  
Чўзилган иликдан чўзгувчи яхши,  
Оллоҳнинг қарзини узгувчи яхши.

\*

Рухга озиқ ва ҳузурбахши,  
Ибодатнинг енгили яхши.  
Улдир мусулмоннинг яхши асили,  
Озор бермаса гар қўли ва тили.

\*

Етса одамларга кимдан кўп фойда,  
Яхши деб айтишар уни ҳар жойда.

\*

Маҳрнинг енгили яхши никоҳда,  
Кейин қолмагайсан куйиб оҳ-воҳда!

\*

Ёшларнинг яхшиси катталар мисол,  
Ўзини тутса гар оғир, бемалол.  
Аксинча катталар ёмони бешак,  
Ёшлардек ўзини тутса энгилтак.

\*

Мўминга берилса хушхулқ, фазилат,  
Яхшидир, бўлмагай дилида иллат.  
Даҳшатдир ҳар қандай чиройли сурат,  
Дилида бўлса гар ёмонлик қат-қат.

\*

Бўлса орангизда ким яхши инсон,  
Аҳли аёлига эрур меҳрибон.  
Сизлар ўйлагандан кўра, умматим,  
Аҳлу аёлимга кўп муҳаббатим.  
Яхши одамларнинг кўринг ҳолини,  
Иззат-икром қилар ўз аёлини.  
Ёмон одамларга беринг эътибор,  
Хотинлари эрур аянч, хору зор.  
Яхшиликка ўтинг, қилманг ёмонлик,  
Шубҳасиз топасиз шунда омонлик.

\*

Ҳар доим учратсанг яхши кишини,  
Қўймас охират деб дунё ишини.  
Тоат-ибодатда ишлаб баҳоли,  
Умрини ўтказар, тушмас малоли,

Бўлмасдан бировга у ошиқча юк,  
Аксинча саналгай қадрли, суюк.

\*

Берилган нарсани айтилган жойга,  
Бешикаст етказса кўрмасдан фойда.  
Қилгандек савдогар ёнидан эҳсон,  
Савобга эгадир ўша мусулмон.

\*

Эҳтиром бобида билсанг хола ҳам,  
Эй фарзанд, онадек эрур муҳтарам.

\*

Оллоҳ паноҳида тамоми башар,  
Бўлгайдир наздида ул халқ мўътабар,  
Аҳлу аёлига етса кўп фойда,  
Худога ёққайдир улар ҳар жойда.

\*

Агар бу оламда киши боқса от,  
Етгай у одамга уч хил мукофот.  
Қим Оллоҳ йўлида от боқса агар,  
У кони савобга қолар муқаррар.  
Отни миниб қилса юртини обод,  
Ё Оллоҳ йўлида айласа жиҳод,  
Савобдир ҳаттоки ем бергани ҳам,  
Ёки майсазорда ўтлатса хуррам.  
Боғда ё яйловда қўйса ҳам боғлаб,  
Савоб келавсрар уни сўроқлаб.  
Арқонини узиб от ошиб доvon,  
Ўтлаб кезса ҳамки бир-икки майдон.  
Йўлдаги изи ва тезаги учун,  
Эгасига савоб ёзилгай бутун.  
Агар қочиб борса қолмас бежавоб,  
Дарёдан сув ичса, билингки, савоб.  
Бу ёруғ оламда кушойиш учун,  
От боқса ҳожати ё бойиш учун.  
Минса ё қўшганда аравага ул,  
Унутмаса Оллоҳ ҳаққини буткул,  
От ўз эгасига рўзи маҳшарда,  
Бўлгайдир дўзахдан асровчи парда.  
Фахру риё учун ким боқса улов,  
Исломга қарши ё солиш учун ғов.

Сидқу ихлос билан таваккул<sup>1</sup> қилиш.  
Тўртинчи — зўр бермай кўп оҳу зорга,  
Жонни таслим қилиш Парвардигорга.

\*

Узрли, узрсиз гуноҳлар бисёр,  
Оллоҳга ширк қилсанг кечмагай зинҳор.  
Баъзида билмасдан айласанг гуноҳ,  
Ушани кечиргай истаса Оллоҳ.  
Яна унутилмас гуноҳлар мавжуд,  
Бандалар айлагай уни худ-бахуд.  
Золимлик қилгайдир ёки хиёнат,  
Мазлум кечирмаса ул бедийнат.  
Гуноҳин кечмагай пок Парвардигор,  
Қиёматда этгай азобга дучор.  
Эй ёруғ оламдан юмгунингча кўз,  
Эсингдан чиқмасин бу ҳикматли сўз!

\*

Оллоҳдан қўрқишдир ҳикматнинг боши,  
Оллоҳни севинг, ул бахтнинг қуёши.

\*

Нафл рўза тутиб агар бир одам,  
Оллоҳ неъматига ва лекин ҳеч ҳам  
Шукрона айтмасдан қийналса ҳам оч,  
Шубҳасиз савоби каму яланғоч.  
Ундан рўза тутмай тўқ юрган киши,  
Оллоҳга шукр айтиш бўлса гар иши.  
Этгайдир улуғроқ катта савобга,  
Яратган устадир ҳисоб-китобга.

\*

Кундузи мунтазам бўлиб рўзадор,  
Ибодатда тунни ўтказса бедор.  
Номақбул ишлардан сақланмай, аммо  
Айласа ишрату ҳам кайфу сафо.  
Халқини сотсаю ҳам топса нуфуз,  
Билинг охиратда ундай ғаламус.  
Очу ташна ҳамда қолгайдир бедор,  
Бундайдан, билингки, Яратган безор.

---

<sup>1</sup> Т а в а к к у л — таваккал — Оллоҳга эътимод қилиш.

Тилини тузатса қайси бир инсон,  
Оллоҳи бўлгайдир унга меҳрибон.  
Фурсат ғаниматдир субҳу шомингда,  
Доим тўғри сўзла ўз мақомингда.  
Ўринсиз сўзламай агар аломат,  
Юрсанг ўз йўлингда соғу саломат,  
Сени фаришталар назарга илгай,  
Оллоҳ Таоло тараҳҳум қилгай.  
Дилингда бўлса гар қутлуғ каломи,  
Эрур келажагинг қутлуғ тамоми.

\*

Бўлсин ушбу ҳикмат сенга эсдалик,  
Саломга ҳар доим олгандай алик.  
Хатнинг жавобини қайтар ҳар доим,  
Йўқса кечирмагай сени худойим.

Ҳеч бўлмаса бергил бир дона анор,  
Қуруқ қайтармагил бировни зинҳор.

\*

Ота-оналари касал чоғида,  
Келса фарзандлари ҳол сўроғида.  
Ёки иккисдан бирини рози  
Қилса бор Оллоҳнинг унга ниёзи,  
Келмай иккисининг кўзин этса чор,  
Хор бўлсин, хор бўлсин, яна бўлсин хор!

\*

От билан пойгада чопмоқ ҳалолдир,  
Пойгада олгину лекин на олдир!

Киши ўз дўстининг диёнатига —  
Мослашар, ҳаттоки хиёнатига  
Қолмай яратгандан эзгулик кутсин,  
Ким билан дўстлашса қараб иш тутсин.  
Дўстликнинг асоси эътиқод, иймон,  
Майхўрга дўст бўлмас асло намозхон.



Мулойимлик эрур ҳикматнинг боши,  
Илм доноларнинг ақлин қуёши.

Олис қишлоқдаги биродарини,  
Қариндош-уруғи ё жигарини  
Қўришга отланса агар ҳар одам,  
Оллоҳи Таоло соҳиби карам,  
Унга қойим қилар бир фариштани,  
Саволга тутгайдир ул сариштани:  
«Қаерга борурсан, эй яхши инсон,  
Менга ниятингни айлагин баён».  
«Мана шу қишлоқда бор биродарим,  
Қўриб кетиш эрур важи сафарим».  
Яна унга ташлар фаришта савол:  
«Бордир ҳадя учун неъматин алҳол?».  
Одам дер: «Йўқ ҳеч бир ғараз, манфаат,  
Оллоҳнинг йўлида дўст тутгум фақат».  
Фаришта у зотнинг фикрини билиб,  
Дегайки: «Юборди Ҳақ элчи қилиб,  
Биродарингни сен севсанг қанчалар,  
Оллоҳ ҳам севгайдир сени шунчалар».

\*

Абу Ҳурайрага Расули Оллоҳ,  
Шундай деб дўстликдан айлаган огоҳ:  
«Сен мени кунора қилсанг зиёрат,  
Ортар ўртамизда дўстлик, муҳаббат».

■

Қабристонни қилсанг зиёрат агар,  
Сенга охиратни эслатиб турар.

\*

Инсофи бор киши бўлар муҳтарам,  
Донмо бўлади тинчу хотиржам.  
Рағбату муҳаббат қўйса дунёга.  
Бўлар ғам-ташвиши ҳаддан зиёда.  
Қўп юк от-эшакни айласа яғир,  
Ишсизлик инсонни этгай тошбағир.

\*

Улиб кетганларни сўккувчи одам,  
Ҳалокатга яқин туради ҳар дам.

Сўкиб, қарғаб этса ким мўминни хор,  
Ўзи ҳалокатга бўлади дучор.

Сафарга отланинг, бўласиз соғлом,  
Ризқу насибангиз топилар мудом.

Чанқоқ одамларга сув тутган киши,  
Лозимдир ҳаммадан кейин ичиши.

Мўмину мусулмон бўлса ким агар,  
Олсанг қонин тўкиб ундан сийму зар.  
Ҳаромдир иккиси, кечирмас Оллоҳ,  
Ақлинг бўлса қилма бу ишни асло.

\*

Ҳеч ерда соя йўқ қиёмат-қойим,  
Бўлганда яратган қодир Худойим.  
Етти хил одамга биллониҳоя,  
Арши папоҳида этгайдир соя:  
Қалби масжид билан боғлиқ бўлса ким,  
Мансабдор, бўлса лек ҳақиқий муслим.  
Чиройли бегона аёл зинога —  
Чақирса бормасдан кайфу сафога.  
«Худодан қўрқаман» деб айтган одам,  
Оллоҳнинг йўлида дўст бўлганлар ҳам.  
Оллоҳ ҳар нарсани этганда ҳаром,  
Ундан ким ўзини сақласа мудом.  
Ислому сарбози деб ўзини билган,  
Оллоҳнинг йўлида посбонлик қилган.  
Ҳам қўрқиб Оллоҳдан ёлворгани дам,  
Кўз ёшин шашқатор тўккучи одам.

\*

Қадрланг ўзаро дўст-биродарни,  
Эшитиб олинглар бу хушхабарни:  
Ҳеч биринг дунёда айлаган амал,  
Жаннатга киришга бўлолмас тамал.  
Ҳаттоки менинг ҳам, билсангиз агар,  
Жаннатга киришим, эй аҳли башар!  
Балки мағфиратли Оллоҳ Таоло,

Раҳматин ёғдириб чексиз баралло.  
Этгай неъматига муносиб восил,  
Муродимиз бўлгай ўшанда ҳосил.  
Яратган билгувчи қудратли, азим,  
Ўзига шукрона, ўзига таъзим.  
Қамтарин ғуломин қилмас ноумид,  
Келганда охират, ул рўзи сайид.

\*

Тез юриш кетказар мўмин чиройин,  
Эҳтиётлаб боссин заминга пойин.

Файзу карамини сўранглар Худо,  
Ёқтирар қилсангиз унга илтижо.  
Ибодатлар аро гўзалу афзал,  
Шодликни кутишдир билинг ҳар маҳал.

\*

Оллоҳдан сўранглар авф ва офият,  
Иймондан кейин ул энг яхши неъмат.

\*

«Фойдали илм бер менга, эй Худо,  
Ҳам айла самарсиз илмдан жудо»—  
Деб кимки сўраса агар ҳаётда,  
Шубҳасиз у одам етгай муродга.

\*

Оллоҳдан бенасиб киши ҳам мудом,  
Сени қувватлагай, эй дини Ислоом.

\*

Ҳақиқий мусулмон, динга фидокор  
Одамлар бўлишар доим рўзадор.

\*

Пиртқич ҳайвонларнинг этлари ҳаром,  
Билиб, емасинлар то элу авом.

\*

Бева-бечораю етим-есирга,  
Мискин камбағалу хору ҳақирга,  
Сахий зот қўлини чўзса доимо,

Эзгу хизматини унутмас Худо.  
Оллоҳнинг йўлида жиҳод айлаган,  
Ё кундуз рўзадан оғзин бойлаган,  
Ёки кечалари қилиб ибодат,  
Оллоҳдан сўраса ажру саодат,  
Насиби не бўлса охиратда гар,  
Сахий ҳам уларга эрур баробар.  
Эй худо, ўзингсан меҳрибон, ҳабиб,  
Этма бу қулингни охир хор, ғариб.

\*

Сахийлик мисоли жаннатий дарахт,  
Унинг шохларидан тутиш эрур бахт.  
Осилиб тургайдир фоний дунёга,  
Ким агар интилса нурга, зиёга.  
Жаннат дарахтининг тутса шохидан,  
У ўриш олгайдир беҳишт боғидан.  
Дўзахнинг дарахти эрур бахиллик,  
Тутса гар шохидан ҳар қародиллик.  
Осилиб тургайдир у ҳам оламга,  
Уни тутган боргай нақ жаҳаннамга.  
Сахийми, бахилми ўлган маҳали  
Икки ёнга элтар қилган амали.

Оллоҳнинг қуллари ювош, мулойим,  
Вазмину тамкинли бўлинг ҳар доим.

\*

Ютади босиқ ва мулойим инсон,  
Енгилтак, ҳовлиқма кўргайдир зиён.

\*

Оллоҳнинг ердаги соясидек шоҳ,  
Уни иззат-икром этмаслик гуноҳ!  
Ким уни хўрласа қилмай эҳтиром,  
Оллоҳни хўрлаган бўлади тамом.

\*

Маъқулми ёки йўқ келган фармонга,  
Итоат вожибдур ҳар мусулмонга.  
Агар гуноҳ ишга берилса фатво,  
Ундан бош тортмоқлик жоиз доимо.

\*

Оллоҳнинг ердаги исмидир «Салом»,  
Доим оғзингизда бўлсин бу калом.  
Саломлашиб юринг ўзаро аҳил,  
Салом беринг бўлса ҳар қандай маҳфил.  
Одамлар олдидан ўтаётган он,  
Салом берса агар шахси мусулмон.  
Улар ҳам саломга олишса алиқ,  
Аввал салом берган гуломи Малик,  
Билинг бир даража кўп олар савоб,  
Саломни эслатиб қилганда хитоб,  
Алик олишмаса улар мабодо,  
Ҳеч муслим бўлмасин бундан ғамзудо.  
Улардан афзал ва зоти саришта,  
Алик олишгайдир кўплаб фаришта.

\*

Ким ёлғон гувоҳлик берса лоф уриб,  
Оёғи заминдан қўзғалмай туриб.  
Оллоҳи Таоло этмай тараҳхум,  
У зотни дўзахга айлагай маҳкум.

\*

Одамлар ичида ашаддий ёмон,  
Уламо бўлсаю разил, беомон.

Уйланмай юради энг ёмон одам,  
Ҳаётда ўзига тополмай маҳрам.

Қорни оч гадолар қолиб беиззат,  
Берса ким тўқларга тўкин зиёфат.  
Топмагай у одам сира эҳтиром,  
Еган-едиргани бўлади ҳаром.

\*

Мулкнинг энг ёмони охир замонда,  
Қул асраш билингиз ушбу жаҳонда.  
Ҳам ёмон саналгай чайқову бозор,  
Улардан афзалдир масжиду мозор.  
Масжиду мозорда ўтиролмасанг,  
Уйингда ўтиргил бўлмасдан дилтанг.

\*

Оллоҳнинг номини қўйиб ўртага,  
Бир нарса сўрасанг бермай, жўрттага,  
Қидирса сабабу баҳона ҳар дам,  
Билгилки эл ичра у ёмон одам.

\*

Аҳли аёлига қизганчиқ, бахил,  
Бўлса ким, у ёмон одам эрур бил.

\*

Ким бўлса ашаддий бахил ва қўрқоқ,  
Ёвузлик тимсоли эрур у мутлоқ.

Тўнги ибодати мўмин шарафи,  
Тамасизлик эса иззат садафи.

\*

Қуруқликда шаҳид бўлса гар одам,  
Барча гуноҳлари топса ҳам барҳам,  
Бўйнида қоларкан қарзу омонат,  
Сувда шаҳид бўлса аҳли диёнат,  
Қолмай гарданида ҳеч қандай гуноҳ,  
Барини кечаркан яратган Оллоҳ!

\*

Сарвари оламга ёғилгай раҳмат,  
Шундай деб айтдилар қилиб марҳамат:  
«Худнинг... қиссасидан дилимда титроқ,  
Ҳамда сочларимга менинг тушди оқ...».

\*

Ширкдан иборатдир шайтоннинг иши,  
Унинг ҳамдамидир риёкор киши.

\*

Қарзини узмасдан ўлган ҳар одам,  
То қарзи узилиб топгунча барҳам,  
Гўрда кишанланган ҳолида ётар,  
Жаҳаннам ханжари руҳига ботар.

\*

Қариндош-уруққа қилинган эҳсон,  
Эҳсонлар ичида саналгай шоён.

Хуфёна қилинса хайру садақа.  
Оллоҳ ғазабини сўндирад таққа.

Таваккал қилувчи сифатим Аҳмад,  
Ёмонлик қилмасман ким бўлса ҳам бад.  
Аксинча кечириб ҳар ёмонликни,  
Топгайман оламдан мен омонликни.  
Яхшилик қайтариб яхшиликларга,  
Доим соҳиб бўлдим хушқилиқларга.  
Туғилган маконим муқаддас Макка,  
Бу ёруғ оламда ягона якка.  
Ҳижрат қилган жойим Мадина эрур,  
Шаҳарлар ичида сафина эрур.  
Умматим покиза, ҳамду саногўй,  
Калта иштон кийиб юришар хушрўй.  
Китоблари эрур пок дилларида,  
Доим эзгуликнинг маҳфилларида,  
Намозга саф тортса мисоли қўшун,  
Мен учун тўкишса жанг маҳали хун,  
Уларнинг мен учун қурбонлигидир,  
Оллоҳнинг йўлида посбонлигидир.  
Тунлари ибодат айлағай бедор,  
Уларга ҳамроҳдир пок Парвардигор.  
Адолат, ҳақ учун курашган эрлар,  
Уруш майдонида кундузи шерлар.  
Эзгулик байроғин тутиб қўлларда,  
Улар доим борар нурли йўлларда.

Қариндош-уруққа қилгувчи раҳм,  
Ҳар ишда хушхулқу ҳам эзгу фаҳм,  
Бўлсангу айласанг юртингни обод,  
Қўни қўшниларинг бўлса сендан шод,  
Беармон яшарсан ушбу дунёда,  
Умрингни савоби этгай зиёда.

Ўзингсан, Оллоҳим, қудратли, азим,  
Расулинг сўзини айладим назм.  
Хато, нуқсонидан сўрайман узр,

Минг шукр дилимга бағишладинг нур.  
Очтириб умидим ғунчасидан гул,  
Айла эътиқодим рамзидек қабул!  
Расулulloҳ сўзи маънавиятга,  
Гултож бўлиб қолгай абадиятга!  
Уқиб маъносини чақса ҳар инсон,  
Шубҳасиз, бўлгайдир дили чароғон!  
Кўзига ўзгача кўриниб олам,  
Иймон-эътиқодда бўлгай мустаҳкам!  
Буюк аждодлардек соҳибтафаккур,  
Фикрат олмосида тешганида дур,  
Ватан туйғусидан дил мулки обод,  
Ўзлигини англаб ёш соғлом авлод,  
Қатъий амал қилиб «Ҳадис», «Қуръон»га,  
Довруғи таралгай ёруғ жаҳонга!  
Улуғ Йўлбошчимиз айтгандек жондан:  
«Ватанни севмоқлик эрур иймондан!»—  
Бу ҳазрат Расули Оллоҳнинг сўзи,  
Бўлсин паноҳимиз Оллоҳнинг ўзи!  
Етсин ҳар бир инсон мурод-мақсадга,  
Юртимиз айлансин буюк давлатга!  
Элим, бугун сени тан олди жаҳон,  
Оллоҳга шукрона айтгай Олимжон!  
Шоядки ҳар банда таниб Худони,  
Тагига етса бу фоний дунёни!

1995 йил 24 ноябрь

---



## МУНДАРИЖА

Икки олам саодати ( <i>Сўз боши ўрнида</i> )	3
Муҳаммад Пайгамбар ( <i>Шеърӣй қисса</i> )	7
Ал-Бухорӣй ( <i>Шеърӣй қисса</i> )	135
Маънавият гултожи	215

## БҮРИЕВ ОЛИМЖОН

### МАЪНАВИЯТ ГУЛТОЖИ

Муҳаммад Пайгамбар, Имом ал-Бухорӣй  
ҳақида шеърӣй қиссалар ва  
Ҳадислар талқини)

*Тошкент «Ўқитувчи» 1997*

Таҳририят мудирӣ Х. Ҳайитметов  
Муҳаррир М. Аҳмедов  
Бадний муҳаррир Э. Нурмонов  
Техн. муҳаррир С. Турсумова  
Кичик муҳаррир М. Ҳошимова  
Мусаҳҳиҳ З. Фуломова

ИБ № 7278

Теришга берилди 17.09.97. Босишга руҳсат этилди 31.10.97. Формати 84×108/32. Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 16.80. Шартли кр.-отт 17.22. Нашр л. 18.21. 5000 нусхада. Буюртма № 77.

«Ўқитувчи» нашриёти Тошкент, 129. Навий кўчаси, 30. Шартнома 13-120-97.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл ижара китоб фабрикаси, Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1997.

**Бўриев О.**

**Маънавият гултожи:** Муҳаммад Пайғамбар,  
Имом а.л-Бухорий ҳақида шеърӣ қиссалар ва  
Ҳадислар талқини // Махсус муҳаррир: Шайх  
Абдулазиз Мансур /.—Т.: Ўқитувчи, 1997.—320 б.

ББК 86.38